

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 6(133)

2008 йил, июн

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

Рене Авилес ФАБИЛА. **Мириам. Қисса**.....5  
Муродбой НИЗАНОВ. **Ақчагул. Қисса**.....29

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Вильё КАЯВА. **Хаёл суринг тун оғушида** .....21  
Абдурахмон МУШФИҚИЙ. **Ғам туни албат ўтгай**.....100

### ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Азиз БОБОХОНОВ. **Истиклол туфайли қарор тошган ҳақиқат**.....106

### МОЗИЙДАН САДОЛАР

Мақсуд ҚОРИЕВ. **Абулқосим Фирдавсий ва Султон Маҳмуд Ғазнавий**.....117

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ. **Ёзувчилик — машаққатли меҳнат**.....121

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Абдуғафур РАСУЛОВ. **Ғаройиб салтанат**.....126

---

ТОШКЕНТ  
ИЮН

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ҳ. ЗИЯЕВ, М. ИСҲОҚОВ. Глобал фикрга жаҳоний қанот.....136

## САРГУЗАШТ, ДЕТЕКТИВ, ФАНТАСТИКА

Агата КРИСТИ. «Ал-Карнаку» кемасидаги қотиллик. Роман.....138

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпўлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:

**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Азиз САИД**  
**Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Бобур АЛИМОВ**  
**Эркин ВОҲИДОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖЎРАЕВ**  
**Минҳожиддин МИРЗО**  
**Абдурахим МАННОНОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Азимжон ПАРПИЕВ**  
**Ғайрат ШОУМАРОВ**  
**Тўлепберген ҚАЙПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Рустам ҚУРБОНОВ**

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 6. 2008.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди 23.06.2008 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1800 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2008 й.**

# Қирғизистон Республикаси Президенти **Қ.С.БАКИЕВ** Жаноби Олийларига

Муҳтарам Қурманбек Солиевич,  
Атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти – оғир жудолик тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим.

Чингиз Айтматов воқеликни бадиий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-туйғуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига ҳамиша дўсту қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди.

Мархумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

## **Халқимизнинг жон дўсти эди**

Қардош қирғиз халқининг улуғ фарзанди, атоқли замондошимиз, ўзбек халқининг севимли ёзувчиларидан бири, жаҳон адабиётининг таниқли намояндаси Чингиз Айтматовнинг вафоти ҳақидаги хабар вужудимизни ларзага солди.

Чингиз Айтматов ҳар бир ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Дастлабки йирик асари – “Жамила” қиссаси билан Мухтор Аvezов, Луи Арагондек улуғ устозлар назарига тушди. “Биринчи ўқитувчи”, “Момо ер”, “Сарвқомат дилбарим”, “Оқ кема”, “Эрта қайтган турналар”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби жаҳон қиссачилигининг нодир намуналарига айланган бетакрор асарлари билан дунёга танилди. “Бўронли бекат”, “Кунда”, “Кассандра тамғаси” (“Тавқи лаънат”), “Тоғнинг қулаши” (“Мангу келин”)

романлари жаҳон фалсафий романчилигини ўзига хос янги йўналиш билан бойитди.

Адибнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига юксак бадиий савияда таржима қилинди ва халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолди. Замондош адиблар орасида ҳеч бир ёзувчининг асарлари ўзбек адабиётида бу қадар кенг шуҳрат қозонмаган, десак муболаға бўлмайди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқининг садоқатли дўсти, асл биродари эди. Унинг халқимиз шаънига айтган самимий дил сўзлари, Миртемир, Зулфияхоним, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўлепберген Қаипбергенов, Абдулла Орипов ва бошқалар ижодига доир юксак эътирофи ҳали-ҳануз ёдимизда, дилимизда. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари, мустабид шўро тузуми жон таслим қилаётган бир пайтда, “ўзбек иши” деб аталган ноҳақ маломатларга қарши айтган жасоратли сўзлари, ўзбек маданиятини қадимий Византия маданияти билан қиёслаб ёзган оташин публицистик мақоласи ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Чингиз Айтматов муҳтарам Президентимиз Фармони билан “Буюк хизматлари учун” орденига сазовор бўлди. У қардош халқлар адабиётлари намояндalари орасида ушбу улуғ мукофотга мушарраф бўлган ягона адиб эди. Чингиз оға оғир хасталикка чалинганида давлатимиз раҳбари унга мактуб йўллаб, кўнгил сўраган, бу улуғ инсонга ўзининг, халқимизнинг эҳтиромини ифода этган эди.

Халқимизнинг шаън-шавкати баланд тутган доврўқли замондошимиз, қардош қирғиз халқининг асл фарзанди, жаҳон адабиётининг улкан намояндаси Чингиз Айтматовнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимиз тўрида яшайди.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси*

## **Улуғ адиб ёди**

XX аср адабиётининг беназир намояндаси, улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг вафоти таҳририятимиз аъзоларини ҳам чуқур қайғуга солди.

Севимли ёзувчимиз доимий муаллифларимиздан саналиб, унинг қатор асарлари, публицистик мақолалари журналимиз саҳифалари орқали ўзбек ўқувчиларига тўхфа этилганди. Айни пайтда унинг сўнгги – “Тоғлар қулаганда” (“Мангу келин”) асари таржимасига доир ишлар қизғин бормоқда эди.

Бетакрор адибимизнинг порлоқ хотираси қалбимиздан асло ўчмайди. У қолдирган дурдона асарлар эса биз учун жаҳон адабиётининг юксак намунаси бўлиб қолади.

*“Жаҳон адабиёти” журнали таҳририяти*

Рене Авилес ФАБИЛА

# Мириам

Қисса

**М**ириам уйига етиб келгач, дарҳол ичкарига кирди: у ҳеч қачон кўшнилар билан ёки хизматчи аёл билан лақиллашиб олиш учун тўхтамасди; саломлашди ва ўз салтанатини дунёдан ажратиб турувчи эшик ортида гойиб бўлди. Одамлар унинг доим ёлғизлигини, ҳамма вақт қаёққадир шошилиб жўнашини, ўзи эса гўзал ҳамда мағрурлигини, чиройли кийинишини кўриб турли хил тахминлар қилишарди: бу аёл — киноактриса, йўқ у телевидениеда ишлайди, э йўқ, у модалар уйида ишлайди; қўпчилик ҳатто унинг чиқишларини ўз кўзим билан кўрганман, деб қасам ичарди.

Мириам олиб келган ҳамма нарсасини — сут, нон, консерваларни ошхонадаги столга қўйди. Сўнгра ётоғига ўтди ва мўъжазгина чорпоя устида турган чироқни ёқди. У кўзни қамаштирадиган ёруғликни ёқтирмасди, тунги чироқларни — уларнинг хира ва майин ёғдусини хуш кўрарди; унга нимқоронғуликда, шикаста нур ва соялар қуршовида яшаш ёқимли эди. Сўнгра ошхонага қайтиб келди ва совутгичга сутни қўяётиб кимдир ёзув машинкасини чиқиллатаётганини эшитди. Кўшнилardan кимдир, талабами, ёзувчими бўлса керак. Йўқ, жуда яқинда чиқиллатишяпти, бундай аниқ овоз бошқа хонадондан келиши мумкин эмас, Мириам совутгични ёпди. Ёзув машинкасининг чиқиллаши сира тинмасди, яна яқин жойда. Овоз худди унинг меҳмонхонасидан келаётгандай. Мириам ошхонадан туриб қаради. Унга қандайдир эркак киши — у фақат шарпасинигина ажрата олди — ўтириб машинкада ёзаётгандай туюлди. Лекин Мириамда машинка ҳам, ёзув столи ҳам, бунақа катта китоб жавони ҳам — ҳозир кўриб турган нарсаларнинг ҳеч қайсиси ҳеч қачон бўлмаган. У нимқоронғи хонада ўзига орқасини қилиб ўтирган жинси шим ва кўк-қизил катак кўйлақдаги ёш йигитни аниқ кўрди, у машинкадан қоғозни чиқариб олаётганди. Мириам унинг юзини кўролмади. Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ: кимдир унинг уйига кириб олган, ахир унинг кўзлари алдамайди-ку, бу туш ёки хаёл эмас-ку. У иккиланган кўйи юқоридаги чироқни ёқди. Ҳаммаси бир зумда гойиб бўлди. На ёзув столи, на машинка ва на китоб жавони бор. Ҳаммаси илгаригидай: замонавий пардалар ва йигитни қуршаб турган қадимги буюмлар ўрнида ўриндиқлар.

*Русчадан  
Азиз САИД  
таржимаси*

Рене Авилес ФАБИЛА 1940 йилда Мехико шаҳрида туғилган. Мутахассислиги бўйича халқаро ҳуқуқшунос. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб асарлари эълон қилина бошлаган. Уни дунёга машҳур қилган асарлари: “Ўйинлар” (1967), “Қиёмат сари” (1969), “Ёмғир гулларни ўлдиролмайди” (1970), “Саройдан чиққан буюк дарвеш” (1971), “Голливуднинг йўқолиши” (1973). Шунингдек “Уйга қайтиш”, “Бўри одам”, “Мириам” сингари қиссалари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

5

Мириам бунга ортиқча эътибор бериб ўтирмади. Восвос касаллиги-ку унга бегона, лекин кинолар ва у ўқиган китоблар, якка-ёлғиз аёлнинг ўй ва изтироблари, унинг узоқ вақт хаёлга қаттиқ берилишлари соҳир орзуларини кўзига мавжуд ва эришилгандай қилиб, суратлар шаклида кўрсатиши мумкин. У Касарес<sup>1</sup>нинг бир неча фантастик ҳикоясини эслади: масалан унинг “Паулина” ҳикоясида ўтган асрлардаги манзараларни, аллақачон йўқ бўлиб кетган нарсалар ва мавжудотларни инсон хаёлан қайта яратиши мумкинлиги ҳақида гап боради. Бироз ўтиб, Мириам бу нарсалар ҳақида ўйламай қўйди, у ишда ўлгудай чарчаганлиги учун ухлагани ётди.

Ҳаммаси унутилиб, орадан бир неча кун ўтгач, Мириам кечқурун уйга келиб ётоқхонасида чироқ ёниб турганини кўрди; қандайдир сирли нур бошқа хоналарни ҳам ёритиб турарди. Бироз иккилаб ичкарига кирди, у бойлик излаб ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ётган ўғрини кўрсам керак, у бойлик излаб ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ётган ўғрини кўрсам керак, деб ўйлаганди. Лекин меҳмонхона худди у илгари машинкада ёзаётган йигитни кўрганидаги жижираланган эди. Бу сафар оёқ остига ям-яшил гилам ҳам тўшалибди. Айниқса китоблар унинг диққатини жалб қилди, китоб ҳаддан ташқари кўп эди. Ётоқдан шовқин эшитилди, у оёқ учида ўша томонга юрди, қадам товуши юмшоқ, қалин гиламда ютилиб кетмоқда эди. У ерда гилос ёғочидан ясалган, ўриндиғи чирмовуқдан тўқилган тебранма курсида кимдир чайқалиб китоб ўқиб ўтирарди, китоб унинг юзини тўсиб турарди. Мириам секин унга яқинлашди. Йигит китобни туширди ва Мириам бир лаҳза бўлса ҳам унинг юзини кўришга улгурди. Йигит ва уни ўраб турган ҳамма нарса кўздан йўқолди, фақат курсининг тебранишидан чиққан овоз бир неча дақиқа ҳавода акс-садо бериб турди.

Мириам энди бу ёзувчини (йигитнинг ёзувчи эканлигига у шубҳа қилмасди) юзидан таний олади: йигирма саккиз ёшларда, сочлари қора, юзи истараликкина, хотиржам боқувчи кўзлари порлаб туради. У ўз таниш-билишлари орасидан унга ўхшайдиганини эслай олмади.

Кейинги ҳафталарда ҳеч қандай янгилик юз бермади. Мириам ўша, кўзга кўринган манзаранинг такрорланишини жуда хоҳларди, шунинг учун кўпинча уйда бўлишга ҳаракат қилди, барибир бефойда. У китоб дўконларидан излаб кўришга қарор қилди, нимани излаётганлигини ўзи ҳам яхши тушунмасди. Адабий журналларни варақлар, муқоваларини кўздан кечирарди — балки хонасида кўрган йигитнинг сурати чиқиб қолар. Лекин ҳаммаси бегона чехралар ёки машхур ёзувчиларнинг сурати эди. Уйига қайтаётиб хизматчи аёлни учратди, у бу ерда яшовчиларнинг шахсий ҳаётини ипидан-игинасигача биларди. Мириам ундан йигитни суриштириб кўрди, у илгари ҳақиқатан ҳам бу уйда бир ёш йигит яшаганини, хомушлигиданми, тундлигиданми доим жим юришини, кўчага ахён-ахёнда чиқишини, доим бир олам китоб кўтариб юришини айтди.

— Биласизми, хоним, менимча у ёзувчи эди, чунки машинка чиқиллаётгани доим эшитилиб турарди.

Мириам хизматчи аёл айтган исмни эслаб қолди, унинг уйига тез-тез келиб турадиган хатларда бу исмни учратган эди, лекин у конвертлар билан қизиқиб ўтирмас, изига қайтариб юборар ёки дарбонга қолдирарди. Навбатдаги хат келганда манзилини ўқиди: Хуан Пабло Касалга. Минотауро 509-4. Мексика.12, Марказ. Муаллифи —

<sup>1</sup> Касарес Бьой (1914 йилда туғилган) — Аргентина ёзувчиси.

аёл киши. Мириам хатни очмоқчи бўлди. Конвертни бузмасликка шунча ҳаракат қилса ҳам бўлмади, йиртилди. У хатни очаётиб шундай хижолат чекдики, гўё бировнинг нарчасидан фойдаланаётгандай, ўғирлик қилаётгандай сизди ўзини. Мириам ўзининг қаршисида пайдо бўлиш қудрати ёхуд сеҳрига эга бўлган, шу уйдан кетиб, шу уйда қолган кишининг шахсий ҳаётига аралашаётган эди. Пабло Касал хоҳлаган ҳар дақиқада пайдо бўлиши ва унинг қилмиши учун жавоб талаб қилиши мумкин эди, буни Мириам ҳис қиларди. Йўқ уни ҳеч ким безовта қилмади. Хат Лили Мюратдан эди, у жавоб ёзишини ўғиниб сўраганди. Орадан бир йил ўтган бўлса ҳам, у ҳақда ҳеч нарса билмаслигидан ҳасрат қилганди. У ҳеч бўлмаса бир неча сатр хат ёки телеграмма билан жавоб беришни ўтинган эди. Сўнгги бор учрашишганига анча вақт бўлган бўлса ҳам, ҳамон уни севишига қасам ичганди. Ҳаяжон билан, асабий ёзилган, кўнгили урадиган даражада хунук дастхат, деб ўйлади Мириам. Ишқилиб бу мактуб Хуан Пабло ҳақида бирор хабар эшита олмаётган аёлнинг беқийёс соғинчу изтиробларидан дарак бериб турарди. Хат Гаванадан келган эди.

Мириам мактубни ўзининг шахсий қоғозлари орасига яшириб қўйди ва орадан кўп ойлар ўтса ҳамки Хуан Пабло Касални кўра олмади, ҳолбуки у буни жуда истаётган эди. Аммо бир куни тунги соат учларда ўзи ухлаб ётган хонада кимнингдир бесаранжом ҳаракат қилаётганини сизди, гўё биров ухлай олмай ғазаб билан ўрнида у ёқдан-бу ёққа ағанаётгандай эди. Лекин каравотда ёлғиз унинг ўзи ётганди; Мириам ўрnidан қимирламасдан қоронғиликка диққат билан тикилди. Қараса, ётоқда яна битта каравот турибди. Мириам секин қўлини чўзиб чироқнинг тугмачасини босди. Хона нурга тўлди. У каравотнинг устидаги ғижимланган чойшабларга кўз ташлади; бошининг тепасида, деворда Босханнинг “Ҳузур-ҳаловат боғи” триптихидан ҳамда Ремедиос Варо, Рене Матритт ва Кичик Брейгелнинг суратларидан кўчирилган нусхалар осиелиқ турарди, ерда эса бир неча китоб сочилиб ётарди.

Мириам ўрnidан туриб хонанинг ўртасига келди. Брейгелнинг “Исёнкор фаришталарнинг қулаши” асарини томоша қилди. Овозлар энди меҳмонхонадан эшитила бошлади, кимдир буюмларни тарақлатиб юрарди. Мириам меҳмонхонага кирди. Хуан Пабло Касал — ҳа, бу худди ўшанинг ўзи эди — баҳайбат китоб жавонидан ниманидир изларди.

— Сиз кимсиз? Бу ерда нима қиляпсиз? — дадилланиб сўради Мириам.

Йигит гўё ҳеч нарсани эшитмаётгандай эди, у қандайдир китобни излаётганди, ҳаракатларидан жуда ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. У китобни топгач, варақлади ва саҳифаларидан бирига тикилиб қолди. Қиз унинг юзини кўролмади, чунки у Мириамга орқа ўгириб турарди. Йигит голибона қўқчириб юборди ва машинка қопқоғини олиб ташлаб, тез-тез чиқиллатишга тушди.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз Хуан Пабло Касалмисиз?

Машинканинг чиқиллаши қизнинг хаёлидагина эшитила бошлади ва қизнинг кўз ўнгини қуюқ бир туман қоплади. Мириам уйғониб — бу вақтда куёшнинг ўткир нурлари парда ораларидан хонага сизиб кираётганди, — тунда юз берган воқеани эслади. Иккинчи каравот турган томонга қаради, нигоҳи билан суратларни, катта китоб жавонини, ёзув машинкасини излади... Лекин фақат ўз буюмларини, одатдаги жиҳозларни кўрди, холос. Касалдан ном-нишон йўқ

эди; сўнгра у китоб дўконларидан бетиним ахтарганим, хизматчи аёл билан суҳбатлашганим, хатни очиб ўқиганлигим натижасида туш кўрганман, умуман ўша йигитни кўп эслайдиган бўлиб қолибман ўзи, деб ўйлади. Ҳар ҳолда бу туш эмас эди, юз берган воқеа жуда аниқ, шундоққина кўз ўнгида турибди, ахир. Қиз қандай қилиб яна ўз ўрнида пайдо бўлиб қолганини эслолмади, холос, қолганлари аниқ — қўл билан ушлаб кўрса бўладиган даражада мавжуд эди. Воқеа овоз эшитилганидан бошлаб то қизнинг унга савол бергунига қадар шундай мантиқий равишда ривожландики, орада бир дақиқа ҳам узилиш ёки чалкашлик бўлмади.

— Мантиқий ва бехато воқеалар ривожи, — деди қиз овозини чиқариб.

Кейинги кунларда Мириам жуда банд бўлди. Реклама агентлигидаги иши уни бутунлайича ютиб юборгандай эди. Барибир у йигитни тез-тез эслаб турди ва турли хил тахмину тасаввурларга асосланиб, унинг ҳаёт йўлини ўзича тиклади. Менимча, бу йигит илгари шу уйда яшаган Хуан Пабло Касалнинг ўзи бўлса керак. У — ёзувчи; жиҳозлар, китоб ва суратлар ҳам унинг нарсалари. Гўё уй унинг хотирасини, вақти-вақти билан пайдо бўладиган тимсолини, қиёфасини сақлаётгандай, ҳаётининг унутилмас онлари бўлган адабий фаолиятига қайтадан жон бағишлаётгандай эди. У олий маълумотли, хизматчи аёл айтганидек, одамларга аралашмайди, кўп саёҳат қилган, Лили Мюратнинг хатлари ҳам бунга исбот бўла олади; у қиз билан Кубада танишганига шубҳа йўқ.

Мириам яна китоб дўконларидан излашга тушди. У пештахта ва тоқчаларда турган, бадий адабиётга оид ҳамма нарсани диққат ва чидам билан варақлаб чиқди. У энди йигитнинг исмини билар, сотувчилардан унинг асарларини сўраши мумкин эди. Лекин Хуан Пабло Касал ҳақида ҳеч ким эшитмаган экан. Бир дўконда катта рўйхатни титкилаб чиқди, бу ҳам ҳеч қандай натижа бермади. У ташналик билан излаётган исм ҳеч қаерда учрамасди. Бу уни ҳаддан ташқари гангитиб қўйди. Бир хушмуомала ва кўнгилчан сотувчи, ҳали у йигит асарларини адабий журналларда ва тўпламларда чиқариб юргандир, алоҳида китоб қилиб нашр эттиришга улгурмагандир, деб айтди. На илож, Мириам учун ягона йўл қолди. У бу тоифа ёзувчилардан бирортасини ҳам билмаслигидан афсусланди.

Мириам яна хизматчи аёлнинг ёнига борди.

Ундан ҳам бирор янгилик эшитолмади. Лекин бир воқеа уни ҳайратда қолдирди. Хуан Пабло Касал кетаётган жойини ҳам айтмай, бирорта ҳам манзил қолдирмай уйдан тўсатдан ғойиб бўлган. Кунларнинг бирида у нарсаларини йиғиштирган ва икки соатдан сўнг уйни бўшатган. Хатларни олиш учун ойда бир марта ўзи келишини айтган, холос.

— У-чи, хоним кетганидан буён фақат бир марта келди.

Мириам нима қилишини билмасди; у тунлари Хуан Паблони ахтариб хонама-хона бедор юриб чиқар, ҳеч бўлмаса машинканинг чиқиллашини эшитаман деб умид қиларди, лекин ҳаммаси бефойда эди. Бир куни ҳамкасабларидан бири туғилган куни муносабати билан бўладиган зиёфатга уни таклиф қилди. Мириам зерикаётган эди, кинога боргиси ҳам, китоб ўқигиси ҳам келмаётганди. У меҳмондорчиликда кўнглим ёзилар деб ўйлади.

Мириамнинг кўзи бошқалардан ажралиб турган, таниш чехрага тушгунга қадар даврадан даврага ўтиб юрди. У ғайриихтиёрий равишда жилмайди, лекин унинг жилмайиши жавобсиз қолди. Мириам ҳайрон бўлди, юзи жуда ҳам таниш бўлган бу одамни у илгари қаерда



кўрганикин-а: мактабдами, аввал ишлаган жойидами... Эслади! Тўсатдан, қандайдир ғайришуурий бир туйғунинг кучи билан: унинг хонасида пайдо бўлган ана шу-ку, ана шу Хуан Пабло Касал, қизиқ, фақат энди бу ерда, шунча одамларнинг орасида, чироқларнинг кўзни қамаштирувчи ёруғида... Қиз хавотирланиб – у яна кўзга кўринаётган бўлиши ҳам мумкин-да – йигитга яқинлашди.

– Салом.

– Салом, – деди у бироз ҳайрон бўлиб.

– Мени танияпсизми?

– Кечирасиз, нагадир таниёлмай турибман.

Мириамнинг ҳафсаласи пир бўлди, буни яшириб ҳам ўтирмади.

Атрофда хурсандчилик авжига чиқаётган эди.

– Буни қаранг, – деди Мириам бироз ўзини қўлга олиб, – мен эса сизни жуда яхши биламан. Исми шарифингиз Хуан Пабло Касал, ёзувчисиз, Минотауродаги беш юз тўққизинчи уйнинг тўртинчи хонасида яшагансиз. Шундай эмасми?

Йигит ҳайратланиб унга тикилди. Нега энди умрида бирор марта кўрмаган бу аёл – хотираси ҳам чакки эмас – у ҳақда шунчалик кўп нарса нарса билади?

– Шундай, лекин сиздан узр сўрашим керак: мен... сизни биринчи марта кўриб турибман.

Мириам жилмайди. Йигит ҳақ эди, қиз ўзини ўнгаймас сизди. Ноқулай вазиятдан чиқиш учун деди:

– Шунга билиб қўйингки, мен Шерлок Холмсинг шогирдиман; қаршимдаги одам ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш учун унга бир бор кўз ташласам кифоя.

Мириам Хуан Паблонини иш устида ҳам, китоб ўқиётганда ҳам кўрган эди, унинг одатларини ҳам, тасвирий санъатга қизиқишини ҳам биларди, шу боисдан йигитдан тортинмасди, ҳазиллашишга ҳам ботинарди.

– Юринг, четроққа чиқамиз, ўша ерда гаплашаверамиз. – Хуан Пабло йўл бошлади.

– Ҳаммасини бир бошдан эшитишни хоҳлайсизми?

– Албатта-да.

– Кулмайсизми?

– Кулмайман.

Гала-говурдан имкони борича узоқлашиб, залнинг охирига боришди ва суҳбатлаша бошлашди. Хуан Пабло ҳайратда эди. Мириам кўзига кўринган нарсалар ҳақида батафсил гапириб бергач, йигит жилмайди ва устимдан кулмаяптимикин, деб унинг кўзига тикилди.

Ниҳоят, у бу воқеа жуда ажойиб, ҳатто илми ғайб ҳодисаси эканига иқдор бўлди ва зўр бир фантастик ҳикояга сюжет бўла олишини ўйлади.

– Тушунарли, мен у ерда узоқ, қарийб беш йил яшаганман, лекин огоҳлантириб қўяйки, мен инсон танаси маълум бир жойда ўзидан чиқариб қолдирадиган нурларга ҳам, руҳий қувватларга ҳам ишонмайман, руҳу арвоқларга ҳам ишонмайман, ашаддий моддийончиман. Лекин санъатнинг кучига ва севгининг сеҳрига ишонаман. Буни қаранг, болалигимда ярим одам, ярим ҳайвон ёки хаёлий махлуқларнинг борлигига, уларнинг кўзга кўринишига қаттиқ ишонар эдим. Чиройли, нозиккина бир қизча сабаб бўлди-ю, кўзга кўринадиган махлуқлардан жоним тинчиди-қўйди.

– Энди эса қарашларингизни ўзгартиришга ва мен айтган гапларнинг ҳаммасига ишонишингизга тўғри келади. Қасам ичаман, мен сизнинг мавжудлигингизни ва китоб ёзишингизни қандай айтган

бўлсам, ўшандай кўрганман ва билганман, сиз билан мана шу зиёфатда эканлигимиз ва гаплашаётганимиз қанчалик ҳақиқат бўлса, айтганларимнинг бари шундай ҳақиқат. Мен битта нарсани ҳеч тушунолмасдим, саволларимга жавоб бермасдан, мени пайқамасдан сиз нега, қандай қилиб гойиб бўлардингиз? Сиз ўзингизнинг ёзувчилик ишингизга бошингиз билан шўнғиб кетган эдингиз.

– Шундай гўзал қиз сен билан гаплашиб турган пайтда бунақа нарсаларга, ҳатто адабиётга ҳам эътиборни қаратиб ўтириш ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Демак, мўъжиза учун, Минотаурадаги хонадонлардан бирида мен вужудимнинг нурларини қолдирганим учун ичиш керак, балки ўша менинг соямдир. Гарчи соям шу ерда бўлса ҳам қаранг, у туфлиларингизга тушиб турибди.

Иккаласи барабар кулиб юборди.

– Сиз ҳеч қачон кулмайдиган, жиддий одам бўлсангиз керак, деб ўйловдим, – деди Мариам.

– Менинг руҳим жиддий, ўзим эса ҳазилкаш ва қувноқ одамман. Нима деб аталишини билмайман-у, лекин ўша гайритабиий воқеа туфайли сиз билан танишиш имкониятига эга бўлганимга қаттиқ ишонаман. Юринг, бирор нарса ичамиз.

Улар ичишди. Сўнгра яна ичишди ва атрофдагиларни бутунлай унутиб, рақсга тушишди. Иккаласи ҳам ҳаяжонда, бошларини бири-бирининг елкасига қўйган қўйи рақсга тушарди. Сўнгра “сиз”ни “сен”га алмаштиришди, сўнгра ўзларининг ҳавас ва қизиқишлари ҳақида гаплашишди. Мириам зиёфатга келганидан бахтиёр эди. Хуан Пабло эса шундай латофатли, гўзал аёлни қучиб туриб, ўзига омад кулиб боққанлиги ҳақида ўйларди.

Соат иккига занг урди, Мириам аторофга аланглади: меҳмонлар жуда оз қолган эди.

– Кеч бўлди, шекилли. Кетиш керак.

– Сени кузатиб қўйсам майлими?

– Мен машинадаман.

– Мен эса пиёда, барибир сени кузатиб қўймоқчиман. Менинг аввалги – сенинг ҳозирги уйинггача бораман-да, кейин сен билан хайрлашаман, яшайдиган жойим унча узоқ эмас.

– Менимча, бу ажойиб бўлади.

Машинада кетаётиб Мириам, нега у хатларини олмаслигини сўради.

– Ўзим ҳам билмайман, балки вақт бўлмагандир, балки эрингандирман, ким билсин.

– Сен бирорта муҳим хат кутаётганинг йўқми?

– Назаримда, йўқ.

– Биласанми, – деди Мириам биров ўнғайсизланиб, – мен сенга келган хатлардан биттасини очдим. У Гаванадан, Лили Мюрат исмли аёлдан келган экан.

– Бунинг аҳамияти йўқ, қайтага бу хат сени бориб кўришимга баҳона бўлади.

Мириам машинани тўхтатди.

– Баҳона қидириб юрасанми... Хоҳласанг, ҳозир кириб, хатни олишинг мумкин...

Хуан Пабло унинг лабларидан ўпди, ўпишиш узоқ давом этди. Ниҳоят, қиз янги дўстининг овозини эшитди:

– Ҳа, мен сенинг уйингга киришни хоҳлайман.

Етиб келгунча Хуан Пабло уйини нега ўзгартирганини, китобларни жойлаштиролмай қийналганини айтиб берди ва қўшни аёл ҳақида сўради.

– Сенинг тепангдаги уйда яшайди. Жуда ажойиб аёл. Кичкина қизалоғи бор. Эри йилда бир келади ва хиёнат қилмаслиги учун дўппослаб кетади.

– Менимча, у ҳозир бу ерда яшамаса керак.

Мириам эшикни очди ва Хуан Паблога йўл берди.

– Ҳамма нарса ўзгариб кетибди!

– Биладан. Мана бу ерда катта китоб жавони турарди, мана бу ерда ёзув машинкаси, бу деворда, агар адашмасам, Матрит, Ремедиос Варо ва Брейгелнинг суратларидан кўчирмалар осилган, гилам эса ям-яшил бўлган.

– Ишонгинг келмайди! Ҳақиқатан ҳам ишонгинг келмайди! Ахир мен бу ерда яшаганимда ҳаммаси шундай эди.

Мириам виски чиқарди ва стаканларга оз-оздан қуйди, улар ўтиришди ва тонгача адабиёт, кино, мусиқа, тасвирий санъат ҳақида, ўзлари борган мамлакатлар ҳақида гаплашиб ўтиришди. Гоҳ Хуан Паблонинг ҳайратланарли равишда пайдо бўлиб қолганлигини эслашса, гоҳ дарҳол ўзлари учун мўъжизавий бўлиб туюлаётган умумий мавзуга қайтишарди.

Кўёшнинг ўткир нурлари деразадан хонага қуйилиб киргач, электр чироғининг нури хиралашиб қолди, Мириам ҳар кун такрорланадиган одатий гапни айтаётгандай табиий бир оҳангда ётиб ухлашни таклиф қилди. Хуан Пабло рози бўлди ва гўё енгил кийимини топмоқчи бўлгандай, ҳазиллашиб шкафнинг эшигини очди.

– Эҳ, аттанг! Фақат аёлларнинг тунги қўйлаклари. Қани энди қачонлардир шу ерда осиелиқ турган менинг қўйлақларим пайдо бўлиб қолса. Кўряпсанми, нарсаларнинг бир лаҳзада пайдо бўлишининг ўзи етмайди, улар узоқ вақт сақланиб ҳам туриши керак экан. Биласанми, менинг бир фаройиб одам ҳақида ҳикоям бор: у нимани кўз олдига келтирса, у шу ондаёқ пайдо бўлади. Бирор вақт сенга ўша ҳикояни ўқиб бераман.

– Ажойиб экан. Жон деб эшитган бўлардим.

Улар кулишди, сўнгра ётиб, дарров ухлаб қолишди.

Соат бирлардан ошганда Хуан Пабло уйғонди ва Мириамга тикилиб қолди. У узоқ вақт қиздан нигоҳини узолмади. Қизнинг қизғиш-бугдойранг баданига, қоп-қора сочларига қараб завқланарди. Мириам унинг нигоҳини ҳис қилди ва кўзини очди.

– Сен энди тасаввур эмассан, сен тириксан.

Қиз уни бағрига босди ва ўпди. Оҳиста суйиб-эркалалашлар ўрнини қайноқ эҳтирос эгаллади, Хуан Пабло кийимларини ечиб улоқтирди, Мириам ҳам оддийгина ҳарир қўйлагини ечиб ташлади. Улар юзларини юзларига босиб, бўсаларга кўмилиб узоқ ётишди ва лов этиб ёндирадиган чақинни кутган ҳолда муҳаббатнинг ширин оташига секин-секин фарқ бўлишди. Кутилган лаҳза етиб келди ва улар ҳайратланарли бир фароғатга тўлиб-тошган ҳолда бир-бирларининг кучоқларига сингиб кетишди.

Хуан Пабло ўз уйига қайтиб келди. Бунини Мириам хоҳлади. Чунки у энди Хуан Паблосиз яшай олмасди.

– Агар сен шу ерда бўлсанг, бу уй менинг салтанатим бўлади. Сенинг уйма-уй изғиб юрадиган соянг энди менга камлик қилади, сен менга тирик, бор бўй-бастинг билан кераксан.

Хуан Пабло йўқ демади ва бир куни кечга томон сумка тўла китоб ва ёзув машинкасини кўтариб кириб келди, машинкани у кичкина чорпоёга ўрнатди.

Энди улар бирга эдилар. Мириам ҳар доимгидай ишга борар ва кеч соат олтидан кейин қайтиб келарди. Шанба ва якшанбаларда куни

бўйи уйдан чиқишмасди. Мириам бир хилда кечаётган ҳаётларига ўзгариш киритмоқчи бўлди: у тушликни ҳам бирга қилишни истаган эди.

– Сен менинг ишхонамга келсанг бўларди.

Лекин Хуан Пабло бунинг хоҳламади.

У ишга кетган пайтда Хуан Паблонинг нима билан шуғулланиши Мириамга сир бўлиб қолди. Қиз кетаётганда у машинкага ўтирар, қайтганида ҳам худди ўша ҳолатда кўрарди, гўё йигит куни бўйи ўрнидан турмагандай туюларди. Лекин Мириам бундай эмаслигига, йигит доим ишламаслигига ишонч ҳосил қилди. Бир куни эрталаб саҳифанинг рақамига қаради: бир юз йигирманчи; кечкурун Хуан Пабло тишини тозалагани чиқиб кетганида машинкада юз йигирма биринчи саҳифа турганини кўрди, у ҳам ярмигача ёзилган.

– Бугун кўп ишлай олмабсан-а? – деди у хонага қайтиб кирган Хуан Паблога синовчан назар ташлаб.

– Ҳа, мен ўқидим. Ўқиш – бу ёзувчи учун озиқ. Мен оч эдим, ҳозир ҳам очман, сени еб қўяман...

У Мириамга ташланди, қувноқ “кураш” бўлди. Йигит ўзини тишламоқчидай қилиб кўрсатди. У эса йигитнинг қўлидан чиқиб қочтишга ҳаракат қилди. Хуан бирданига ўйинни тўхтатди ва телевизор томон юрди.

– Эсимдан чиқай дебди, ахир, мен Эдит Питер ҳақидаги кўрсатувни кўрмоқчи эдим-ку.

Хуан Пабло телевизорни созлади, Мириам эса ўзининг саволига йигит жавоб бермаганини ўйлади. Юрагига шубҳа ўрмалади. Хуан Пабло француз кўшиқчисига бағишланган кўрсатувни кўргунча, у йўқ пайтида йигит нима билан шуғулланиши мумкинлигини ўзича тахмин қила бошлади, бу ҳақда ўздан сўрасам ноқулай бўлмасми-кан деб ўйлади. Ахир у Хуан Пабло Касалнинг кимлигини билмайдими-ку. Унинг фақат нима иш қилишини, нима билан шуғулланишини, севишини оз-моз билади, холос. У илгари уйланганми, болалари, ота-онаси борми, нима ёзганми? Хўш, буларни суриштириб аниқлашнинг ўзида бирор маъно борми? Ахир, қизнинг ўзи уни бу ерга келишга, бирга яшашга таклиф қилди-ку, бирорта савол ҳам бергани йўқ. Айниқса, энди савол бериб ўтиришнинг маънисини йўқ. Асосий нарса унинг таржимаи ҳоли эмас, унинг шу ерда эканлиги. Барибир қиз секин-секин, эҳтиёткорлик билан сўраб-суриштира бошлади, унинг сеvimли кишини ҳақидаги ҳамма нарсани билгиси келарди. Хуан Паблода эса Мириамнинг ўтмиши ҳақида билиш истаги йўқдай кўринарди, маълум бўлишича, у ҳамма нарсдан хабардор экан.

– Романинг қандай кетяпти? – бир куни кечки оқватдан сўнг идиш-товоқларни бирга ювишаётганда сўради Мириам.

– Ёмон. Озгина силжиди, холос. Ақлинг бовар қилмайди, сюжети-ни бошдан охиригача ўйлаб чиқдим, қаҳрамонларимнинг ёшини, характерини, келиб чиқишини, кўринишини, ҳаммасини биламан... Лекин иш жойидан силжимади. Бош оғриқнинг ўзи, романи ёза бошлаганимда сен бу уйда яшамасдинг, ота-онангнинг ёнида эдинг, журналистикани ўрганаётган ва қандайдир Педро Ривасининг қаллиги эдинг. Мана, қачондан буён бунинг устида тиришиб ётибман. Менимча, энг асосийси – керакли оҳангни топиш, романинг услубини танлаш.

Хуан Пабло ниҳоясига етмаган иши ҳақида роса гапирди. Мириам ўзини эшитаётгандай қилиб кўрсатса ҳам Хуан Паблонинг Педрони қаердан билишини, унга бу ҳақда ҳеч нарса демаганини ўйларди.

Ҳақиқатан ҳам Мириам ўзи ҳақида ҳеч қачон, ҳеч нарса демаган, бу ҳақда гап кетганда ноаниқ бир ишоралар билан чекланган эди. Ўзи бунга ҳожат ҳам бўлмаганди: уларнинг иккаласи ҳам шахсан ўзларига тегишли бўлмаган мавзуларда суҳбатлашишни маъқул кўришарди. Мириам Хуан Паблонинг сўзларини ҳеч англаёлмаётган эди. У эса ўз романи ҳақида берилиб гапирарди.

Улар уйларида аҳён-аҳёнда бирга чиқишарди. Фақат кинога ёки китоб дўконига боришарди, холос. Ҳа уларнинг ўзлари айтганидай атрофдаги воқеликка чуқур киришиб кетишнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

— Шу деворлар қуршовида қамалиб ўтириш бизни ҳозирги ифлос жамиятдан қутқаради. — Дарҳол қўшиб қўйди: — Биласанми, Мириам, мен ўзимни ҳозирги замоннинг одами деб сира ҳис қилолмайман. Бугунги воқелик мени даҳшатга солади. Замон расво бўлди. Мен китоблардан ўқиб билган илгариги даврларни, ўтмишни соғинаман, агар термоядро уруши йўқ қилиб юбормаса, инсониятни ажойиб келажак кутяпти, ўша кунларда яшай олмаслигим алам қилади.

— Менда ҳам қарийб шунақа туйғулар кечади. “Қарийб” деяпман, чунки мен ана шу воқеликка, шу мамлакатга ва шу жамият тузумига қўникканман.

— Мен ҳеч қачон қўниқолмасдим. Бу ноқис, номукамал жамиятдан мен ҳеч нарса олмайман ва уни ўзгартириш учун ҳам ҳеч нарса қилолмаслигимдан афсусланаман. Адабиёт билан эса инсон тасаввур қилиш, хаёл суриш туйғусини йўқотмаган ҳолда ўзлигини англаши, топиши мумкин бўлган мўъжизавий бир дунё яратиш учун; вақт, ҳаёт ва ўлим билан ўйнаш мумкин бўлган, имконсиз нарсаларни ҳам амалга ошириш мумкин бўлган бошқача дунё яратиш учун шуғулланаман; мен худога ўхшаб ўз шаклу шамойилига эга, аниқроғи, ўзимдан ҳам мукамалроқ жонли мавжудот яратишни хоҳлайман.

— Бунга ҳақиқатдан қочиш деб айтадилар.

— Биламан, — Хуан Пабло ғамгин жавоб қилди.

Мириамда унинг ўтмишига нисбатан бироз гумонсираб қараш майли бўлсаям, ўзини у чин дилдан севишига асло шубҳаланмасди. Мириамга унинг севгиси мўъжизадай туюларди, балки бу сўз қулоққа сийқароқдай эшитилар, лекин уни бошқача номлаб бўлмайди; баъзан қиз бирданига ўйлаб қоларди: айнан шу севги туфайлигина Хуан Пабло хаёлий, кўзга кўринадиган шаклдан реал, мавжуд инсонга айланди, зиёфатдаги учрашув эса мантиқий муқаррарлик натижаси, яъни юз бериши шарт бўлган воқеа эди.

Кунлар ўтиб борарди, лекин уларнинг оташин муҳаббатлари заррача сусайгани йўқ. Мириам ҳар куни ўзини ишга боришга мажбур қилар, у ерда вақтнинг тезроқ ўтишини, Хуан Паблонинг ёнига тезроқ қайтишни сабрсизлик билан кутарди. Йигит эса кўп ёзарди, энди ишлари ҳам жўнашиб кетганди. Бир куни у қарийб тугаб қолаётган бобни Мириамга ўқиб бериб: “Бу муваффақият учун сендан қарздорман,” деди.

Аммо Мириамнинг муҳаббатигина эмас, ундаги Хуан Пабло ҳақидаги ҳамма нарсани билиш истаги ҳам кундан-кунга алангаланиб борарди, у йигитдан қандай қилиб ёзувчи бўлганлигини, неча ёшда ёзишни бошлаганини, ота-онасининг ҳам таъсири борми-йўқлигини, адабиётни махсус ўрганганми-йўқмилигини, бирор нарсасини нашр эттирганми-эттирмаганлигини — сўраб-суриштира бошлади.

У Мириамга истехзо билан, лекин беозоргина қулиб тикилар ва саволларига эҳтиёткорлик билан, ўзининг келиб чиқишига нур таш-

лайдиган ҳамма нарсани четлаб ўтиб жавоб берарди, лекин қандай қилиб ёзувчи бўлганлигини батафсил гапириб берди. У телевизор ҳали эндигина чиқаётган пайтларда китоблар ичида ўсганлигини, уларни ўқиб — адабиёт ўзининг қисмати эканлигини анлаганини айтди. У асосан ҳикоялар ёзган (баъзилари эски, аллақачон унутилган журналларда босилган), мана энди романга қўл урди. Таъсирми? Чексиз рўйхат тузса бўлади: ёзаётганларимга ёки дунёқарашимнинг шаклланишига таъсир кўрсатган ажойиб китоблар дунёда жуда кўп, мен уларнинг ҳаммасини яхши кўраман.

— Устозинг ҳам бўлганми?

— Йўқ. Ёшлигимда баъзи ёзувчилар билан яқинлашганман, лекин тезда алоқани уздим. Улар билан гаплашгандан кўра асарларини ўқиган тузукроқ. Менимча адабиёт — ниҳоятда шахсий, айтиш мумкинки махфий иш: сен оппоқ қоғоз билан яккама-якка қолдинг, атрофингда — китоблар, уларнинг сассиз овозлари; сенга яна нима керак?

— Сен гўё одамлардан нафратланадигандай гапирасан. Ахир жамият сенга тил, онг, маънавий бойлик берган-ку, романингни ёзиб бўлгач, ўша ишчилар уни теради, нашр қилади-ку. Бунга нима дейсан?

— Не чоғли қайгули бўлмасин, ҳеч нарса деёлмайман. Вақтим кам, ниҳоятда чекланган, сенга ва романимга ажратишгагина етади, холос.

— Бу беъманилик, — жаҳли чиққан Мириам биринчи марта овозини баландлатди. — Сендай истеъдодга, маданиятга эга бўлган, фаросатли, энг қийин муаммоларни ҳам ҳал қила олдиган, мулоҳазакор, санъаткор — яъни таъсирчан ва чуқур ҳис қила олиш қобилиятига эга бўлган инсоннинг романлар ёзиш ва бир аёлни севиш учунгина яшашга ҳаққи йўқ.

— Яхши, мен дostonлар ҳам ёза бошлайман ва кўп аёлларни севаман, — бу суҳбатни, аниқроғи сўроқни тугатиш учун Хуан Пабло ҳазил қилди.

Бошқа бир сафар улар қизил вино ичиб хурсанд ўтиришганди, Мириам ундан ота-онаси ҳақида гапириб беришни сўради. Паблонинг юзи ўзгарди, норозилик ифодалари пайдо бўлди, дарҳол рад қилмоқчи бўлди-ю лекин ўзини тутди ва яна вино қуйди.

— Улар ҳақида кўп нарса айтолмайман. Иккаласи ҳам автомобиль ҳалокатидан вафот этишган, мен бобом билан бувимнинг қўлида қолганман. Улғайишим билан уларни менинг ташвишларимни чекишдан озод қилганман, мустақил ҳаёт кечириш учун тезда ишга кирдим. Мен ана шу романим учун ўзимни жуда узоқ тайёрлаб келдим. Асосийси ҳам шу.

У сўнги сўзларини алоҳида таъкидлаб айтди, Мириам ҳам қўшилди:

— Гапинг тўғри.

Лекин у ҳеч нарса ҳақида сўрамаслик, бировнинг ўтмишини ковлаштирмаслик ҳақидаги сўзсиз келишилган шартномани, қасамни бузганлигини билди, ҳолбуки у шу пайтгача бу қарорга итоаткорона бўйсуниб келар, ҳеч нима билан қизиқмас, фақатгина: ишларинг қалай, кўпдан буён шуғулланияпсанми, дўстларинг ким? деган оддийгина саволлар билан кифояланарди. Янада шахсийроқ бўлган бошқа нарсалар ҳақида лом-мим демасди. У Хуан Пабло билан ўзи ўртасида ўтиб бўлмас девор чегара бўлиб турганлигини ҳис қила бошлади ва севги ҳамма сирларни юзага чиқаради, деган ишончи емирила бошлади. Қизиқувчанлик ўрнини қандайдир бир гамгин туйғу эгал-

лади. Мириам Хуан Пабло нимани яшираётган бўлиши мумкин деб узоқ ўйлади. Унга гўё йигит бир даҳшатли нарсани сир сақлаётгандай туюларди, балки у қамоқхонада ёки ахлоқ тузатиш колониясида бўлгандир, балки бирор фожеали воқеани бошидан кечиргандир, балки отаси рашк қилиб аввал хотинини, сўнгра ўзини ўлдиргандир. Шунинг учун у қариялар билан яшашга мажбур бўлгандир.

Муносабатларида нимадир ўзгарди. Мириам ишдан қайтиб, кийиниб бўлиши билан сўроқлашга тушарди: кўп ёздими йўқми? Бугун ташқарига чиқдимми? Қаёққа борди?

Хуан Пабло қўлэмасидан бошини кўтариб, ёқинқирамай — иложи борича қисқа қилиб бўлса-да, жавоб берарди. Энди у романига бутунлай шўнғиб кетган эди. Кам гапирар, тезгина овқатланар ва дарҳол машинкасининг ёнига қайтарди. Шошилмасдан, диққат билан нималарнидир қайд қилиб кўяр, луғатларни варақлар ва ўқир эди. Мириам ҳам унга халақит бермас, ухлашга ётаётганда агар Хуан Пабло ҳалиям ишлаётган бўлса, чой дамлаб берарди холос. У роман тугагач бошқача яшашларига умид қилиб, ҳозирча бу аҳволга кўниккан эди. Энди улар ахён-ахёнда бир-бирларини суйиб эркалашар, тунлари Мириам Хуан Паблонинг ўрнидан туриши ва яна қайта машинкага ўтиришларини эшитиб — сезиб ётарди. Мириамнинг кўзига тунлари ўрнида безовталаниб, тўлганиб ётадиган ва калласига келган фикрни ёзиш учун сакраб туриб кетадиган номаълум кишининг руҳи қайтадан кўринётгандай туюла бошлади. Баъзан у уйғониб кетар ва Хуан Паблонинг ишлашини кузатарди: йигит эса унинг борлигини гўё сезмас, ўз машғулотини хотиржам давом эттираверарди. Гангиб, довдираб қолган Мириам кўзларида ёш билан ўрнига қайтар ва у эшитиб қолмасин, деб жимгина йиғлар эди. Бундай хафагарчиликнинг сабаби нима? Ҳамма гап шундаки, Мириамга ўхшаш аёллар ўзларининг бундай ҳолатларини ҳеч нарса билан изоҳдай олмайдилар.

У ҳеч кимга муҳтож бўлмасдан бир ўзи яшашга ўрганган, характери ҳам мустақил ва қатъий эди. Балки Хуан Паблонинг оз-моз сезиладиган мавжудлигининг ўзиёқ уни таъсирчан қилиб қўйган, одатдаги характерини ўзгартириб юборгандир. Хуан Пабло гўё қачонлардир уйида пайдо бўлиб, шу ерда қолган шарпага, кўзга кўринган руҳга ўхшарди: у аввалгидай қизни кўрмайди, эшитмайди, фақат ўз ишини қилади — ёзади. Хуан Паблонинг бутунлай ўзиники бўлмаслиги, умрбод ёнида қолмаслиги ҳақидаги фикр Мириамни тинч қўймас, асабийлаштирар, қийнар ва яралар эди. Ҳаммасининг сабаби, деб ўйлар эди у, йигит ҳақида менга ҳеч нарсанинг маълум эмаслигида. Турли хил саволлар унга бетиним азоб берарди: агар кунларнинг бирида у қайтиб келмаса нима бўлади? Уни қаердан излаш керак, қариндош-уруғлари қаерда яшайди? У қандай қилиб пул топади? Қизиқувчанлиги голиб келиб Хуан Паблонинг нарсаларини кавлаштирди, китобларини титкилади, чўнтақларини ағдарди. Ҳеч нарса йўқ. Фақат китоб ҳошияларидаги ёзувлар, белги қўйилган сатрлар. Кимлигини кўрсатадиган бирорта ҳужжат ҳам йўқ. Мириам қилмишидан ўзи уялди, лекин уялганини кулгу билан яшириб титкилашда давом этди. Хуан Пабло худди сезгандай севгилисига қизиқиш... ва ғамгинлик билан тикилди.

Шанба кунларининг бирида почтальон телефон қилди. Мириам чиқиб, қўлида хат билан қайтиб келди.

— Гаванадан. Наполеонча фамилияли танишингдан.

Хуан Пабло мактубни жимгина олди, бироз қўлида тутиб турди ва

очишга қарор қилди. Мириамнинг саволларга тўла кўзлари ўзига қадалиб турганини гўё сезмаётгандек секин, эҳтиёткорлик билан конвертни йиртди.

– Эслайсанми, сен фақатгина ўша қиздан келган хат учун биринчи марта мен билан шу уйга киргансан?

– Жуда яхши эслайман, – деди Хуан Пабло ва мактубни ўқий бошлади.

У бир минутми, икки минутми ўқиди, лекин бу Мириамга ниҳоясиздай туюлди.

– Ўйланманки, унинг нима деб ёзганлигини билишни истайсан.

Мириам аччиғланди, гапирмади.

– Демак шундай, у сен очиб ўқиган хатда нима деган бўлса ўша гапларни қайтариб ёзган. Соғлигимни сўраган, ҳалиям кутяпти экан, охирида – бу менинг сўнгги мактубим, бошқа ёзмайман, деб огоҳлантирган.

– Нега сен унга жавоб ёзмайсан? Ахир бу тентаклик-ку.

Иккаласи ҳам жим қолишди. Мириам нима қилишини билмай магнитофон ёнига келди ва таваккал қилиб Холстнинг “Сайёралар”-ини кўйди. Куй янграши билан овозини кўтарди. Хуан Пабло курсига ўтирди, Мириам ҳамон тикка турарди.

– Бери кел, ёнимга ўтир, менимча сен Лили ҳақида билмоқчи эдинг. Гаванага боргандим. Ёзувчилар учрашувида қатнашдим. Бир куни кечқурун шаҳарда айланиб юриб уни учратдим, аниқроғи – у мени учратди. Чет элликмисиз, деб сўради. Чет элликман, деб жавоб бердим. Бўлмаса нега худди уларга ўхшаб гапиришимни сўради. Менинг чет элдан эканлигимни кийимимдан билибди. Мен унга чилилик эмас, мексикалик эканлигимни тушунтирдим. У мени уйига таклиф қилди. Унинг ота-онаси билан, акалари билан танишдим. Икки кундан сўнг биз қандайдир байрамга бирга бордик, у жуда ҳам ёш эди, шунинг учунми мени севиб қолганлигини айтди. Мен уни фикридан қайтаришга ҳаракат қилдим, лекин кўлимдан келмади. Ниҳоят, ҳозирча хат ёзишиб турайлик, ўқишингни тугатганингдан сўнг, мен яна Кубага келаман, деб айтдим. Биз бирмунча вақт ҳақиқатан ҳам хат ёзишиб турдик, сўнгра бу ёзишмани давом эттиришга имконим қолмади. Ёзаётган романим мени ютиб юборди.

– Қизга икки қатор ҳам жавоб ёза олмайдиган даражадами? Кулгили, яхшиси унга қизиқмай қўйганман де, болаларга ўхшаб баҳона ўйлаб топишининг нима кераги бор.

Мириамнинг овозидан жанжаллашадиган сиёғи бор эди. Майли, бу гап-ку ҳеч нарсага арзимас, асосийси, у Хуан Паблонинг ўтмиши ҳақида биринчи марта эшитди ва энди ўзини таҳқирлангандай, ҳақоратлангандай ҳис қилаётганди.

– Лекин бу ҳақиқат, мен унга ёза олмагандим, ҳозир ҳам ёзолмайман, романимни тугатишим керак...

Хуан Паблонинг ҳам жаҳли чиқди. Бу суҳбат унга чидаб бўлмайдиган даражада беъмани ва сохта туюлаётганди. Шу кеч у ёзмади, Мириам эса у билан бошқа гаплашмади. Улар гўё ўзларини қизиқаётгандай тутиб телевизордаги ҳамма аҳмоқона кўрсатувларни охиригача, жимгина томоша қилишди. Эрталаб Мириам кечирим сўрашга ҳаракат қилди.

– Ҳечқиси йўқ, – Хуан Пабло соувуққина жавоб қилди, Мириамнинг бўйнидан ўпиб қўйди ва овқатланиш учунгина холи қўйган машинкасининг ёнига қайтиб борди.

Мириам энди тушунди: агар Хуан Паблодан ажралишни истамаса



уни ўз ҳолига қўйиши лозим, қанча хоҳласа шунча ёзсин; у беш-олти кун бирор ёққа кетишга қарор қилди. Ана шундагина улар бир-биридан дам олиш ва озодликда мулоҳаза қилиб олиш имкониятига эга бўлишади. Ишдан у жавоб сўради, Хуан Паблога эса фирманинг топшириғи билан кетяпман, деди. Кетаётиб у ёзилган қоғозлар тахлами анча кўпайиб қолганлигига диққат қилди ва усиз Хуан Пабло романни тугатиши ҳамда кейин ўзига кўпроқ вақт ажрата олиши мумкинлигини ўйлади.

Жўнаб кетишдан олдинги тунни бир-бирларининг қучоқларида ўтказишди, Мириамнинг кўзлари ёшга тўлди.

— Мен йиғлаяпман, чунки сен билан бўлиш мен учун мўъжиза, чунки фақат сен туфайлигина мен севги нима эканлигини билдим, — Хуан Паблонинг саволларига Мириам ана шундай жавоб қилди.

Хуан Паблонинг бўғзига бир нима тикилгандай бўлди ва унинг сочларидан, бўйнидан, лабларидан, елкаларидан... ўпа бошлади.

— Сен мени ташлаб кетмайсанми, тўғриси айт? — Мириам соғинч билан сўради.

— Нималар деяпсан, албатта, йўқ, — деди Хуан Пабло, аммо иккови ҳам бу сўзларда қатъий ишонч йўқлигини ҳис қилишди.

Ўта бемаънилиқнинг ўзи. Хуан Пабло аввалги уйини эгаллаган, Мириам эса ота-онасиникига ёки бирорта саёҳатчилар қўналғасига боришга ҳам ҳайрон; ниҳоят у кейингисини танлади.

Мириам беш кундан сўнг Хуан Паблони эҳтирос билан қучиш, романини тугатганми-йўқлигини билиш истагига тўлиб-тошган ҳолда қайтиб келди. Асарининг албатта муваффақият қозонишини, энди Хуан Паблонинг ҳаёти ҳақида ҳамма нарса унга маълумлигини, бундан буён ҳеч нарсани сўраб-суриштирмаслигини у ўз-ўзига қайта-қайта таъкидлар эди, йигитнинг ёнида эканлиги, унинг қандай ёзаётганлигини кўриб туриш, у билан бирга китоб ўқиш, гаплашиш, биргаликда мусиқа тинглашнинг ўзи етиб ортади. Мириам кечқурун соат тўққизларда кватирага кириб келганда барча жиҳозлар гўё уники эмас, Хуан Паблоникидай туюлди.

— Хуан Пабло!

Акс-садо бўм-бўш хоналарда қалқиб қолди. У қўрқиб кетди, хоналардан ўтаётганда ҳамма чироқларни ёқди. Ювиниш хонасига, ошхонага қаради. Бўм-бўш. Емакхонадаги ҳамма нарса одатдагидай турарди. Ичидан бир нима узилгандай бўлиб кичкина чорпоянинг ёнига борди. Ёзув машинкаси жойида эди, ёнида қора папкага ўраб боғланган роман қўлёзмаси турарди. Мириам уни кўздан кечириб роман яқунланганини билди. Хуан Пабло ўзининг биринчи романини яратди. Муқаддас орзусини амалга оширди. Ҳозир бирор нарса ичгани ёки сотиб олгани ташқарига чиққан бўлса керак, балки бошини шамоллатмоқчидир: шу беш кун давомида ўрнидан турмай ишлагандир.

У кийимларини алмаштирди, магнитофонни қўйди ва Хуан Паблони кута бошлади. Бекорчиликдан романни қўлига олди. Биринчи саҳифада бағишлов: “Ушбу китобнинг яратилишига сабабчи бўлган Мириамга мангу муҳаббат билан бағишлайман.” Мириам қаттиқ таъсирланиб кетди. Хуан Пабло тезроқ қайтса эди, уни қучоқлаб оларди, биргаликда хурсандчилик қилишарди. Аммо вақт ўтиб борарди, соат учда Мириам ухлашга қарор қилди. Уйга кирса, эшитиб уйғонаман.

Соат ўнларда Мириам кўзини очди. У ёлғиз эди, аммо Хуан Пабло ҳозир қайтиб қолади, деб ишонарди. Ахир унинг ҳамма нарсалари шу ерда-ку: романи, ёзув машинкаси, китоблари. Лекин Хуан Пабло

бу кеч ҳам, ундан кейин ҳам қайтиб келмади. Унинг қалбини яна соғинч, ғам эгаллади, илгариги гумонли саволлар қайта уйғонди: Хуан Паблонинг қардан излаш керак? Кимдан сўраб-суриштириш керак? Энг қўрқинчлиси у йигитни қардан излашни билмасди. Аҳмоқона саволлар билан унинг жонига текканлиги учун, ўзини тентакларча тутганлиги учун Мириам ўзини лаънатларди. Хизматчи аёл билан ҳам бекорга гаплашган экан, энди у буни ақлдан озган деб ўйлаши ҳеч гап эмас. Хуан Пабло ҳақида ўйламаслик учун ўзининг одатдаги ишига боши билан шўнғиб кетди.

Азбаройи жонига текканидан Мириам маълум пайт уйини алмаштирмақчи бўлиб юрди. Лекин юрагининг туб-тубидан Хуан Паблонинг бир куни қайтиб келишига ишонарди. Наҳотки, унинг тентаклиги йигитнинг шунчалик ғазабини кўзгаб, Мириамни ташлаб кетган бўлса? Биз ахир келишимиз, имкони бўлган ҳамма нарсани тузатишимиз мумкин эди-ку. Бизнинг севгимиздақа севгининг емирилиши осон эмас.

У нима қилишини билмасди. Хуан Пабло қайтиб келмади.

Кунлар сувдай оқиб ўтарди. Бир куни Мириам ишдан қайтаётиб лифтда зиёфатга таклиф қилган танишини учратиб қолди, у ўша ерда Хуан Пабло билан танишган эди. Юрагида яна умид уйғонди, Хуан Пабло ҳақида ҳозирнинг ўзида сўрамоқчи бўлди, лекин бегона одамлар халақит берди. Кечқурун уйдан телефон қилишга тўғри келади. Мириам соат ўнларда телефон қилди. Хуан Паблога келган бир қоғозни топшириши кераклигини баҳона қилиб, уни қардан топсам бўлади, деб сўради. Таниши бу исми биринчи марта эшитаётганлигини, ўтиришга ҳам Хуан Паблонинг дўстларидан бири олиб келган бўлиши мумкинлигини айтди. У ҳатто ўша куни Мириамнинг шу одам билан кетиб қолганлигини ҳам эслолмас экан. Эндигина туғилаётган умиди чилпарчин бўлди. Мириам телефонни жойига қўйди ва эсанкираган ҳолда хонама-хона юра бошлади, у Хуан Паблонинг романи, китоблари, ёзув машинкасини қайта-қайта кўздан кечирарди — булар унинг мавжуд эканлигини исботлайдиган ашъвий далиллар-ку.

Бир куни Мириам газеталар қўйиладиган залга кирди — ишига керакли қандайдир маълумотни топиш зарур эди. Ўтган уч-тўрт йиллик тахламларни беришларини сўради ва қайдни бултурги йилнинг газеталаридан бошлади. Биринчи тахламдаёқ хабарлар бўлимидаги таъзияномага кўзи тушди: Хуан Пабло Касалнинг исми катта қора ҳарфларда терилган эди, давомида бундай ҳолларда ёзиладиган одатдаги гаплар ва ёш ҳамда бекиёс истеъдод эгаси бўлган ёзувчининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирилган эди. Вафотининг сабаби кўрсатилмаган эди. Мириам ҳушини йўқотаётганини сезди, нафаси қисди, одамлар қаёққадир ғойиб бўлди, зал бўшаб қолди, стол ва стуллар кўздан йўқолди, фақат яланғоч деворларгина қолди, улар шунчалик ифлос эдики, қараб кўнглинг айнирди. Мириамнинг юрагидаги ҳамма нарса бўғзига келди: у ўкириб йиглаб юбормаслик учун оғзини қўли билан ёпиб, хабарни қайта-қайта ўқиди, Мириам ҳамон ундаги даҳшатли маънони охиригача англай олмасди. У газеталар қўйиладиган зал ёпилади, деб огоҳлантиргунларига қадар йиғлади. Шундан сўнг у тахламларни ҳам қайтиб топширмасдан кўчага чиқди ва ўткинчиларга туртина-суртина секин-секин юриб кетди, қаёққалигини ўзи ҳам билмасди.

Ўзига нима бўлганлигини англай олмасдан бир неча соат юрди, ниҳоят ўз-ўзидан оёқлари уни уйининг ёнига олиб келди. Боши тинимсиз айланарди. Мириам ўзини қўлга олиши зарурлигини ва бу

калаванинг учини топиши кераклигини тушунди. У воқеалар қандай бошланганини, яъни Хуан Паблонинг борлигини қачондан бошлаб билиб келганлигини эслашга ҳаракат қилди. Аммо бу ерда ҳеч нарса-ни ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди: у шарпани, кўзга кўринган кўланкани севиб қолганди; Хуан Паблонинг ўзи ҳам, унинг жиҳозлари, унинг суратлари ҳам ҳаммаси — унинг орзу-истаклари ҳамда ўлим тўхтатиб қўйган ишини ниҳоясига етказиш учун ҳаётга қайтишга бўлган иштиёқининг мужассами эди. Фақат Мириам туфайлигина ушбу қайтиш амалга ошди. Аммо шу ерда Мириамнинг юрагига даҳшатли бир шубҳа ўрмалади: Хуан Пабло уни севармиди ёки фақат ўз мақсади йўлида ундан фойдаландими? Нега у қайтиб келди? Ўзининг адабий қисматига бўйсуниб романини ёзиб тугатиш учунгинами? Ёки уни мен таъсирчанлигим билан ўзимга тортдимми? Балки иккала сабабда ҳам жон бордир: Хуан Пабло ўз асарини тугатиш учун қайтган ва ёзаётиб Мириамни севиб қолган. Тугалланган кўлёмза ва биринчи саҳифадаги ёқимли бағишлов Мириамни ўзининг сўнгги тахминига ишонишга мажбур қилди.

У уйини алмаштириш фикридан воз кечди. Мўъжиза қайта такрорланишига умид қилди. Ойлар ўтди, лекин унинг йигитнинг исмини тинимсиз такрорлашлари, романнинг моҳиятига етиш учун, қаҳрамонлари дунёсини англаш учун юзлаб маротаба қайта ўқишлари, ҳар битта сўзни минг бир маънода шарҳлашлари, ҳамма-ҳаммаси беҳуда эди. Хуан Пабло илгаригидай қаердадир жуда узоқда эди — ҳар ҳолда қайтиб келмасди. Бир куни кечқурун Хуан Паблонинг пайдо бўлишини кутиб ёки ҳеч бўлмаса, машинканинг чиқиллашини эшитиш умидида хонама-хона кезиб юриб кичкина чорпояда унутиб қолдирилган китоблардан бирини олиб варақлади: бу Эдгар Аллан Понинг ҳикоялар тўплами эди. “Легейя”нинг Жозеф Гленвеллдан олинган эпиграфи остига чизилган эди: “Ва ўлим ҳукмронлик қилолмайдиған эркинлик — ана шунда. Эркинликнинг сирини унинг бутун қудрати билан ким англай олади?”

Мириам бу сўзлар юз берган воқеага жуда мос келишини қайгу билан хаёлидан кечирди, Хуан Пабло бекорга остини чизиб қўймаган, сўнгсиз саволларимга жавоб, сирларнинг тагига етишимга ёрдам берадиган калит, балки ана шу сўзлар замиридадир.

Кейинги сафар Мириамнинг қўлига Лилининг мактуби тушиб қолди. У хатни қайта ўқиб чиқди. Шаҳло кўзларига ёш қуйилиб келди, у кейинги пайтларда тез-тез йиғлайдиган бўлиб қолган эди. Хуан Паблонинг кубалик қизга нега жавоб ёзмаганлигини у энди тушунди: Хуан Паблонинг муддати қатъий белгиланган бўлган, ҳатто унча узоқ ҳам эмас, тириклар орасида юриш, улар билан дўстона алоқалар қилиш унинг учун қайтариб бўлмас вақтни йўқотиш бўларди. Кубалик қизнинг безовталанишлари ва изтиробларини, севган ва кутган кишисидан хабар йўқлигидан зорланиб қилган сўнгсиз ҳасратларини Мириам биринчи марта тушунди. У қоғоз ва қалам олиб, олисдаги ҳамдард дугонасига хат ёзишга ўтирди. У Хуан Паблонинг вафот этганлигини, энди тақдирнинг ҳукмига бўйсуниб кераклигини ёзди, сендан ёшим катта, марҳумнинг қариндошиман, деб қўшиб ҳам қўйди. Конвертни елимлади ва ухлашга ётаётиб кўлёмзани бирорта ноширга олиб бориш керак, деб ўйлади. У Хуан Пабло билан бўлган бир суҳбатни жуда яхши эсларди. “Ҳеч ким фақат ўзи учун ёзмайди. Бадиий асар қачонки нашр этилса ва танқидчи ҳамда ўқувчиларнинг қўлига етиб борсагина мазмун кашф этади.”

Эртаси куни Мириам аввал почтага, сўнгра нашриётга кирди. Қай-

таётиб, йўлда Готьенинг сўзларини эслади: “... менинг севгим ўлимдан кучли ва у охир-оқибатда галаба қилади.” Хуан Пабло кўздан ғойиб бўлган пайтларда ва Гленвеллдан олинган эпиграфни ўқиган чоғида у ҳам ўзи ҳақида худди шундай дея олган бўларди.

Мириам яна ўзининг сокинлик ва синган соялар салтанатида ёлғиз қолгач, йигирма олти ёшга кирган бўлса ҳам чарчаган, жамики нарсаларга қизиқиши йўқолган кекса аёлга айланиб қолганини тушунди, йўли ниҳоясига етганини, кечинмалар ва туйғуларга бой бўлсада, жуда узоқ ва машаққатли ҳаёт кечирганини англаб етди; энди Хуан Пабло билан бирикиб, уйғунлашиб кетиш учун ўлимни кутиши кераклигини ҳам тушунди. У ўзига саволлар берарди: бу учрашув юз беришига неча йил қолди? Балки кунлардир? “Яхшиси, — деб ўйлади Мириам, — кутиш керак эмас, акс ҳолда Хуан Пабло қоқшол бир кампирни кўриши мумкин. Ўлим уни юзларида гўзаллик барқ уриб турган пайтида олиб кетиши лозим”.

Ана шундай ўйлар билан у қайғусини бироз юмшатди ва ноширдан бирор жавоб эшитгунга қадар бир неча ҳафта кутиб туришни маъқул кўрди. “Мен, — деди у овозини чиқариб, — узоқ вақтлар ичида биринчи марта ҳаяжонланган ва жилмайган ҳолда, Хуан Паблонинг ёнига хушхабар билан боришни истайман”.



Вильё КАЯВА

## Хаёл суринг тун оғушида

ИЛК КУН

**К**ўряпман даласига чиққан деҳқонни,  
тўриқ оти билан ҳайдамоқда қўш,  
кўряпман қалдирғочни кўкда чарх урган,  
кўряпман:  
чайқалди айиқтовонлар енгил эпкиндан.  
Туймоқдаман заминнинг меҳрин,  
уриб турган жонбахш томирин унинг  
ҳамда саховатга чанқоқ ҳиссини.  
Яшашига унинг неки эди зид, йитди бир йўла:  
қуллар елкасини қавартган қамчи,  
денгиз узра ўлим қуролларининг совуқ ҳайбати,  
идрокни заҳарловчи ва қон ташнаси одамхўр уруш  
ҳамда заҳил юзли камқон гўдаклар.

Кўряпман электрнинг, кўмирнинг,  
саркаш дарёларнинг голиб одимин,  
инсонни фазолар қадар юксалтиролган қудратни  
мавжланган буғдойзор денгизи аро жилмайиб турган  
миришкор эрни,  
аёлни, дурраси сарин елларда ҳилпираётган  
ҳамда намхуш ўтлоқ узра болалар ўйинини.  
Шунчалар телбаларча вайронлик кунларидан сўнг  
сезаяпман заминнинг теран бардошин,  
нақадар масрурман.  
Илк кун келди.  
Сеҳрли, турфа хил гулларга чулғаниб ётар  
курраи замин.

*Русчадан  
Мирпўлат МИРЗО  
таржималари*

Вильё КАЯВанинг ижодий йўли мураккаб босқичлардан иборат. Унинг дастлабки “Қурувчилар” (1935), “Бурилиш йиллари” (1937), “Хайр, сайёҳ қуш” (1938) каби шеърий тўплamlарини ташкил этган шеърлар асосан гражданлик руҳи билан суғорилган.

В.Каява иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий журналист сифатида фаолият кўрсатди. Уруш тугагач, қисқа муддат ичида швед тилида иккита шеърий тўплам эълон қилди. Улардаги шеърлар муаллифнинг ижодий инкироз йилларидаги машаққатли изланишларини акс эттирган.

В.Каява ижоди тобора янгиланиб, гражданлик ва гуманизм туйғулари билан бойиб борди ва у чинакам шоир сифатида тўла-тўқис шаклланди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

21

\* \* \*

Исир эди емакхона кечкурунлари,  
 кечки овқатдан сўнг ёнарди милт-милт печдаги ўтин,  
 туярди димоғим таом ҳидини  
 ҳорғинлигу мудроқ оғушида ҳам.  
 Онам ҳар кун оқшом ўлтирар эди  
 стол чироғин нур доирасида —  
 уйда ишлаш учун  
 фабрикадан ўзи кўтариб келган  
 конвертларни елимлаб.  
 Текис буклар эди  
 дағал чандиқли бармоқлар  
 жигарранг қалин қоғозни  
 ва мени уйқуга элтарди унинг шитир-шитири.

Гўдак эдим, уйқу кўп ширин эди,  
 қўшиқ куйлашимни сўради онам,  
 кам сўзни билсам-да, ниманидир қилдим хиргойи,  
 шу кўйи минғирлаб мудрабман ўзим.  
 Тун ярим уйғондим томоғим қақраб,  
 онам эса ҳамон ишларди бедор,  
 бармоқлари қоғоз ва елим-ла банд.  
 (Шундоқ ошхонанинг ўзида — полда бир мизғиб олгач,  
 деди жилмайиб: “Қаттиқ ерда ётсанг — уйғонгунг тезроқ”)  
 Мен туриб бўлгунча қайтарди онам фабрикасидан  
 ва бизнинг пулимиз, нону қаҳвамиз узилмасди ҳеч,  
 тўқлигидан хурсанд гўлдирар эди митти қурсоғим:  
 у чоғлар кам сўзни билар эдим мен.  
 Онажон, қоронғи тушаркан энди  
 босмас ҳеч мудроқ,  
 энди бисотимда сўзлар ҳам бисёр,  
 Ватан ҳады қилган уларни менга.  
 Она, насиб этгай сенга фароғат  
 ва қалбим муҳр этган сиймонгдан оша,  
 қанот боғлаб, улуғ мақсадлар сари  
 учгай шул сўзлар.

\* \* \*

Севги оташ ичра покланмас буткул,  
 аланга ўзидан қолдиради кул,  
 сеvgи синалади аччиқ кулфатда,  
 рутубатли кунлар, заққум меҳнатда.

Шаънига ғазаллар битилган нигор  
 узугин ўйнайди маъюс, беқарор,  
 сиқади зерикиш унинг ёш кўнглин, —  
 биз шундай сеvgини олажакмиз тан,  
 эр ўз хотинининг жафокаш қўлин  
 силаса ҳар кеч ним чироқ нурида  
 уйқу олдидан.

### **БАНДАРГОҲ МАНЗАРАСИ**

Сас-садосиз, жимжит тунларда,  
 зулмат хобга чўмганда шаҳар  
 йўргаклайди кўрфазни денгиз  
                                 опшоқ туманга,  
 Толиққан аёллар, хаёл суринг  
                                 пардасиз дарчалар ёнида,  
 ҳолдан тойган эрлар, бўғиқ овоз-ла  
 куйлангиз қоронғу майхоналарда,  
 зеро денгиз ўз туманин чайса илк нурга,  
 чиғирларнинг сим арқони гичирлай бошлар  
                                 синган тиш каби.  
 Куйланг, хаёл суринг тун оғушида!

## БАҲОР

Кўряпман: дунё баҳорга пайваст,  
 шимол баҳорига,  
 очилди наврўзгул бойчечак билан  
 мовий қирлар узра, оқ тун қўйнида,  
 ёмғир шаррос қуяр ва мен тинглайман  
 учиб ўтаётган қушлар сасини,  
 бузар ўзанларин шошқин ирмоқлар,  
 лойни, мовийликни, ўрмон шовқинин  
 ўзи билан олиб кетар йироққа,  
 Кўряпман: дунё баҳорга пайваст,  
 шимол баҳорига,  
 кулранг уй олдида ям-яшил арча  
 гул тугар қизғиш.

\* \* \*

Саркаш сой даралардан  
 ошиқар денгиз сари  
 тун ичида кўпириб:  
 дарёнинг опшоқ, совуқ кўпигига  
 дўл каби,  
 ёғар мовий юлдузлар  
 ва ювади шўр мавжлар  
 дарёю юлдузларни  
 тунги илиқ денгизда.  
 Ботираман кафтимни сувга  
 сон-саноксиз майда оролар аро  
 кенгайиб, гоҳ торайиб улар ялтирай бошлар  
 тунги илиқ денгизда  
 йироқ юлдузлар каби.

\* \* \*

Севгисига қасам ичган, ҳей,  
 қурбон этгин юрагингни сен  
 бармоқлари ҳаққи Сеговиннинг.  
 Севгисига қасам ичган, ҳей,  
 аямагин соғлигингни сен  
 Жеймс Кежнинг сиймоси ҳаққи,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

23

севгисига қасам ичган, ҳей,  
қалбингнинг бир бўлагин узат  
Пабло Неруданинг икки сатрига.  
Санъат учун севгисига қасам ичган, ҳей,  
ҳозирча тўладинг унга оз нарса —  
кириш чиптасининг баҳосин, холос.

\* \* \*

Кимдир тушунтира олганда эди ҳаёт нелигин,  
ўлим ҳақида-ку, сўз ҳам очмаймиз...  
(Шоирлар уринарлар ҳаёт маъносин талқин этмоққа,  
руҳонийлар шарҳ этарлар кўҳна китобларга кўра ўлимни.)  
Кимдир тушунтира олганда эди ҳаёт нелигин.  
наққош, мисга нақш ўя туриб, у чоғ  
йиқиларди искана излари аро пишган мевадек;  
саҳнадаги актёр қотарди, токи  
воқеа театр-ла бир йўла нураб кетмагунича;  
дор устида дорбоз карахт, бемантиқ чайқаларди, то  
жами томошабин оламдан ўтиб,  
айлангуни қадар хокитуробга.  
Кимдир тушунтира олганда эди ҳаёт нелигин,  
ҳаракатда бўлган жамики нарса тинарди шу зум:  
қонимизда сўнарди ширин туш тотти,  
манглай суюгимиз ичра фикрлар  
айланиб қоларди кул чизикларга,  
дўнар эди ранггин орзуларимиз  
оҳори тўкилган, тўзган матога.  
Қандай яхши, ҳеч ким тушунтира олмас  
ҳаётни тугал,  
қандай яхши, ҳамма нарса қилар ҳаракат,  
гоҳ қайнаб, гупириб, гоҳо совиб,  
гоҳ шамшир мисоли музлаб, асабий.  
Қандай яхши — телескоплар далили ёхуд  
не-не мумтоз файласуфлар шарҳидан кўра,  
теранроқдир ибтидоси жами нарсанинг.  
Қандай яхши, тушунтира олмагай ҳеч ким  
бизларга ҳаёт нималигини,  
йўқса, таралмасди уйларимиздан  
пиширилган хушбўй картошка ҳиди,  
кетмас эди хотин — иккинчи фарзанд билан қайтмоқ-чун  
ва ишимда менинг бўлмасди унум,  
сизиб кетарди у кафтларим аро  
худди сув каби.

\* \* \*

Бу мўъжаз оёқлар ҳароратини  
кафтларимга жойлай олганимдайди,  
ҳидлай олганимда эди бу қуюқ  
тилларанг сочларнинг хуш, тансиқ бўйин,  
нигоҳларинг тафтин бир лаҳза  
сеза олганимда эдим ўзимда,  
мен бахтга муяссар бўлардим, шаксиз,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

24



бахтли бўллогани каби одамлар.

\* \* \*

Барча жароҳату гамларимизни,  
заифлигимизни, васвасамизни,  
субутсизлик ҳамда мўртлигимизни  
яширмоқ бўламиз  
шляпа остига, қора либосга,  
сохта гурур ва тунд қиёфа билан.  
Бироқ биздан неки  
теран ва эзгу  
тортар диққатимиз аҳён-аҳён, —  
вазнсиз оқ булут,  
югурик шуъла,  
гўдак кафтидаги қушча сайроғи  
этган каби жалб.

\* \* \*

Билмаймиз, не туяр қушлар юраги,  
қанотлари ҳолдан тойса бемаврид,  
пастда кутган маҳал уммон лаҳади.

Шунингдек, жуда оз биламиз бизлар  
мунис, қуюнчак сингилларимизни;  
жасур, шавкатли иниларимизни,  
уларнинг сазаси синган паллада.  
Инсон ҳаёти ва қушлар парвози  
мураккабдир бир хил,  
ўлимга маҳқум ва  
арзир шарафга.

\* \* \*

Ҳаётингда ақалли бир бор  
иккиланмай бургин кемангни  
биз кулфатда учраган ёққа,  
жафонинг муз соҳили сари.  
Кўзимиз тўрт нажот йўлига,  
совқотганмиз бизлар нақадар.

Ёмғирпўши бордир кимнингдир,  
кимдир патли шляпа кийган  
бўкмиш шаррос ёмғир остида,  
кимнингдир чўп бармоқларида  
сигаранинг ўчган қолдиғи.  
Оҳ, нажотга илҳақмиз бирам.

Ҳаётингда ақалли бир бор  
кемаси фарқ бўлганлар учун шошил мададга,  
жафонинг муз соҳили сари.

\* \* \*

Ол дуррача сенинг кифтингда  
қизғалдоқнинг баргига ўхшар  
ва у худди қизғалдоқ каби  
ҳилпирайди тонгги елларда.

\* \* \*

Наҳотки яшашнинг қолмас маъноси  
шунча ранжу алам, надоматдан сўнг,  
шунча ялпи офат, кулфатдан кейин, —  
почани қайириб тушмоқ ҳам мумкин  
жарликдан айқирган соҳилга томон  
ва сувга ўзингни ташлашдан аввал  
қайрилмоғинг ҳамда кўрмоғинг мумкин  
жавзо офтобида пастак саройнинг  
жилмайиб турганин сокин, фаромуш,  
лабларида тишлаб яшил кўкатни.

\* \* \*

Гавжум эрур ҳануз ўрмонлар,  
ҳануз эсар ўша шамоллар,  
нурин сочар манглайимизга  
юлдузлар мангу.

Карпатлар, Пиренейлар, Кордильералар  
йўқолмайди, йўқолиб кетмас,  
сарҳадларга нечун урарлар тўсиқ,  
хариталар узра аён-ку бари.  
Махфий қоғозларни сақларлар нечун  
махфий сандиқларда,  
нечун ардоқлаймиз махфий гапларни?

Наҳот камлик қилар биз-чун ўрмонлар,  
наҳот камлик қилар кўк тоқи қадар  
юксалган тоғлар?  
Наҳот камлик қилар  
минг йиллар давомида элатлар аро  
ўзларимиз солган йўллар биз учун?

Гавжум эрур ҳануз ўрмонлар,  
ўзгармаган бахт ҳақида ўй.  
Нечун?..  
Айни вақти эмасми?..

\* \* \*

Қизгина, эшикни оч,  
майли, гижирласин қуриган оғоч,  
сенга қоровуллик қилувчи кимса эшитмас, гофил.  
Қизгина, эшикни оч,  
қисирласин майли, зиналар,  
ўйлама: эртага суриштирмаслар

ойдинга чиқ  
 ва тургин кутиб.  
 Юракдан қўлни ол, шивирла унга:  
 керак эмас, қаттиқ дукиллама, де,  
 ойдинга чиқ.  
 Эрта — узоқ, тергов — эртага,  
 висол, интизорлик палласи ҳозир,  
 Ана — эшик. Биласан болаликдан ҳар бир  
 тирқишин  
 оҳиста ёп уни.  
 Юрагингга айт, дукилламасин.

## МАЖРУҲЛАР

Чилангарлик оташида қорайиб кетган  
 ва темир тўзони бармоқларига ўтириб қолган,  
 манглайига тушган ажинлар эса қурумга тўлган  
 бу эркалар,  
 кирхоналар ичра буғдан бўғриққан,  
 бўйин терилари осилган хунук,  
 кўзлари косасидан отилиб чиққан  
 бу аёллар  
 билармиканлар фавворалар шилдирашини  
 ёхуд концерт зали деворлари жилваланишини?  
 Бўлган уларда на вақт, на-да пул  
 завқ туймоқликка,  
 табиатдан баҳра олмоқ ва ё санъатдан  
 ҳатто турфа гўзалликка қўймоққа ҳавас.  
 Уларнинг вужудларин маҳв этувчи,  
 ҳаётларин ва қалбларин кемириб юборгувчи  
 меҳнатдан ўзга  
 ҳеч бир нарсага ўргатмаганлар ҳеч қачон.  
 Фақат меҳнатни деб туғилган улар ва улғаярлар  
 ҳамда кўз юмарлар бир кун дунёдан меҳнат  
 туфайли.

## ИЛТИЖО

Баҳор, ҳадя айла менга бардамлик,  
 қиздир болдирларим ўткир нур билан,  
 токи мен қийқирай гўдак мисоли,  
 зарҳал булут қадар юксалтир мени,  
 тобла вужудимни.  
 Мени қоқигулнинг уқпарларидек  
 соч олам узра,  
 элт ғариб кулбаларнинг тунд дарчасига,  
 оқшом ҳалқобларин юпқа музига  
 айлантир мени, тонг чоғи гўдаклар пойи остида  
 синайин чил-чил.  
 Шундай қилки, баҳор,

қийқирайин мен  
қизгин, туйқусдан,  
ибтидоий ҳаяжон билан.

### **ҲОВЛИМИЗ ҚИЗАЛОҚЛАРИ**

Дудоқлари бу қизалоқнинг —  
гул исли ва нақ гулнинг ўзи.  
Ким мажбурлар бир кун уларни  
титрамоқликка?  
Қовжирашга мажбурлагай ким?

Бизники у — ҳозирча фақат,  
хайрлашмоқ оғирдир лекин,  
дудоқлари гул каби тоза  
бу ёқимтой қизалоқ билан.



Муродбой НИЗАНОВ

## Ақчагул

Қисса

— **А**қчагул, сен шу ерда тушардинг, шекилли? — деди маршрут такси ҳайдовчиси машинасини уч қаватли улкан бино рўпарасида тўхтатиб.

— Шундай қилинг, опа, манави кастрюлингиз биқинимни пишириб юборди-ку, — деди ўриндиққа қиялаганча зўрға сиғиб ўтирган ёшгина йигит муртидан кулиб.

Машинадагилар энгил кулишди. Ақчагул эса уялганидан икки юзи қизариб, индамасдан туша бошлади. У ҳар сафар бу ерда машинадан тушгач, бошини тик тутиб, ҳайдовчига:

— Раҳмат, ҳайдайверинг, — дея эшикни гурсиллатиб ёпганча ўз йўлига равона бўларди. Бу гал ортига бурилиб қарамади. Сал юргач, такси эшигининг ёпилгани эшитилди.

“Исмимни ҳам билиб олганини қаранг” дея Ақчагул лабини тишлади. У бир-икки сафар ўша идорада ишлайдиган аёллар билан машинада ёнма-ён ўтириб қолиб, йўл-йўлакай гаплашиб келганди. Бу одам шунда исмини эслаб қолган бўлса керак. Ҳайдовчиларнинг кўзи йўлда бўлгани билан қулоғи динг бўлар экан-да? Лекин шу чоққача ҳеч бири унга бугунгидай эркинсиб, ўктам оҳангда гапирмаган эди. Буниси ўзини худди ёшликдан бирга ўсган қурдошидай тутди...

### ИСТЕЪДОДНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

Муродбой НИЗАНОВ билан қарийб чорак аср бурун танишган эдим. Ўшанда камина Фафур Фулом номидаги нашриётда ишлардим. Бир кuni ҳузуримга икки йигит кириб келди.

— Бизга сиз билан учрашишни тавсия қилишганди, — деди улар салом-аликдан сўнг. Йигитлар қорақалпоғистонлик ёш ижодкорлар Муродбой Низанов ва Сайловбой Жумагулов экан. Иккаласи ҳам асосан ҳажвий жанрда ижод қилар, шу чоққача Нукусда унча-мунча асарлари чоп этилган экан. Ниҳоят, улар яхши ниятлар билан Тошкентга йўл олишибди. Ўша кезларда “Ёшлик” журналида фаолият кўрсатган шоир Омон Матжон уларнинг машқларини журналда чоп этишга ваъда берибди. Ҳикояларни қорақалпоқ тилидан ўзбекчага ўтириш учун каминага учрашишни тавсия қилган экан.

Иккиси ҳам анча камтар, камсуқум йигитлар экан. Бир муддат адабиёт, қорақалпоқ адабий муҳити ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. Уларнинг дунёқараши анча кенг, ўзбек ва жаҳон адабиётидан ҳам яхшигина хабардор эканликлари эътиборимни тортди.

Кейинроқ вақт топиб, йигитларнинг машқлари билан танишиб чиқдим. Очиғи, энгил юмор руҳида ёзилган бу асарларда қорақалпоқ миллий характери яққол кўзга ташланиб турарди. Замонавий қорақалпоқ адабиётига ўз услуби ва йўналишига эга бўлган истеъдодли, навқирон ижодкорлар кириб келаётганига ишонч ҳосил қилдим.

Тез орада Муродбой билан Сайловбойнинг ҳажвий ҳикоялари “Ёшлик” журналида чоп этилди. Уларнинг чиқиши ўзбек адабий жамоатчилиги, ўқувчилар томонидан ҳам илқ қарши олинди. Ўша йили Муродбой журналнинг йиллик мукофотига ҳам сазовор бўлди.

Ҳозир одамлар уст-бошингга, юриш-туришингга қараб муомала қилишади. Ундан бошқа шартакироқ аёл бўлганида индамай қўярмиди?

– Нима, исмимни қулоғимга азон айттириб қўйганмидинг?! – деб оғзига урган бўларди.

Ақчагул ундай қилолмайди. Тортинчоқ бўлиб қолган. Ҳамма унинг камбағаллигини юзига солаётгандай. Етишмовчилик юки мудом ел-касидан зилдай босиб туради.

Баъзан туни билан тўрт-беш марта уйғониб, охири тонггача ух-лолмай чиқади. Қулоғи остида болаларининг одатдаги хархашаси янграгандай бўлади:

– Ойи, туғилган кунимни нишонлайлик.

– Ойи, менга кета олиб беринг, муаллимим уришяпти.

– Уйда қора чой тугаганига уч кун бўлди!

Ақчагулнинг ҳаммасидан хабари бор. Уч кундан бери қора чой йўқлигини ҳам кўриб турибди. Есен яқинда тўққизга киради, туғилган кунини қилиб берса-ку, ўзининг ҳам боши осмонга етарди. Кўнгил қурғур шуни тусайди, лекин бунга имкон қани? Ўғлининг синфдошлари ёпирилиб келиб қолишса, уларнинг олдига нима қўяди? Каттагина дастурхонни ҳар хил пишириқлар билан бир нави тўлдирса бўлар. Лекин шунинг ўзи билан иш битмайди. Бир сиқим бўғирсоқ шунча болага нимаям бўларди. Қолаверса, ўқитувчиси ҳам уларга қўшилиб келади. У камтаргина дастурхонни менсимасдан бурнини жийириб ўтурса-чи... Муаллиманинг олдига қўйиш учун писта-бодом, кола-пола олишга қўли калталиқ қилади. Бунинг устига, унинг бошига қимматроқ рўмол ўраб юбориши керак. Ҳозир элда шу удум бўлган.

Ақчагул ҳар гал ўғли гингшиганида:

– Шошмай тур, болам, ўн олтига кириб паспорт олсанг, ўзим сенга катта тўй қилиб бераман, – дея уни чалғитишга уринади.

Эсини таниб қолган болани алдаш осон эканми? Есен алам устида китобларини у ёқдан-бу ёққа отади. Охири тоқати тоқ бўлган бояқиш она оғзига келганини қайтармайди:

– Қилиб беролмайман туғилган кунингни! Этимдан эт кесиб олсангам иложи йўқ, билдингми?! Бу аҳволда бир кун мени тириклай гўрга тиқасизлар! Сизларни туққунча тошбақа туғсам бўлмасмиди!

Қорақалпоқ ҳажвчиларининг асарлари пойтахтимиздаги бошқа газета ва журналларда ҳам тез-тез кўзга ташлана бошлади. Айниқса, “Муштур” журналида уларнинг ҳажвиялари пайдар-пай босиларди. 1988 йили Муродбой отахон журналнинг мукофотини ҳам кўлга киритди. Уша йили “Муштур” кутубхонаси” туркумида уларнинг ҳажвий ҳикоялар тўплами чоп қилинди. Устоз адиб Саид Аҳмад ушбу тўпламга ёзган сўзбошисида: “Буларнинг тилининг захри чаённи ўлдирди”, – дея лутф қилган эди. Менимча, ёш адиблар ижодига бундан ортиқ баҳо бўлмаса керак.

Ушандан бери мен Муродбойнинг ижодини мунтазам кузатиб келаман. Қатор асарларини ўзбек тилига ўтирдим. Муҳими, у ижод ва изланишдан чарчамайди. Бу вақт давомида кўплаб ҳажвий ҳикоялар, қиссалар, комедиялар ёзди. Аксарият асарлари бир қанча хорижий тилларга ҳам таржима қилинди. Кейинги пайтларда Муродбой кинодраматургия жанрида ҳам ўз истеъдодини намоян қилди. Унинг адабий сценарийси асосида яратилган “Танк” бадий кинофильми Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мукофотига сазовор бўлди. Дарвоқе, ушбу фильм ўзбек тилига ҳам ўтирилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Хуллас, бугунги кунда Муродбой наинки қорақалпоқ адабиётида, балки ўзбек адабиётида ҳам сатира ва юмор жанрининг йирик намоянчасига айланиб улгурган.

Бир пайтлар Нажим Довқораев, Тўрамурад Жумамуродов, Жўлмирза Оймирзаев деганда кўз ўнгимизда қорақалпоқ адабиёти бор бўй-басти билан намоян бўлар эди. Кейинчалик янги тўлқин сифатида кириб келган Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипберген сингари кенг қамровли ижодкорлар бу миллат адабиётини дунёга янада кенгроқ танитдилар. Эътиборли жиҳати, аини пайтда қорақалпоқ адабиётида катта

Шундан кейин Есен бир бурчакка тиқилиб олиб, шўрқ-шўрқ йиглайди-да, қуруқ ерда мук тушганча ухлаб қолади. Бир муддатдан сўнг Ақчагул ўзининг қилмишидан афсусланиб кетади. Ўғлининг устки кийимларини авайлаб ечиб олади-да, устига кўрпа ёпиб, бошига ёстиқ қўяди. Бугун эрталаб ҳам йўлга чиқар чоғида ўгли эски кўшигини бошлаётган эди, у дарҳол жеркиб берди:

– Тилингни тийиб ўтир, жувонмарг! Сенинг туғилган кунингни ўйлайми ё кечки томоқларингни...

Ўшанда шу гапни айтишга-айтди-ю, ичида “тилим танглаймга ёпишсин, кимга ўхшаб борапман” деб ёқасига туфлади. Хаёлида боласи чиндан ҳам жувонмарг бўлиб қоладигандай, кўрқиб кетди.

– Ойи, менга кета, – деди ўртанчаси Қувват кўрқа-писа.

– Яхши, уйга қараб ўтир, савдо юришса, олиб келаман...

У шундай ўй-хаёллар билан бўлиб, ҳар кунги тушадиган жойига етиб келганини ҳам пайқамабди. Яхшиям, ҳайдовчи уни таниб қолган экан, ўзи тўхтади.

Ақчагулнинг “савдо юришса” дегани бежиз эмас. У кечқурун кўзига уйку тиқилиб, мудраганча хамир қоради. Арзайимга бир-икки қордирганди, хаамири унмай қолаверди. Кўпнинг кўнглини топиш осонми? Одамлар ҳам пул тўлагандан кейин яхши овқат есам дейди. Ақчагул бугун эринчоқлик қилса, эртага ўзига қийин. Харидорни бир қочирсанг, кейин бетини берман қаратолмайсан. Сотадиган овқатининг масаллиқларини тайёрлашни қизига ўргатиб, бироз бўлса-да ўзининг мушқулини осон қилмоқчи эди-ю, шуларни ўйлаб яна фикридан қайтди. Кўй, ўқисин, деди. “Хамир қоришни ўргангани билан нари борса менчалик бўлар, бундан нима орттиради, бошингга тортсанг оёғингга етмайди, оёғингга тортсанг бошингга... Ундан кўра ўқиб, билим олгани яхши. Ҳозир мактабда яхши ўқитишади, ҳаракат қилса, бир куни одам бўлиб қолар”.

Шундан сўнг қизини қийнамасликни маъқул кўрди. Ўзи хамир қориб, гўштини қайнатиб, пиёзи, қиймасини аралаштиради. Қайнатгандан кейин эздан ажралган суяк-саёқлардан эртаси куни кечқурун шўрва пиширади.

Дастлабки кезларда бу ишни ўзига ор билиб юрди. Лекин бориб-бориб кўникди. Кўникмай ҳам қаёққа борарди? Аввалги ишхонаси

истеъдод ва маҳорат соҳиби бўлмиш янги авлод вакиллари шаклланди. Муродбой Низанов, Сайловбой Жумагулов, Ўрозбой Абдураҳмонов ва бошқа шоир-ёзувчилар устозлари бошлаб берган анъаналарни муносиб давом эттиришмоқда. Қолаверса, улар бугунги замонавий қорақалпоқ адабиётининг ўзига хос устунларига айланишган. Айниқса, Муродбойнинг бу борадаги хизматлари таҳсинга лойиқ. Сирасини айтганда, ҳозирги қорақалпоқ адабиётини Муродбойсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бир гал Муродбой пойтахтга ҳали бўёғи қуриб улгурмаган янги асарини кўтариб келди. “Ақчагул” дея номланган салмоқлигина қиссасини ўқирканман, Муродбойни бутунлай янгидан кашф этгандек бўлдим. Бу асар унинг ижодида ўзига хос янгилик юз берганини кўрсатиб турарди. Зотан, кенг қамровли тарзда ёзилган ушбу асарда ижодкор истеъдодининг янги қирралари намоён бўлган эди. Чунки шу чоққача асосан сатира ва юмор жанрида ижод қилиб келган адибнинг бирданига психологик таҳлилга асосланган, жиддий мавзуда асар ёзишининг ўзи бўлмайди. Муродбой бу ишининг уддасидан чиқа олганлиги мени беҳад қувонтирди.

Асарда янги даврга қадам қўйилаётган нозик бир паллада юзага келадиган ўткинчи қийинчиликларнинг инсонлар ҳаётига таъсири, уларнинг онгу тафаккурида рўй берадиган эврилишлар дадиллик билан қаламга олинган. Бундай манзаралар барча Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам кузатилганлиги сир эмас. Қардош республикалар адабиётидан озми-кўпми хабардор киши сифатида айтишим мумкинки, ҳали уларнинг ҳеч бирида ушбу мавзуда салмоқли бадиий асар яратилмаган эди. Бу масалани Муродбой Низанов биринчи бўлиб қаламга олганлиги диққатга сазовордир.

ёпилиб қолди. Шундан сўнг иш ахтариб қанча жойга бош уриб бормади. Биронта одамнинг унга ичи ачигани йўқ. Эри Нуржаннинг эса парвойи фалак. “Бошингда эринг соғ бўлса, очдан ўлдирмайди” дейишган экан қадимда. Аммо ҳозир замон ўзгардимиз, ишқилиб, бу ўчоқнинг ўтини сўндирмайман, деб жонини жабборга бериб югуриб юрадиган аввалги Нуржан энди йўқ. Ёки эри ҳам унга орқа қилиб ўрганиб қолдимикин? Куйиб кетган пайтларида сиртида тўнғиллаб-сўнғиллаб қўяди-да, сўнг дарров ёқасига туфлайди:

– Туф-туф, тил-оғзимга тош! Топмаса-топмасин, эсон-омон бўсагадан кириб-чиқиб юрса етади.

Шундай пайтларда четдан қараган киши гап-сўзларидан Ақчагулни эндигина қирқдан ошаётган келинчак эмас, етмиш яшар кампир бўлса керак деб ўйлайди. Лекин қанча қийинчилик кўрса-да, икки юзидаги олмасининг қизили кетмагани, чиройли кўзлари чарақлаб, жилмайганида кулдиргичлари ўзига ярашиб туриши унинг ёшлигида сулув қиз бўлганлигини айтиб турарди.

Начора, турмуш оғирликлари унинг чеҳрасидаги ёқимли ноз-жилвани хиралаштириб, син-сумбатини эртарақ ола бошлади. У неча вақтлардан бери эртадан-кечгача иссиқ манти қозон билан бир товоқ сомсани бағрига босиб, қўча-қўйда қатнайди. Суюқ овқатни шалди-ратиб олиб юришга қийналади. Лекин ҳаммиша ҳам Ақчагулнинг иши юришавермайди. Шунинг учун ҳар куни эрталаб: “Худойим, ишимни ўнгидан бер”, – деб бўсагадан ўнг оёғи билан остона ҳатлаб қўчага чиқади. Айрим кунлари унинг манти-сомсалари талаш бўлиб кетади. Аммо баъзида уйга қайтариб келинган овқатни кечқурун болаларига иситиб беради. Лекин уларнинг бу нарсалар билан иши йўқ. Бирга пайпоқ, бирига колготки, бирига кета, отасига эса сигарет керак... Эрталаб яна таниш хархашасини бошлашади:

– Ойи, пайпоқ!

– Ойи, колготки!

– Ойи, кета!

– Ҳой, онаси, кеча сенга сигарет олиб кел деган эдим-ку!

– Мени нимталаб, бўлиштириб олақолинг! – дея жеркиб беради у охири. Сўнг манти қозон билан сомса тўла товоқни қўлтиғига қис-тириб, зарда билан уйдан чиқиб кетади. Шундагина унинг қулоғи тинчийди.

“Ақчагул” қиссида қорақалпоқ миллий колорити яққол кўзга ташланади. Унда сизу биз билан ҳамнафас яшаётган инсонлар қиёфаси тўлақонли акс эттирилган. Муаллиф ўз қаҳрамонлари бошидан кечирган мураккаб вазиятларни ортиқча бўяб-бежамасдан, ниҳоятда ишонарли тарзда гавдалантиришга эришган. Муҳими, у инсон табиатидаги чигалликларни, ҳаётнинг турфа зиддиятларини ҳаққоний ёритишдан чўчимайди. Овулда туғилиб ўсган содда, самимий аёл – Ақчагулнинг қувонч ва ташвишларга қорилган ҳаёти катта сўз санъаткорига хос бир маҳорат билан қаламга олинган. Ақчагул оиласи тўқислигини таъминлаш, фарзандларини бекаму кўст вояга етказиш учун тинимсиз ўзини ўтга-чўққа уради. Бу йўлда ҳар қандай қийинчиликларни мардона энгиб ўтишга интилади. У тақдир зарбаларига дош беролмай қадди букилган, иродасиз эри Нуржанни мудом авайлаб яшайди. Уни бутун борлиги билан севади. Ана шу беғубор муҳаббат унинг юрагига таскин бағишлайди. Муаллиф қиссада аёл қалбида кечадиган нозик ҳиссиётларни усталик билан тасвирлайди. Сирасини айтганда, у Ақчагул образи тимсолида қорақалпоқ аёлларига хос кўплаб гўзал фазилатларни уйғунлаштиришга эришган. Қолаверса, ушбу асар эркак кишини оиладаги бурчини унутмасликка, нозик хилқат бўлиш аёлларни асраб-авайлашга ундайди.

Ақчагул ҳар қандай вазиятда ҳам аёллик шаъни, қадр-қимматини сақлаб қолишга интилади. Аммо аёл киши табиатан содда ва ишонувчан яратилган. У қанчалик сабрбардошли бўлмасин, қабоҳат ва ёвузлик қаршисида ожиз қолади. Ақчагул ҳам охири-оқибат Сақбайнинг усталик билан амалга оширган ҳийласи қурбонига айланади...



Ана шундай ўй-хаёллар билан бўлиб, у кунда ўзи овқат сотадиган идорага етиб келганини сезмай ҳам қолди. Негадир бугун бино атрофида машиналар кам эди. Одатда бундай пайтларда одамлар билан гавжум бўладиган фойе ҳам анча сокин. Тушликка чиқиб кетишган деса, ҳали унга анча вақт бор. Бу ердагилар тушликдан бир соат илгари чошгоҳлик чой ичишади. Ҳаммаси Ақчагулнинг манти, сомсасига кўз тикиб ўтиришади. Икки манти, бир сомса билан ярим чойнак чой ичиб олишса олам гулистон, кейин “соат неча бўлдийкин” деб тевааракка аланглайвермай, тўйган кўзидайгина бўлиб ўтиришади-да, бошлиқлардан кейинлатиб тушликка чиқишади.

Ақчагул кираверишдаги қоровулга салом берди.

— Келин, бугун сенинг овқатинг ўтармикин, — деди қоровул ўйчан қиёфада.

Ақчагул ҳеч нарсага тушунолмай, унга унсиз тикилди.

— Ҳамма таъзияга кетди, — деди қоровул. — Айтақнинг қайнонаси қайтиш бўлибди.

— Ким у Айтақ? — у шундай дейишга деди-ю, уялиб кетди. — Мен қайси Айтақни танирдим...

Ақчагул бу гапни ичида, овоз чиқармай айтган эди.

— Министрнинг ўринбосари, — дея изоҳ берди қоровул. — Ўтавер. Остонада турма. Бир пасда келиб қолишар.

Ақчагул ичкарига кириб, кастрюли билан тоғорасини қоровулнинг ёнидаги омонатгина стулга қўйди. Ерга қўймоқчи эди-ю, аммо совуб қолишидан ҳадиксираб, бу фикридан қайтди... Одамлар таъзиядан қачон қайтишади? Балки йўл-йўлакай овқатланиб ҳам келишар. Биров қазо қилса-ю, у ўзининг овқатини сотишни ўйласа-я...

У идишларини қайтадан қўлига олди.

— Айтмоқчи, юқорига чиқиб кўр-чи, — деди қоровул бир нарса ёдига тушгандек. — Таъзияга ҳамма кетмагандир, ёш қизлар, йигитлар бордай эди.

Қоровулнинг бу гапи унинг юрагида умид учқунини ёққандай бўлди. Ҳаммасини бўлмаса, ярмини сотса бўларди. Ахир, бугун кета олиб бормаса, Куват хафа бўлади. Кета олиб бориш учун жиллақурса, идишларидан бирини бўшатиши керак. У зинадан тез-тез юқори кўтарилди. Учинчи қаватга чиқиб, ўнгга бурилди, бироз юрди-ю, савлатли кишининг чарм қопламали эшикдан чиқаётиб, ортига бурилган-

Гарчи Ақчагулнинг ҳаёти фожиали кечса-да, асарда келажакка катта умид ва ишонч руҳи уфуриб туради. Ақчагулнинг сеvimли қизи Арзайим образи киши кўнглига ажиб бир ёруғлик бахш этади. Муаллиф Арзайимнинг интилишлари, эришган ютуқлари мисолида янги замон қуртаклари юз очаётганига, мустақиллик даврининг янги авлоди юзага келётганига ишора қилади. Шу боис у серғайрат қизалоқнинг онги, тафаккурида юз бераётган ижобий ўзгаришларни завқ-шавқ билан тасвирлайди. Зотан, янги авлод вакиллари ҳаётга теран кўз билан қарашади. Бошқалар йўл қўйган хатолар уларга сабоқ бўлади.

“Ақчагул” қиссаси аллақачон қорақалпоқ ўқувчиларининг сеvimли асарларидан бирига айланган. Қолаверса, ушбу асар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий асарлар танловида энг яхши насрий асар сифатида баҳоланиб, китоб ҳолида нашр этишга тавсия қилинган эди. Эндиликда унинг ўзбек тилига таржима қилинганлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Қиссани “Жаҳон адабиёти” журнали ўқувчилари ҳам муносиб кутиб олишига ишончим комил.

Носир ФОЗИЛОВ,  
ёзувчи

ча гапириб турганини кўриб, бироз довдираб қолди. Лекин шу заҳоти ўзини қўлга олиб, йўргалаганча олдинга интилди.

– Ҳой қиз, телефонга бохабар бўл! Бироздан сўнг факс келиши керак. Анави телефонограммани ҳамма туманларга тарқат, тушундингми?!

Ақчагул савлатли киши гапани тугатгунча рўпарасидан ўтиб олишни чамалаган эди. Бироқ кутилмаганда у гавдасини ўнглаб, олдинга қадам ташлади. Ақчагул чўчиб ўзини четга олди, савлатли киши унинг кастрюлига урилиб кетишига бир баҳя қолди.

– Кимсиз?! — дея у аччиғи чиқиб, сўнг жавоб ҳам кутмасдан боя ўзи гапириб турган эшикка қараб бақирди. — Гуля, пастга тушиб қоровулга айт, бундан кейин сомсафурушларни юқорига қўймасин. Индамасанг, булар министрнинг хонасига ҳам бостириб киришдан тоймайди. Овқат керак одам ўзи топиб ейди.

Ақчагулнинг манглайига чақмоқ ургандек бўлди. Олдинга юришини ҳам, ортга қайтишини ҳам билмай, қаққайиб туриб қолди. Шу пайт чарм қопламали эшикдан кўғирчоқдай ясаниб олган икки қиз чиқиб келди-да, биттаси унга жиркангандек қараб ўшқирди:

– Эшитмадингизми, нега турибсиз! Кетинг! Сизга биров овқат олиб келинг дедими? Устида оқ халати ҳам йўқ. Санэпидстанциядан рухсатномангиз борми? Уф, ҳаммаёқни ачқимтил ҳид босиб кетди-ку!

Ақчагул бир муддат унсиз туриб қолди. “Мен шунчалик абгор кўри-наманми?” дея ўксинди ичида. Кечагина эмасмиди овулнинг ҳамма йигитлари унинг йўлига интизор бўлиб, қачон бўйи етаркин деб оғзининг суви оқиб юргани. Энди ундан бадбўй ҳид тараладиган бўлиб қолдимиз?

Аслида Ақчагул унақа иркит аёл эмас эди. Кичкиналигида онаси уни ерда ётган бир чўпни ушласа ҳам дарров қўлини совунлаб ювишга ўргатганди. Совунлаб бўлгандан кейин эса тоза сув билан тўққиз марта чайдирар эди. Бир гал овул мулласи унинг онасига шундай деганди:

– Келин, сувнинг ҳам уволи бўлади, унақа кўп исроф қилаверманг. “Уч ювсанг кири кетади, тўрт ювсанг нури кетади” дейилган китобларда.

– Билмасам, бизнинг отамиз ҳам толиби илмлардан эди, лекин бирон марта у кишининг, “қўлингни тўрт марта ювмагин” деб на-сиҳат қилганини эшитмовдим.

Шундан сўнг овул мулласи қайтиб Ақчагулнинг онасига шариятдан оғиз очмади. Қайтанга бирон маърака-маросим бўлса:

– Шу келинга топширинглар! Унинг ушлаб-тутгани тоза бўлади! — дейдиган бўлди. Овул-элда эса “сариштали келин” деган ном орттирганди онаси. Шундай аёлнинг тарбиясини олган, оғзидан чиққанларини зиёда қилиб бажарган қиз энди ўзидан ёқимсиз ҳид таратадиган аёл бўлиб қолдимиз? Камбағалчилик курсин, тилимни қисқа қилди-я, деган изтиробли ўй кечди хаёлидан.

Лекин қизларга ҳеч нарса дейолмади. Гапиргани билан ниманиям тушунишарди! Бу қизлар рўзгор ташвиши хаёлига ҳам кириб чиқмаган, егани олдида, емагани ортида, ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари бўлишса керак.

Юқоридан тушаётиб қоровулга дуч келди.

– Ие, кетаяпсанми? Келин, бундан кейин келсанг ҳам мен йўқ пайтимда келгин. Қоровулларнинг орасида ёши улуғи эдим, министр инимизнинг гапи ботиб кетди. Ўзларининг қорни тўқ, усти бут бўлгач, бошқаларни ўйлармиди улар.

– Кечирасиз, оға.

– Йўғ-ей, мендан кечирим сўрашингнинг ҳожати йўқ. Эрталаб “ё Биби Фотима” деб йўлга чиқ, болам. Тумор-пумор тақиб юр, шунда кинна-суқдан холи бўласан...

– Менинг нимамага кўз тегарди, – деди Ақчагул тортиниб. – Топганим рўзгоримга етмайди. Кинна-суқ деганлари бор бўлса, қават-қават иморат солиб, қўша-қўша машина миниб юрганларни топмасмиди...

– Сен ичи-сиртинг тоза, кўзга яқин аёлсан. Кинна-суқ ҳам тоза одамни топади. Ма, манавига етганича манти берақол, қуруқ қайтма, – деб қоровул чол унга икки юз сўмлик пул узатди. – Ҳозир чой ичмоқчи бўлиб турувдим. Қурғур шу бир парча қоғозни кўзимиз қиймаганидан жағимиз қийшайиб, қотган нон ковшаб ўтирамиз. Шу билан дунёни орқалаб кетармидик?

Ақчагул қоровулнинг ўзига раҳми келганидан манти олмоқчи эканлигини пайқади. Унга бир дона мантини зиёд бергиси келиб, қўли идишга бориб-келиб турди-ю, бунга журъати етмади. Фақирлик курсин...

Шундан сўнг у совуброқ қолган кастрюл билан қалай тоғорани қўлтиқлаганча йўлнинг нариги тарафига ўтди. Қаршисида яқиндагина қурилган тўрт қаватли иморат савлат тўкиб турарди. Бироқ шу чоққача у ерга кириб кўргани йўқ эди. Эшитишича, бино ичкарасида замонавий ошхонаси ҳам бор эмиш. Ақчагул манти-сомса сотадиган идорадагиларнинг ҳам киссаси бақувватроқлари шу ерда тушлик қилиб кетишади. Баъзан унинг совуб, ёғи тўнглаб қолган икки-уч қатор манти билан ўн-ўн бештача сомсани уйга қайтариб кетишининг сабаби ҳам шу эди.

Ақчагул оёғи тортмаса-да, ноилож ҳашаматли бинога қараб юрди. Бозорга олиб боргунича ҳаммаси совуб қолади. Совумаганда ҳам у ердаги мантифурушлар яқинига йўлатишмайди. Ё арзон бериб кетиши, ёки бозор оралаб сотиши керак. У ердагилар ҳам дуч келган одамнинг овқатини еявермайди, кунда-шунда овқатфурушлар аллақачон уларни ўзларига мижоз қилиб олишган. Пулнинг бетига қарамасдан, масаллиғини мўл-кўл солиб, кўзи тушган одамнинг иштаҳасини қитиқлайдиган манти-сомса пишириш учун эса қўл калталиқ қилади. Бунинг устига, билиб-билмай битта-яримтасининг “мулки”га кўз олайтирсанг, қутулмас балога қолишинг тайин. Биронта беҳаёроғига дуч келиб қолсанг, юз-кўзингни тимдалаб, чор бозорга масхара қилишдан ҳам тоймайди. Худди бозор отасининг маҳрига тушгандай! Худо кўрсатмасин! Шунинг учун бозор оралашдан Ақчагулнинг юраги безиллайди. Буюргани бўлар, чет-чақада ҳам насибамни териб юравераман, деб ўша идорага айланишиб юрган эди. Аммо кейинги пайтларда у ерда ҳам ишлари орқага кетаяпти.

Бугун у илк бор қадам қўйган янги иморатнинг ташқарисигача буруннинг қонидай қип-қизил гилам тўшалган экан. Оёқ остига бир бор назар ташламасдан уни босиб ўтишга ҳам тортинасан киши. Ақчагул гиламга оёқ босишдан аввал пастдаги пойафзал тозалагичга ковушларини қайта-қайта артди. Сўнг аста юқорига қараб юрди. У зинадан кўтарилгунча бошини ердан узмади. Турли хаёлларга борди. Овқатимни олармикин деб бировларнинг юзига термилиб юриши не азоб? У ҳам баъзи хотинларга ўхшаб беш-олти юз кило картошка-пиёзни олис жойларга олиб бориб сотиб келгани яхши эмасми? Худога шукр, тўрт мучаси бут. Қирқ-эллик килолик қопни кўрдим демай елкалаб кетишга кучи етади. Элда бир ўзи эмас-ку. Эрлари хо-

нанишин бўлиб қолган аёлларнинг кўпчилиги шу йўл билан бола-чақа боқишяпти. Кундуз деган аёл олти ой бир фермернинг чўчқасини боқиб, қайтиб келгач, келинининг қалин молини тўлади, тўй бериб, қуда чақирди. Кундалик қозонини зўрға қайнатиб туришга яраётганини айтмаса, кунда икки товоқ овқат сотгани билан нимагаям эриша оларди...

— Ҳой, хотин! Сенга “бу ерга яқин йўлама” деб айтганимга уч кун бўлди-ку. Ичкарида ўзимизнинг ошхонамиз бор! Қанақа гапга тушунмайдиган бетамиз аёлсан!

Ақчагул қаршисида ёши олтмишлардан ошган, бадбашара, серсоқол бир кишининг ўзига еб қўйгудек қараб турганини кўрди.

— Астафтурулло! — деб шивирлади ўзича. — Уч кун бўлди дейди... Мен бу ерга бугун келаяпман-ку!

— Бор, бор... Тезроқ кетсанг-чи, безраймай! — дея у қўшқўллаб Ақчагулни орқага итариб юборди. Ақчагул тисарилиб бориб, зинага тиззалаб ўтириб қолди. Манти тўла кострюл қўлидан чиқиб кетиб, пастга думалади. Кастрюлнинг сиртига ўралган дастурхон ечилиб, қопқоғи даранглаб отилиб кетди. Буғи чиқиб турган иссиққина мантилар картошкадай ҳар ёққа сочилди. Сомса жойланган товоқ тўнкарилиб тушган жойида туриб қолди.

Ақчагул қутилмаган воқеадан ўзини йўқотиб қўйиб, беихтиёр инграб юборди. Аммо шаллақилик қилиб ҳўнграб йиғламади. Икки елкасини силкитиб, ўксиб йиғлади. Кечқурун болалари унинг олдига югуриб чиқиши, эртадан-кечгача уй олдида қарта ўйнаб ўтирадиган эрининг ёш боладай сумка титкилаши эсига тушиб йиғлади. Ҳаммасидан ҳам кабағаллиги ёдига тушиб ўксинди. Буёғи қандоқ бўлди? Садақа сўраган лўлилардан нима фарқи қолди? Нега бу аҳволга тушди? Бояқиш онаси нимага ўн бир ёшида уни етим қолдириб кетди? Болалигида тўйиб ўйнай олмагани каммиди? Бир пайтлар оёқ остига чой қутини тўнкариб нон ёпаётганига кўзи тушган қўшни Амангул кампир:

— Худойим-ей, манави муштдайгина норасиданинг нима гуноҳи бор эди, — дея тандир бошида ўтириб олиб, нола қилган эди. Ақчагул шу топда ўша кампирнинг ҳолига тушган эди.

— Келин, тур, идишингни ол!

Юзларига ажин тушган икки аёл аста қўлтиғидан кўтаришди. Уни итариб юборган киши аллақачон ичкарига кириб кетган экан.

— Бугун бир бемаъни қоровулнинг навбати эди, шунга дуч келиб қолибсан, — деди аёлларнинг ёши улугроғи. — Ҳечқиси йўқ. Мантиларни йиғиб олайлик, садағаси кетай, увол бўлади-я. Яхшиям манави товоқдагиси сочилиб кетмабди.

Ақчагул аёлларнинг ҳамдардлигидан енгил тортиб, ўзини қўлга олди.

— Бу лаънати қайси куни қатиқ олиб келган бир хотинни ҳам қувиб солганди, — деди бояғи аёл. — Сигирларга овсил дориган, телевизорда айтди дейди.

— Қайси юртнинг сигирларига? — сўради ёнидаги ёшроқ аёл.

— Худо билади, денгизнинг нарёғида дейди-ку!

— Уйи қуйсин унинг! Одам овсилдан ҳам кўрқадими! — деди бояғи аёл секингина. — Овсил дегани норасида гўдакнинг тили оқ ем бўлганидай гап, молнинг тилини бир-икки марта туз билан ишқалаб, қатиқ ичкизилса, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади.

Ақчагулнинг бир кастрюл мантиси яроқсиз ҳолга келган эди.

— Энди буни нима қиласан? — дея сўради катта ёшли аёл.

— Қайдам?

– Боғлаб боқиб ўтирган молинг ё итинг борми?

– Йўқ.

– Хафа бўлма, келин. Сен бу мантиларингни менга арзонроққа бериб кетақол. Қўшним мол боқади, ўшанга олиб бориб бераман.

Ақчагул арзон бўлса ҳам мантисига харидор топилганидан қувониб кетди.

– Майли, олақолинг.

– Қанча берай?

– Кўнглингиздан чиқариб...

Кекса аёл кастрюлни бўшатиб келиш учун ичкарига кириб кетди.

– Алжиган кампир! Шундай таомни ҳаромга зое қилади-ку! Сен ҳам, “уйда молим бор, қайтариб олиб кетаман” демайсанми, келин... Боядан бери шунча кўз қисаман, ҳеч қарамайсан.

Ақчагул онг-тонг бўлиб қолди.

– Бу кампир сенинг мантингни чиқитга аралаштириб, чўчқа боқадиган ўрис қўшнисига сотади.

Худойим аёл зотини нега бунча қизғанчиқ қилиб яратдийкин, деган ўй кечди Ақчагулнинг хаёлидан. Сўнг ўзи ҳам ана шу аёлларнинг бири эканлигини эслаб, хафа бўлиб кетди.

Ичкаридан бояги аёл чиқиб, уларнинг гапи бўлиниб қолди.

– Келин, туришинга қараса, жинғилдай жувон экансан, бирон жойда ишласанг бўлмайдами, – деди у кастрюлни Ақчагулга узата туриб.

Ақчагул ерга қаради.

– Иш излаб чарчадим.

– Саводинг борми?

– Тўққизинчини битирганман.

– Биздан кўра тузук экансан-ку. – Кекса аёл бироз ўйланиб қолди.

– Эртага келсанг, сени бир кишига йўлиқтираман. Ишинг ўнгидан келса, менга раҳмат дейсан.

Икки аёл уни сал наригача кузатиб қўйди. Кекса аёл унга:

– Бироз ўзинга қараб, ясан-тусан қилиб кел! – дея тайинлади.

– Иҳм! – деб томоқ қирди иккинчиси. Бу унинг “келма” дегани эди.

Ақчагул бир товоқ сомсани кўтариб бозорга борди. Нон сотаётганлар ёнида туриб, харидор чақирмоқчи эди, тили келишмади. Сутқатиқчиларнинг орасида ҳам иши юришмади. Охири ҳар хил салатлар, қовурилган балиқ сотиладиган қаторнинг энг чеккасига бориб, товоғини ерга қўйди. Шу ер қулайроқ экан. Қаршисида бўғирсоқ, ширинкулча сотувчи қиз-жувонлар тизилишган. У битта сомсани товоққа ўралган дастурхон устига кўринарли қилиб чиқариб қўйди.

– Бу ер бошқа бировнинг жойи-ку! – деди рўпарасида бўғирсоқ сотиб ўтирган келинчак.

– Мен бирпасда сотаману кетаман.

– Ҳа, сенинг сомсангни оламан деб кўзи учиб турибди одамларнинг!

Шу пайт бир ёшгина жувон жой пули йиғиб келиб қолди.

– Мен ҳозиргина келувдим.

– Ҳозир келдингми ёки эртага келасанми, менга фарқи йўқ! Бозорда минг киши бор, қайси бири билан тортишиб ўтираман!

У анча сергайрат, тили бийронгина жувон экан. Ақчагулга гапира туриб, атрофдагилардан жой пули йиғиб олишга улгурди.

– Қани, бўлдингми? – У Ақчагулнинг юзига қараб туриб, қутилмаганда жаҳли чиқиб кетди. – Ўзи, сен қаердан келиб қолдинг? Бу ер Гулхатчанинг ўрни-ку?

– Ҳозиргина келдим, бир товоқ сомсам бор, сотиб бўлишим билан кетаман.

– Сотиб бўлиши билан кетармиш! Бу жойни одамлар неча сўмга сотиб олиб қўйганини биласанми? Қани, кўтар тўрва-халтангни, товогингни ол!

– Дугонажон, ярим соатгина ўтира турай, ўтмаса ўзим кетаман.

– Бозор бедарвоза эмас, билдингми? Нега бозорқўмдан рухсат олмайсан? Овқат пишириш учун справканг борми? Дўхтирдан ўтган-мисан? Патентинг қани?

– Патентим йўқ.

Жувон Ақчагул билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, шу заҳоти товоққа чанг солди. Ақчагул ноилож боя арзонгаровга сотилган мантининг пулини унга узатди.

– Тезроқ сот-да, бу ердан жўна! – деди пагтачи шаштидан тушиб. – Бозорқўм кўриб қолса, бошимга итнинг кунини солади.

– Астафйрулло! – дея хўрсинди Ақчагул ичида. – Минг киши сиққан бозорга бир мен сиғмасам-а!

\* \* \*

Азондан бери тик оёқда юравериб, Ақчагул роса толиқди. Бозор ёнидан маршрут таксига ўтириб, юмшоқ ўриндикда бироз нафас ростламоқчи эди, шуям насиб қилмади. Кўчадан бир чақиримча берида тушиб қолишга мажбур бўлди. Салонда ундан бошқа одам қолмаган эди.

– Сенинг бир ўзинг учун шунча жойга ҳайдамайман. Орқадаги машинага чиқақол, – деди-да, ҳайдовчи асфальтнинг устида фирра ортига бурилди.

Чарчаган одамнинг қадами ҳам унмайди. Кун ботай-ботай деб турибди. Бояқиш болалари унинг йўлига кўз тикиб ўтиришгандир. Арзайим кечки овқатнинг тараддудида бўлса керак, бироқ қозонга солинадиган масаллиқлар унинг сумкасида. Имкони бўлса-ку, ора-сира уйга тўрт-беш кунга етадиган масаллиқ олиб бориб қўярди. Кечки емак учун зарур бўладиган нарсаларни кунлик топган пулига олиб келади. Эрталаб тўрт-беш дона картошка билан иккита помидор, уч-тўрт бош пиёз қолгандай эди. Лекин ёшгина қизи ундан бирор таом тайёрлашнинг уддасидан чиқармиди.

– Нуржан, кампиринг келаяпти, суюнчи бер! Энди хуморинг босиладиган бўлди.

Дарвоза олдидаги омонатгина ёғоч супада қарта ўйнаб ўтирган қўшни йигитлар Ақчагулни узоқдан кўриб, Нуржанни эрмак қила бошлашди.

– Оббо, эсимдан чиқибди-ку, – дея лабини тишлади Ақчагул. У эрига сигарет олиб келишни унутган эди. Аслида, бугун сигарет олиш кўнглига сиғармиди? Эрталабдан иши юришмади. Ҳайдовчининг ўзи туширмаганда вокзалдан ортига қайтиб келарди. Қолаверса, “ўлгиси келган эчки чўпоннинг таёғига суйкалади” деганларидай кастрюлини қўлтиқлаб, министр билан тўқнашиб кетай деди. Сўнгра шу чоқ-қача қадам босмаган идорага борганидаги аҳвол, бозордаги ғалва, хуллас, айтгулиги йўқ. Бугун бир хосиятсиз кун бўлди унинг учун. Яхшиям бир йигит “идорада туғилган кунимни нишонламоқчи эдим” деб бирваракайига қирқта сомсасини олиб кетди. Бўлмаса, Қувватга кета, ярим кило гўшту, бир стакан қора чой қайда-ю. Ҳалиям Худонинг ўзи қўллади. Сомсасини сотиб бўлганида бир киши “кета, футболка!” дея бақирганча қатордан ўтиб қолди. Бўлмаса, шу нарса ҳам буткул ёдидан кўтарилган экан. Унинг ортидан бир келинчак “семизгина қочарнинг гўшти”ни сотиб келди. Анчайинда бозорда “сигарет,

гугурт, таракан дори” деб жар солиб юрадиган бир йигитни кўп кўрарди, аксига олиб, бугун шуям дуч келмади. Боя қўшнилари “Нуржан, хуморинг босиладиган бўлди” деганидан кейин сигарет олишни унутгани эсига тушди. Энди Нуржан ундан тумшук буриши тайин. Шунча йил бирга яшаб, ораларидан қаттиқ-қуруқ гап ўтмагани учунми, эрининг аразлаши унга қаттиқ ботади. У хафа бўлса, қовоғи очилмай қолади. Емай-ичмай, тумшайганча ўтираверади. Оила бошчиси дастурхон бошига келмаса, ичганинг қора қон бўлар экан. Бундай кезларда унинг қовоғи очилмагунча ҳеч ким очилиб сўзлашмайди. Луқмасини жимгина ютаверади, томоқдан ўтгани ҳисоб. Буни яхши билгани учун Ақчагул ҳеч вақт эрининг гапини икки қилмасди, аксига олиб, бугун ёдидан кўтарилибди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам эрталаб эсига солмабди. Саҳарда туриб, кеч ётиб, минг бир ташвиш билан елиб-югуриб юрган аёлнинг хаёлиям кирди-чиқди бўлиб қоларкан.

– Кампир, сигаретни олиб кел! – деди Нуржан анча наридан. Ақчагулга бу гап оғир ботиб, эшитилар-эшитилмас тўнғиллади:

– Кампирингиз нимаси!

У эрининг “сигаретни олиб кел” деган гапини эшитмагандек, ичкарига кириб кетди.

Худога шукр, ошхонадан овқат ҳиди келаяпти.

– Арзай, нима пишираяпсан?

– Шилпилдоқ.

– Шилпилдоқ! – эрталаб супрадаги бор унни қоқиб-силкиб ийлагани шу пайтда Ақчагулнинг ёдига тушди. – Уйда ун йўқ эди-ку?

Арзайим онасига ҳайрон бўлиб қаради.

– Овулдаги дўконга икки халта уннинг пулини бериб қўйганимга икки ҳафта бўлди. Ҳар куни эрта-индин деб у ҳам ортга солади...

Ақчагул эрининг ташқаридан энтикиб кириб келаётганини кўриб, гапини тугатолмади.

– Нега сигаретни ташлаб кетмайсан?

– Кечиринг, Нуржан, сигарет олишни унутибман.

– Нима?

– Хаёлимдан кўтарилибди мен эсипастнинг!

– Ҳе, эсингни отасининг...

Нуржан Ақчагулнинг чаккасига шапалоқ туширишга чоғланди.

– Ота! – Арзайим югуриб келиб, отасининг қўлига осилди. – Нима, қаригунча онамни ураверасизми?

– Бунга “қунора бир қути сигарет олиб келасан” деб тайинлаб қўйибман-ку... Манави сумкадаги нима?

– Кета.

– Кета олишни унутмайсан, сигаретни унутасан!

– Ахир, буни ўзингизнинг болаңгиз кияди...

– Ҳе, болаңгинг бақайининг... Ўша болалардан нима роҳат кўраман! Отам мендан нима наф кўрди?

Нуржан кейинги вақтларда шу гапни кўп такрорлашга одатланган. Рост, отаси ўлганида унинг ёш боладан деярли фарқи йўқ эди. Турмада ўтириб келгандан кейин тез-тез отасини эслайдиган бўлди, ичиб олса йиғлайди, аччиғи чиқса Ақчагулга қўл кўтаришдан ҳам тоймайди. Лекин бир пасдан сўнг ўзи кечирим сўрайди.

– Қамоқда кўп калтак едим, ўшанда бошимга заха етган бўлса керак, – дейди хафа бўлиб. – Ўзимни туголмай қоламан. Қалтираб кетаман.

Шунинг учунми, Ақчагул эрининг баъзан жаҳл устида тилга оладиган эркакча сўкишларини кўнглига оғир олмайди. Қайтанга ярашиб олгандан кейин ичган чойи мазали туюлади унга.

– Ҳозир, отаси, бироз сабр қилинг, сигарет олиб келаман, – деб Ақчагул кўлидаги сумкани Арзайимга тутқазди. – Юр, Қувват, кетанинг ҳақиға мен билан дўконга бориб келасан. Қайтгунимча қоронги тушиб қолади, бир ўзим қўрқаман. Арзай, сен Тамара холангдан бир зувалага етгудай ун олиб келиб, хамир ийлайвер. Ойим бир-икки кунда қайтараркан, дегин.

Кун говгумлаша бошлаган эди. Ақчагул ноилож Қувватни эргаштириб, уч чақирим наридаги навбатчи дўконга йўл олди. Кўча бошидаги савдогарлар насияга беришмайди. Уша дўкондагилар эса уни яхши танишади, бир-икки кун қарзга бериб туришади.

Қувватнинг ортидан пилдираб келиши Ақчагулга ёшлик чоғларини эслатиб юборди. Кичкина пайтларида у яйловдан қайтмаган қўйларини ахтариш учун кўчага чиққан онасининг орқасидан эргашарди. Уша пайтларда онаси ёши бир жойга бориб қолган кампирларга ўхшаса-да, аммо юрганида унга етиб олиши қийин эди. Бўлмаса, Ақчагул тўққиз-ўн яшар шўх-шадлод, ўйинқароқ қизча эди. Энди ўйласа, онаси анча ёш бўлган экан. Буни мархуманинг қабри бошига “Бегжан қизи Бибинияз, 1915-1971” сўзлари ўйиб ёзилган мрамар тош қўйишганда билди. Улар уйга қайтмаган қўй-эчкисини энг аввал Нуржанларнинг кўрасидан излашарди. Чунки уларнинг қўйи кўп эди. Бошқа уйларда тўрт-беш қўй-жонлиқ бўлса, уларники ҳар йили ўттиздан кам бўлмасди. Нуржаннинг бобоси Пирнияз чол мудом ана шу қўйлар билан андармон. Кечқурун яйловдан қайтган қўйларнинг олдига янтоқ сочади. Азонда яна сурувга қўшгач, қўйлар туни билан еб чиққан янтоқнинг поясини ташқарига ёйиб, кампирга тандир ўтин тайёрлаб қўяди! Кейин кўрага эшак аравада кум келтириб тўкади. Бундай парвариш кўрган қўйларнинг жуни ялтираб, ҳамиша топ-тоза бўлиб юради. Мол ҳам тозаликни ёқтирса керак. Ақчагулларнинг подадан қайтмаган қўйлари доим Пирнияз чолнинг кўрасидан топилади. Пирнияз чол феъли кенг одам, эгаси ахтариб келмагунча бегона қўйни кўрадан чиқариб ҳайдаб юбормайди.

Кўра Нуржанларнинг уйининг қибла тарафида, ҳовли ташқарисида жойлашган. Шу ердан кўрани кўздан кечириб, адашган қўйларининг бор-йўқлигини билиб олса ҳам бўлади. Лекин Ақчагулнинг онаси ундай қилмайди. Тўғри уйга бориб, деразани тақиллатади.

– Нурнияз, ҳой Нурнияз? – деб чолнинг ўғлини чақиради.

Нурнияз овулнинг таниқли тракторчиси. Овулдаги кекса кампирларнинг айтишича, биринчи “Фармол”ни ҳам шу ҳайдаган. “Тепонгич трактори бор эди унинг, – деб кулишади янгалари. – Кўп бор фармолчи боланинг бурни дўмбирадай шишиб юрганини кўрганмиз!”

– Ушанда сизларни эгатнинг бошига челақлаб сув ташитардим, эсингиздан чиқдимми? – деб гапни илиб кетади у.

– Жуда бало эдинг, сен қирчин! Тракторнинг радиаторига тухум пишириб ер эдинг-а.

Ақчагул ўшанда бу гап-сўзларнинг маъносини тушунмасди. Бироқ унинг онаси Нурнияз билан ҳазиллашмас эди. У шунисига хурсанд бўларди. Чунки онасини ҳаммадан қизғонарди. Бибинияз опа Нурниязни чақиргани билан кўрани кўрсатишга унинг ўғли Нуржан чиқади. Ақчагул бундай кезларда ич-ичидан қувонади. Негалигини билмайди. Ҳайтовур Нуржанни кўргиси келади. Қўйларининг тугал келмаганига-да хурсанд бўлади. Эрталаблари ҳам уйдагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, ўғринча деразадан ташқарига мўралаб-мўралаб олади. Нуржан ўтиб қолса, ичиб турган чойини ҳам чала қолдириб, папкасини кўтарганча кўчага югуради. Кўринмаса ошиқмайди.



Синфда Нуржан иккови бир партада ўтиради. Иккинчи синфда шундай тартиб жорий қилинди. Муаллим “ўғил болалар билан қизлар дўст бўлиши керак” деган гап топиб келди. Дастлаб Ақчагулнинг ёнига Сапар ўтирадиган бўлди. Шунда у муаллимни еб қўйгудай бўлганди. “Нега Нуржанни ўтирғизмайди? Сапарни орқага ўтказиб юборсин. Илойим, унинг ёнига бошқа қиз ўтирмасин!” Лекин сиртида ҳеч нарса дейолмади.

У Сапар икковининг орасига папкасини қўйиб ўтирадиган бўлди. Партанинг устидан қалам билан чизиқ тортиб, тенг иккига бўлди.

– Тирсагинг манави чизиқдан берига ўтмасин! – деди Сапарга.

Сапар бояқиш “хўп” дегандек жимгина бош ирғади.

Барибир у билан тез-тез уришиб қолар эди.

– Оёгингни торт! – деб тўпигига тепиб юборади Ақчагул йўқ жойдан жанжал чиқаргиси келиб.

Сапар унга оғрингандек қараб қўяди-да, янаям нарироққа сурилиб, партанинг чеккасига зўрға илашиб ўтиради. Унинг миясига сабоқ кирмайди, нима қилсам Ақчагулга ёқар эканман, деб хаёли қилади. Лекин Ақчагул уни ҳечам хушламайди. Бир куни танаффусда Сапар унга:

– Ақчагул, Ақчагул! – деб шивирлади ҳамма синфдан чиқиб кетаётганда.

– Нима? – деб жеркиб берди Ақчагул.

– Ҳеч нарса! – дея шалвираб қолди Сапар.

– Гапирсанг-чи, шалвирамай!

Сапар аста сумкасини очиб, сиртига ёғи чиқиб турган ўроғлик қоғозни олди.

– Қўймоқ ейсанми?

– Сендан қўймоқ сўрадимми? – Ақчагул бурнини жийирганча даҳлизга чиқиб кетди. Ушанда унинг жудаям қўймоқ егиси келганди, аммо гурури йўл бермади. Назарида Сапар унга ёқиш учун бу ишни қилганди. Чинданам, Сапар бир кун бурун онасига:

– Синфда ҳамма болалар қўймоқ еб юрибди, – деб хархаша қилавериб тухум қовуртирганди. Барибир фойдаси бўлмади.

Ақчагул танаффус пайтида ҳар хил баҳона топиб, Нуржан билан ўйнаб қоларди. Гоҳида оғзига сув тўлдириб келиб, Нуржаннинг бўйнига пуркаб юборади. Баъзан ортидан келиб, қафтлари билан унинг кўзларини юмиб олади.

– Қўй, Ақча, – дейди Нуржан уялиб. Бошқа гапиролмайди. Ақчагул бўлса гўё катта одамни кичрайтириб қўйгандай, ҳар балоларни ўйлаб топади. Баъзан укасига ғамхўрлик қилгандай, Нуржаннинг устбошининг чангини қоқиб қўяди. Чанг қаёқда! Бу бир баҳона! Нима қилиб бўлсаям Нуржан билан ўйнаб-кулгиси келади. Лекин у очилиб ўтирмайди. Топ-тоза, ораста кийиниб, партада одоб билан ўтирганча, жимгина дарс тинглайди. Нуржан қанчалик индамагани сари Ақчагулга шунча яхши кўриниб кетар эди. Лекин буни унинг ўзи билмайди, муаллим ҳам Ақчагулнинг кўнглида не борлигидан беҳабар.

Ёшлиқдан шу тариқа кўнглига ўтириб қолгани учунми, Ақчагул эрининг унча-мунча қилиқларини бир зумда унутиб юборади. Бугун ҳам унинг сигаретни деб уни сўккани, бунинг устига, кечқурун зинғиллатиб дўконга жўнатгани яхши бўлмади. Бошқа биров бўлганида бу иши учун сира кечира олмас эди. Лекин тотли болалик хотиралари бирин-кетин хаёлида жонлангани сари унинг кўнглидаги ана шу гина-қудурат ҳам эсидан чиқа бошлади.

Эҳ, болалик!

– Нуржан! – деди у бир куни танаффус вақтида. – Сенга бир гап айтайми?

Нуржан “айт” дегандай унга юзланди.

– Сапарнинг бир ёқимсиз иси бор-а?

– Билмасам.

– Ёнида ўтирсанг биласан.

– Ахир, мен қиз бола эмасман-ку, – деди Нуржан. “Унда нега сен менинг ёнимда ўтирмайсан?” – деб юборгиси келди Ақчагулнинг. Бироқ ботинолмади.

Шу тариқа биринчи чорак тугади. Ақчагулнинг ўзлаштириши пайсайиб кетди.

– Сенга нима бўлди? – деди муаллим янги чорак бошланишида.

– “Фақат “беш”га ўқирдинг, “тўрт”га тушиб қолдинг? Ҳатто, “уч”инг ҳам бор.

Ақчагул миқ этмади. Танаффусга қадар ичидан тўлиб ўтирган эди, бир пайт ручкасини қўш қўллаб қисимлаб:

– Ҳаммасига сен сабабчисан! Сен! Сен! – деб аямасдан Сапарнинг билагига ура бошлади. Сапарнинг қўли қонаб, кўйлагининг энги титилиб кетди. Ақчагул ўпкасини боса олмай, папкасига ҳам қарамасдан ташқарига югуриб чиқиб кетди.

Эртаси куни Сапарнинг қўлини ҳамшира чақириб боғлатишганидан хабар топди. Шу куни Нуржан унинг папкасини уйига келтириб берган экан. Лекин у муаллим келган бўлса керак деб қўрқиб, ташқарига чиқмади. Билгач, чиқмаганига ўкинди.

Сапар уч кун мактабга келмади. Бола бўлса ҳам уялишга ақли етиб, уйдагиларига Ақчагул урганини айтмабди. Саккизинчи синфни битираётганда унинг ўзи шундай деди.

Муаллим Ақчагулни унчалик койимади.

– Лекин синфдаги тартибни буза олмайман, – деди у. – Барибир, бир қиз, бир ўғил бола ўтираверасизлар. Нуржан, сен Ақчагулнинг партасига кел, сенинг ўрнингга Сапар ўтиради.

Нуржан китобларини тахлаб, уяла-уяла Ақчагулнинг ёнига келиб ўтирди. Ақчагул уч ойдан бери ўртада турган папкасини олиб, парта остидаги тоқчага қўйди. Сўнг ўртада тортилган чизиқни дастрўмолчаси билан тупуклаб ўчирди.

Ақчагул йўл бўйи ўз хотиралари билан андармон бўлиб, ўғлига бир сўз демасдан дўконга етиб келди.

– Ие, ойи, ёпиқ-ку! – деди Қувват дўконнинг эшигини тортиб кўриб.

– Оббо, энди нима қиламиз? Эшиги қулфланганми?

Қувват қулф уриладиган тешикдан ичкарига мўралади.

– Йўқ, қулфланмаган, фақат ичкаридан илиб қўйилган.

– Унда ҳали ёпилмаган. Юр, орқа тарафидан айланиб ўтамиз.

Дўконнинг ҳовли дарвозаси очиқ экан. Ҳовлида усти ёпиқ машина турарди. Ун келган экан. Юқорида, ҳайдовчи бўлса керак, бир киши дўкончи қизни:

– Бўлақол, елкангни тут, – деб қистаяпти.

– Қўйсангиз-чи, кўтара олмайман!

– Кўтара олмасанг, нега ёздириб келдинг!

– Сизам эртароқ олиб келмайсизми? Биронтасига беш-ўн кило ун бериб, туширтириб олардим.

– Анави болани чақир, бир тарафидан кўтаришиб юборади, – деди ҳайдовчи Қувватга кўзи тушиб.

– Қани? – деди дўкончи қиз умид билан ўша томонга тикилиб. Қувватнинг суяги қотмаган бола эканини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

– Ўзингиз тушириб берсангиз, эвазига ўн кило ун берардим. Ярим соатда уддалайсиз.

– Керак эмас. Ўзи, азондан бери юз халта ун туширганман, ўлай деб турибман.

Ақчагул аста машинага яқинлашди.

– Неча халта экан? – деб сўради сўнг.

– Ўттиз халта-ёв, – деди дўкончи қиз унга умидвор қараб. – Ҳой, Ақчагул опа, сизмисиз, келганингиз яхши бўлди. Ёрдамлашиб юборинг.

Ақчагул бировга кўмак беришдан қочмайди. Лекин қуруқ ёрдам ўрнига... Эвазига боя ўзи айтган ўн кило унни берса яхши бўларди. Дўкончига шуни айтмоқчи бўлиб тараддудланди-ю, аммо номус кучлилиқ қилди, айта олмади.

– Қани, бир таваккал қилиб кўринг-чи, – деди ҳайдовчи бир халта унни бу томонга судраб. Ақчагул қопнинг бир тарафига бармоқларини ботириб, маҳкам ушлади. Дўкончи қиз нариги тарафидан тутди. Улар машинадан тортиб олиши биланоқ, қоп “гуп” этиб ерга тушди. Дўкончи қизнинг нозик кўллари бундай оғирликка дош беролмаган эди.

– Ўлсин, кўтармайман, – деди у йиғламсираб. – Қайтариб олиб кетаверинг. Тирноғимни кўпориб юборай деди-ку.

Ақчагул энди унинг ердаги қопни қайта ушламаслигини билди. У халтанинг тагидан бир чеккага тортиб қўйди-да, машинага елкасини тутди.

– Менинг елкамга юклай қолинг!

– Қўйинг, опа, майиб бўласиз, – деди ҳайдовчи ўнғайсизланиб.

– Юклайверинг. Овулда олтмиш килолик қанорни эгатнинг у бошидан бу бошига орқалаб борганда ҳам майиб бўлмаган эдим.

Ҳақиқатан ҳам Ақчагул ўн беш-ўн олти ёшга чиққанида бирдан бўйи чўзилиб, улғайиб қолди. Бунинг устига, чевар теримчига айланди. Эрталаб аёллар ҳовли-жойини йиғиштириб, далага етиб келишгунча у бир қанорни пахтага тўлдиришга улгуради.

– Ана, Ақчагулни қаранг, муштдайгина қиз. Сизларнинг эрта-лабдан-кечгача терганингизни бир пасда тарозига келтириб қўяди, – дея Эжибой биргат тушда аёлларни йиғиб, бир замон ваъз ўқийди. Бундай пайтларда Ақчагул уялиб кетади. Ўзини чевар теримчи деб мақташганига ичидан қувонса-да, аёлларнинг четга чиққач, ғийбат қилишини билади.

– Ўзи муштдайгина қиз бўлса, қайси бола-чақасига етмаётган экан, – деб тўнғиллайди улар эшакларига мина туриб. Бу гапни улар Ақчагулга эшиттирмай айтишади. Эшиттириб айтишга ундан эмас, худодан қўрқишади. Ақчагулнинг тўртинчи синфни битирган йили онасидан етим қолиши овулдагиларнинг ҳаммаси учун оғир қайғу бўлди. Қолаверса, муштдайгина норасиданинг онаси учун қайғуришга ақли етганини, ҳатто, икки марта ҳушидан кетиб қолганини кўриб, катта одамларнинг ҳам кўпчилиги эсидан айрилаёзди. Буни кўрган овулнинг эркак-аёли унинг юзига қаттиқ-қуруқ гап айтишдан ўзларини тияди. Етимни йиғлатишдан қўрқишади. Кўнгли шикаста қизнинг кўз ёшига қолгилари келмайди.

Етимлик одамни тез улғайтирар экан. Йиғлай-йиғлай, унинг дийдаси қотиб қолди. Белини маҳкам боғлаб, уй ишларига унади. Акаларининг камзулини, ҳатто, пальтолларини ювади. Сиқишга кучи етмай қолганида кийимларнинг енгини теракка боғлаб олиб, икки қўллаб сиқади. Катталар ювган кир бир соатда қуриса, уники бир кунда селгийди. Нима бўлганда ҳам бировга ялинмайди.

Қузда унинг ташвиши бурунгидан беш баттар кўпаяди. Отаси эшик олдидаги томорқага тариқ, жўхори, кунжут экар эди. Акалари тариқ

билан жўхорини эшак қўшда ҳайдаб беришади. У шуларни қоқиб, қобиғидан ажратиб олса кифоя. Кунжутни саранжомлаш эса бир ўзига тан. Остига олача ёйиб, бир-икки кун қуришиб қўяди. Унга гала-гала бўлиб чумчуқ ёпирилади. Бунинг устига, бошоқлари сочилиб кетмасдан бурун қуришиб омасанг, ҳаммаси эгатга тўкилиб қолади. Акалари Жанаберган билан Узақбай бир муддатда ўриб ташлайди-да, йиғиштириб олишни Ақчагулга қолдиришади. Укаси Худайберган эринчоқроқ. Қолаверса, Ақчагулнинг ўзи уни аяйди. Йўқ ердан енгилроқ юмуш топиб бериб, шунга буюриб қўяди-да, ўзи тоғни қўпорадиган кучи бордек, оғир ишларга уннайди.

Қора меҳнат аёл кишининг ҳам қўлларини чиниқтириб, билагини бақувват қиларкан. Бир гал, саккизинчи синфда ўқийдиган вақтида эллик беш килолик қанорни бир ўзи эшакка ортди. Аччиқ устида кучи кўпайиб кетиб ортди. Дастлаб бу ишни уддалолмасам керак деб ўйлаган эди. Соат ўн бирларда қанорни тўлдириб, оғзини боғлаб турганида табелчи Сарсенбой ёнига келиб қолди. У бир марта уйланиб хотин қўйган, ўзи ҳам тузи камроқ, енгилтак йигит эди.

– Сарсенбой ога, эшакка ортишиб юборасизми? – деди Ақчагул қанорга ишора қилиб.

– Сен айтгач, бизда жон қолармиди! – деб Сарсенбой дарров кўна қолди. Ақчагул унинг бемаъни гапидан жаҳли чиқса-да, сир бой бермай нарироқда боғлоғлиқ турган эшагини олиб келди.

– Қўлингни бер, – деб Сарсенбой қанорнинг ортидан ўнг қўлини узатди. У биринчи марта бегона эркакка илкани тутмоқда эди. Сарсенбойнинг қаттиқ, йирик панжалари унинг юмшоқ кафти билан нозик бармоқларини қўшиб маҳкам сиқимлади.

– Қани, Ақча, бир-икки-уч... – Қанор ердан кўтарилди. Бироқ қутилмаганда Сарсенбой қўлини ёзиб юборди-да, “ҳеҳ-ий” деб қанор кўтарган қўли билан Ақчагулнинг диркиллаган кўкрагини сиқимлаб олди.

Ақчагулнинг аъзои бадани титраб кетди. Ошиғичда оғзига гап келмади. Суришиб бориб, ердан бир кесак олди-да, Сарсенбойга қараб отди. У эса бошини эгиб қолиб, тарози томонга қочди. Ақчагулнинг қаттиқ хўрлиги келди. Лекин етимликда қотиб қолган дийдаси унинг бўғзига тиқилган ўксикни сиртига чиқаришга йўл бермади. Қанор тўла пахтани бир ўзи тарозига олиб боришга қарор қилди. Эшакни ариқнинг ичига туширди. Қанорни қўшқўллаб қучоқлаганча тиззаси билан силжитиб, ўнглаб олди. Сўнг “хўппа” деб бор кучи билан қанорнинг тагидан кўтарган эди, эшак бир чайқалиб, гандираклаганча олға юриб кетди. Лекин қанор ерга ағдарилмади. Бир дафъадаёқ эшакка теппа-тенг ортилган экан. Аччиқдан икки юзининг олмаси қизариб, терган пахтасини тарозига олиб борди. Унинг бахтига Сарсенбой бу ердан ҳам гойиб бўлган экан, Нукусдан келган талабаларнинг муаллими тарози тортиб, колхозчиларникини алоҳида, шогирдлариникини алоҳида дафтарга ёзиб турарди.

Ёшлигидан ана шундай оғир меҳнатга қўникиб қолгани учун эллик килолик қоп унга ҳеч нарса бўлиб кўрингани йўқ. Қопларни бирин-кетин ичқарига ташиб, дўкончи қиз кўрсатган жойга гурсиллатиб отаверди. Ўттиз халта ун бир пасда дўконга жойланди. Ҳайдовчи қоғозга қўл қўйдириб жўнаб қолди.

– Опа, халтангиз борми? – деб сўради дўкончи қиз Ақчагулдан.

– Йўқ.

– Ун солиб бермоқчи эдим.

– Йўғ-ей, синглим. Қора кучимни пулга сотаманми энди? Менга қарзга икки қути сигарет бериб турсангиз етади. Эримнинг сургунига учраб, бу ерга келган эдим. Бир-икки кунда йўл-йўлакай пулини бериб ўтаман.

Дўкончи қиз икки қути сигаретни раста устига қўйди-да, каттагина елим халтанинг оғзини очди.

– Иним, ушлаб тур, - деди Қувватга. – Опа, сиз бўлмаганингизда бошқа бировгаям берардим буни. Ваъда қилдим, олиб кетинг.

– Барака топинг, қароғим.

Дўкончи қиз ўн кило ун ўлчаб берди.

– Сизни сигаретга юборган оғамга раҳмат, – деди сўнг кулиб.

Ақчагул дўкончининг “ўн кило ун берар эдим” деган гапини эшитса-да, бунга унча ишоманган эди. Чунки, кейинги бир ойдан бери ун танқис бўлиб қолди. Ўзи, ҳар йили шу пайтда оз-моз узилиш бўлиб туради. Гоҳо галла тортилиб, заводга янги дон келмай қўяди. Бундай кезларда маҳаллакомларга худо беради. Овулдаги дўкончига икки халта уннинг пулини ортиги билан бериб қўйган бўлса-да, ҳалигача олмаётганининг сабаби шу эди. Дўкончи маҳаллакомдан қўрқади. Бу ерда ку яхши экан. Ақчагулнинг кўчасидаги маҳаллаком дўкон ёпилмагунча уйига кетмайди. Сотувчини қўрқитиб, озми-кўпми яланиб қолади.

Ақчагул анча толиққан бўлса-да, ўн кило ун қўлига теккач, оёғи ерга тегмай учиб қайтди. “Эркак киши аралашган иш баракали бўлади, – деб эрини мақтаб қўйди ичида. – У сигарет сўрамаганида говгунда дўконга келармидим?” Арзай Тамарадан сўраб олган унни бугуноқ қайтариб олиб бориб берсаммикин, деб ўйлади ўзича. Бирпасда қаердан топди ҳайрон қолсин! Йўқ, яхшиси, ундай қилмаганим маъқул. Тамаранинг кўзи ёмон! Унинг касрига болалари суқланиб қолиши мумкин. “Сенинг ичи-сиртинг тоза, кўзга яқин аёлсан. Кинна-суқ ҳам тоза одамни топади”, – деган эди-ку бояги қоровул. Нима бўлгандаям Тамара шу кўчанинг одами. Ақчагулни ўзига яқин олиб юради. Авваллари катталар билан ҳам борди-келдиси бўлган. Эри ўлгач, қўли қисқариб, шу чоққача остонасидан кириб-чиқиб юрган одамларнинг оёғи тортилиб қолган. Тўй-маъракаларда унинг уйига қўноқ беришлар ҳам сийраклаша бошлаган.

– Айланаин, келиним-ов, – дея у бир куни Ақчагулга ёрилди. – Қадимда бир кампир айтган экан, “тўқсон – яшайин деган ёшиммиди, арпа-талқон – ичайин деган ошиммиди” деб. Ўша айтгандай, катталарнинг мавзесида ўн икки хонали уйим бор эди, аввал эрим ўлди, ортидан уйланаи деб турган икки бирдай жигарбандим машина ҳалокатидан жувонмарг кетишди, сўнг ҳамма мени талайверди, боримни тортиб олаверди, охири данғиллама уйимни сотиб, кенжа-тойим билан мана шу тўрт девор орасига кириб мунгайиб ўтирибман. Бу ер менинг ўтираин деган жойиммиди?

Тамара бурунги дорилмон кунларини ҳалигача тусайди, аслида у ҳозирги дов-даскоси билан ҳам кўчадаги ўттиз бир хўжаликнинг барини сотиб олишга чамаси келадигандай. Ҳар бармоғида қўша-қўша олмос кўзли узук, қулоғида олтин зирак, уни ҳам тез-тез алмаштириб тақади. Ўғлининг қаерда ишлашини ҳеч кимга айтмайди, тўртбеш кунда бир уйига келиб кетади. Нима қилса ҳам топармон-тутармон. Пул топишнинг кўзини билади. Бир куни у Ақчагулни ёнига қақариб шундай деди:

– Шу кўчадаги энг тиришқоқ, саришта келинчак ўзингсан. Қачондан бери ишимдан айрилдим деб қўл қовуштириб ўтирибсан! Ёки ҳукумат боқади деб умид қилаяпсанми? Ундан кўра ҳаракатингни

қил, – дея уни овқат сотишга ўргатди. Шу ишни қилмаганида қариндош-уруғларнинг ҳаммасига бирма-бир қўл чўзиб чиққан бўларди. Бир нарса сўраб борсанг, улар ҳам бир-икки марта қуруқ қайтармас, лекин кейинчалик, сен ҳам тирик жонсан, ҳаракатингни қил, дейишмайдами? Ҳарқалай, вақтида қимирлаган экан. “Яхшидан шарофат” деб шуни айтади-да!

Ўн кило уннинг шамоли билан улар бир зумда уйга етиб келишди. Қоронғи тушгани боис дарвоза олдида қарта ўйнаб ўтирган қўшниллар ҳам тарқалишган экан. Уйга кирганида Эсен дарс тайёрларди. Арзайим катда дустамман тушиб ётибди. Ошхона тарафдан ҳамон таом ҳиди келиб турибди.

– Арзай, отанг қаерда? – деди Ақчагул елим халгани ошхонанинг олдида кўйиб. “Менинг ун олиб келганимни кўрсин” деб атай ичкарига олиб ўтмади.

– Кетди.

– Қаёққа?

– Тўхташ савдодан қайтган экан, шуни кўриб келамиз, деди.

– Худо берибди, шайтоннинг сувига тўйиб келаркан-да.

Арзайим эринчоқлик билан катдан тушди.

– Бир ёққа чиқсангиз, йўқ бўлиб кетасиз-а, оий.

– Мен ўйнаб юрибманми, қароғим? Сизларнинг томоғингизни...

Йиғладингми?

Арзайимнинг икки кўзи қизариб кетган эди. У индамади.

– Қулчатайлоқ едингларми? – деди Ақчагул қизига.

– Ун бўлмаса, нимани еймиз!

– Тамара холангдан сўрамадингми?

– Бермади.

– Ие, нега бермайди?

– Қарз деганни қайтарадиган одамга беради, деди!

Ақчагул қизининг нега йиғлагани сабабини энди билди. Лекин ўзини бепарво тутди. Қизининг кўнглини кўтаришга чоғланди.

– Худойим-ей, шунга кўзингни сувлаб ўтирибсанми? – деди ҳеч нарса бўлмагандай. – Ота-боболар айтган экан “отанг бермаганни бозор беради” деб. Ана, ун олиб келдим. Сен тезда икки зувала ун элаб юбор. Отанг ҳам ановига тўйиб олса, ичини илон ялагандай бўлиб келади. Тамара холангдан ўпкалама. Бировдан кўнгли қолиб, хафа бўлиб ўтирган бўлса керак. Қўшнилларга ҳасади келади унинг. Шунинг аламини сендан олгандир.

Ақчагул эрининг тўрдаги ўрнини бўш қолдириб, дастурхон бошига ўтирди. Атрофида болалари жамланди. Кун бўйи муздай бўлиб турган ўчоқ зумда гуриллаб кетгандай бўлди.

\* \* \*

Нуржан телевизорда тунги сериал бошлангунча келмади. Қараса, болаларининг кўзи киртайиб, юмилиб бораяпти. Улар бир-бирига қараб эснай бошлашди. Ақчагул ноилож эрининг ҳақини бўлакча олиб кўйди-да, болаларини овқатлантирди. Ўзи ҳам кун бўйи қаттиқ чарчаган эди. Йўл-йўлакай, уйга боришим билан оғзимдан сувим оқиб, тошдай қотиб қолсам керак деб ўйлаб келаётган эди. Аммо эри уни боягидай “ҳурмат-иззат” билан қарши олди. Бунинг устига, Тамара қизига бир чимдим ун бермай юборганида осмондан тушгандек ўн кило унлик бўлди. Ҳозирги вақтда биров бир сўмни бекорга берадими? Яхшиям танасида қора кучи бор экан. Бир пайтлар аёллар:

– Ноннинг ушоғини туширмай е!

– Синиқ нон турганда бутунини синдирма!

– Бутун нон оқшом Каьбатуллога бориб қайтади, – деб нон ҳақида ҳар хил ривоятларни топиб айтишар эди. Бу гаплар уларнинг қулоғига кириб-кирмаса-да, лекин ичларида, катта одам насихат қилганида жимгина тинглаш керак, деб ўйлашарди. Бўлмаса ноннинг ушоғи тўкилганда нима бўларди, қолгани озми?!

Мана, ноннинг қадрини энди билаяпти. Халталаб ун олмаганига икки ойдан ошди. Ўлчаб олгандан кейин баракаси ҳам бўлмас экан. Ёки озайиб боргани сари одам очкўз бўлиб қолармикин?

Тўхташ савдодан олиб келган спирт билан самопални қуйиб, йигитларнинг олдида гердайиб ўтирган бўлса керак, унинг аввалдан шунақа одати бор, деб хаёлидан ўтказди Ақчагул. У савдодан қайтган куни бир кило гўшт олади-да, кўчанинг бошида икки жойда жам бўлиб, қарта ўйнаб ўтирган йигитларни уйига йиғиб, ҳаммасини ароққа тўйдирди. Ўзи ҳам уларга кўшилиб маст бўлади. Ана шундан кейин Тўхташнинг олмайдиған тоғи йўқ. Тинглаб турсанг, ҳеч ким бунинг олдини кесиб ўтолмайдиган. У ёқларда уй олиб қўйган, яқин орада эрига хорижий машина миндиради. Эри Нуриббет бояқишнинг полиз кўриқчисидан фарқи йўқ, гўёки эртагаёқ “Мерседес” минадигандай илжайиб ўтираверади. Аслида Тўхташ савдонинг ортидан жуда ошиб-тошиб кетгани йўқ. “Етти йилдан бери умрим поездда ўтаяпти, худога шукр, насибамни йўлга сочиб қўйган экан” деб мақтанади тўй-маъракада аёллар билан ўтириб қолса. Лекин хотинлар унга эътибор беришмайди. Чунки у минг керилгани билан кўрпачасига-кўрпача кўшилиб қолмаганини ҳаммаси билади. Уники фақат тилда. Аёлларнинг бепарволиги унга оғир ботади. Улардан баландроқ бўлгиси келади-да:

– Манави чойнинг сорти паст экан, уйга бориб ўзимникидан дамлаб ичаман, – деб туриб кетади.

Бўғирсоқ пишириш маросимларида “мен капгир ушламадим” деб ўпкалайди. Хуллас, шу бечорага ҳам жир битмайди. Қаерга борса, томизикдай лов-лов этиб юради. Икки ҳафта овулда бўлганида аёлларни биратўла сондан чиқариб қўяди. Сўнг савдога кетиб тинчийди. Икки-уч ой бегона юртларда юриб келгандан кейин ичи гапга тўлиб кетади-да. Маҳалланинг аёллари гапига қулоқ солмагач, ноилож бекорчи эркакларни йиғиб, ароқ ичириб, кейин шуларнинг олдида сайраб хуморидан чиқади. Улар уйга қайтгач, хотинларига тилидан бол томиб, Тўхташни мақташади.

Ана шу эркаклар орасида ўзининг эри ҳам борлигига Ақчагулнинг ори келади. Ҳозир ҳам шу нарса эсига тушиб, чарчаб турса-да, кўзидан уйқу қочди. Нуржаннинг гулдай умрини беҳуда совурадиган, ким ароқ берса, ўшаникида ўтириб оладиган одам бўлади деб ҳечам ўйламаган эди. Ҳозир ҳам эрини унча-мунча одамдан зиёд деб билади. Баян кўнглидан бадбин ўйлар кечади-да, худди эри эшитиб қоладигандай тавба қилади. Бир пайтлар иккови бир-бирига қанчалик меҳрибон эди. Ўша синфда, синф нима, бутун мактабда Нуржандай эсли-хушли бола бормиди! Жуда аълочи бўлмасаям, ёмон ўқимасди. Бошқа болалардай эртаю кеч ланка ўйнамайди, копток тепмайди. Синфда партанинг устига чиқиб югурмайди. Шундай тартибли, шундай одобли. Балки, у Ақчагулга ёқиш учун ўзини шундай тутгандир. Ақчагул ҳам Нуржанга эргашиш учун эрталабдан дераза олдидан кетмас эди.

Ақчагул онаси ўлганда бир ҳафтача мактабга боролмади. Сўнг борди. У вақтларда синфдошларнинг жам бўлиб, таъзияли дўстидан кўнгил сўраб бориши одат эмасди. Болаликнинг аломати, мактабга борганидан кейин ҳам ҳеч бир синфдоши ёнига келиб:

– Онанг шундай бўлиб қолдими, ҳечқиси йўқ, хафа бўлма, – демади.

Ақчагулнинг ўзи ҳам улардан буни кутгани йўқ. Мактабга қатнай бошлаганининг эртаси куни иккинчи дарсга қўнғироқ чалинди. Орандан ўн-ўн беш дақиқа вақт ўтди. Муаллимдан эса дарак йўқ. Бир пайт директор кириб:

– Шовқин солмай, қўчага чиқиб ўйнанглар, рус тили муаллими кела олмайди, онаси қайтиш бўлиб қолибди, – деди. Болалар директорнинг ортидан чуғурлашиб қўчага отилишди. Ақчагул билан Нуржан жойида ўтириб қолишди. Ақчагулнинг икки кўзидан оққан ёш юзини ювиб, чаккаларидан пастга сирғалиб тушарди. Нуржан унга нима деб тасалли беришни билмади. Лекин илк бор журъат этиб, папкасидан оппоқ рўмолча олди-да, Ақчагулнинг қароқларида ҳалқаланиб турган ёшни артди.

– Онам... онам... – деб Ақчагул ўксиб йиғлаб юборди. Нуржан уни юпата олмади, ёнидан жилмай ўтираверди. Ўзининг синфда ўтиргани ёдига тушиб, дарҳол эс-хушини йиғиб олган Ақчагул Нуржаниннг ҳам кўзларидан милт-милт ёш томчилаётганини кўрди. Бу ҳол унинг кўнглига бироз таскин бергандай бўлди. Рус тили муаллимининг онаси қазо қилгани ҳақидаги хабар – бу дунёда онасидан айрилган бир у эмаслигини англатди, Нуржаниннг кўз ёшлари эса унинг белига қувват бўлгандай бўлди. Шундай бир меҳрибон одами борлигидан қувонди.

Баҳорда Нуржан мактабга яп-янги форма кийиб келди. Ўзиям кийимисан-кийим эди, ялтироқ сариқ тугмали, чиройли мовутдан тикилган. Мактабдаги юзлаб ўқувчиларнинг ҳеч бирида бундай кийим йўқ эди. Шунинг учун танаффусга чиққанда, синфга кирганда ҳамманиннг кўзи Нуржанда. Бунинг устига, қизлар ҳам термилавериб ўлиб қолай дейди. У ўша кийимини қаторасига икки ҳафта кийиб келди. Сўнг киймай қўйди. Бунга Ақчагул сабаб бўлган эди. У яп-янги, хушбичим формаси эгнига ярашиб турган Нуржанга дарс пайтида ҳам бот-бот суқланиб қарайверарди. Қараб ўтириб, унинг ота-онаси тирик эканлиги, ҳатто, саксонни қоралаб қолган бобоси ҳам борлиги эсига тушарди. Агар онаси ҳаёт бўлганида у ҳам ўзига чиройли форма тиктирар, кейин Нуржан иккаласи партада бир жуфт кабутардай бир-бирига ярашиб ўтирган бўларди. Агтанг, энди бунинг имкони йўқ. Эркалатадиган, кўнглига қарайдиган мушфиқ онаизори йўқ унинг. Онаси вафот этгач, отаси бир ўтовда ёлғиз ўзи қолгандай одамови бўлиб қолди, лом-мим деб оғиз очмайди. Овқатдан сўнг Қуръон тиловат қилиб, кампирининг ҳақиға узундан-узоқ дуо қилади. Кейин:

– Э, ёлгончи дунё-ей! – деб бир четга қийшаяди-да, чакмонига бурканиб ётиб олади. Ухлайдими, ё ўзини ухлаганга солиб ётадими, буниси Ақчагулга номаълум. Анчадан сўнг:

– Ота, жойингизни солиб қўйдим, – деб уни уйғотади.

Отаси “ё, парвардигор” деб ўрнидан туриб, бир ўзига солинган тўшакка чўқади. Авваллари у ерга икки кўрпача қатор тўшалиб, хотини икковига узун бир ёстиқ қўйилар эди. Онаси ўлгандан сўнг ўша ёстиқ тахмондан олингани йўқ.

Шуларни ўйлаб, Ақчагулнинг кўзларига ёш қалқийди. Буни Нуржан тушунган эди. Тушунгани учун ҳам кейинчалик ўша формасини киймай қўйди. Ақчагулнинг кўнглидаги ярасини тирнамаслик учун киймади. Эҳ, қанчалар тушунган, қанчалар ақлли эди у ўша пайтларда?

“Ўлганиннг ортидан ўлмоқ йўқ” деган гапни ота-боболар топиб айтишган. Ақчагул онасига минг аза тутгани билан барибир ҳали ёш



бола эди. Орада тенгдошлари билан чиқиб ўйнагиси келарди. Бир куни Нуржан, Сапар, Жамила тўртови ариқ бўйида бекинмачоқ ўйнашди. Лекин далада яшириниш қийин экан. Бир зумда топиб олаверишди. Бунинг устига, кундуз куни эди.

– Бу ўйин қизиқ эмас, – деди бир пайт Сапар. – Келинлар, уй-уй ўйнаймиз. Тўртовимиз икки уй бўламиз. Бўядан тўшак қиламиз. Нима дейсизлар?

– Ўйнаймиз, – деди Ақчагул ҳам.

– Унда мен Ақчагул билан бир оила бўламан, Жамила Нуржан билан.

Жамила учиб-қўниб рози бўлди. Ақчагулнинг эса руҳи тушиб кетди. У Нуржан билан бирга бўламан деб ўйлаган эди. Лекин бўлиштириб бўлинган уйни қайта бўлишга журъати етмади. Сапар хурсанд, у гапни биринчи бошлаб, Ақчагулни ўзига тегишли қилиб олганди. Улар бир парча ернинг бўянларини синдириб, ўртани очишди-да, тўшак ҳозирлай бошлашди. Атрофдан ҳам бўян йиғиб келиб, устини қалинроқ қилишди.

– Кун кеч бўлди, ётамиз, – дея Сапар хашакдан тайёрланган ўринга кириб ётиб олди.

Унинг ортидан Жамила иккинчи тўшакка ётди:

– Нуржан, кеч бўлди, кел, ётамиз. Қара, теварақда шоқоллар ули-япти.

Сапар Ақчагулни чақирришга ботинолмади. Нуржан ҳам Жамиланинг ёнига бормади.

Шу пайт суви тортилган эски ариқнинг ичидан Ойзода кампир келиб қолди.

– Жамила, ҳой, Жамила!

Жамила дик этиб тўшакдан отилиб турди. Унинг кўйлаги этаклари очилиб қолган эди.

– Ҳе, уятсиз! Бу нима қилиқ?! – Ойзода кампир қизининг чаккаси-га тарсаки туширди. – Суягинг қотмасдан эрсираб ўлиб бораяпсанми? Мен сенга минг марта айтдим, манави етимчага кўшилма, олдида тек тур дейдиган онаси йўқ ургочи, сени қизлай хотин қилади, деб! Жувор-мак! – деди-да Ойзода кампир важоҳат билан Ақчагулга қараб юрди.

Ақчагул ўзида қаердан куч, журъат пайдо бўлганини билмайди, киприк қоқмасдан, ўктам бир нигоҳ билан Ойзода кампирнинг юзига тикилиб тураверди. Кампир кўтарилган қўлини пастга туширди, ура олмади. Қизини олдига солиб, ариқ ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб уйига қайтди. Сапар Ойзода кампир бақиргандаёқ ўрнидан учиб туриб, қуён бўлган экан.

Жамилалар кетгач, Ақчагул ерга ўтириб, икки қўлини юзига босганча ўксиб-ўксиб йиғлади. Ўзининг беайб маломатга қолганига чи-долмади. Ойзода кампирнинг таъналари қотиб қолган дийдасини биратўла бўшатиб юборган эди. Нуржан уни қандай юпатишни билмади. Катта одам бўлса экан, жўяли гап топиб, тасалли берса. У Ақчагулнинг тепасида бир муддат қаққайиб турди-да, сўнг аста ёнига ўтирди. Ақчагулнинг кўзига тушиб қолган пешона сочларини чап қўли билан юқорига қараб таради.

– Ақча, йиғлама! У ўзи ёмон кампир.

Ақчагул йиғидан тийилиб, оғир қайғудан ҳориган одамдай, Нуржаннинг кичкинагина тиззасига бошини қўйди. Нуржан унинг манглай сочларини иккинчи-учинчи марта силади. Бор-йўғи олтинчи синф-да эди-я ўшанда! Қандай ақлли, зийрак бола эди у. Йиғласа юпаттудек, хафа бўлса қувонтиргудек меҳрибон эди.

Самопалга тўйиб олган Тўхташ унинг ана шундай суюкли киши-сига қўлини бигиз қилиб:

– Аёл бўлсам ҳам манавига ўхшаган эркаклардан зиёдман! – деб керилади.

Йигитлар эса икки ҳўплам “қорақон”нинг мазасини қиёлмай, “тўгри, тўгри” дея бўйин эгишдан нари ўтишолмайди. Тўхташ ҳам кимга мақтанишни, кимни камситишни билади. Кўчада ўттиз бир хўжалик бўлгани билан зиёфатда ҳаммасининг ҳам эркаги бирдай қатнашавермайди. Худайназар кичикроқ бир маҳкамада бошлиқ. Уни азонда машина олиб кетиб, кечқурун олиб келиб қўяди. Тўй-маъра-када кексаларнинг ёнида туз-намак тотиниб:

– Кечирасизлар, менинг йиғилишим бор эди, қўноқ бўлса юбо-раверинг, уй тайин, – деб ўрнидан туради. Йиғилиши бўлмаса ҳам кетади. Жайилган эса газетада ишлайди. Булар билан бирга ўтириб қолса, уни маломатга кўмиб ташлашади:

– Сизлар нимага ҳақиқатни ёзмайсиз?

– Нимага оқ ёғни кўчада сотишади?

– Нима, уларнинг зиёд жойи борми?

– Йигитлар, сизлар оғзингизга келганини валдирайверасиз. Жайилган ҳақиқатни ёзиб кўрсин-чи, ҳоли нима кечаркин?

Хуллас, ана шундай қисир гаплар билан унинг ҳам таъбини тирриқ қилишади. Шунинг учун у маърақанинг бошида ё ўртасида бир кўриниш беради-ю, жуфтакни ростлаб қолади. Қолган беш-олти йигит хотинларининг топганини еб, кун узоғи қарта ўйнашдан чарчамайди. Ўзлариникини ўзлари маъқуллашади. Дастлабки вақтларда улар ҳам оз-моз уялар эди, энди хотинлари: “Иш топиб ишласангиз-чи” деса:

– Қўйсанг-чи, хотин, лўлиларнинг ҳам эркагини аёли боқади. Бизнинг бир лўличалик қадримиз йўқми? – деб баҳона қиладиган бўлиши.

Уларга эргашиб Нуржан ҳам бу гапни айтгиси келиб турганини сезиб, Ақчанинг нафсонияти кўзгайди.

Ахир, Нуржан вақтида қандай меҳнаткаш эди. Ўқиганида катта одам бўлиши мумкин эди. Уни ўша вақтдаги бошлиқлар йўлдан қолдирди, ўзларининг обрўсини сақлаб қолиш учун бировларнинг бахтини боғлашди улар.

– Нурнияз, сен таниқли пахтакорсан, орденли механизаторсан, Нуржан ҳам ота изидан бориши керак, – деб алдаб-авраб, охири уни кўндиришди. Саккизинчи синфдан кейин отаси Нуржанни ўқитмади. Ёнига ўтқазиб, трактор ҳайдатди. Мактабда ўқиб юрганида унга трактор ҳайдашни ўргатганди. Ёш бола рулга ўтиргач, бирдан ҳаволаниб кетди. Бир-икки марта эгатга трактор солиб, гўзани қириб олмаганига қувониб, тез-тез сўраб ҳайдайдиган бўлди. Бора-бора отаси ҳам унга тракторини ишониб бериб кетадиган одат чиқарди.

– Маладес, Нуржан! – деб мақтайди Эжибой биргат тушда ҳамманинг кўзича унинг елкасига қоқиб. – Отангдан ўтадиган илғор боласан.

Кўнгилчан ўспирин бир кун келиб, ўзининг бошига Эжибой етишини қаёқдан билсин.

Эшик тақиллади.

– Оч, Ақча! – деди Нуржан тили зўрға калимага келиб. Ақчагул уйқу тиқилганидан заҳардай ачишаётган кўзларини уқалаганча даҳлизга чиқди.

\* \* \*

Ақчагул эрталаб кун ёйилганда уйғонди. Ҳар кунгидай тонгда туриб овқатга уннамади. Кеча юраги безиллаб қолган экан, бу ишга қўли тортмади. Бунинг устига, кечаги аёлнинг “эртага келсанг, бир кишига учраштираман” деган гапи оз бўлса-да, кўнглида умид учқунини ёққан эди. Ахир, ишлаб юрган аёлларнинг ундан зиёд жойи бор эканми? Нукусга кўчиб келган дастлабки вақтларда у ҳам бир муддат ишли бўлди. Ҳайтовур, алоҳида хонада ўтириб, чўт қоқмаган бўлса-да, ўзи каби ўртамиёна аёллардан кам жойи йўқ эди. Ҳамкасблари уни туғишганидан ҳам зиёд кўришарди. Ҳалигача кўча-кўйда дуч келса, улар билан апоқ-чапоқ бўлиб қолади. Баъзилари билан бир муддат тўй-маъракаларда борди-келди қилиб юрди. Кейинроқ етишмовчилик орага тушиб, бундай йиғинлардан ўзини тортди. Бир-ик-китасиникига айтиб келишганда ҳам бормади. Илож қанча? Кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Тўйга борсанг, кўлингга қарашади. Ўтовдай қилиб тикилган тўйхонага кириб, тўёна қилиб чиқмасанг, сендан ўтадиган кўрнамак йўқ. Ундан кўра жимгина уйда ўтирган яхши.

Ақчагул овулдан бош олиб чиқиб кетаман деб сира ўйламаган эди. Онаси қазо қилгач, у узоқроққа бориб ўқий олмаслигини тушунди. Отаси ғарибҳол бир киши бўлиб, ёлғиз қизини ўқитишга ҳоли йўқ эди. Шу чоққача раҳматли онаси бу рўзғорнинг чархини айлантириб ўтирган эди. Овулдаги келинчакларнинг энг сулуви ҳам, уларнинг бошчиси ҳам Бибинияз эди. Тўй-маъракаларда ҳам у дастурхончилик қиларди. Капгиркуйдени ҳам ўзи бўлиштирарди. У бўлиштирса, аёллар гинг дейишмасди. Бибинияз бўлмаган маъраканинг ўпка-гинаси кейинги йиғинга қадар давом этарди.

Бибинияз қазо қилгач, бу рўзғордан барака кўтарилай деди. Катта акаси Жанаберген йигирма тўрт ёшида уйланди. Қудағай “бораётганининг болтасини, кетаётганининг кетмонини тортиб оладиган” аёллардан чиқиб қолди. Кўярда-кўймай уларнинг биратўла учта бузоқли сигирини сотдириб, қалин пули олди. Бунинг устига, бир йилга бормамай, қизини Нукусга бўлак чиқартириб юборди. Улар биргина соғин сигир билан бешта эчкига осилиб қолаверди.

Иккинчи акаси Узақбай уйланаётганда отаси жуда қийналди.

— Ўғлим, яна беш-олти йил шошмай тур, сенинг қайин юртинга берадиган ҳеч вақомиз йўқ. Кунимизга яраб турган ёлғиз сигирни сотиб берсак, оғзимиз қуриб қолади, — деди у мунғайиб.

Узақбай ҳам “уйланаман” деб оёқ тираб тургани йўқ эди, кейин маълум бўлишича, қиз томон қисталанг қилаётган экан. Бир куни қўшни овулдаги Сарсенбай биргат Эжибой билан уйларига кириб келди. Ақчагул дастурхон ёзиб, чой ташиб юриб, уларнинг Узақбайга “совчиликка” келишганидан хабар топди.

— Тонготар оға, — деб гап бошлади Эжибой Ақчагулнинг отасига. — Сиз билан биз энди ортага кетсак кетамиз, олдинга юргудек ҳолимиз йўқ. Йўл болаларники. Сизнинг ҳам ёшингиз анчага бориб қолди. Худода шукур, бир ўғлингизни уйлантирдингиз. Энди навбат Узақбайга етди. Кўзингизнинг нури, сўзингизнинг дами кетмай туриб, уни ҳам бир хўжаликка бош қилинг, оға. Омонлик бўлса, ҳали унинг ортида Ақчагул қизимиз билан Худайберген инимиз туришибди. Бирин-кетин оталик фарзингизни адо этаверганингиз маъқул.

— Ўғлимизни уйлантиришга бироз вақт бор, ёш бола ҳам ора-сира “уйланаман” деб хархаша қилади, — деди Тонготар оға. — Гапнинг очиғи, шу кунларда рўзғор халтамининг туби кўриниб қолган, шунинг учун бироз чўчиб турибман, иним.

– Дуруст, оға, – деди Эжибой биргат. – Аҳволингизни кўриб турибмиз. Лекин бизнинг ҳам гапимизни охиригача эшитинг. Менинг ёнимдаги кўшни овуллик Сарсенбай биргатни таниган чиқарсиз?

– Бу атрофда мен танитайдиган одам борми, иниларим, – деб кўйди Ақчагулнинг отаси.

– Сарсенбайнинг Хатча исмли опаси бор. Хатча опанинг Ойпарча деган кенжатай қизи билан ўглингиз бир-бирига кўнгили кўйган экан. Энди-и, келиннинг қайин юртга тушмоғи фарз. Бу фарзни адо қилиш эса сизнинг вазифангиз. Қалин-мол масаласини ўйламаёқ кўя қолинг. Бироқ беш-олтита кўй-жонлигини сотиб, баҳолиқудрат элга тўй бериб юборасиз...

– Буни қиламиз-ку, кейин оғир бўлади-да, иним.

– Биз ҳам ана шу оғирни енгилатамиз деб келиб ўтирибмиз-да, оға. Тўй ўтгач, қиз билан болани Хатча опанинг кўлига берасиз.

Масала равшан бўлди. Ақчагулнинг отаси қанчалик мўмин бўлса ҳам, эркалик номуси зўр келиб, нима дейишини билмай қолди. Бироқ совчиларнинг иззатини қилиб, уларнинг ҳам аравасини ағдариб ташлолмади.

– Тонготар оға, мен ҳам опамнинг ёлғиз фарзандини сиздан аяётганим йўқ, – дея гапга аралашди Сарсенбай. – Худога шукр, олдимда етти ўғлим бор. Келиннингиз ҳам ҳар гал бўшанганида “мана шу боламизни опамнинг этагига солайлик” дерди. Бироқ опам “худо бермаган ўғилни бировдан олиб қаёққа борардим” деб сира кўнмади.

Опа ҳам неча бор ўғил кўрган эди, аммо бечораларнинг куни қисқа экан, бир-икки йил яшамай нобуд бўлаверди. Фарзандларининг олди Гулдериха деган қиз эди, у ҳозир Қорабайлида, опамнинг ўзига ўхшаган кампир ҳолига келиб қолди. Ойпарча икковининг орасида йигирма ёш фарқ бор. Энди кенжа қизи ҳам кўлидан кетса, опам ҳайҳотдай ҳовлида ёлғизланиб қолади.

– Демак, бизнинг ўғилни ичкуёв қилмоқчи экансиз-да, – деди Ақчагулнинг отаси ноаён кайфиятда.

– Ўглингизнинг қаерда яшашининг нима фарқи бор, бориб-келиб юраверади. Барибир уни ҳам уйли-жойли қилишингиз керак. Тайёр уй-жой... Қолаверса, Хатча опанинг ҳам кўп бўлса, бир кўйнинг умричалик умри қолгандир.

– Қайдам, ўғлим нима деркин? Узақбай!

Узақбай аста келиб, дастурхоннинг бир чеккасига тиз чўқди.

– Эшитдингми, болам?

Узақбай “ҳа” дегандек бош ирғади.

– Нима дейсан?

– Сизлар нима десангиз, шу...

Гўёки Узақбай эмас, Ойпарча уйланаётгандек эди.

Хуллас, совчилар Узақбайнинг отасини кўндиришди. Кўп ўтмай, уларнинг уйида кичикроқ тўй бўлиб ўтди. Бир ҳафтадан кейин Узақбайнинг юк-ёпинчигини тракторга ортиб, кўчириб кетишди. Ақчагулларнинг уйи биратўла ҳувиллаб қолди. Бу воқеа отасини янаям чўктириб, қаддини букиб кўйди. У икки келин тушириб ҳам роҳатини кўрмади. Кунлик иссиқ-совуғи, таҳорат суви, кир-чирлари бурунгидек муштдайгина қизининг зиммасида қолаверди.

Ақчагул тенгдошлари каби қаддини тик кўтариб юра олмаганига қон йиғлар эди. Ҳайит-маърака деса дугоналари эрта тонгдан ясантусан қилиб, биргаликда йўлга чиқишади. Улар йўл-йўлакай Ақчагулларникига ҳам киришади. Лекин у уйдан суғурилиб чиқиб кета олмайди. Ё нон ёпаётган, ё кув пишаётган бўлади. Хуллас, шу уйнинг

ёлғиз келинчаги каби бош қашишга кўли тегмайди. Барибир овулини яхши кўради. Гўё унинг овулидай жаннатмонанд жой ҳеч қаерда йўқ. Уйларининг ёнидан оқиб ўтадиган улкан насос ариқ бўйидаги оқ толлар баҳорда ердаги майсадан бурун куртак ёзиб, қараган одамнинг кўзини қамаштириб яшнаб туради. Улардан ўзгача бир ҳид, кўклам ҳиди таралади. Эриган қорнинг тагидан ўт-ўланлар бўй кўрсатганида атроф янаям гўзаллашиб кетади. Кейин адоқсиз дала юмушлари бошланади. Чел олиш, экин экиш, ер суғориш, чопиқ қилиш... Бу ишларнинг бир томонини аёллар кўтаришади. Бироқ қизлар чиқишмайди. Оғирроқ юмушлар эркакларнинг зиммасида. Гўза кўкариб чиққач, хотин-қизларнинг ташвиши янаям кўпаяди. Гўзани яганалаш, ўтоқ қилиш уларга тан. Бу борада Ақчагулнинг овулидаги қиз-жувонларнинг олдига тушадигани йўқ. Ҳеч ким “далага чиқ” деб уларнинг деразасини қоқиб юрмайди. Ўзлари билиб чиқаверишади. Табелчи уларнинг ҳар бирига саккиз-ўнтадан жўяк бўлиб беради-да, қоziқ қоқиб, исмини ёзиб кетади. Шундан сўнг ҳар ким ўз ишини билиб қилаверади. Қиз-жувонлар орқада қолишни уят билишади. Улар шунга одатланишган.

Гўзани ўтоқ қилиш овул аёллари учун байрамга айланиб кетади. Улар ҳар куни эрта тонгдан далага чиқиб, кун ёйилгунча олди-ортига қарамай чангитиб ишлашади-да, чошгоҳлик чойдан сўнг жаранглатиб кўшиқ айтишади. Бундай пайтда бошлиқлардан ҳам, бригадирдан ҳам уялиб, тортиниб ўтиришмайди. Эркаклар уларга халақит бермаслик учун отнинг жиловини буриб, узоқроқдан айланиб ўтишади. Далада турли оҳангларда кўшиқ янграйди:

Оқ олмани сувга солсам ботмайди,  
Бизнинг ёрлар каравотда ётмайди...  
Оқ терак бошида ойнам қолибди,  
Акамдан, янгамдан кўнглим қолибди,  
Акамга, янгамга, мол-дунё керак,  
Менга суюкли севар ёр керак...  
Пахта терсам ўн бармоғим ўйнайди...

Бир-биридан ёқимли, бир-биридан чиройли кўшиқлар. “Бизнинг овулнинг аёлларидан бахтли аёл йўқ”, дея уларга ҳавас қиларди Ақчагул бундай кезларда. Шунинг учун ҳам у овулга қаттиқ боғланиб қолганди. У ҳеч қачон овулни ташлаб кетмаслигига ишонарди. Оилали бўлганидан кейин ҳам улар билан далага чиқиб, жаранглатиб кўшиқ айтиб юравераман, деб ўйларди.

Шу боис ўқиш, бошқа бир касбнинг бошини тутиш тўғрисида бош қотириш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Аммо тақдир изми билан шаҳарга келиб қолди. Қайси идорага борса, “қаерни битказгансан, кўлингга икки энлик қоғозинг борми?” деб сўрашади. Дастлабки кезларда унча-мунча юмушни ўзига ор билиб, унамай юрди. Аммо тирикчилик ҳамма нарсага мажбур қиларкан, кейинчалик манти-сомса кўтариб, эшикма-эшик бош суқиб юришга ҳам кўникди. Ўзи ҳам анча хоксор тортиб қолди.

Ақчагул шоша-пиша чой ичди-да, кийиниб йўлга чиқди. Кечаги ичкилик касофатига эрталабгача тўшакда бесаранжом тўлғониб чиққан эрини безовта қилмади. Уйғотса, одатдагидек, “оёғимни бос, бошимни сиқ, қатиқ олиб келиб бер...” деб осилиб олади. Ундан кўра тезроқ кечаги аёлнинг олдига боргани маъқул. Бир нарсанинг дараги бордирки, у “эртага кел, бир кишига йўлиқтираман” дегандир. Зора, иймон-инсофли бир кишига дуч келиб, мушқули осон бўлса... Яна ким билсин, балки ўзларининг мўлжаллаб юрган одами бордир.

Ақчагул кечаги воқеадан юрагини олдириб қўйган эди, шунинг учун ҳашаматли идорага истар-истамас кириб борди. Бахтига, эшик олдида бадбашара қоровул йўқ экан. Унинг ўрнида ёши қирқларни қоралаган йигит ўтирарди. “Ёш йигитлар ҳам қоровуллик қиларканда, — деган ўй кечди хаёлидан. — Ёки буям афгончиларданмикин”. У кечаги аёлни қандай топишини билолмай, остонада иккиланиб туриб қолди.

— Ҳа, янга, кимни излаяпсиз? — деб сўради қоровул йигит.

— Бир... Ёши каттароқ опа бор эди.

— Оймарака опами?

— Исмини сўрамабман.

— Ким у, мени сўраётган?

Ақчагулнинг кўзлари “ярқ” этди. Таниш аёл узун даҳлиздан челақ кўтариб келарди.

— Келдингизми, синглим? — деб у Ақчагул билан қўл учида саломлашди. — Юринг, ўша одам кетиб қолмасдан олдига кирайлик.

Улар зинадан тўртинчи қаватга кўтарилишди. Сўнг чарм қопламали эшикдан кириб, ўзаро қарама-қарши қараган эшикларнинг чап томондагиси олдида тўхташди.

— Кираверинг, — деди котиба қиз. — Сақбай оғанинг бир ўзи ўтирибди.

Иккаласи олдинма-кейин ичкарига кирди.

— Мумкинми? — деб сўради Оймарака.

— Келинг, келинг, — деди хона тўридаги столда ўтирган савлатли киши қоғоздан бош кўтармай. — Ўтиринг, мен ҳозир.

Ақчагул уни кимгадир ўхшатди. Аммо аниқ эслолмади.

— Хўш, менда нима юмушингиз бор эди? — у қўлидаги қоғоздан кўз узиб, вазмин қад ростлади. — Ия, сен... Ақчагул эмасмисан?

Оймарака уларнинг таниш бўлиб чиққанини кўриб, онг-тонг бўлиб қолди. Ақчагул эса олис ёшлигида юз берган воқеаларни хотирлаб, лаблари титраб кетди. Беихтиёр ёноқлари қизариб, ўтиришини ҳам, юришини ҳам билмай туриб қолди.

\* \* \*

Болаликда киши кўнглида қандайдир бир яхши кўриш сезими бўлади. Бу туйғу чин муҳаббатми ёки ўткинчи ҳолатми, аниқ бир нарса дейиш қийин. Ҳарқалай беғубор қалбларни бесаранжом этувчи бундай ҳиссиётга аниқ бир таъриф бериш мушкул. Балки ўша пайтларда Ақчагулнинг ҳам юрагида муҳаббат туйғуси пайдо бўлгандир. Чунки мактаб деганда у кўз олдига Нуржанни келтирар, ўғил болалар ҳақида гап кетганда ҳам хаёлида Нуржаннинг сиймоси гавдаланарди. Бир сўз билан айтганда, унинг учун мактаб ҳам, бўз бола ҳам — Нуржан эди. Буни фақат ичи биледи, бошқаларга айтишга уялади. Уялишдан ҳам кўра ўлғудай қизганади. Онаси ўлиб, ғамга ботиб юрганида ҳам Нуржан кўнглига юпанч бўлди. Аслида Нуржан қизга далда бўладиган бир оғиз гап айтгани йўқ, Лекин уни кўришининг, тўрт-беш соат бир партада ўтиришининг ўзи Ақчагулга юпанч бағишларди. Баъзи пайтларда иккаласининг оёқлари бир-бирига тегиб турса-да, ҳеч бири тортиб олмайди. Ҳар бири ўзича сезмаяптимикин, деб ўйлайди-ю, шу хаёл туфайли киши билмас ғалати ҳолатни бошдан кечиришади. Борди-ю, сезиб туриб оёғини тортмаётган бўлса, демак, кўнглида нимадир бор.

Нуржан ҳам Ақчагулни ич-ичидан яхши кўради. Лекин тортинчоқлиги туфайли буни айтолмайди. Ҳар гал бир-бирига кўзи тушганида иккаласи ҳам уялиб четга қарайди. Бундай пайтларда у Сапарнинг қўлига ручка кириб, бу партага кўчиб ўтган кунини ўзи учун энг бахтли кун деб ҳисоблайди. Келажакда бундан ҳам каттароқ бир бахтиёр кун кутиб турганини ич-ичидан сезади. Аммо ўша кун қанақа бўлиши, қачон келишини аниқ-тиниқ кўз олдига келтиролмайди.

Ақчагул Нуржаннинг хаёлидан нималар кечишини билолмай қийналарди. “Йигит кишиям шунчалик оғир-вазмин бўладими?”

Болалар ҳар куни мактабдан қайтишда “томорқа ер”нинг ёнидаги сайхонликда қочарман тўп ўйнашади. Бу ўйин қизларга ярашмайди. Шунинг учун улар уйларига қайтишади. Лекин Ақчагул ярим соатнинг нари-берисида улоқларини олдига солиб ўша томонга ошиқади. Жониворлар чор тарафга ёйилиб кетиб, Ақчагулнинг энка-тинкасини курилади. Сабаби, “томорқа ер”да жонлиққа емиш бўладиган ҳеч вақо йўқ. Отизнинг теварағида эса ҳар ерда чўғирмадай қаққайиб турган қорабарақ билан оқ тиканли қарамикдан бошқа гиёҳ кўзга ташланмайди. Қорабарақнинг баргини улоқ емайди, қарамикнинг пишган мевасини аллақачон болалар териб еб қўйишган. Шунинг учун Ақчагулнинг улоқлари у томонга юришдан тайсаллайди. Жониворлар қизнинг кўнгли ўша тарафни тусаб турганини қаердан билсин? Лекин Ақчагул барибир улоқларини ўша ёққа ҳайдаб боради. Юрмаганига қўймайди. Ҳар сафар Нуржан билан шериклари енгилатганининг устидан чиқади-да, кўнгли бир турли бўлиб, руҳи тушиб кетади. “Нега чаққонроқ ўйнамайди? Нега отилган тўпни ҳавода ушлаб олмайди? Ҳечқурса, маррага бориб-келаётган болани тўп билан уриб бўлса ҳам доври эгаллаб олса бўлмасмикин?” Ажабки, Нуржан ҳам Ақчагулни кўриши билан бирдан жонланиб қолади. Унда ўзгача куч пайдо бўлади. Маймундай чаққон сакраб, осмонда чирпирак бўлиб учиб кетаётган тўпни ушлаб олади.

— Ура! Уч дов бўлдик! — деб чувиллашади унинг шериклари.

Ақчагул ҳам мамнун жилмаяди. Шунинг учун ҳам қачон Нуржан қочарман тўп ўйнаса, уйдан дарров улоқларини ҳайдаб қайтиб келади, уни илҳомлантириш учун келади.

Эсини таний бошлагач, Нуржан тушдан сўнг Ақчагулларникига келадиган бўлди. Бу пайтда Ақчагул уйда ёлғиз бўлади. Укаси дарсга кетади, отаси кексалар билан чиқиб кетиб, шу билан шомга яқин қайтади. Улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришади. Бироқ ҳангомалари ўқиган китобларидан ёки бўлмаса овулга движокли кино келганда кўрган фильмларидан нарига ўтмайди. Бу гапларнинг унчалик қизиқарли эмаслигини ўзлари ҳам яхши билади. Лекин бошқа мавзуда сўз очишга ҳеч бирининг юраги дов бермайди. Майли, ишқилиб, бирга ўтириш учун баҳона бўлса бўлди. Бир-бири билан апоқ-чапоқ бўлиб ўтирса кифоя. Улар шунисига сармаст.

— Ақчагул, ҳой Ақчагул! — деб ҳовлиқиб келиб қолди бир куни Эжибой биргат.

Бу пайтда Нуржан иккиси бир китобни ўртага қўйиб, елкасига-елкасини тираб ўтирган эди. Кўрққанидан иккови ҳам баравар ўрнидан сапчиб туришди.

— Ҳе, уятсизлар... Муштдай бўлиб!... Ҳеч бўлмаса деразадан ташқарига қарамайсанларми?

Не кўз билан кўришсинки, ёзги айвонга ўт кетган экан. Улар катта-кичик челақдаги, қумғондаги сувни олиб ташқарига югуришди. Эжибой биргат тўрт челақ сув сиғадиган бидонни даст кўтариб олди.

Лекин бу уринишлари фойда бермади. Айвон ёниб битди. Тўсинлари тун ярмига довура қизариб, чўгланиб турди. Улар эртага овулда дув-дув гап бўлиб кетишларидан қаттиқ хавотирланишганди. Шу куни Ақчагулнинг қуруқ савлати юрди.

— Онасиз ўсан қизнинг бўлган бўлдиғи шу-да! — деган таъна-маломатга қолишидан чўчиди.

Йўқ, ундай бўлмади. Эжибой бунақа майдагап одам эмас экан. Ҳарқалай, эл оғаси, муштдай болаларни гап қилиб нима обрў топарди?

Бироқ шундан кейин Нуржан уларникига келмай қўйди. Ақчагул кун санаб, ҳафталаб кутди. Эшик “ғийқ” этиб очилармикин деб остонага интизор кўз тикди. Аммо умидлари пучга чиқди. Бир-икки марта мушук унга панд берди. Бир гал Ақчагул алам устида жониворга оташкуракни улоқтирди. Шундан сўнг мушук ҳам эшик қолиб, деразадан уйга кириб-чиқадиган бўлди.

Кунлардан бирида у бир парча қоғозни буклаб, партанинг олдига қистириб қўйди. Унда икки оғиз сўз ёзилган эди:

“Нега бизникига келмай қўйдинг?”

Нуржан қоғозни олди. Сўнг бирпас тескари қараб ўтирди-да, китобини пана қилиб, қоғозга шу сўзларни ёзди: “Уялиб юрибман!”

“Нимага уяласан? Ўт қўйган сен эмас-ку!”

“Бугун борсам майлими?”

“Кутаман.”

Шу куни улар намозгаргача бирга ўтиришди. Бир-бирини анча соғиниб қолган экан. Бироқ суҳбат мазмуни аввалгидек китобий сўзлардан нари ўтмади.

Саккизинчи синфга ўтган йили кузда Нуржан Ақчагулга хат олиб келиб берди.

— Ўзингникими? — деб сўради Ақчагул унинг қўлидаги мактубга тикилиб.

— Йўқ, — деди Нуржан.

— Унда кимники?

— Комсомол секретари бериб юборди.

Ақчагулнинг аччиғи юзига тепди. Унинг қўлидан хатни юлиб олди-да, йиртиб-йиртиб тоғорага ташлади.

Нуржан “бу нима қилганинг?” дегандек гоҳ Ақчагулга, гоҳ тоғорадаги сувда қалқиб турган хат парчаларига ҳайрон қараб қолди.

— Нега бировнинг хатини олиб келасан? Нима, ўзинг йигит эмасмисан?

Шундан сўнг у жаҳл билан печнинг ортидан ўроқни олди-да:

— Мен сигирга ўт ўришим керак! — деб эшикка қараб юрди. Бу унинг “уйдан чиқиб кет” дегани эди.

Шундан кейин Нуржан яна уларникига келмай қўйди. Ақчагул ҳам синфда “Нимага келмадинг?” деб хат ёзолмади. Қайсарлиги тутди. Лекин бир тарафдан уни аяди. Комсомол секретари яқинда институтни битириб келган, ёшгина йигит. Улар учун муаллим қаторида. “Манави хатни Ақчагулга олиб бориб бер” деса, йўқ дея олармиди? Уни бекор уришди! Аммо йигит кишининг арзимаган сабаб туфайли қиз боладан хафа бўлиб юриши яхшими? Нега ярашишга ҳаракат қилмайди? Ақчагулнинг ундан бошқа ҳеч кимни яхши кўрмаслигини билмасмикин? “Йигит киши туядан тушгандек анқов бўлади” дер эди раҳматли онаси. Шу гап рост экан-да.

Қишки таътил пайтида Ақчагул тасодифан китоблари орасидан бир хат топиб олди. “Ким солиб қўйдийкин, — дея ҳайрон бўлди у. — Қачон солган? Яна Нуржан воситачилик қилдимикин? Агар бу ишда ҳам Нуржаннынг қўли бўлса, у билан бошқа гаплашмайди! Мактабга боргач, бошқа партага кўчиб ўтади!”



Хатни очиб, Нуржаннинг таниш дастхатига кўзи тушгач, Ақчагулнинг бутун вужуди ловуллаб кетгандек бўлди. Ҳам қувонди, ҳам бетоқатланди.

“Ақчагул! Мени кечир! Ўша сафар болалик қилдим. Қолаверса, Кутлимурад огага йўқ дейишнинг иложини тополмадим. Йўл бўйи хатни йиртиб ташласаммикин деб ўйладим. Лекин бунга ҳам қўлим бормади. Омонатга хиёнат қилолмадим. Сен уни ўз қўлинг билан йиртиб ташлаганингда қанчалик қувонганимни билсанг эди! Мендан ўпқаланиб, уришиб берганларинг, жаҳл билан уйдан чиқиб кетишинг қанчалик ўзингга ярашганини айтмайсанми! Агар ўша хатни кўз олдимда очиб, мароқ билан ўқиганингда менинг ҳолим нима кечарди! Буни ҳечам кўз олдимга келтиролмайман. Раҳмат сенга!

Ақчагул! Сен ҳақингда ўйлаганимда, қорақалпоқнинг ботир Гуллойими, гўзал Гулпарчини кўз олдимга келади. Шунинг учун мен сени ҳаммадан қизғонаман! Ҳаммадан, ҳаммадан қизғонаман! Рухсат этсанг, сенинг Нуржанинг”.

Ақчагул ўша мактубни ҳалигача авайлаб сақлаб юради.

– Болалар ўқиб қолса, уят бўлади, – дея Нуржан бир-икки марта йиртиб ташламоқчи бўлган эди, Ақчагул зўрга қўлидан юлиб олди.

– Бу хат менга ўша вақтлардаги Нуржани эслатиб туради, – деб унинг гижимланган жойларини авайлаб текислади. – Ўша пайтлар сизни қанчалик яхши кўрганимни билмайсизми?

– Ҳозир-чи? – деди эри ғалати бўлиб.

– Ҳозир ҳам яхши кўраман, бироқ у пайтлардагидан бошқачароқ, болаларимнинг отаси деб яхши кўраман!

Ёшликдаги муҳаббатнинг лаззатли онлари бисёр эди. Лекин ҳеч ким вақтида унинг мазасини ҳис этмас экан. Иккаласининг бири-бирига дил сўзларини айта олмай, пинҳона энтикиб юрган дамлари зумда ортда қолиб кетди. Овулдаги мактабни битирди. Уша йилларда мактаб торлик қилиб, тўққизинчи-ўнинчи синф очилмай турган эди. Шунинг учун саккизинчи синфни битирганларнинг ҳаммаси беш чақирим наридаги шаҳарга қатнаб ўқишарди.

Нуржани Эжибой биргат юбормади. Шаҳардаги мактаб мудирлари ҳам юрак ютиб, унга бир нарса дейишолмади. Сабаби, Эжибой биргат районда обрўли одам – меҳнат қаҳрамони эди. Ақчагул “мен ҳам ўқимайман” деб бир ҳафта дарсга бормади, Аммо овул мактабининг директори уйларига келавериб ҳол-жонига қўймади. Агар бормаса, районнинг номига доғ тушаркан, “ёшларга ўрта маълумот бериш режаси” бажарилмай қолармиш.

– Ўқишга бориб-келишда йўловчи машиналарнинг кабинасига миниб юрма, – деди Нуржан уни бекатгача кузатиб қўяркан.

– Қизғонсанг, ўзинг олиб бориб кел!

– Биргат юбормайди-да!

– Ҳали биргат уйлантирмайди ҳам дерсан?

Нуржан уялганидан қизариб кетди. Унинг бу гапи худди ёш гўдакнинг “онам юбормайди” деган гапига ўхшаб, Ақчагул тугул, ўзига ҳам эриш туюлган эди. Илож қанча, оғзидан чиқиб кетди.

Нуржаннинг хавотирланганича бор экан. Ақчагул шаҳар мактабига бориши биланоқ юқори синф ўқувчиларининг назарига тушди. Улар ўтган-қайтганида гап ота бошлашди.

– О-ҳо, манави қизнинг сулувлигини-ей!

– Қайси боғнинг гули экан?

– Овулнинг боғидан бўлса керак!

Кейин бир-икки бұз бола бекатгача ортидан эргашиб келадиган бұлди.

- Ұзим кетавераман, йўлимни тўсманг! – деди Ақчагул аччиқланиб.
- Ие, биз ҳам уйга қайтаяпмиз. Йўл ҳаммага баравар.
- Йўл ҳаммага баравар бўлса, ё олдинга ўтинглар, ё орқада қолинглар!
- Илож қанча, қадам олишимиз баравар экан-да.

“Бечора Нуржан, - дея ўйлади Ақчагул. – Бир оғиз қаттиқроқ гап айтсам, бир йил бетлолмай юради. Манавилар эса уят-пуютни билишмайди, ади десанг, бади деб туради.”

Ақчагул қанчалик ўзини олиб қочмасин, болалар унинг исмини, қайси овулдан қатнаб ўқишини билиб олишибди.

– Менинг исмим Сақбай, – деб ўзини таништирди бир куни улардан бири.

- Сақбай бўлса нима қилай! - деди Ақчагул рўйхуш бермай.
- Онамнинг айтишича, ҳамма нарсага сақ<sup>1</sup> бўлсин деб исмимни Сақбай қўйишган. Яна, қизлар масаласида ҳам сақ бўлсин деб...
- Яхши бўпти! Шу ерда сал катга кетаяпсан-ов?

Ақчагул бу гапни айтишга-айтди-ю, дарров лабини тишлади. “Бу нима қилганим? Оз-оздан гаплашиб, у билан элакишиб қолмаяпманми? Менинг қайси оҳангда гапиришим билан унинг иши йўқ. Нима қилиб бўлса ҳам мен билан тил топишишнинг пайида. Бугун жеркиб берсам, эртага юмшоқроқ гапиришимга умид қилади. Нега бунақа рўйхушлик бераяпман! Нуржан: “Кабинага минма!” деганди, пиёда юрганлар ҳам анойи эмас экан-ку...”

Ақчагулга эргашган қўланка бирон кун ортидан қолмади. Гап-сўзларидан унинг райондаги Есен деган бошлиқнинг ўғли эканлигини, ота-онаси хизмат билан узоқдаги чорвачилик хўжалигига кўчиб кетишиб, ўзи мактабни битириш учун бу ерда қолганини билиб олди. Сақбай гап орасида районга янги русумдаги машина келса, биринчи бўлиб отаси сотиб олишини ҳам мақтаниб айтиб қолди. “Қиз бола бойликка ўч бўлади” деб хаёл қилган бўлса керак-да. Лекин мақтангани сари Ақчагул уни бадтар ёмон кўриб кетарди.

Сақбай бир куни уни автобусгача кузатиб келди.

– Хўп, яхши бор, Ақчагул! – деди қўлини чўзиб.

Бу пайтда Ақчагул автобуснинг эшигига оёқ қўйиб улгурган эди. “Бу нима қилгани? – деб ўйлади аччиғи келиб. – Ҳар куни мен билан қўл бериб хайрлашиб юргандек тутуди ўзини”. Лекин беихтиёр ўзи ҳам Сақбайга қўл узатганини сезмай қолди. Шундай қилмаса одамлар уни нотўғри тушунадигандай туюлди.

Бундай қилмаслиги керак экан. Овулнинг оққўнгил қизи Сақбайнинг юрагига шум ният оралаганини қаердан билсин.

У Ақчагулнинг қўлини сиқди-да, сездирмасдан пастга тортиб юборди. Ақчагул мункиб кетди.

– Ҳой, эҳтиёт бўл! – дея Сақбай қизнинг кўкрагидан қучоқлаб олди.

Ақчагул унинг бағридан юлқиниб чиқди-да, қайтадан автобусга минди. Йўл бўйи ўпкаси тиқилиб, йиғлагиси келаверди, лекин ўзини босди. Автобусдан тушгач ҳам кўнглини бўшатиб йиғлай олмади, бекатда одам кўп экан.

Унинг вужудига иккинчи бор эркак кишининг илки чанг солган эди. “Ўзимни қўлга олишим керак, – деб фикрини ичида, – индама-сам, бу бола бошимга чиқиб олади”. Лекин шартакилик унинг таби-

<sup>1</sup> С а қ – бек, раҳбар.

атига ёт эди, ўзини ҳимоя қилиш учун ҳам ўзгаларнинг юзига тик қарай олмасди. Қўлидан келгани — ҳар қадамда таъқиб этувчи бегона кўзлардан ўзини олиб қочиш бўлди. Дардан қайтишда бир гала қизларнинг орасига сингиб кетиб, кўзга ташланмай юришга тиришди. Танаффусда ташқарига чиқмай, синфда ўтирадиган бўлди. Лекин бу ҳаракатларини Сақбай яхшиликка йўйди. “Қиз бола — асов той, ўша куни қаттиқ ҳуркиб кетди. Бироқ кўнглида муҳаббат сезими уйғонди, юрагига учқун тушди, энди бу имкониятни қўлдан бермаслигим керак”, деб тушунганди у Ақчагулнинг ўйлашича. Катта танаффусда муаллим чиқиб кетиши билан Сақбай эшикда пайдо бўлади.

— Ақчагул, қара, ким келди? — деб кулишади қизлар. Ақчагулнинг аччиғи юзига тепиб, қип-қизариб кетади. Аслида ўн олтига тўлиб, ўн еттига қараган бу қизларнинг кўпчилиги аллақачон бўз йигитларининг назарига тушиб улгурган эди. Қизлар шивир-шивир қилишиб, бу ҳақда бир-бирига мақтанишар, энгилтакроқлари эса танаффус пайтида доскага “Света+Жадигер”, “Абатгул+Сақбай”, “Қизларгул+Дуйсен” каби сўзларни ёзиб қўйишар эди. “Сири фош бўлган” қизлар ёлгондакам қовоқ уйиб, доскадан ўз исмини ўчиришга тушишар эди. Лекин ҳеч бири хафа бўлмас, балки ич-ичидан қувонарди. Ун олти ёш шундай бир давр экан-да! Бир куни ана шу ёзувларнинг орасида “Ақчагул+Сақбай” деган ёзув ҳам пайдо бўлди. Бу пайтда Ақчагул синфда йўқ эди. Дарсга кўнғироқ чалинишидан сал бурун жойига келиб ўтириши биланоқ доскадаги ёзувга кўзи тушди. Ўрнидан қандай отилиб турганини билмайди, алам устида доскадаги ҳамма ёзувни ўчириб ташлади. Кейин партасига чўкди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Шу пайт адабиёт муаллими Абат оға синфга кириб келди.

— Ақчагул, сенга нима бўлди? — деди у қўлидаги журнални столга қўйиб. Ақчагулнинг баттар бағри эзилиб, дийдагирён бўлиб йиғлади.

— Ким хафа қилди?

— ...

— Ҳаммангиз бориб турган беадабсизлар! — деб бақирди муаллим синфдаги ўқувчиларга. — Ундан кўра, тинчгина дарсингизни қилсангиз бўлмайдимиз? Келаси йили давлат имтиҳонлари бўлади, ўшанда сизлар билан бошқача гаплашаман.

Сўнг аста келиб, Ақчагулнинг елкасини силади.

— Қўй, йиғлама, қароғим. Кап-катта қизсан, баҳорда паспорт олсан. Сўнг етуклик аттестати... Бўйи етган қиз кўз ёш тўкса уят бўлади.

Ақчагул ўзини қўлга олди, лекин ҳамон ҳиқ-ҳиқ қилиб, икки елкаси кўтарилиб-тушарди. У эсини таниганидан бери бунчалик аччиқланмаган эди, ақлини таниганидан бери сиртдан ўзига бундай ҳукм чиқарилмаган эди. Шунисини кўтара олмади у.

— Яхши, қизим, бугунча китобларингни йиғиштир-да, уйингга бор, — деди Абат муаллим. — Барибир бу аҳволда мияннга дарс кирмайди. Янаги дарсда Гулмурот шоирнинг “Қайровдаги ёлғиз ғоз” асарини ўқиб келасан.

Адабиёт охириги дарс эди. Шунинг учун унга рухсат берди. Ақчагул китобларини йиғиштирди-да, тез-тез юриб ташқарига чиқиб кетди. У синфдошларидан қаттиқ хафа бўлган эди. Жаҳли чиққанда одамнинг қадами ҳам тезлашиб кетаркан. Ҳаш-паш дегунча бекатга элтувчи йўлнинг ярмини босиб ўтди. Шу пайт ортидан кимнингдир энтикиб югуриб келаётганини пайқайди. Аммо орқасига бурилиб қарамади. Балки, биронтаси ўз ташвиши билан ошиқиб кетаётгандир. Ақчагул билан кимнинг қанчалик иши бор? Янглишган экан.

— Ақчагул, сал секинроқ юрсанг-чи, — деган таниш сас қулоғига чалинди. — Сенга етаман деб ўпкам оғзимга тикилди.

Бу Сақбайнинг овози эди. “Шу топда йўлимда учраса, уни тириклай еб қўярдим” деб гижиниб чиққан эди синфдан. Лекин энди “тириклай еб қўйиш” у ёқда турсин, унга бурилиб қарашга ҳам журъати етмади. Унинг учун дунёда Сақбайдан ҳам қўрқинчлироқ одам йўқ эди. Тўғри, унинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Ўн икки мучаси бут, қадди-қомати келишган йигит. Ўзи бурилиб қарамагани билан ортидан умидвор термилиб юрган қизлар кўп. Қанийди, улардан биронтаси Сақбайни ўзига ром қилиб олса-ю, Ақчагул қутулса. У кўзга чиққан сўгалдай, Ақчагулнинг йўлини тўсишни қўймайди. Қизнинг юрагида эса Нуржандан бошқасига ўрин йўқ. Аммо Нуржаннынг парвойи фалак, бойнинг малайига ўхшаб сўлжа-йиб юраверади.

— Ақчагул дейман! — деб Сақбай дадиллик билан Ақчагулнинг билагидан қўлини ўтказиб олди. — Нега кетаяпсан? Мен сени деразадан кўрдим-у, муаллимни алдаб чиқиб, ортингдан югурдим.

— Йўқол! — деб Ақчагул беихтиёр чинқириб юборди. Билагини тортиб олмоқчи эди, Сақбай қўйиб юбормади. Ақчагул ўнг елкасидаги сумкасини қўлига олиб, зарб билан унинг юзига туширди. Сақбай унинг билагини қўйиб юборди. Ақчагулнинг китоблари ерга сочилиб кетди. Сақбай энкайиб, уларни йиғиштира бошлади.

— Торт қўлингни! — Ақчагул жон ҳолатда туфлисининг пошнаси билан Сақбайнинг қўлини босди.

— Вой-вой, қўлимни қўйиб юбор! — деб бақирди Сақбай. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек қаддини ростлади. — Барибир сен меники бўласан! Керак бўлса, ота-онангни пулга белаб оламан! — деди-да, шартта ортига бурилиб кетди.

Бекатда автобус йўқ экан. Туш пайти эди. Ҳайдовчи овқатланишга кетган бўлса керак. Ақчагулнинг автобус пойлаб ўтиришга сабри чидамади. Пиёда уйга жўнади. Йўл-йўлакай бир-икки машина ёнида тўхтаб, ҳайдовчилар:

— Қариндош, ўтиринг! — деб таклиф қилди.

Ақчагул уларга бурилиб қарамасдан йўлида давом этди. “Ё тавба, — деб ўйлади ўзича. — Кап-катта одамлар боласи тенги қизга гап отишдан уялмайдимми?”

Балки, ундай эмасдир. Куннинг иссиғида бир ўзи яёв кетаётганини кўриб, уларнинг раҳми келгандир. Лекин бояги воқеа таъсирида кўнгли зимистон бўлиб келаётган қизнинг хаёлидан шундай бадбин ўйлар ўтаверди.

“Эркаклар бунчалик орсиз бўлишмаса?!”, деб ўзича уларни ёмон кўриб кетди. Бироқ ана шу “орсизлар” қаторига Нуржанны кўшгиси келмади. Овулга етай деганида бир трактор секин ортидан эргашиб келаверди. Анча юргач, ниҳоят Ақчагул ўша томонга бурилиб қарашга мажбур бўлди. Нуржан! Ақчагулни жилмайиб кузатиб келаяпти. Ақчагул ҳам беихтиёр кулиб юборди. Кўз ёшларим юзимга оқиб, билиниб қолмадимкин, деган хаёлда икки қўли билан кўзларининг атрофини артди. Йўл-йўлакай тўхтаган машиналарнинг ҳеч бирига қиё боқмай келаётган қиз Нуржаннынг трактори кабинасига чаққонлик билан чиқиб олди.

— Ҳорма! — деди кулиб.

— Нима дейсан? — деди тракторнинг шовқинидан бу гапни эшитмай қолган Нуржан Ақчагулга қулоғини тутиб.

— Ҳорма деяпман!

— Эшитмай қолибман, бор бўл!

— Унда тракторингнинг товушини пасайтириб ҳайдасанг-чи.

— Пасайтирсам ўчиб қолади-да.

– Ўчиб қолса янаям яхши!

Нуржан бу гапга жавоб тополмай, каловланди.

– Шаҳарда ўқийдиган қиз тракторга чиқмаса керак деб ўйлаган эдим, – деди бироздан сўнг тортинқираб.

– Қандай сакраб минганимни кўрмадингми?

– Кўрдим. Раҳмат.

– Ўзинг қаёқдан келаяпсан?

– Устахонадан. Отам билан бирга пахта териш машинасини ҳайдашим керак экан. Ўшани тузатишга кўмаклашдим.

– Унда менинг олдимга бир-икки қанор пахта тўкиб кетарсан?

– Сенинг ўзинг ҳам машинадан кам термайсан-ку?

– Барибир сенинг берганинг бошқа-да!

– Майли, биргат кўриб қолмаса, тўкиб кетаман!

– Биргат! Биргат! Нима бало, кап-катта йигит бўлиб туриб биргатдан кўрқасанми?!

Нуржан тагин уялиб, гап тополмай қолди.

– Бугун биз адабиётдан қандай дарс ўтганимизни биласанми? – деди Ақчагулнинг ўзи гап бошлаб.

Нуржан елка қисди.

– Оғзаки адабиётдан “Анқов деҳқон” деган эртакни ўтдик. Айтиб берайми?

– Айт.

– Бир бор экан, бир йўқ экан, бизникидай кичкина бир овулда анқов деҳқон яшаган экан. У ҳар йили тариқ, жўхори экар экан. Қараса, одамлар қовун еб ўтиришибди-ю, ҳеч ким унга тилик бермабди. Аччиғи чиқиб, келаси йили ўзи ҳам қовун эсмоқчи бўлибди. Қовуни мўл бўлибди. Пишадиган пайти ҳам яқинлашибди. Пайкал оралаб юрганида битта қовун унинг кўзига яхши кўриниб кетибди. Қовун учидан саргайиб келаётган экан. Бир-икки кундан кейин тенг ярми саргайибди. Ўша қовуннинг ёқимли ҳиди пайкалнинг нариги чеккасидаги одамнинг димоғини қитиқлар экан. Ҳар гал деҳқон уни узишга кўзи қиймай, “пишаверсин” деб силаб-сийпалаб кетаверибди. Шундан сўнг нима бўлганини биласанми?

– Нима бўпти? – деб сўради Нуржан анқовсираб.

– Бир куни бориб қараса, бояғи қовунни шоқол ёриб еб кетган экан.

– Аҳмоқ экансан, – дейишибди бу гапни эшитган кўни-қўшнилар.

– Ўша деҳқон нега тузоқ қўйиб, шоқолни ушлаб олмаган? – деди Нуржан.

– Қовундан айрилгач, тузоқ қўйишдан нима фойда? – деди Ақчагул кулиб. – Тузоқни олдинроқ қўйиш керак эди.

Бу гаплар Ақчагулнинг хаёлига қаёқдан келди? Ўша дамда эртак айтиш қандай кўнглига сиғди? Трактордан тушгач, ўзи ҳам бунга ҳайрон бўлди.

– Сенинг ҳам қовунингни шоқол еб кетсин! – деб кулди Ақчагул трактордан туша туриб.

– Еёлмайди. Отам пашшахона қуриб, пайкалнинг бошида ётибди.

– Анқов! Сенга эртак айтган мен ҳам аҳмоқ, – деб куйиб-пишди Ақчагул ўзича. Лекин қанчалик анқов бўлгани билан унинг учун Нуржандан яхшироқ одам йўқ. Уни ана шу анқовлигича, ана шу соддалигича яхши кўради.

Ўша воқеадан сўнг Ақчагул икки кун мактабга бормади. Учинчи куни ноилож борди. Партасининг токчасида бир хат турганига кўзи тушди. Кўлига олди. “Ақчагулга Сақбайдан” деб ёзилган экан. Почта-

дан келгани йўқ, кимдир ташлаб кетгани аниқ. Қизнинг яна аччиги чиқди. “Ким орада воситачилик қилиб юрибди? Ахир, хатни бирон-тасидан бериб юборгандир.” Дарров бу фикридан қайтди. Сабаби, Сақбай анча қайсар, бунинг устига, бир-икки синф юқорида ўқийди, шунинг учун у дуч келган синфга тортинмасдан кириб бораверар эди. “Демак, хатни ўзи қўйиб кетган”.

Ақчагул мактубни ўқимасдан йиртиб ташлади. У ўтган-қайтганда Сақбайнинг назарига тушмасликка тиришар эди. Бунга эришган бўлса-да, тез-тез партасига хат келиб тушаверди. У ҳам очиб кўрмай йиртиб ташлайверди. Бир куни ёшлар газетасининг “Сирлашув” саҳифасида “Е. Сақбай, Кегейли райони”, дея имзо қўйилган мақолага кўзи тушиб қолди. Дастлаб ўқимасликка тиришган бўлса-да, сабри чидамади, мақолага кўз югуртирди.

“Мен бир қизни яхши кўриб қолдим. У овулнинг қизи. Онаси ёшлигида вафот этган. Отаси ғарибҳол одам. Кўл учида кун кўришади. Лекин мени қизнинг оиласи, қандай яшаши қизиқтирмайди. Уни бир кун кўрмасам тутолмайман. Бироқ у қиз ҳечам менга рўйхушлик бермайди. Бир-икки оғиз гап қўшгани билан ичида ёмон кўрса керак, деб ўйлайман. Бунинг устига, овулда ўсган, уятчан қиз.

Менинг бу ишимдан отам хабар топибди. Бир куни олдига чақириб олиб, қаттиқ койиди:

– Отани обрўли қиладиган ҳам фарзанд, ер билан яксон қиладиган ҳам фарзанд, – деди у киши. – Нима қилиб юрганингни биласанми, занғарнинг боласи? Ўсган уянгга бир қарамайсанми? Менинг қиз ўстириб, ўғил тарбиялашдан мақсадим – ўзим билан тенг, борди-келди қилишга арзийдиган одамлар билан қуда бўлиш. Сен бўлсанг, ўзингга эрк бериб, умрида косаси оқармаган бир бечоранинг қизига илакишиб юрибсан. Ақлингни киритиб қўйиш керак сен боланинг, билдингми? Бундан кейин сенинг ўша сўқмоқлардан юрганингни кўрмайин! Гап тамом!

Отамнинг гаплари менга қаттиқ таъсир қилди. Одамни мол-дунёсига қараб яхши кўриш керакми? Бир томондан, балки бу гапларда ҳам жон бордир, деб ўйлайман. Ахир, отам, кўпни кўрган, обрў-эътиборли одам. Лекин ўша қиздан воз кечишга ҳам кўзим қиймайди. Нима қилишим керак? Маслаҳат беринг”.

Ақчагул бу мақолани ўқимаслиги керак экан. Ўқиди-ю, юрагига наштар қадалгандай бўлди. “Қайтиб Сақбай отли кимсага кўзим тушмагай” деб ўзича онт ичди.

Оймарака уни рўпара қилган одам ўша Сақбай эди.

\* \* \*

Ақчагул ғирра ортига бурилиб, эшикка юзланди. Ҳаяжонланганидан куппа-кундузи эшикни топа олмас эди.

– Ақча, тўхта! – деб Сақбай ортидан етиб келди. – Қаёққа кетаяпсан? Ақчагул индамади.

– Сизлар танишминдигиз? – деди Оймарака ажабланиб.

– Танишмиз. Бизнинг овулнинг қизи бу.

У Оймаракага “сиз кетаверинг” дегандай ишора қилди.

– Кел, бирпас ўтир, кейин кетарсан.

– Мен билмасдан кириб қолдим.

– Зиёни йўқ. Душманингни олдига келмадинг-ку! Ҳалиям ўша хуркаклигинг қолмабди-да.

У Ақчагулнинг тирсагидан авайлаб ушлаб, олдидаги ўриндиқлардан бирига ўтқазди.

– Ахволинг қалай? Тақдирнинг ишини қара-я. Сени бошқа кўрмасам керак деб ўйлаган эдим. Болаларинг ҳам бордир?

– Бор.

– Олди неча ёшга чиқди?

– Тўққизинчи синфда.

– Яхши. Тракторчи эринг омонми?

– Худога шукр...

– Кўрдингми, ўзингни кўрмасам ҳам кимга турмушга чиққанингни биламан.

Ақчагул жавоб бермади.

– Эҳ, ўша вақтлар! Бир зумда ўтди-кетди, – деб керилди Сақбай. – Қайсарлигим тутиб гердаймасдан, ортингдан қолмаслигим керак экан. Аттанг...

– Мен борақолай... – Ақчагул ўрnidан турмоқчи бўлди.

– Тў-тў-тўхта! – деди Сақбай шошиб. – Сени кўриб, беихтиёр ўспиринлик даврларим ёдимга тушиб кетди. Нимага келганингниям сўрамабман.

– Бояги аёл, бир кишига учраштираман деб бошлаб келувди. Сиз эканингни билмабман.

– Бўлди-бўлди! Мен унга ишга яроқли бир аёл топинг, деган эдим.

– Раҳмат, энди у ишнинг менга кераги йўқ.

– Бола бўлма-да, Ақчагул! Ўтган иш ўтди. Мен сенга нима ёмонлик қилдим? Бир марта автобусдан тортиб...

– Эсимга солманг.

– Бўлди! Демак, энди бизга ишга кирасан?

– Йўқ. Кирмайман. Ўзимнинг ишим бор.

– Биламан қандай ишинг борлигини. Ҳар доим сиртдан кузатиб юрардим. Лекин бундай юзма-юз учрашмасак керак деб ўйлаган эдим. Энди у ишингни йиғиштир. Мен сенга Оймарака опага ваъда қилган ишни олиб бераман.

– Кимдан?

– Бошлиқдан.

Ақчагул енгил тин олди. “Худога шукр, ҳартугул унинг ўзи бошлиқ эмас экан”.

Сақбай Ақчагулнинг олдига бир варақ қоғоз билан ручка қўйди.

– Ариза ёз.

– Кимга?

– Ҳалиям ёшликдаги қайсарлигинг қолмабди-да! Кўрқма, менга эмас, министрнинг номига ёзасан.

Ақчагул истар-истамас ручкани қўлига олди. Сақбай аризанинг баёнини айтиб турди. Аризанинг мазмунига кўра, у хўжалик ишлари юритувчиси бўлар экан.

– Сен шу ерда ўтириб тур, – деди Сақбай аризани қўлига олиб. – Мен бирров қўл қўйдириб чиқаман. Бу ишнинг ихтиёри менинг қўлимда. Ортиқча гап бўлиши мумкин эмас.

У ортига қарай-қарай ошиғич равишда хонадан чиқиб кетди. Бошқа идорада шундай иш тўғри келганида Ақчагул учиб-қўниб рози бўлган бўларди. Ҳозир эса қувониш у ёқда турсин, тўрга тушган қуёндай қалт-қалт титраб ўтирибди. “От босмайман деган ерини уч марта босади” дейишар эди. Тақдирнинг ўзи мени унинг олдига бошлаб келди! Яна эски қўшиғини бошласа нима қиламан? Йўғ-е, худо урибдими?

– Мана, бир пасда иш битди! – деб Сақбай хурсанд ҳолда кириб келди. – Табриклайман! Хўжалик мудирлари этиб тайинландинг. Уч фаррош, икки қоровул, икки уста қўл остингда ишлайди. Шу бинонинг

биринчи қаватидан тўртинчи қаватигача ҳамма дов-дастгоҳ сенинг ихтиёрингда бўлади.

Сақбай стол тагидаги қўнғироқ тугмачасини босиб, котиба қизни чақирди.

– Танишиб қўй, Ақчагул опанг бугундан бошлаб хўжалик мудирин. Бу кишини ҳозироқ девонхонага бошлаб бор, тезроқ буйруқ тайёрлашин. Бирон баҳона билан бу ишни пайсалга солишмасин. Ўзим ҳам қўнғироқ қилиб қўяман.

Ақчагул котиба қизга эргашиб девонхонага кириб борди. Сақбай қўнғироқ қилган бўлса керак, бу ерда уни кўп кутдиришмади. Шу пайт Сақбай ҳам келиб қолди.

– Ўзим сени иш билан таништираман.

Пастда уларга Оймарака билан кечаги аёл ҳам қўшилди.

– Опа, сиз айтгач, бизда жон қоладими? Ақчагулни ишга олдик, – деди Сақбай кулиб.

– Жуда яхши бўпти-да.

Пастки қаватнинг ҳовлига чиқиш эшиги ёнидаги кичкина бир бўлмада Ақчагул ўтирадиган бўлди. У ерда бир стол, бир стул, яна бир-иккита курси қўйилган эди. Тўрда эса тўрт-бешта янги белкурак, полвонгич, иккита челақ турибди.

– Буларни омборга олиб бориб қўясан, – деди Сақбай. – Юр, энди ўша ерни кўрсатаман.

Тўрталаси ҳовлидаги омборга ўтишди. Ҳайтовур, бу ерда лаш-лушлар кўп экан. Матрас, кўрпа, қоғ, палос ва яна бир қанча қоғоз қутилар тахлаб ташланган.

– Шуларнинг ҳаммаси сенинг ихтиёрингда бўлади. Энди буларнинг барини Оймарака опадан қўл қўйиб қабул қилиб оласан. Сўнг далолатнома тузасизлар, мен тасдиқлаб бераман. Бугунча шу ёғини удаласангиз ҳам катта гап.

Чиндан ҳам, олиш-бериш жуда майда иш экан. Кечга бориб зўрға тугатишди. Бир қисмини эртага қолдиришга қўнгли бўлмади, ҳеч вақт аёл киши бир-бирига ишонармиди? Нима бўлганда ҳам тугатиб кетгани маъқул.

– Мен сизни қандай таништиришни билмай, Сақбайнинг олдига кўрқа-писа бошлаб борган эдим, – деди Оймарака иш орасида. – Ҳартугул сизни кўриши билан инсофга келақолди. Бўлмаса, унга унча-мунча одам ёқмайди. Етти пуштигача сўраб-суриштириб, безор қилади.

У Ақчагул бир кунда ишга кириб олгани билан мақтанса керак деб ўйлаган эди. Қайтанга ундан бир оғиз жавоб ололмаганига қисиниб, ноқулай аҳволда қолди.

– Сақбай билан овулдош экансиз-да?

– Ҳа, бир мактабда ўқиганмиз.

– Ундай бўлса, овқат кўтариб эшикма-эшик мўралаб юргунча, олдинроқ келмабсиз-да?

Ақчагул уни қайириб ташлагиси келди.

– У ишим ҳам ёмон эмасди.

– Қайдам, ўзимиз қилиб кўрмагач, қийин бўлса керак деб ўйлаймиз-да, – деди Оймарака гапини ювиб-чайиб. – Ишдан боргач, кечки овқатни зўрға пиширамыз. Қозон-товоқ одамни чарчатади.

– Опа, бир қиз айтган экан, “қозондан қора нарса йўқ, есанг қорнинг тўйдирар” деб. “Қозондан чарчадим” дейиш аёл кишига ярашмас-ов.

– Ҳа, дуруст-дуруст, – деди ўйламасдан айтган гапи учун яхшигина дакки еган Оймарака зўрма-зўраки илжайиб. – Садағаси кетай,



қозондан айирмасин. Гап унинг оғир-енгиллигида эмас, мен бурун-роқ келганингизда аллақачон мана шу ташвишлардан қутулган бўлардим, демоқчийдим. Бўлмаса, бу иш учун ойлигимга бир тийин қўшиб беришмайди...

– Бу жой анчадан бери бўш турганмиди?

– Тўрт ой бўлди. Уч марта одам олиб келдим. Сақбай бирини ундоқ деди, бирини бундоқ деди, хуллас, ҳеч бирини ёқтирмади. Аввал ишлаб юрган аёлни ҳам тергайвериб, охири бўшатиб юборди. Сен бир деганда унга маъқул келиб қолдинг.

Ақчагул нима дейишни билмай, тилини тишлаб қолди. “Бошланди, — деб ўйлади ичида. — Йўқ жойдан ўзимга гап орттириб олмасам яхшийди. Балки, эртагаёқ бу ердан оёғимни узганим маъқулмикин? Унда тирикчилик нима бўлади? Нуржаннинг эса “рўзгор тебратаман” деб кўзи учиб тургани йўқ”.

У билан илк бор бир ёстиққа бош қўйган дамларда қанчалик бахтли эди. Иккови ҳам бир-бирини еру кўкка ишонишмасди. Тилда айтмаса-да, бир-бирининг кўнглидан кечаётган ҳис-туйғуларни жон юраги билан сезишарди. Улар овулдаги энг ёш келин-куёв бўлишди. Ўн етти ёшида оила қуришди. Ақчагул яқиндагина тўққизинчи синфни битирган эди. Сентябрга бир ҳафта қолганда уни сўраб келишди. Аммо у мактабни битиролмай қолганига ўкингани йўқ. Барибир аввалдан пахтакор бўлишни орзу қиларди. Бунинг учун тўққиз синфлиқ саводнинг ўзи етарли эди.

Ўша йили ёзда Нуржаннинг отаси оғриб қолди. Овулда шивир-шивир гап тарқалди: “Нурнияз рак бўлганмиш”. Хуллас, ўқиш бошланишига етти кун қолганда Ақчагулларникига Эжибой биргат билан Нуржаннинг бобоси Пирнияз чол кириб келишди. Чол ўзини анча олдириб қўйган эди. Дастурхон теграсидан жой олгач, бир муддат икки елкасидан нафас олиб, энтикиб ўтирди.

Гапни Эжибой биргат бошлади.

– Тонготар оға, хабарингиз бор чиқар, Нурнияз бу йил баҳордан бери хаста ётибди. Дуч келган жойда ўтириб кетаверарди, шунга аёзлаган чиқар деб ўйлагандик, йўқ, иллат жигарида экан. Пирнияз отанинг аҳволини ўзингиз кўриб турибсиз. Болам кўзи очиқлигида бир келин кўриб кетсин деб келиб ўтирибди.

– Шундай, чироғим, — деди Пирнияз чол ўпкаси тўлиб. — Эжибой бор гапни айтган чиқар, қулоқ қурғур бурунгидай эмас. Бир сўзни эшитсам, бирини эшитмайман. Оллоҳ таолонинг пешонамизга ёзиб қўйгани кўп экан-да, чироғим. Аввал мени олса бўлмасмикин?

Чолнинг хўрлиги келиб, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади.

– Ундай деманг, Пирнияз оға, чиқмаган жондан умид, дейишади, — деб Эжибой унга тасалли берди. — Дўхтирлар ҳам худо эмас, адашади.

– А-а?!

– Дўхтирлар янглишгандир дейман! Балки эрта-индин Нурнияз оёққа туриб кетар, қаёқдан биласиз?

– Илоҳим, айтганинг келсин, болам!

– Шундай қилиб, Тонготар оға, қизингиз Ақчагулни Нуржанга сўраб келиб ўтирибмиз.

Ақчагулнинг отаси бир муддат жим қолди.

– Эжибой иним, бир ўғлимни ичкўёв қилиб қўлимдан олиб бердинг, энди қизимни сўраб турибсан. Бу дейман, менинг изимдан тушиб олдинг-ов, — деди у қўлидаги пиёлага ўйчан тикилиб.

– Сўзимизни сийлайди деб сизга эркинсиймиз-да, Тонготар оға.

– Қайдам, қизим ҳали ёш! Мактабда ўқияпти, институтда эмас...

– Ота-боболар “ўн учда ўтов бекаси” деб бекорга айтишмаган. Қизингиз сизга ёш кўрингани билан овул-элда аллақачон бўй қизлар қаторига қўшилган.

Бир зум орага жимлик чўқди.

– Қизимизни узатсак, бу уйда аёл зоти қолмайди-да, иним. Қартайганда мен иссиқ овқатсиз қоламан-ку?

– Нега иссиқ овқатсиз қоласиз? Икки уйнинг орасини бор-йўғи бир парча отиз ажратиб турибди. Худо хоҳласа, унинг ўртасидаги сўқмоқ серқатнов бўлади. Ақчагул чаққон қиз, икки уйнинг таомини пиширишдан чарчамайди. Бир-икки йилни ортга солсак, мана, Худайберган инимиз ҳам келин олиб келиб берар.

Хуллас, шу куни совчилар Ақчагулнинг бошини боғлаб кетишди. Эжибойнинг ўзи шаҳарга бориб, мактабдагиларни кўндириб келди. Бир ҳафта ичида шоша-пиша тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўйдан сўнг овулнинг икки-уч қарияси келиб, нон синдириб, фотиҳа ўқишди. Нуржаннынг бобоси қудасининг уйига икки соғин сигир олиб келиб боғлади. Бу Ақчагулнинг қалин моли эди.

Шу йили қишда, декабрнинг аёзли кунларидан бирида Нуржаннынг отаси қайтиш қилди.

– Гал меники эди-ку, э худо, нега аввал мени олмадинг? – деб нола қиларди Пирнияз чол азага келганлар олдида.

Овулнинг одатига биноан марҳумни уч кун уйда сақлашади. Иккинчи куни пешиндан сўнг чол ҳам йиқилди. Жанозада юрганлар у ёқдан-бу ёққа зир югуриб қолишди.

– Дўхтир чақиринг.

– Томирини кўринг!

– Юзини елпинг! Шамол беринг...

Лекин Пирнияз чол йиқилган чоғидаёқ омонатини эгасига топширган эди. Аза устига аза бўлди! Чоршанба куни Нурниязни, пайшанба куни Пирнияз чолни чиқаришди. Овул аҳли, оғайни-қариндошлар тўрт кун туриб, бу оиланинг қайғусига шерик бўлишди.

– Нуржан болам, белни маҳкам боғла! – дейишди овул оқсоқоллари унга тасалли бериб. – Энди бу уйнинг бошчиси ўзингсан. Отанг борди-келди қилиб юрган одамлар билан алоқани узма. Эр киши оиланинг паноҳи бўлади. Бу оғир юкни зимманга олишинг керак.

Нуржан ёшлигидан ана шундай юкни елкасига ортган эди. У ишдан чарчаб келганида Ақчагул елиб-югуриб атрофида парвона бўларди. Унинг мой сингиб қолган камзулини ишқалаб ювар эди. Камзулдан эркак кишининг ёқимли ҳиди, ўзи севган одамнинг ҳиди келиб турарди...

Ақчагул уйга кириб келганида эри айвонда чой ичиб ўтирар, қизи кечки овқат тараддуида қозон бошида уймалашарди.

– Келдингми, онаси? – деди Нуржан қувониб. – Қаёққа кетганингни билолмай ўтирган эдик. Идишларинг уйда қолган...

– Келдим, – деди Ақчагул бепарво оҳангда. Уйга кирар-кирмасдан иш топганини айтгиси келмади. Бу хабарни айтишга унчалик хуши ҳам йўқ эди.

\* \* \*

– Ойи, бугун биз учун хайрли кун бўлди, – деди Арзайим овқат сузилган лаганни ўртага қўя туриб. – Сиз ишга кирдингиз, мен инглиз тили бўйича репетитор топдим.

– Унга неча сўм берарканмиз?

Репититорга тўланидиган пул кўз олдига келиб, Ақчагул хушёр тортди. Лекин қизига билдирмасликка тиришди.

– Бир сўм ҳам бермаймиз.

– У қандай сахий киши экан? Бир балоси йўқмикин, ишқилиб?

– Бу инглиз тили ўқийди, биз китобини ялаб қорин тўйғизамиз, — деди ён томонда ўтирган Қувват.

– Сен тилингни тий! Тил ўрганишимнинг оғирлиги сенга тушаётгани йўқ, билдингми? Бир нарса десанг, дарров оғзингга уради.

– Менинг пухта болам-ей, — деб Ақчагул ўғлининг бошини меҳр билан силади. — Хўш, нега у одам сенга меҳрибончилик қилиб қолди? Муаллимнинг эркак кишими, аёлми?

– Аёл киши. Қизини узатмоқчи экан. Шунга ҳар куни бирпас келиб, кўрпа-тўшагини қавиб берасан, деди.

– Бу иш қўлингдан келармикин? — деди отаси гапга аралашиб.

– Уйда кўрпачаларнинг барини ўзим қавидим-ку?

Чиндан ҳам Ақчагулнинг уйда бемалол ўтириб, кўрпа-тўшак тикишга вақти бўлгани йўқ. Бир лаҳза ёнбоши ерга тегмай, эртадан-кечгача елиб-югуради. Бир-икки кўрпачани бошлаб қўйиб, қизига йўл-йўриқ кўрсатганини айтмаса, икки тахмоннинг устида хирмон қилиб йигилган юк шугина гўдакнинг қўлидан чиққан. Арзайимнинг жингил хивични шувиллатиб пахта саваб ўтирганини кўрганида, Ақчагул ўзича: “Ёмон кўздан асрасин, ишқилиб. Онамнинг худди ўзи-я”, дея ёқасига туфлаб қўяр эди. Хўнарнинг зиёни йўқ экан, мана, олдидан чиқиб турибди.

– Кампир, сизларга эргашиб мен ҳам иш топдим, — деди Нуржан лагандан бош кўтариб.

– Кампир деманг! — деди Ақчагул қошларини чимириб. Ахир, бугун ўз кўзи билан кўрди, ўздан икки-уч ёш катта бўлган Сақбай сочини ёглаб тараган, ҳар гал хонасига кирган-чиққанида кўзгу қаршисида бир тўхтамай ўтмайди. Аёл зоти кўринса-ку, кўзлари ёнади. Бу эса гўё саксонга кирган чолдай “кампир, кампир” дейди. Аслида, ҳали қирқ бешгаям тўлгани йўқ.

– Ҳа, кампир десам ёмонми? — деди Нуржан етим боладай ялтоқланиб.

– Ёмон эмас... Худойим кампирликка етказсин. Лекин ҳар нарса-нинг ҳам вақти-соати бор. Ёшини яшаб бўлган чол эмассиз-ку, ҳарқалай. Ҳали кампир дейишга ҳам улгурарсиз!

Нуржан индаёлмай қолди. “Гапларим кўнглига оғир ботди-ёв”, дея ўнғайсизланди Ақчагул.

– Хўш, қанақа иш экан? Ойлиги неча сўм?

– Ойлиги топишга қараб.

– Нима топасиз?

– Олтин-кумуш.

– Нима?! Одамлар зўрға кунини кечириб турганда олтин-кумушни қаёқдан топасиз? Ё Устюртга ер бўралаш учун борасизми?

Нуржан мийигида кулди.

– Бу фикр кеча Тўхташнинг уйида ўтирганимизда пайдо бўлди... Вой-бўй, Тўхташ деганлари бало, эркак одамдан ўтади. Ўн олти халта Астананинг унини олиб келибди. Ўттиз бакалашка спирт ҳам. Яна бир чангал тенгесиям бор. Булар — бизга кўрсатгани. Кўрсатмагани қанча, худо билади.

– Бакалашкасидан ичгандирсиз?

– Бир бакалашканинг ярмини зўрға ичдик. Кўзимизча қўйди. Дистилланган сувиниям ўша ёқдан олиб келибди. Лекин спирти жуда кучли экан. Ихлас билан Кўмакбай дастурхоннинг бошида думалаб

қолишди. Жанабай икковимиз девор суяниб, амал-тақал қилиб қайт-дик ҳайтовур. Пулини топиб берсангиз, бир бакалашкадан спирт бериб юбораман деб ўтирганди, кайф устида уни олиш ҳам эсимиздан чиқибди.

– Тўхташ олтин-кумуш ҳақида нима дейди?

– Энди шунга ўхшаш нарсалар билан олди-сотди қилармиш. Ўтган гал бир “КамАЗ”га сабзи юклаб кетган экан. Унга қўшиб бироз алюмин, мис, қалай олиб борган эдим, шу нарса кунимга яради, дейди. У ерда бир одам билан танишиб келибди. Темир-терсакни унга топшириб, ақчасини санаб олавераркан.

– Поездга темир-терсак чиқарканми?

– Нима билан олиб боришини билмайман. “У ёғи менинг ишим” дейди.

– Хўш, олтин-кумушни сиз қаердан топаркансиз?

– Олтин-кумуш эмас-ку, мен сал ошириб айтаяпман. Боя айтганимдай, алюмин идиш, сим, мис қумғон, мис қувур, шунга ўхшаган гўр-ер...

– Ана шу “гўр-ер”ни топиш осон эканми?

– Ахлатхоналарда кўп дейди-ку. Овул ораласак ҳам топилиб қолар.

– Қайдам. Мен бир ойликли иш топибдими деб қувониб ўтиргандим, – деди Ақчагул хаёлга толиб. Бу ҳолати уни қувонтираман деб кутиб ўтирган Нуржанга бошқача таъсир қилди.

– Бу замонда ойликли ишга кўз тикиб ўтирган одам бор эканми? – деди у хотинининг кўнглини кўтаришга уриниб. – Ҳозир ҳамма ўзини бизнесга урапти.

– Ахлат титкилаш ҳам бизнес эканми?

– Биз каби камбағалларга насиб қилгани шу экан-да... Биз фақат ахлат титкиламаймиз. Овул-эл оралаб йигсак ҳам бўлади. Бир пайтлар муаллим, музейларга ҳам эл оралаб мол тўплашган, дерди-ку.

– Унинг йўриғи бошқа...

Лекин тижоратнинг йўриғи қанақа бўлишини Ақчагулнинг ўзи ҳам тузук-қуруқ тушунмасди. У ҳам анча пайтгача савдо-сотиққа ишонмай юрди. Хаёлида буларнинг ҳаммаси алдамчи, ўткинчи ҳолат бўлиб кўринарди. Бугун жарақ-жарақ пул топаётган тужжорлар эртага қоранонга зор бўладигандек туюларди унга. Аксинча, улар кун сайин олға кетишяпти.

Бир гал овулдоши Сапарнинг фермер бўлгани-ю, давлатдан қарз кўтариб, йигирмата сигир сотиб олганини эшитганида юраги “шув” этиб кетди. Болалиқдан унча ёқтирмаса-да, унга ичи ачишди. Гўё эрта-бир кун Сапарнинг бошига катта кулфат тушадигандек эди. Аммо хавотири беҳуда экан. Бугун ана шу Сапарнинг моллари юздан ошибди. Уйда уч бирдай машинаси бор. Яқинда эса “Сапар шахсий автобус олиб, Тошкентдан Нукусга қатнашиб қўйибди”, деган гап қулоғига чалинди. Ана бунини бизнес деса бўлади. Нуржан бўлса бировга темир-терсак йигиб бериб, у беражак уч-тўрт танганини ишқида маст бўлиб, “бизнесга ўтдим” деб ўтирибди. Ҳа, тадбиркорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан. Қолаверса, вақтида ҳаракат қилмадингми, бошқалардан орқада қолиб кетаверасан... Эй, нима бўлгандаям бори-га шукр! Уларнинг ҳам ҳаёти ўнгланиб кетар. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дейишган.

Ақчагулнинг кўнгли алғов-далғов эди. Бир томондан Сақбайнинг ёрдами билан ишга кирганидан ўкинди. Укинчдан ҳам кўра, бир кунмас-бир кун Сақбайнинг қопқонига тушиб қоладигандек сезарди ўзини. Бу ҳақда ўйлаганида бутун вужудида қалтироқ тургандек бўлади.

Бормай қўявергани маъқулмикин? Йўғ-ей, нега бормайди? У ҳам ёш боламидики, Ақчагулга осилиб олса. Аллақачон эс-хушини йиғиб олгандир. Қолаверса, ўзининг ҳам танасида жони бор, бегона эркакка ихтиёрини топшириб қўймас! Сақбай сал бежо ҳаракат қилгудек бўлса, бола-чақаси оч қолса ҳам унинг манглайига урар-ов!

У кўнглидаги хавотирига юпанч топгандек бўлди. Лекин Нуржаннын тақдирини ўйлаганида боши берк кўчага кириб қолаверарди. Ун икки мучаси бут, тоғни урса талқон қиладиган эри гапирган гапининг олди-ортини билмайдиган, эси ярим бир хотинга қарам бўлиб қоладими? Нега бундай бўлди? Унинг йигитлик номуси қаерда қолди? Нимага Нуржан ҳамма нарсага бепарво бўлиб бораяпти? Тўхташга чорикорлик қилишдан уялиш у ёқда турсин, Жанабай, Ихлас ва Кўмаклардан кўра зиёдроқ темир-терсак йиғишга чоғланиб ўтирганини айтмайсанми? Худди ёш гўдакни ширинлик бериб алдаб қўйганга ўхшайди.

Нуржан овулдан чиқиб кетмаганида шу аҳволга тушармиди? Ҳаммасига Эжибой биргат сабабчи. Эжибой етди уларнинг бошига! У эсига тушганида эр-хотин ич-ичидан ғижиниб қўйса-да, тўй-маъракада дуч келиб қолса, чол билан қўш-қўллаб саломлашганини сезмай қолишади. Бу ёғи мусулмончилик, ёши катталарни иззатлаш керак. Эжибой биргат ҳам қариб, гаранг бўлиб қолган. Унча-мунча одамни танймайди. Қўлини кўзига қўлагайлаб:

– Кимсан? – деб сўрайди.

Шундан сўнг улар ҳаммасини унутиб юборишади. Бўлмаса, вақтида у роса қутурганди! Бошлиқнинг гапини ҳам назар-писанд қилмас эди.

– Анави ерни нега иккинчи сувдан кейин шудгор қилмадингиз! – деди бир куни бошлиқ унга.

– У ерни уч кундан кейин шудгорлаймиз, – деди Эжибой биргат.

– Уч кунгача дала тўнтарилган кесакка айланади, – деди бошлиқ.

– Эй, иним, мен пахта экиб юрганимда сен икки бутига шапатилаб юрган бола эдинг, билдингми? Шудгорлайманми, шудгорламайманми, бу ёғи менинг ишим. Кузда шу ердан 32 центнер пахтани ўлчаб олаверасан! – деди Эжибой биргат кесиб.

Бошлиқ қип-қизариб кетди. Эгатдаги аёллардан уялди. Индамасдан машинасига минди-да, эшигини тарс этиб ёпиб, жўнаб қолди. Биргат бабақ хўроздай гердайиб турди отизнинг бошида. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган одамларнинг дами ичига тушиб кетди. Қани, эндилям биронтаси унинг юзига тик қараб кўрсин-чи!

Бироқ Эжибой қанчалик чарс бўлса-да, Нуржанга индамас эди. Сабаби, Нуржан ўзининг ишига пухта эди. Муштдайлигидан рулга ўтиргани сабабли тракторнинг икир-чикирини яхши биларди. Экишни ҳам Нуржан бошлаб беради. Икки юз-уч юз метрлик эгатнинг у бошидан-бу бошигача қандай қилиб бир текисда жўяк олганига ҳайрон қоласан. Худди ип тортиб, устидан юриб чиққанга ўхшайди.

Теримда ҳам шу аҳвол. Бошқа таркторчилар далани беш марта айланиб келганида ҳам бункери тўлмайди. У эса икки бор айланиб келса кифоя, тележкага пахта ағдараётганини кўрасан. Пахта машинанинг ортидан теримчилар тушишади. Ҳар гал улар жўяк талашиб чувиллашади.

– Ҳой, табелчи қайним, менинг қаторимни алмаштириб бер. Доим Нуржан териб кетган жўякка мен тушавераманми? Унинг изидан эчки қўйиб юборсанг ҳам бир чаноқ топиб еёлмайди.

Чинданам, Нуржан пахтани тоза терарди. Шунинг учун ҳам икки бор айланиб келганидаёқ унинг бункери тўлади. Бошқаларда ҳам шундай трактор. Лекин натижа бошқа.

Бир сафар районда машина терими кечроқ бошланди. Район раҳбарининг патагига қурт тушиб қолган.

– Эжибой оға, машина теримини сизнинг биргатдан бошлаймиз, – деди у. – Хўжалик бўйича машиналарни йиғиб, бир ерга соламиз. Пахта-ни сифатли териб, биринчи бункерни тўлдирган механизаторни “Урал” мотоцикли билан мукофотлаймиз.

Шу куни терим байрамга айланиб кетди. Отизнинг чеккасига байроқ қадаб қўйилди. Бошлиқ новвос сўйдириб, эгат бошида дошқозон осдирди. Самовар қайнаб турди. Районнинг энг каттаси бош бўлиб тургач, бошқаларда жон қолармиди? Ҳамма елиб-югуриб юрибди. РайПО-нинг бошлиғи каттагина “Зил” машинасига ортилган “Урал” мотоциклини даланинг бошига келтириб қўйди. Филдираги чанг бўлмасин деб пастрга туширмади.

Ўн олтига машина бирваракайига теримга тушди. Шу куни теримчиларни ҳам ён тарафдаги марзага туширишди. Ҳаммага тушлик овқат дала бошида бериладиган бўлди. Ақчагулнинг икки кўзи пахта машиналарда эди. “Нуржанни худойимнинг ўзи қўлласин, ишқилиб!” Бир трактор дастлабки қатордан чиқмай турибоқ бузилди.

Район каттасининг фиғони фалакка ўрлади.

– Кўзинг қаёқда эди?! Ёз бўйи нима иш қилдинг?! – дея бошлиққа ўшқиргани теримчиларнинг ҳам қулоғига чалинди. Аммо Эжибой биргатга ҳеч нарса демади. Афтидан, бузилган трактор бошқа овулдан келган бўлса керак. Иккинчи бор далани айланиб келгунча пахта териш машиналарининг тўрттаси эгат орасида қолиб кетди. Нуржан маррага иккинчи марта қайтиб келгач, нарироқда қантарилган тележкага қараб бурилди.

– Бу тракторчи ким? – деб сўради районнинг каттаси.

– Нурниязнинг ўғли, – деб жавоб қилди Эжибой биргат. – Исми Нуржан!

– Отасига раҳмат! Раваж, мотоциклни олиб кел!

РайПОнинг бошлиғи мотоциклни ерга туширди. Эжибой биргат одам юбориб, ҳамма механизаторларни бир ерга йиғди. Кичикроқ мажлис бўлди.

Районнинг каттаси мотоциклни тантана билан Нуржанга топширди. – Пулини сен тўлайсан! – деди бошлиққа. Ақчагул буларнинг ҳаммасини қулоғи билан эшитди, кўзи билан кўрди.

Кейинги йили Нуржан район кенгашига депутат этиб сайланди.

Шундан сўнг унинг ошиғи олчи тура бошлади. Депутат бўлган йили мукофотга “Москвич” олди. Кўкламда “Урал”ни сотиб, укасини уйлантирди. Хуллас, ўн тўрт йил давомида овулда илғор таркторчи бўлиб гуриллаб юрди. Республикага депутат бўлган йиллари бўйнига галстук тақиб, мажлисларга бориб келарди.

Кейинроқ районнинг каттаси ўзгарди. Бошлиқ ҳам кетди. Натижада Эжибой биргатдан бошқа Нуржаннинг қадрига етадиган одам қолмади. Лекин у ҳам катталарнинг назарига тушиб қолгани учун зимдан Нуржанга гашлиғи келиб юраркан. Раҳбарлар ўзгаргач, Нуржанга тез-тез дўқ урадиган одат чиқарди.

– Кўпам гердаяверма, бола, сен бўлмасанг ҳам ҳукумат қулаб кетмайди, – деб ҳуда-беҳуда киноя қиларди у.

Нуржан индамайди. Отаси тенги одамга нимаям десин? Лекин Эжибой кунда-кун ора ҳеч бир сабабсиз унга азоб берар эди.

– Шу ишни йиғиштирсаммикин? – дерди баъзан уйга келганида синиқиб.

– Кейин нима қиласиз? – деб унга тасалли беришга чоғланади Ақчагул. – Катта одам бақириб-чақиради. Барибир овулда унинг ку-

нига сиз яраб турибсиз. Ташлаб кетсангиз, хизматингизни миннат қилган бўласиз.

Қишин-ёзин Нуржанга тиним йўқ. Кузда пахта теради. Қишда овулдаги хонадонларга Башардан жингил ташийди. Январнинг ўрталарида “Уч том”дан гўнг олиб келади. Бошқа таркторларнинг ё тележкаси, ё барабани бузилган бўлади. Уникининг барабани мустақкам! Кейин “Алтай”га ўтириб, ер текислайди, чел олади, мола бостиради... Хуллас, йил-ўн икки ой тинмайди. Шунча ишни уддалагандан кейин миннат қилгиси келади-да! Эжибой биргат буни яхши билгани учун аввалдан уни босиб қўйиш учунми, баҳона топиб унга дўқ-пўписа қилади.

Бир куни тонг саҳарда варақачилар деразани қоқишди. Бу пайтда Нуржан кўрак терадиган машинани созлаб, пахта чувиб ётганига эндигина икки кун бўлганди.

– Нуржан оғани милиция олиб кетиб қолди, – деди машинага курак ташлаб турган ёрдамчи болалар.

– Ие, нимага? – деб Ақчагул чўчиб тушди.

– Биргат билан ёқалашиб қолди. Шунинг учун у милиция чақириб, Нуржан оғани бериб юборди.

Ақчагул ҳовлиқиб бориб, қайнонасини уйғотди. Уй бир зумда тўстўполон бўлиб кетди. Нуржаннинг укаси “Москвич”ни юргизди. Мелисахонада уларга Нуржанни кўрсатишмади. Эжибой биргат навбатчи милиционернинг олдида ўтирган экан.

– Сендан яхши одам йўқ деганга кўзини эт босиб кетибди бу боланинг! Шошмай турсин, ҳали уни турмада чиритаман!

Эжибой биргат бу гапни уларга эшиттириб айтди.

– Биргат қурдош, менинг болам сенга нима ёмонлик қилди? – деди Нуржаннинг онаси қалтираб.

– Тагин нима қилсин эди?!

– Ие... Ҳеч нарса!

– Мана, ўғлингнинг хунарини кўриб қўй! – Биргатнинг чап чаккаси кўкариб кетган эди.

– Ўғлингиз қамалади, – деди навбатчи милиционер. – Бошлиғига қўл кўтарганинг жазоси шу. Меҳнат қаҳрамонини ургани учун қўшимча жазо ҳам олса керак. Бу ёғини судда биласиз.

Нуржаннинг онаси қанча ялиниб-ёлвормасин, Эжибой биргат шаштидан тушмади. Навбатчи милиционер эса Нуржанни кўрсатмади, бир оғиз гаплаштиради ҳам. Охири улар кун қизариб чиқиб келаётган пайтда ноумид уйга қайтишди. Кейинчалик ҳаммаси ойдинлашди...

Ярим оқшомда кўрак машинаси бир тележка кўракни чувиб бўлди. Аммо тележкани пунктга олиб бориши керак бўлган Қоржовбойдан дарак йўқ эди. У Эжибойнинг хотинига жиян бўлади.

– Пахтани сен олиб борасан, – деди Эжибой Нуржанга.

– Қоржовбой қаерда?

– Унинг қаерда экани билан сенинг нима ишинг бор?! Одамларни ишлатадиган ҳам, уларга рухсат берадиган ҳам мен. Тез тележкадан туш.

Нуржан икки йигит билан тележкада пахта босаётган эди.

– Қоржовбойнинг ўзи олиб борсин, – деди Нуржан ишидан тўхтамай.

– Нима дединг?!

Нуржан индамади.

– Кўзингни ёғ босибди, падарингга лаънатнинг боласи!

– Отамга тил текизманг! – деди Нуржан ортига бурилиб.

– Нима?! Сен ҳали менга гап қайтарадиган бўлдингми? Тузимни ичиб, тузлигимга тупураяпсанми, етимча!

Эжибой биргат отиз четидан кесак олиб, Нуржанга ота бошлади. Бўз болалар тележкадан сакраб тушиб кетишди. Кутилмаганда кесак-бўронга дучор бўлган Нуржан нима қилишини билмай гангиб қолди. Эжибой биргат бу билан ҳам кифояланмай, ҳар гал кесак улоқтирганида “ўл, етимча”, “сенга ўхшаган тирранчани бобонг билан отангинг изидан жўнатаман”, “ҳе, отангга лаънатнинг боласи”, деб оғзига келганини қайтармай сўкарди. Нуржан эса икки қўли билан юзини пана қилишдан бошқасини билмасди. Зилдай кесаклар гоҳ елкасига, гоҳ бўйнига қарсиллаб келиб уриларди. Охири жон аччиғида четанли тележканинг устидан ўзини ерга ташлади. Уч метрча баланддан сакрагани боис ўзини ўнглолмай, ерга чалпак бўлиб йиқилган Нуржан дарров ўрнидан туролмади. Чап оёғи жазиллаб оғриди. Эндигина қаддини ростлаётганида тележкани айланиб етиб келган Эжибой бор кучи билан унинг орқасига тебди. Нуржан яна мункиб кетди. Ниҳоят, унинг ҳам сабри тугади. Сийлаш деганиям шунчалик бўлар-да. Қачонгача Эжибойнинг хўрликларига чидайди? У икки қўлига таяниб ўрнидан турди-да, биргатнинг чап юзига мушт туширди. Эжибой биргат уйиб қўйилган чаноқ гарами устига ағдарилди. Нуржан қайтиб унга қўл кўтармади.

Эжибой биргат ўрнидан туриб, уст-бошини қоқди-да:

– Шошмай тур, бола, энди мендан кўрадиганингни кўрасан! – дея отига миниб, бир зумда қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Нуржан бир муддат ўзига келолмай ўтирди. Нима қилиб қўйди? Энди нима бўлади? Кимсан, меҳнат қаҳрамонига қўл кўтарди. Эжибойга овул одамлари тугул, бошлиқ ҳам қаттиқ-қуруқ гапиролмайди. Янги тайинланган район каттаси эса анча нарида машинасидан тушиб келиб, у билан қўш-қўллаб кўришади. У ҳатто Нуржаннинг исмини ҳам билмайди. Шундай бўлгач, ким ҳам унинг гапига қулоқ соларди? Лекин боя индамай қўл қовуштириб ўтиравериши керакмиди? Эжибой отган кесакларнинг зарбидан аъзои бадани илма-тешик бўлиб кетаёзди-ку. Бунинг устига, икки гапининг бирида “етимча” деб ҳақорат қилади. Бу дунёда отаси ўлмайдиган одам борми? Худого шуқр, отаси у ўн еттига чиққанида, келин тушириб қазо қилди. Қолаверса, ҳали олдида онаси бор. Орқасида укаси улғайиб келаяпти. Шундай одам етимча бўп қолдимми? Буям бир одамни камситиш, қадрини ерга уришнинг йўли-да! Ҳукумат бордир, ундан ҳам ҳол сўрайдиган мардум топилар! Тилини боғлаб қўйишмаса, Эжибой биргатнинг ўзига қилган зуғумларини рўй-рост айтиб беради!

Нима бўлганда ҳам пахтани топшириб келмаса бўлмайди. Акс ҳолда ҳамма айб ўзининг бўйнига тушади. Пахта терими кампаниясига қарши чиққан бўлади. Сиёсатга буриб юборади улар. Ана ундан кейин ишлар чатоқ бўлади.

Кўмакчи болалар Нуржанга тасалли беришни ҳам, жимгина ётоқ жойга кетишни ҳам билолмай, челнинг бошида шумшайиб ўтиришарди.

– Челақда сув борми? – деб сўради Нуржан улардан.

– Бор, оға, – деб улар ўринларидан туришди.

– Қўйиб юборинглар, юз-қўлимни ювиб олай.

Нуржан ярим челақ сув билан юз-қўлларини, бўйинини ювди. Уст-бошини қоқди. Эжибой отган кесакларнинг чанги кийимига сингиб қолган экан, зўрға кетказди.



– Мен уйга бориб, прицеппи олиб келаман, – деди Нуржан бўз болаларга. – Сизлар кетмай турунглар, тележкани тиркашиб юборасизлар.

Тракторнинг ортидаги “П” ҳарфига ўхшаб кетадиган прицеп кўрак тозалайдиган механизмни қўшган вақтда ечиб олинар эди. Бусиз ҳеч нарса қилолмайсан. Тракторнинг орқасида икки филдирагидан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Четдан қарасанг, трактор думи юлинган товуққа ўхшаб кўринади.

Қоржовбойнинг трактори эгат четида шай турибди. Лекин у бошқа бировнинг тракторига ўтиришни истамади. “Киши кийими кирчил” дейишган. Нуржан алламаҳалда прицеппи тортиб келди. Сўнг уни тракторга тиркади. Шу пайт тепасида қизғиш-яшил чироқ лип-лип қилиб турган енгил машина отиз чеккасига келиб тўхтади. Машинадан икки милиционер билан Эжибой биргат тушди.

– Ана, ўша қаҳрамон! – деди Эжибой биргат уни кўрсатиб.

– Меҳнат қаҳрамонига қўл кўтарган қаҳрамон шуми? – деди милиционерлардан бири.

– Ҳа! Муштумзўрларнинг қаҳрамони бу!

Шундай қилиб, трактор жойида қолаверди. Милиционерлар уни машинага босиб, шаҳарга олиб кетишди. Олдинги ўриндиқда ялпайиб ўтириб олган Эжибой биргат йўл-йўлакай вайсаб борди. У энди ҳақиқий етимпарварга айланганди.

Эртаси куни Нуржаннинг онаси Боғда кампир бўлим бошлиғи билан овулнинг ёши улуғи Нурлибай ҳосилотни излаб кетди. Нурлибой ўттизинчи йилларда илк бор ташкил этилган колхозда ҳосилот бўлиб ишлаган, бу атрофдаги элатда уни ҳурмат қилмайдиган одам йўқ эди.

– Сен пахтадан қолма, – деди қайнонаси Ақчагулга. – Биргат қурдош буларнинг ҳаммаси “дизертир” деб айб тақашдан ҳам тоймайди.

Эжибой биргат ёмон кўрган одамани “дизертир” деб аташни хуш кўрарди. Шундай деса, кўнгли хотиржам бўлар, душманини енгандай, ҳузур қиларди. Боғда кампир саводсиз аёл бўлса-да, бу сўзнинг маъноси ёмон эканлигини биларди.

Шу куни у бошлиқ билан Нурлибай ҳосилотни олиб, Эжибойни-кига борди.

– Йўқ, – деди у. – Қирқ тўртинчи йили урушга кетиб, икки йил қон кечиб юрганда ҳам юзимга доғ туширмай келган эдим. Энди келиб-келиб бир тракторчидан калтак ейманми? Кечирмайман!

Нуржан уч кун қамоқда ётди. Эжибой биргат ҳам ўжарлик қилиб аризасини қайтариб олмади. Овулда, бу атрофда ундан кечирим сўраб бормаган одам қолмади.

– Майли, кечираман, – деди у ниҳоят инсофга келиб. – Бироқ овулдан қорасини ўчирсин. Бир ҳафта ичида кўчадан деб тилхат берсин.

– Бу нима деган гап? Одатда, ён қўшнисига хиёнат қилган ёки элнинг юзига қарай олмайдиган даражада юзиқорачилик қилган киши овулдан қувгин қилинарди. Бу нимага кўчади?

– Нимага кўчмас экан? Мени калтаклаб, устимдан кулиб юрсинми овулда?

– Кулмайди. Кулиб аҳмоқ бўптими?

– Аҳмоқ бўлмаса, отасидан катта одамга қўл кўтардимми? Ахир, мен Нурнияздан тўққиз ойлик каттаман. Бунинг устига, биргат деган номим бор, элнинг улуғиман.

– Элнинг улуғи бўлсанг кенг бўл, кечиримли бўл. “Катта – кўприк, кичик – кофир” дейишган. Шу йигит кофир бўлақолсин.

– Унга жуда ичингиз ачиб қолдими дейман?  
 – Нимага ичимиз ачимас экан? Бир элда ўтириб, муштдай болани кўчириб юборсак, кейин юртнинг юзига қандай қараймиз?  
 – Мен қарайман юртнинг юзига, мен! Билдингизми? Мен ҳам уни уй ичи билан кўчсин, деяётганим йўқ. Хотинини олсин-да, кўтарсин тўрва халтасини. Куним унга қолгани йўқ!

Хуллас, одамлар Эжибойнинг шу валломатлигигаям қойил бўлишди. Милиция Нуржандан тилхат олиб, қўйиб юборди. Эр-хотин Нукусга кўчадиган бўлишди. Нуржан икки кун юриб, шаҳарнинг бир чекка-сидан ижарага уй топиб келди. Хуллас, ноябрнинг охирида улар бир палос, тўрт-бешта кўрпа-тўшак, стар-етмас қозон-товоқ билан киракаш машинада Нукусга йўл олишди.

Бу машмашалардан беҳабар мурғак Арзайимнинг қувончи чексиз эди.

– Урре, биз меҳмонга бораяпмиз!

– Ҳали кўрасан, – деганди Нуржан ўшанда Эжибой биргатнинг ортидан гижиниб. – Нукусда гулдай рўзғор қиламан. Ўшанда ичинг куйиб, қилмишингдан пушаймон бўласан.

Қаёқда! Шу гапни айтиб керилган азамат бугун Тўхташга “олтин-кумуш” йиғиб бераман, у менга мўмайгина ақча беради, деб ҳовлиқиб ўтирибди. Ёзмиш деганлари бунча чигал бўлмаса!

Олис-олислардан хўроз қичқириви эшитилганда Ақчагулнинг кўзи илинди.

\* \* \*

Ақчагул қанчалик чарчаб ухлаган бўлса-да, кўнгли хотиржам эмасди. Шу боис уйқусида ҳам бесаранжомланиб, тез-тез уйғониб кетаверди. Ҳар гал кўзини очганида “менга нима бўлаяпти?” дея ўзига ўзи савол беради-ю, даъфатан кундузги воқеа ёдига тушиб, кўнгли яна алғов-далғов бўлади. Хаёлида гўё у кутилмаганда йўлидан адашаётгандек туюлаверди. Нега бундай йўл тутди? Ҳалиям бўлса ортига қайтгани яхшимикин? Лекин қайтганда қаёққа боради? Яна қайноқ кастрюль билан қалай тоғорани бағрига босиб, ўша бино йўлакларидан тентираб юрадими? “Энди мен бор пайтимда келмагин, қароғим” дея тайинлаган қоровул чолнинг юзига қандай қарайди? Уни остонадан итариб юборишган янги идорага қайтиб оёқ босмаслиги тайин. Унда қайси эшик “келақол” деб унинг йўлига кўз тикиб ўтирибди? Пешонасига ёзилгани шу экан, бу ёғига тақдирга таваккал қилиб, жимгина ишлайверади. Сақбай ёмон одам эмас! Қизлик вақтида унга бўй бермаган эди, кап-катта аёл бўлганида бўш келармиди? Аввало, худонинг ўзи сақласин!

Ҳадемай тонг отиб, хона ёриша бошлади. Ақчагул усти очилиб қолган қизининг кўрпасини яхшилаб ёпиб қўйди. Бўлманинг поли битмаганлиги учун ҳаммалари бир жойда тиқилиб ухларди. Тўрда Нуржан, унинг ёнида Есен, ундан кейин Қувват, сўнг Ақчагул, онасининг нариги тарафида Арзайим ётади. Ҳар гал эрталаб ёстиқдан бош кўтарганида эскидан қолган бир ирим Ақчагулнинг ёдига тушади. “Қиз бола пойгакда ётса, уйдан давлат кўтарилади”. Балки шунинг учун топганимиз-топганимизга етмаётгандир, деб ўйлайди ўзича. Лекин бир иримни деб ким ҳам қизини отасидан юқорига чиқарарди? Мусулмончилик, ота-онага ҳурмат қайда қолади унда? Худо хоҳласа, ҳали уларнинг ҳам ҳаёти ўнгланиб, бу кунлар орқада қолар.

Ақчагул ҳуда-беҳуда ўйлардан ўзини чалғитиш илинжида хонанинг шифтига кўз югуртирди. Бултур баҳорда чакка ўтиб, сувоғи кўчган девор ҳалигача шу аҳволда турарди. “Астағфирулло, сираям

эркаги бор уйга ўхшамайди бу уй... Нуржан кун бўйи қарта ўйнагунча, ярим челақ лой қориб, суваб ташлаганида уйнинг қамиши шалвираб осилиб турмасди”. У ўкинч билан эрига қаради. Аммо ухлаб ётган Нуржаннинг юзига бевақт тушган қат-қат ажинларни кўриб, унга раҳми келиб кетди. У бир пайтлардаги Нуржанга сираям ўхшамасди. Ёшлигида қандай суқсурдай йигит эди! Бунинг устига, жуда ораста эди. Эрталаб-кечқурун кўлини содалаб ювиб, ора-сира мойнинг ҳидини олсин деб энгил-бошига атир сув ҳам сепиб кўярди. Хуллас, Нуржан ҳеч қачон бошқа тракторчилар каби қорамойга қоришиб юрмасди. Ёки яхши кўрган одамнингнинг унча-мунча камчилиги ҳам кўзингга кўринмасмикин? Хуллас, Ақчагулга қолса, осмоннинг остида иккита йигит бўлса, биттаси Нуржан, битта бўлса, Нуржаннинг ўзи! У эндигина мўйлаби сабза уриб келаётган бўз йигитлик даврида Сақбайга ўхшаганларнинг юзтасига арзийдиган йигит бўлди. Бугун Сақбай ўша йигитлигича қолган-у, Нуржан анча барвақт қариб бораётганга ўхшайди.

Сақбай аввалгига қараганда анча тўлишган, қорин ҳам кўйибди. Лекин курсоғи ўзига ярашимли. Эғнида оппоқ кўйлақ, ҳаворанг костюм-шим, бўйнида чўғдек қизил бўйинбоғ. Сочлари ҳамон қоп-қора. Гап билан каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам ичига кириб кетади. Абжир. Хуллас, Сақбай билан Нуржанни бир-бирига солиштириб бўлмасди. Нуржанга қараб тураркан, Ақчагулга шу нарса аёздай ботди. “Нимага шундай бўлди?” Ахир, шаҳарда ҳам трактор ҳайдатиш ўрнига, ўзим ишлаб, уни ўқитсам бўлмасмиди? Лекин энди бундай надоматлардан фойда йўқ. Бир томондан, айб ўзида ҳам эмас. Бир умр трактор ҳайдаган одамлар орасида ҳам қаддини жингилдай тик тутиб, икки юзи нақш олмадай қизариб юрганлар оз эмас. Нуржанни турмуш қартайтирди, етишмовчилик Нуржаннинг қаддини букди, Нуржанни беайб тортган азоб-укубатлари соб қилди. У кўнглида кири йўқ, содагина овул боласи эди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугига, кези келганда йўлида учрайдиган ноҳақликларга бардош беришга ўзини чоғлаб ўсмаган эди. Бундай одам ўзини тез олдиради, хоксор бўлиб қолади.

Нукусга кўчиб келган дастлабки пайтларда Нуржаннинг дами баланд эди. “Шаҳарда тўрт гилдиракли яп-янги трактор топиб ҳайдайман, тележкасининг олди-ортида чироқлари ярқираб туради, кабинаси озода, ичидан парда тутилган, балки радиоси ҳам бўлар, сигнали эса “Волга”никидан қолишмайди” дея болаларча орзу қиларди. Лекин ҳеч бир ўйлагани амалга ошмади. Шаҳар Нуржанга муҳтож эмас экан. Унинг довруғи-ю обрўси овули билан кўшилиб, ўша ёқда қолиб кетганлигини кейин билди. Энди ўша обрўни тиклаб бўлмасди. Шаҳардаги ҳеч бир маҳкама бошлиқлари уни танимади, ҳеч ким, “ия, Нуржан, келдингми?” деб олдига кулиб чиқмади. Илинж билан кириб борган идорадан ноумид шалвираб чиқарди. Бора-бора у ҳар кимдан дакки эшитавериб, кўзи кўрқиб қолган сағир бола каби одамови бўлиб қолди. Уч ой сарсон-саргардон бўлиб юргач, ниҳоят, ободонлаштириш идорасига ишга жойлашди. У ердаги сочилиб ётган эски тракторини йигирма икки кун деганда зўрга эпга келтириб, уйга ҳайдаб келди. Шунисига ҳам шукр қилди. Мурғак Арзайим эса гўё отаси самолёт ҳайдаб келгандай қувонди. Эмизикли Қувват ҳали ҳеч нарсанинг фарқига бормасди. Нуржаннинг трактори атиги бир кунгина уй олдида турди. Эртаси куни чой ичиб ўтирганида ижара уйнинг эгаси Турдимурат оға уни сўроқлаб келди.

— Бугундан бошлаб манави тракторни уйнинг олди у ёқда турсин, шу кўчадан ҳайдаб ўтганингни кўрмай, — деди у Нуржанга

қўлини бигиз қилиб. — Қаерда яшаётганингни биласанми ўзи? Бу сенинг уйинг эмас, менинг уйим!

Шу бўлди-ю, кичкина Арзайим қайтиб тракторнинг қорасини кўрмади. Нуржан эрталаб пиёда ишга кетиб, кечқурун яёв қайтадиган бўлди. Бироқ унинг бошлиқлари яхши одамлар эди.

— Ука, кундузи рулда ўтириб, оқшом уйига пиёда қайтиш учувчиларга ярашади, сен тракторни миниб кетавер, — дейишди.

Нуржан бўлган воқеани уларга айта олмади.

— Тракторни қўядиган жой йўқ, уйнинг атрофи торроқ, — деб ерга қаради.

Шаҳарга сингишолмай овораю сарсон бўлиб юриши, қолаверса, Турдимурат оғанинг йўқ ердаги баҳоналар билан ўгай боласига бақиргандай азоб беришлари аста-секин унинг руҳини чўктира бошлади. Ўша вақтлар буни Ақчагул ҳам, Нуржаннинг ўзи ҳам сезгани йўқ. Мана, энди ёши етмай юзини ажин қоплаб, тишлари тўкилиб қолганида билинди. Дастлаб буни Ақчагул сездди. Нуржан ўзининг бу аҳволдан ўкингани йўқ. У аллақачон қисматнинг шўришларига кўникиб, тақдирига тан бериб бўлганди.

Ўша пайтларда эски трактор ҳам уларнинг кунига яраб турганди. Нуржан ора-сира идорадан сарийёғ, токда сўйилган молнинг арзон гўштини, гоҳида байрамолди деб чўчқа консервасини олиб келади. Бироқ ўзлари уни емайди. Ташлаб юборишга ҳам кўзлари қиймайди. Бир куни Ақчагул тўрт қути консервани тортина-тортина ўзлари ижарада ўтирган уйнинг бекасига олиб борди.

— Газхонага қўяқол, — деди Малика янга бурнини жийириб. — Мен унақа макруҳ нарсаларга қўлимниям урмайман. Оғанг ароқ ичганида газак қилар.

Ақчагул бир куни тасодифан унинг ана шу “макруҳ” нарсани шаҳарга олиб бориб, ўрисларга сотиб юргани устидан чиқиб қолди. Бироқ ўзини кўрмаганга олди. Эрига ҳам айтиб ўтирмади.

Ораддан уч-тўрт йил ўтди. Ақчагул эрининг тракторчиликдан топганини оз-оздан тугиб қўя бошлади. Унга ўзининг рўзгордан орттирганини ҳам қўйди. Бошқалар сарийёғ еганда улар маргаринга қаноат қилишди. Ўша йиллари қишин-ёзин бозорда карам мўл бўларди. Булар учун арзон таом карам шўрва бўлди. Нима бўлганда ҳам иссиқ овқат, нон бўктириб ейилса, қорин тўяди. Шу тариқа тийинлаб йиғмаса, қачонгача бировнинг уйда сиғинди бўлиб ўтиришади? “Тортиб ичсанг той қолади, кўрқиб ичсанг қўй қолади” деб бекорга айтишмаган.

Лекин бу кунларнинг ҳам охири бахайр бўлмади. Бир куни Нуржан уйга қайтмади. Эрталабгача Ақчагулнинг кўзи илинмади. Иккаласи бирга яшаётгандан бери бирон марта эри уйга келмай қолмаганди. Марғилонда бўлса ҳам етиб келарди. Балки тракторига бир гап бўлдимикин, деб ўйлади у ўзича. Ёки йигитчилик қилиб кетдимикин... Ақчагул ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетди. Йўғ-ей, Нуржан бунчалikka бормади.

Эрталаб Турдимурат оға бир милиционерни бошлаб келди.

— Келин! — деди у остонада оёқ илиб. — Бу кўчада қирқ йил яшаб, бирон марта эшигимга милиция излаб келмаган эди. Қоронғи тушмай туриб, уйни бўшатиб қўйинглар.

Ақчагул ҳеч нарсага тушунолмай, ташқарига чиқди.

— Сиз Пирниязов Нуржаннинг кими бўласиз? — деди милиционер сумкасидан каттагина ён дафтар чиқара туриб.

— Оиласи...

— Ҳм... Эрингиз нега уйга келмаганини биласизми?

- Йўқ, тинчликми, ишқилиб?
- Эрингиз қамалаяпти.
- Вой, нега?!
- Кейин биласиз.

Шундан сўнг савол-жавоб бошланди. Нуржаннинг асли ким, ота тарафи қандай, овулда нима иш қилган, аввал судланганми, хуллас, шунга ўхшаш гаплар...

Милицционер кетгач, у шоша-пиша кийинди-да, Қувватни қўтариб, Арзайимни судраклаганча милиция идорасига етиб борди. Лекин у билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бу ерда икки соатгача эрини кўрсатишмади. Сўнг рўпара қилишди.

Воқеа бундай бўлган экан...

Март ойининг бошлари эди. Ободонлаштириш идораси ишчилари Нуржаннинг трактори билан терак буташга чиқишган. Ишчилар йўл четига қўйилган тракторнинг устига чиқиб, дарахтларнинг қуриган шохларини чопишаётганда кутилмаганда бир “КамАЗ” машинаси катта тезликда келиб тележканинг ортидан келиб урилади. Оқибатда ишчилардан бири пастдаги ариққа учиб кетади, бошқа бири эса тележканинг тагига бориб тушади. Трактор машинанинг зарбига дош беролмай, олдинга силжиб кетиб, ўша киши гилдирак остида қолиб кетади. Бечора шу ернинг ўзидаёқ вафот этади. Шериги эса жароҳатланиб касалхонга тушади. Кўз очиб-юмгунча Нуржанни қамоққа олиб бориб тиқишади.

Баъзилар “бу ишда Нуржаннинг айби йўқ” деб Ақчагулни ҳам, унинг овулдан етиб келган қайнонасини ҳам юпатган бўлишди. Лекин бу ёғи нима бўлиши улар учун қоронғи эди. Етар-етмас бўлсаям, аввалги тинчгина ўтирган кунлари яхши экан, Ақчагулнинг бир ташвишига минг ташвиш қўшилди. Тиш-тирноқлаб йиққан пулларини эрининг йўлида ҳовучлаб соча бошлади. Сўраган пулини бериб, адвокат ёллади. Унинг сарфлаётган пуллари бошқаларникига қараганда озми, кўпми, бунисини билмайди. Бироқ у бор-будини сарфлаб тугатди. Судга қадар Нуржанни ойда бир мартагина кўрсатишарди. У билан учрашадиган кун яқинлашган сари ўзини қўярга жой тополмай қоладиган Ақчагул, ойнанинг нариги тарафида юзи дўмпайиб шишган, кўзлари кўқарган эрини кўрганида ўртаниб кетади. Уйга келгунча ўпкасини боса олмайди. Ўзи йиғлаб, ўзи юпанади. Бироқ дардини сиртига чиқармайди, ичида ўксинади. Унинг елиб-югуришлари ҳеч қандай натижа бермади. Нуржанни бир одамнинг ўлимида айблаб, беш йилга қамаб юборишди. Ақчагул “КамАЗ”нинг эгаси ким эканлигиниям билолмади. У суд бўлмасдан бурун ўзини оқлаб олган экан. Нуржаннинг жонига оро кирадиган кими бор? Ноилож беш йилни орқалаб кетаверди.

Ақчагул яна тиш-тирноқлаб йиғиниб, унга қайнонаси соттириб берган бир қўй, бир эчкининг пулини ҳам қўшди-да, бир марта эрининг орқасидан Товоқсойга бориб келди. Номини қамоқхона демаса, у ерлар тоғнинг этагидаги хушманзара бир жой экан. Лекин Нуржан тақдирнинг бундай зарбасидан бутунлай тушкунликка тушган, сочининг икки чаккаси оқариб кетган эди.

Ҳайтовур у қамоқда тўлиқ ўтирмади, уч ярим йил деганда уйга қайтиб келди. Лекин олдинги курак тишлари синиб, чап елкаси майрилиб келди. Бунинг сабаби ёлғиз ўзига аён. Бу тўғрида Ақчагулга ҳам очиқ-ойдин бир гап айтмайди. Аввалгидек хуш-хандон ўтирмайди, болаларни ҳам суюб эркалатмайди. Болалар ҳам гўё уйга бегона одам келиб қолгандай, ундан ётсираб туришади. Қувватга “отанга бор” деса, жон ҳолатда ортига бури-

либ қочади. Хуллас, Ақчагул энди аввалги Нуржан йўқ эканлигини тушуниб етганди. Есен отаси қамоқдан қайтишидан икки ой бурун туғилди. Ақчагул Товоқсойда уч кун эри билан бирга туриб, бўйида гумона билан қайтганди...

Ақчагул кечаги қолган ундан хамир қориб ўтираркан, адоқсиз азоб-укубатлар аллақачон иродасини букиб қўйган эридан илгаригидек номускашлик кутиш бефойда эканлигига яна бир бор иқрор бўлди. Агтанг, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Нонуштага дастурхон ёзганида болалар уйқудан уйғонишди, уларнинг изидан Нуржан ҳам турди.

— Арзай, мен ишга кетаяпман, — деди Ақчагул қизига. — Хамир кўпчигандан кейин, Гулайда опангнинг тандирида ёпиб ол. Сўнг укаларинг билан арава олиб бориб, овулдаги дўкондан бир халта ун олиб келинглр. Яна бир халтанинг пулини қайтариб берақолсин.

Ақчагул эрига ҳеч нарса демади. Барибир фойдаси йўқ. Нуржан бугун Тўхташнинг буюртмаси бўйича “олтин-кумуш” ийққани отланади. Бир ҳисобда шу ишгина билан бўлса ҳам ўзини ўзи овутиб юргани ҳам маъқул.

\* \* \*

Сақбайнинг ёшликдаги хурмача қилиқлари миясида обдон муҳрланиб қолгани боис Ақчагул омонатгина ишга бориб-келиб юрди. Имкон қадар юқори қаватларга кўтарилмасликка тиришади. Юқорида у аралашадиган юмуш ҳам йўқ. Аслида у тўрт қаватли иморатнинг бор дов-даскасига эга бўлиши керак. Лекин ёшлигидан бировга буйруқ бериб ўрганмагани боис қўл остидаги фаррошлар билан қоровулларга ҳам беозор муомала қиларди. Унинг ана шу ювошлигини билгани учунми, Оймарака ҳар куни чошгоҳга яқин ёнига келиб:

— Ҳой, бошлиқ келин, бизларга нима топшириқ бор? — деб сўрайди. Ундан тайинли гап ололмаслигини билиб, ёнидаги ўриндиққа ястаниб ўтириб олади. Жангилсин у бор ерга кирмайди. Умуман, у ҳеч нарсага қизиқмайдиган, феъли кенг аёл экан. Қоровуллардан бири ҳали қирққа ҳам кирмаган, енгилтабиат йигит. Ўтган-кетган аёлларга: “Опа, қалай, поччам бақувватми?” деб гап ташлаб ўтиради. Дастлабки кезларда Ақчагулга ҳам пичинг қила бошлаган эди, у чурқ этиб оғиз очмагач, тилини тишлади. Ақчагулни остонадан итариб юборган киши ёши анчага бориб қолган, қулоғи оғирроқ одам экан. Жуда калондимоғ киши, ўзини министр билан Сақбайдан кейинги одам деб ўйласа керак. Кўпчилик уни хушламайди, ташқаридан келган одамлар ҳам номигагина салом бериб ўтади. Салом бермаса ҳам унинг парвойига келмайди.

Ҳаммадан ҳам Оймарака ботир. Ақчагул чақирса-чақирмаса, олдига кириб келаверади. Ора-сира сал рўйхушлик берганини айтмаса, Ақчагул ҳадеб унинг гап-сўзларига қўшилавермайди. Қўшиладиган ҳоли ҳам йўқ. Бу ер унга бегона. Сақбай билан ёшлигидан таниш эканлиги ҳақида гапиришни ҳам истамайди. Бу ҳақда бир нарса деса, бўлар-бўлмас миш-мишлар пайдо бўлиши ҳеч гапмас. Вақт ўтгани сари у хўжалик мудирлиги вазифаси дуч келган одамни ўйламасдан олаверади, чакана жой эмаслигини тушуна бошлади. Оймарака ҳам ўша куни раҳми келганидан шунчаки йўлигагина уни таклиф қилган бўлса керак. Чунки эртаси куни Ақчагулни минг истиҳола билан Сақбайнинг олдига бошлаб борди. У Сақбайнинг жуда қаттиққўл эканини, унча-мунча аёлни ишга қабул қилавермаслигини яхши биларди. Бироқ ўшанда нима учун дарров рози бўлганини ҳалига-

ча тушунолмайди. Ақчагулнинг бамъани аёл эканини кўргач, “икковининг орасида бир гап бор” деб ўйлашга ҳам кўнгли бормади. Хуллас, Ақчагулнинг бир лаҳзада шу ишга тайинлангани нафақат Оймарака учун, балки идорадаги кўпчилик аёллар учун ҳам жумбоқ эди. Ақчагул зимдан ўзига қадалган маъноли, синовчан нигоҳларни сезиб юрарди. Бора-бора бу ҳол унга қаттиқ бота бошлади. “Менинг бошқалардан қаерим кам, — деб ўйларди у ўзича. — Ишга кириш учун албатта, таниш-билиш ёки бошқа бир сабаб бўлиши керакми? Ёки бу ерда бегона эканлигим, балки ўзимга унчалик эътибор бермаслигим уларнинг гашини келтираётганмикин. Озгина пардоз-андоз қилсам, синсумбатим манаман деган аёлникидан қолишмаса керак”.

Аёл кишининг ҳаддан ташқари ўзига зеб бериши ҳам ярамайди. Ақчагул кўғирчоқдек ясаниб юришни истамайди. Бунга унинг ёши ҳам тўғри келмайди. Бироқ борини эплаб кийиб, сочини замонага мос турмаклаб юриш ҳам унчалик қийин эмас. Шундай қилди ҳам. Ишга кирганининг дастлабки кунларидаёқ хотин-қизлар байрами муносабати билан уларга бир ойлик миқдорида мукофот пули беришди. Пулга кўшиб гул, атир, совун ва рўмол ҳам совға қилишди. Кўпдан бери ойлик олиб кўрмаган Ақчагул учун шуларнинг ўзи катта давлат эди. Атир билан совунни қизига бериб, рўмолни ўзи ўради. Мукофот пулининг бир қисмига “душман кўзи” деб арзонроқ матодан ихчамгина кўйлак тиктириб кийди. Қолганини рўзгорнинг кам-кўстига сарфлади. Ўша кунларда “олтин-кумуш” йиға бошлаган эри ҳам Тўхташнинг берганини тийин-тийинигача уйга олиб келарди. Шунга қизиқиб кетдими, ҳайтовур уй олдидаги қартабозликдан ўзини тортди.

Ақчагул бир-икки ойнинг ичида ўзини ўнглаб олди. Ишхонада аёлларнинг тушлик ўтиришига кўшилди. Навбати келганда ўзи ҳам уйдан палов, гоҳида гўшт билан картошка қовуриб олиб борар эди. Амалнинг ўзига яраша ҳавоси бўлар экан, баъзида Оймаракани ҳам, Жангилсинни ҳам, эшик олдида ўтирадиган ёши улуг қоровулни ҳам у-бу юмушларга буюрадиган бўлди. У кун бўйи бир нарсадан — Сақбайнинг ўз хонасига чақириб қолишидан хавотирланиб юрарди. Чақирса, яна эски кўшиғини бошлаши мумкин. Бормасдан иложи йўқ, кимсан, министр ўринбосарини менсимаслик одобдан эмас. Лекин Сақбай у ўйлагандек енгилтак бўлиб чиқмади. Балки ёши анчага бориб қолгани боис ўзини тутиб олганми ёки хизмат вазифаси йўл қўймайдими, хуллас, эрталаб хизмат машинасидан тушади-ю, теваракка қарамасдан тўғри лифтга чиқиб, юқорига кўтарилиб кетади. Йўлида дуч келган одам билан саломлашади, бошқаси билан иши йўқ.

Дастлабки пайтларда ундан қочқолоқлаб юрган Ақчагул сўнг-сўнг Сақбайга зимдан эътибор бера бошлади. Кўнглида унга нисбатан қандайдир бир нозик ҳиссиёт уйғонаётганга ўхшарди. Ора-сира уни сиртдан кўриб тургиси келади. Балки унинг ҳам ўзига эътибор қаратишини кутадими ёки ёшлик чоғларидаги каби “салом, Ақчагул” деб ёнидан жилмайиб ўтишини тусайдими, ишқилиб, нимани хоҳлашини ўзи ҳам билмайди. Унга нимадир етишмаётганлиги аниқ.

Бир гал Сақбайнинг ўзи Ақчагулнинг олдига тушиб келди. Баҳор байрамларидан бири яқинлашиб қолган эди. Ақчагул пинҳоний бир ҳаяжон таъсирида ўрнидан туриб кетганини сезмай қолди.

— Салом бердик.

— Яхшимисиз?

Сақбай очиқ чеҳра билан унга қўл чўзди. Ақчагул тортина-тортина қўлини узатди. Бир вақтлар уни автобусдан тортиб туширган чайир қўллар анча мулойим тортиб қолгандек эди.

– Ишга ўрганиб кетдингми?  
 – Оз-моз.  
 – Қўрқма. Одам қилган ишни одам қилади. Гап бундай, Ақчагул, эртага ёрдамчи хўжалиқда ишлаётган икки ишчини ҳам чақиртирганман. Улар келгач, министрнинг, менинг кабинетимдаги ва холлдаги пардаларни алмаштираемиз. Сен омондаги йиғма карнизларни беришинг керак.

– Карнизларнинг пардалик матоси йўқ-ку?  
 – Янги пардалар матодан эмас. Ўрнатишганда кўрасан. Чиққан пардаларни эса бир чеккага тахлаб қўй. Байрам ўтгач, ҳисобдан чиқарамиз. Керак бўлса, ўзинг уйингга олиб кетарсан ёки ёнингдаги аёллар билан бўлишарсан.

Шу пайт Оймарака айтган бир гап Ақчагулнинг ёдига тушди.

– Сақбайга йўриғига юрадиган одам керак. Бир гал идорада бир йилгина тўшалган гиламларни янгисига алмаштириб, уларни ўраб-чирмаб уйига олиб кетган эди.

Сақбай бундай ишларни Ақчагулнинг қўли билан амалга оширмақчимми? Йўқ, у бунга рози бўлмайди. Керак бўлса, шу заҳоти ари-засини ёзиб беради. Лекин ҳозирча бир нарсани билмасдан бу ҳақда гап очишга журъат қилолмади.

Сақбай ҳовли тўридаги икки хонали меҳмонхона чойшабларини алмаштириб, идиш-товоқларини янгилаб қўйишни буюрди-да, юқорига чиқиб кетди. Меҳмон келса керак. Ҳар гал комиссия келганида ёки байрамларда Сақбай, министр ва бир-икки қўноқлар бир муддат у ерда вақтичоғлик қилишади. Шукрки, бундай пайтларда Ақчагулни ҳам, у билан ишлайдиган аёлларни ҳам хизматга чақирмайди. Ўзларининг котибалари ва бир-икки ёшроқ ходималар уларнинг атрофида парвона бўлишади. Ташқаридан бирон нарса олиб келиш керак бўлиб қолса, ҳайдовчилари зумда муҳайё қилишади.

Бундай кезларда Ақчагулнинг вазифаси – бир-икки кун аввал дастурхонни алмаштириш, синган, кирлаган идишлар ўрнига янгисини қўйишдан иборат. Тўридаги икки кишилиқ диваннинг тўшаги эса камдан-кам ҳолларда алмаштирилади. Меҳмонхонага боришни истамаган ёки узоқроқ муддат қоладиган қўноқлар, министрликка келадиган тафтишчиларгина шу ерда жойлашишади.

Ақчагул иложи бориша ҳовли тарафга чиқмасликка тиришади. Чиқиши билан Нукусга эндигина кўчиб келиб, қийналиб юрган даврлари ҳаёлида жонланади. Бугун ноилож ўша тарафга ўтишга мажбур бўлди. У ерга бориши билан яна эски воқеалар бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади.

Бу ерда корейслар маҳалласига олиб борадиган тор кўча бор эди. Ўша пайтлар министрликнинг ўрнида ахлатга тўлиб ётадиган ўра бўларди. Идора олдидаги ораста кўча ҳам кейинчалик барпо қилинди. Ана шу тор кўча улар ижарада турадиган уйга олиб борар эди. Эжибой биргатнинг сурғунига дучор бўлиб, шаҳарга келиб қолган эр-хотин дафъатан бутунлай довираб қолишди. Алоҳида рўзғор тутиш учун кўп нарса керак бўларкан. Лекин уларда бири бўлса, бири йўқ. Уй эгасидан кунда бир нарса тиланиб боравериш ҳам тўғри келмайди. Шундай бўлса-да, дастлабки пайтларда Ақчагул у-бу сўраб борди. Малика янги тишини-тишига босиб бўлса-да, сўраганини бериб юборарди. Бироқ Турдимурат оға жуда хасис одам эди. Бир куни Ақчагулни остонадан қайтарди.

– Тагин нима сўраб келдинг? Сизлар бир оиламисиз ёки тиланиб юрадиган девонамисиз?

Худо ёрлақаб, бу сафар у ҳеч нарса сўраб боргани йўқ эди.



– Кечирасиз, оға, сут сотиб юрган аёллар келган экан...

– Келса, ўзлари киради. Уларнинг орасида даллоллик қилишинг шарт эмас.

Ақчагулнинг манглайига яшин ургандай бўлди. Шу-шу, оч қолса-да, ўша уйга бош суқмасликка қасам ичди.

Улар шаҳар ҳаётига дарров кўникишолмади. Ҳар шанба куни Арзайимни етаклаб, Қувватни кўтариб, овулга ошиқишарди. Бу ҳақда ўйлаганда ўзларининг ҳам кулгиси қистайди. “Нега биз айнан шанба куни овулга борамиз, ахир бирон жойда ишлаётганимиз йўқ, талаба ҳам эмасмиз...” Барибир бу одатни қанда қилишмайди, шанба куни эр-хотиннинг оёғи овулга тортаверарди.

Қайтишда бир дунё егулик кўтариб келишади. Нон, зоғора, тариқ, мош, қатиқ-сут дегандай... Уч килолик банкадаги қатиқни ўлчаб ичгандай келаси шанбагача етказди. Озайган сайин уларга ташвиши туша бошлади. Уларга қайнонаси бир соғин сигир, икки қўй, уч жонлиқ берган эди. Лекин уларни қаяққа олиб боради? Ўзлари бироннинг уйида сигинди бўлса. Бўлмаса, сут-қатиғи ўзларига етарди. Бир қўйни сотса, икки-уч ойга етадиган емиш олишади. У ёғига худо берса, ўз-ўзидан улашиб кетаверар эди-ку !..

Ақчагулларнинг тузукроқ еб-ичмагандан ҳам кўра, ўша тор ижара уйда униб-ўсиши қийин бўлди. Ойма-ой ижара пулини тўлаб туришса-да, ўтирса ўпоқ – турса сўпоқ эди. Кичкина Қувват йиғласа, бирови чопиб келади.

– Болангнинг чакагини ўчир, отамнинг давлениеси бор.

Қувват шу заҳоти жимиб қолади. Ота-онасининг эркалашларига кўнмаган гўдак, ташқаридан югуриб келган одамдан кўрқиб юпанади. Икки боласи кундузи ҳовлида ўйнашдан юрак олдириб қўйишган. Хонадон бекасидан тортиб, болалари-ю, келинлари ҳам уларни сурпури билан савалаганча қувиб солишади.

– Кир катагинга!

Азондан иш ахтариб кетадиган Нуржан бу воқеалардан беҳабар. Ақчагул хафа бўлмасин деб унга айтмайди.

Кейинроқ Арзайим билан Қувватни боғчага беришди. Шу ишни уддалагунча Ақчагулнинг она сути оғзидан келди. Болаларини етаклаб бориб, эрталабдан навбатга туради-да, пешинда ортига қайтади, тушдан сўнг яна боради. Шунда ҳам бошлиққа кириш учун унга навбат етмайди. Аммо у хафа бўлмайди. Ижара уйда хўжайиннинг бақир-чақирини эшитгандан кўра ўша ерда ўтиргани тузук.

Бир куни эшик ёнида ўтирган машинистка аёл уни ёнига чақирди. Тушлик пайти эди. Яна сарсон бўлиб уйга бориб-келишдан эриниб, идорада қолган эди.

– Синглим, эскиларнинг “ақли пора беради, ақлсиз бора беради” деган бир гапи бор. Бир ойдан бери бу ерга қатнайсан, сенга ўхшаган хотинлар эса бир кунда ишини битириб кетишяпти...

– Нима қилишим керак?

– Иримини қил.

Ақчагул иримини қилди. Овулдаги икки қўйнинг бирини соттириб, пулини машинистка аёлнинг киссасига тиққан эди, икки кун ичида иши ҳал бўлди. Ўзи газетада чиққан эълон бўйича бориб, пашша-чивинларни дорилайдиган идорага ишга жойлашди. У ерда ишлайдиган аёлларнинг айтишича, бу касб жуда зарарли эмиш, шунинг учун эртадан-кечгача оғзига оқ мато боғлаб юришади. Шундаям ҳар хил дори-дармоннинг кўланса ҳиди димоғини ёриб юборай дейди.

– Шу ишдан дамқисма касалини орттириб олмасдан пенсияга чиқиб кетсак яхши бўларди, – дейишади улар.

Излай-излай зўрга ишга жойлашгани учунми, Ақчагул бундай гап-сўзларга унчалик эътибор бермайди. “Худо сақласин”, деб қўяди ўзича, зиёни бўлса бордир, бироқ унинг қўлидан нимаям келарди? Шунга яраша ойлигим яхши. Қолаверса, ҳар куни бепул сут-қатиқ беришади. Энди илгаригидек ҳадеб овулга чопишнинг ҳожати йўқ. Бунга қўлиям тегмайди. Эски бўлсаям яқиндан бери Нуржаннинг остида трактори бор. Иккаласининг топгани бир рўзгорни обод қилишга бемалол етади. Еб-ичишдан ташқари, янги кийим олишга ҳам уларнинг қурби етади. Лекин ҳозирча борини кийиб туришади. Аввало, уйли-жойли бўлиб олиш керак. Шу ниятда тежаб-тергаб пул йиғишмоқда эди.

Эр-хотин эртадан-кечгача уйда бўлишмаса-да, ижара уйнинг хўжайини билан муроса қилишлари қийин бўлди. Турдимурат оға қийналиб яшайдими ё улар бераётган ижара пулидан кўнгли тўлмай-дими, ишқилиб маломатини қанда қилмасди. Эртаю кеч “жим-жим” деб тергайверганлари туфайли болалари шивирлаб гапиришга ўрганиб қолишган. Эр-хотин ҳам оёқ учида уйга кириб-чиқишади. Шунда ҳам ким ёмон – улар ёмон. Эшикнинг олдида сув тўккан – Ақчагул, ҳовлига лой оёғи билан кирган – Нуржан. Бир куни Турдимурат оға тонг отмасдан улар ётган хонанинг деразасини синдиргудек тақиллатди. Иккаласи ҳам ишдан чарчаб келгани учун тошдек қотиб қолишган экан. Ақчагул сакраб ўрнидан турди. У деразанинг тақиллишидан ҳам кўра, қучоғида ётган Қувватнинг кутилмаганда чирллаб йиғлашидан қўрқиб уйғониб кетган эди.

– Ҳа-ҳа, нима бўлди, болажоним, ёт, ёта қол, – деди уйқули кўзлари билан ўғлининг елкасидан қоқиб.

– Ҳой, лаънати, ётмай ерга қапишгур, нега эшикни очмайсан?

Ақчагул уйнинг хўжайинини овозидан таниб, Нуржанни турткилаб уйғотди.

– Туринг, оғам деразани қоқаяпти.

Нуржан дарвозани очгунча хўжайин унинг етти пуштини қалаштириб сўкишга улгурди.

– Нима, мен ўз уйимга кира олмайманми? – деди у Нуржаннинг билагидан тутиб.

– Кирсангиз, болаларингиз ётган хонанинг деразасини қоқмай-сизми? – деди Нуржан ҳам чидолмай.

– Сен-чи?! Сенинг тинчинг бузиладими? Хоннинг уйқусими сенинг уйқунг? Вой, онангни палон қилай, келгинди!

– Онамни сўкманг! – деб Нуржан қўлини тортиб олди.

– Нима деяпсан?! – дея кутилмаганда Турдимурат оға Нуржаннинг тумшугига мушт туширди. Нуржан гандираклаб бориб, дарвоза олдида уйиб қўйилган шелуханинг устига ўтириб қолди. Шоша-пиша ташқарига чиққан Ақчагул уларни ажратишга улгурмади. Аслида унинг қўлидан нимаям келарди!

– Чошгоҳга қолмай кўрпа-тўшагингни кўчага чиқариб ташлайман! – деб Турдимурат оға ҳовлига кирди-да, дарвозани “қарс” этиб ёпди. Бу билан ҳам қаноатланмай, эшик зулфинини ичкаридан илдирди. Эр-хотин нима қилишни билмай, бир муддат серрайиб туриб қолишди. Сўнг айвоннинг очиқ қолган деразасидан бир-бирини тортиб ичкарига киришди-да, оҳиста қадамлар билан ўзларининг бўлмасига ўтишди.

Эрталаб мушт кўтарган хўжайин эмас, Нуржан ундан кечирим сўраб борди. Ўзга чора ҳам йўқ эди. Янги бошпана, уй ахтаришга

иккаласининг ҳам қўли тегмайди. Бошқа жойга кўчишса, Арзайим билан Қувватни ҳам бу ердаги боғчадан чиқариб олишга тўғри келади. Бу масала кўчиб-қўнғандан ҳам оғир. Шу сабабли улар айбсиз айбдор бўлиб, тишни-тишга босишга мажбур бўлди. Хўжайин бир муддат ҳовуридан тушди, аммо зугумлари камаймади. “Одам бола-си теңликка қўнса ҳам, камликка қўнмайди” дейишган қадимгилар. Йўқ, бошга тушса, одам ҳаммасига чидаркан. Овулда бировдан гап эшитиб кўрмаган бояқишлар аллакимнинг берган азобларини жимгина кўтаришди. Эжибой биргатнинг қилиқлари буникининг олдида ҳолва экан. Нима қилганда ҳам у элнинг одами эди, отангни биледи, онангни биледи. Бунга сен кимсан — ҳеч ким! Шунинг учун Турдимурат оғадан ўпка-гина қилиш бефойда. Начора, пешонага ёзилгани шу экан-да. Осмон узоқ, ер қаттиқ...

Тез орада Турдимурат оғанинг эт бериб боқиб ўтирган бўрибосар ити касал бўлиб қолди. Азза-базза дўхтир ҳам қақриб келишганди, шифоси йўқ дебди. Кечқурун Турдимурат оға билан Малика янга:

— Шу девоналар келди-ю, уйимиздан барака қочди! — дея тўнғилаб юришди.

Эрталаб ит қозикда ўлиб чиқди. Улар бир ҳаром кучукка туппатузук аза тутишди. Кечқурун ишдан қайтган Ақчагул ўзларининг кўрпа-тўшаги дарвоза олдида уйилиб ётганига дуч келди. Бу гал хўжайин инсофга келмади. Улар туни билан икки боласини етаклаб, ижарага уй излаб чиқишди.

Министрликнинг ҳовлисига келиб тугайдиган тор кўча Ақчагулга ана шундай кўнғилсиз хотираларни эслатар эди. Шунинг учун ҳам у имкони борича чорбоққа чиқмасликка ҳаракат қилади. Бугун ҳам зарур нарсаларни Оймарака билан Жангилсинга бериб, меҳмонхонани тозалаттирди. Кейинроқ ўзи бир ровгина хабар олди-да, шу заҳоти изига қайтди.

Байрамдан бир кун бурун Сақбай айтган пардалар алмаштирилди. Оқ атласдан тикилиб, сочиқ ва попуқлар билан зеб берилган еттита парда йиғиштириб олинди. Ўрнига тўрт бармоқ энли қаттиқ матодан ишланган, тугмачалар ёрдамида очилиб-ёпиладиган парда тutilди.

Ақчагул атлас пардаларни тахлаб қўяётганида Сақбайнинг ўзи келиб, уларни учала аёлга бўлиб берди. Ақчагулга учта, Оймарака билан Жангилсинга иккитадан парда тегди.

— Байрамдан кейин ҳисобдан чиқарамиз, актини ўзим ёзиб берман, — деди Сақбай. Сўнг уларга эртароқ уйга қайтишга рухсат берди.

Ақчагул йўл-йўлакай бозорга кириб, пардаларни арзон-гаровга сотди-да, пулига эронча палос олди. Бу улар алоҳида яшаётгандан бери олинган илк янги буюм эди.

\* \* \*

Нуржан хотинининг нима иш қилиши, ойлиги неча пуллигига сира қизиқмасди. У “кийими кўк, томоғи тўқ” бўлганига хурсанд. Ора-сера Тўхташдан оладиган “маоши”ни ҳам олиб келиб, Ақчагулнинг қўлига тутқазади. Бундай кунларда у ўзини шу уйнинг эркагидек тутиб, гердайиб ўтиради. Бироқ бу ҳам кўпга чўзилмади. Чунки, кейинги пайтларда Тўхташ овул оралаб йиғиб келинган “олтин-кумуш” эвазига уни едириб-ичирарди-да, қўлига ёлчителиб пул бермасди.

Ақчагул уйига палос олиб келиб тўшаган кунни ҳаммаси қувониб қолишди. Чўғдек гилам одмигина уйга файз бағишлагандай бўлди. Овулдан келтирилган кигизлар аллақачон тешилиб қолганди. Наматга қўшиб олиб келинган палос шу чоққача оиланинг кунига яраб

турганди. Палос деганлари жуда чидамли буюм экан. Ҳар йили қишда бир марта қорға ёйиб олинса, дўкондан янги сотиб олингандай ранги очилиб кетади.

– Ақчагул, топишинг яхшими, дейман? – деди Нуржан янги палоснинг устига кўрпача ҳам тўшамасдан ўтириб олиб.

Ақчагул индамади. Бу матоҳни ойлигига сотиб олмаганини Нуржан ҳам билади. Гўё у “хотиним бу гиламни ё идорадан ўғирлаб олган, ё бирон сабаб билан бошлиқлари унга совға қилган”, деб ўйлаётгандек туюлаверди. Шунинг учун гиламли бўлганига унчалик қувонмади.

– Она, энди ортиқча пул топсангиз, гилам олманг, – деди Арзайим унга.

– Тўғри, унинг ўрнига томни шиферлаб олайлик, – деди Нуржан.

– Йўқ, анави ерни пол қилдирамиз. Шунда ҳаммамиз бир хонада тиқилишмай, бўлак-бўлак ётамиз.

– Яхши, шундай қиламиз, – дея чуғурлашди Қувват билан Есен.

Ақчагул ўзини янаям ноқулай ҳис қила бошлади. Гўё болалари ҳам палосни қайси пулига сотиб олганини билгиси келаётгандек...

– Мени каттагина хазинага дуч келибди деб ўйлаяпсиз-ов, – деди у зўрма-зўраки кулиб. – Идорада эски пардаларни ҳисобдан чиқарувдик, шуни бозорда сотиб, пулига гилам олдим. Битта тўшак бўлсаям қўшилгани наф дедим.

– Жуда яхши, – деди Нуржан қувлик билан. – Эртага столни ҳисобдан чиқар, индинига эшикни...

Арзайим гап нимадалигини билгач, шалпайиб қолди.

– Қайдан билай, – деди у астагина. – Пул йиғиладиган бўлса, мен чет элга кетганда керак бўлар деб ўйлаган эдим.

– Чет элга?! – Нуржан чўчиб тушгандай бўлди. – Нима, у ёқда тоғаннинг уйи бор эканми?

– Кузда хорижий жамғарма дастури бўйича имтиҳон топшираман, ўтиб кетсам, ўнинчини ўша ёқда ўқийман.

– Ван, ту, сри, фо...

– Гудбай, гудмонин...

Қувват билан Есен Арзайимни мазахлаб кулишди.

– Қизимни калака қилманг, – деди Ақчагул Арзайимнинг ёнини олиб. – Яхшилаб тайёрланавер, у ёғи бир гап бўлар.

Аммо у ёғи нима бўлиши номаълум. Ақчагул қизининг кўнгли учунгина шундай деди. Аслида, қўлига ортиқча пул тушишига ҳеч қандай умид йўқ эди. Овулдаги ўзларига теккан мол-қолниям аллақачон сотиб тугатишди. Қайнонаси берган сигир икки марта болалаганди. Жониворнинг яна уч-тўрт туққудай чамаси бор эди. Лекин Нуржан қамоққа тушганига икки йилча бўлганида қайнонаси оғриб қолди.

– Бориб, боламни кўриб кел, – деди у Ақчагулга. – Энди менинг у ёқларга боргудай ҳолим йўқ. Дийдор қиёматга қолса, ўғлим мендан рози бўлсин. Фарзандни уйли-жойли қилиш ота-онанинг бурчи эди, бева бошим билан бу ишни уддалай олмадим... Қўлимдан нияям келарди, бу ёғига сизларни худонинг ўзи қўлласин.

У ҳар сафар айтадиган гапини такрорлади:

– Болагинамнинг ҳоли нима кечдийкин... Ё ўғлининг, ё қизининг ортидан эргашадиган яна биргина гўдак бўлганида қанийди...

Қайнонасининг нияти ижобат бўлиб, Ақчагул у ёқдан гумонали бўлиб қайтди. Кампир ҳам, Нуржан ҳам ўғил кўришни иштарди, уларнинг тилаги ижобат бўлиб, Есен туғилди.

Нуржанга онасининг қабрига бир сиқим тупроқ сочиш насиб этмади, дийдор қиёматга қолди.

Жанозанинг биринчи куни Ақчагул ўзининг ёлғиз сигирини қайнонасининг худойисига сўйдирди.

— Йўл катта ўғилники, — деди у маслаҳатга йиғилган эл оғаларига. Овул одамлари Ақчагулнинг ўринли сўзига эътироз билдиришолмади.

Қолган икки бузоқ етилиб, говмиш бўлгач, эчкилар билан қўшиб пуллаб, мана шу уч хонали ўйни сотиб олган эди. Хуллас, кузгача нима гап бўлиши Ақчагулга номаълум. Худо оғзига солдими ёки қизини хафа қилгиси келдими, шундай деганини ўзи ҳам сезмай қолди. Уйдагилар бу гапга чиппа-чин ишонишди. Чунки неча йилдан бери рўзгорни ўзи тебратиб келаётгани туфайли болалари ҳам, Нуржан ҳам унга қаттиқ суяниб қолишган эди.

Арзайим кейинги вақтларда муаллимларидан рухсат олиб, репетиторга қатнай бошлади. Мактабдагилар хорижда ўқиш учун тайёрланаётган бошқа болаларга ҳам шундай шароит яратиб беришди. Қизи эрталаб бир соат дарс ўқийди-да, сўнг репетиторга боради. Баъзан тўғри ўша ёққа йўл олади. Нима бўлганда ҳам Арзайим бу ишга боши билан шўнғиб кетди. Шунинг фойдасидир, кечқурун телевизорда инглиз тилида бериладиган “Ўзбекистон янгиликлари”ни уйдагиларга таржима қилиб бериб ўтиради.

— Алдама, — дейди Есен унинг жиғига тегиб. — Биз тушунмаганимиз учун ўзингча оғзингга келганини гапираяпсан.

Есен уйнинг эркатойи, шу боис қилиқлари кечиримли. У ҳам бунга яхши билгани учун гапдан қолмайди.

Оқшом чор тарафдан йиғилиб келишгач, дастурхон бошида ана шундай гангир-гунгир суҳбат куриб овқатланишади. Кундуз кунлари гоҳ Қувват, гоҳ Есен кўча бошига кичкина йиғма стол қўйиб, сақич, шам, гугурт, сода, совун сотади. Ошиб-тошиб кетмаса-да, кундалик ичиладиган қора чой билан сут шунинг ҳисобидан келиб туради.

Нуржан тонг азонда Кўмак ва Ихлас билан бирга одатдаги юмушига йўл олади. Улар кўчанинг бошигача, ошиб кетса бозорга довур бирга боришади. У ёғига қаерга боришларини бир-биридан сир тутишади.

Нуржан Тўхташнинг нима учун бу нарсаларни яширинча олиб кетишини тушунолмас эди. Баъзида у Нуржанни олиб қолиб, темир-терсақларни тариқ, ўрик тўла халталарнинг ичига билинтирмай жойлаштиришни буюради. Нуржаннинг билагида кучи қўп, унча-мунча мис қувурларни икки буклаб, қопнинг тубигача тиқиб юборади. Шу сабабли Тўхташ бошқаларга қараганда унга бир-икки сўм зиёдроқ беради. Ихлас билан Кўмакка ишонмайди. Афтидан, йўлда бу лашлушларни мелиса сезиб қолса, унга уришса керак. Уришса-уришса-вермайдим, унга нима? Барибир, ўзи овулда қолади.

Бир куни Нуржан хасталаниб, ётиб қолди. Ақчагул унга қайноққина сутли гўжа пишириб бериб, ишга кетди. Аёзлагандир, деб ўйлаганди. Кечқурун унинг аҳволини кўриб, ҳайрон қолди. Эрининг аъзойи бадани тўрса-лоқдай шишиб кетган эди. У Нуржаннинг кийимларини алмаштирди. Остидаги кўрпача ҳам ивиб кетган экан, ўрнига бошқасини солди.

Эртаси куни овул фельдшерини чақириб келди. У Нуржаннинг баданига аллақандай бадбўй малҳам суртиб кетди. Лекин Нуржан бери қарамади. Кейин соат сайин унинг кийимини алмаштиришга тўғри келди. Қувват билан Есен отасининг бошида ўтиришди. Бироқ шунда ҳам Ақчагул унчалик кўрққани йўқ. Аёз тер чиқаётгандир деб ўйлади.

Бир ҳафтадан сўнг Нуржан ўрнидан туролмай қолди. Ётган жойида вужуди тешилиб, сув оқа бошлади. Ақчагул шундан кейингина хавотирга тушиб қолди. Ахир, бунақа бўлишини у қаёқдан ҳам билсин?

“Тез ёрдам” машинасида етиб келган шифокор Нуржаннинг аҳволини кўриб, кўрқиб кетди.

– Шу пайтгача қандай чидаб ўтирдингиз? – деди у Ақчагулни четга тортиб. – Яна икки кун кечикканингизда эрингиздан ажраб қолардингиз.

– Энди нима қиламиз?

– Дарҳол ётқизиш керак.

Тунда Нуржанни шифохонага олиб бориб, жонлантириш бўлимига ётқизишди.

Дўхтирлар Ақчагулнинг қўлига дори-дармонлар рўйхати ёзилган тўрт варақ қоғозни тутқазишди.

– Тезда манави дориларни топиб келинг.

Ақчагул гангиб қолди.

– Оға... оға... мен... Буларни қаёқдан топаман? – деди тили зўрға калимага келиб.

– Пулингиз йўқми?

– Йўқ эди.

– Унда пастдаги дорихонага тушинг. Узугингиз ёки зирагингизни гаровга қўйсангиз, буларни топиб беришади.

Ақчагул дориларнинг қанчалик зарур эканлигини билса-да, оёғини зўрға судраб пастга тушди. Чунки унда шифокор айтган қимматбаҳо узук ҳам, зирак ҳам йўқ эди.

Дорихона сотувчиси оқкўнгил аёл экан. Унинг аҳволини тушуниб, дори-дармонларни насияга бериб юборди.

Ақчагул шу куни шифохона даҳлизиде тик оёқда тонг оттирди. Уйда ёлғиз қолган болалар эшикни ичкаридан қулфлаб ётишар...

Эртаси куни чошгоҳда Нуржанни кўришга рухсат беришди. Эрининг аҳволи кечагидан бироз яхшиланган, сўник кўзларига ҳам нур қайтгандай эди.

– Кампир...

– Кампир деманг, Нуржан, – деди Ақчагул кулиб.

– Бўлмаса нима дейин?

– Бир пайтлар Ақча деб чақирардингиз-ку?

– Майли, Ақча бўлса Ақча-да... Тўхташнинг ишидан топган фойдамиз шу бўлди.

– Бу нима деганингиз?

– Шифокорлар шундай дейишди. Қанақа исқирт жойда ишлайсан, деб сўрашди. Ахлатхоналардан темир-терсак йиғаман дейишга тилим бормади. Сал бўлмаса, танамдаги бор сув оқиб кетиб, ўлиб қоларканман.

– Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а!

– Мен дўхтирларнинг гапини айтаяпман.

Нуржан ўн беш кун деганда тузалиб, касалхонадан чиқди. Ақчагул насияга дори-дармон олавериб, анчагина қарз бўлиб қолган эди. Эрини олиб чиқаётганда дорихонанинг устида ҳатлаб ўтолмасди. Бироқ нима қилишгаям ҳайрон эди. Қарз сўрайдиган одами йўқ. Ойликкача ҳали анча вақт бор.

Ўйлай-ўйлай, охири Сақбайнинг хузурига кирди.

– Шунча пайтдан бери нимага олдимга келмадингиз? – деди у воқеадан хабар топгач. Сўнг гўшакни кўтариб, ҳисобчига қўнғироқ қилди. – Ҳозироқ Ақчагулнинг маоши билан бир ойлик ёрдам пулини ҳисоблаб, кассага ўтказинг. Ўзим буйруқ чиқариб бераман.

– Раҳмат, барака топинг!

Кувонганидан Ақчагулнинг тилига бундан ортиқ сўз келмади. Чиқиб кетаётиб, зимдан унга назар солди. Сақбай яхшилигини миннат қилаётган одамга ўхшамади.

Ақчагул шу пайтгача ундан қочиб юрганига афсусланди. Кўнглида Сақбайга нисбатан илиқлик уйғона бошлаганини сизди.

\* \* \*

Идорадаги юмушлар айтарли кўп бўлмаса-да, Ақчагулни анча-мунча овора қилди. Ҳисоб-китоб, ёзув-чизув ишларини юритишида мактабда олган билими фойда берди. Пашша-чивинларни дорилайдиган идорада ишлаб юрганида бу нарсаларга ҳожат йўқ эди. У ерда қоғоз қораламаса ҳам маоши ёмон эмас эди, бунинг устига, сут-қатиқ ҳам беришарди. Хуллас, топгани рўзғор тебратишга етиб турарди.

Ақчагул бадбўй яхшилар ҳиди анқиб ётадиган идорада анча вақт ишлади. Ҳамкасблари яхши одамлар эди. Ҳеч бири уни бегона кўриб, кўкрагидан итармади. Бошлиқлар ҳам унинг аҳволини тушуниб, кўмак беришди. Бу ерда иш бошлаган кунлари отаси тўшакка миҳланиб қолган эди. Нукусга кўчиб кетган акаси овул, ота-она деган гапларни буткул унутган, нўхталанган филдай хотинининг етагига юриб кетганди. У ўтир деса ўтиради, тур деса туради. Умри етса, хотини қоққан қозиқнинг теварагида юз йил айлангудек чоғи бор. Ичкуёв бўлиб уйдан чиқиб кетган иккинчи акаси оқибатсиз чиқди. Ақчагул бир пайтлар унинг эрга тегаётган қиздай: “Ўзингиз биласиз” деганидан кўрққан эди. Аммо унинг хотини бамаъни аёл эди. Болаларини эрига қолдириб келиб, ҳафталаб қайнотасини парваришлаган пайтлари бўлди. Не тонгки, акаси унга рухсат бериб қўйиш ўрнига, изидан хабарчи юбориб, уйига чақиртириб олар эди. “Бой ғайратли бўлса, хотини уятли бўлади” деган экан қадимгилар. Ақчагул икки акасининг аҳволини кўриб, ичида куйиб-ёнади, лекин сиртига чиқаролмайди. Бармоғингнинг унисини тишласанг ҳам оғрийдди, бунисини ҳам...

Ўша пайтларда у ўн-ўн беш кунлаб отасининг бошида қолиб кетарди. Ҳамкасблари унинг йўқлигини билдиришмади, маошини ҳам тўлигича ёзиб беришди. Бошқаларга ўхшаб, ишламаган кунларинг учун касаллик варақаси олиб кел, дейишмади. Қизиқ, уларнинг ҳеч бири, “отангнинг сендан бошқа ўғил-қизлари йўқми?” деб ҳам сўрашмади. Одамгарчилиги бор эди уларнинг. Шунинг учун ҳам Ақчагул кўча-кўйда биронтасини учратиб қолса, туғишган одамига дуч келгандай, суюниб кетади.

Дўхтирлар отасининг касали ҳақида узил-кесил бир гап айтишмади. Шифохонага ҳам олиб кетишмади.

— Яхшилаб қарайверинг, — дейишди Ақчагул билан Қудайберганага. — Яна қанча яшашини худо билади.

Тонготар бобо бу касалдан тузалмаслигини сезган экан.

— Қизим, — деди бир куни у Ақчагулни ёнига ўтқазиб. — Бугун оқшом онанг тушимга кирибди. Икковимиз қора говмишни бозорга ҳайдаб кетаётган эмишмиз. Ўзинг биласан, бир пайтлар онанг соққан ўша сигир аллақачон ўлиб кетган. Тушимдаги қора сигир — менинг касалим. Кампир мени шу дардим билан қўшиб олиб кетди, қизим.

— Қўйинг, ота, ундай деманг.

— Йўқ, болам, Оллоҳ таоло тил-забонимдан айирмасдан бурун айтиб қолганим тузук... Мен сизларни яхшилаб тарбиялай олмадим. Худо шундай яратган, шекилли, бўшангроқ бўлганим учун бу рўзғорнинг ҳамма кирдикори онангнинг бўйнида эди. Аммо бечоранинг умри қисқа бўлди. Отадан қаттиққўллик, онадан йўл-йўриқ ўрганмаган ўғилларим хотинларининг етовида кетишди. Ичида тиришқоғи

ўзинг эдинг, лекин сени ҳам ўқита олмадим... Энди ортимда қолаётган Қудайберганни сенга топшираман. Шу болани ўқитиб, уйлантиргин. Жасадимни онангинг ёнига қўйишсин, у ерда менга лойиқ жой бор. Ётиб қолмасимдан бурун унинг бошига бориб, “яқинда менам ёнингга келаман” деб ваъда қилиб келувдим. Таъзия-маъракамга ола сигирни сўйдириглар. Лекин аввал Эжибойга бир кўрсатиб олинглар, тагин бўғоз бўлиб чиқмасин...

Ақчагул отасининг олдида ўзини ушлашга қанчалик уринмасин, уддасидан чиқолмади. Ҳалқумига келиб қадалган йиғи бўғзини заҳардай ачитиб, беихтиёр инграб юборди. Сўнг ошхонага ўтиб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Ёшлай ўлиб кетган онаси эсига тушиб йиғлади. Эр-какман деб юрган акаларининг қилмишидан ори келиб йиғлади. Юраги дардга тўлиб қолган экан...

Чол кўпга бормади. Ақчагул отасининг “мени онангинг ёнига қўйинглар” деган васиятидан бошқасини бажаролмагини учун ҳалигача пинҳона изтироб чекади. Отаси “маъракамда сўйинглар” деган ола сигир бўғоз бўлиб чиқди. У ўқитиб, уйлантириши керак бўлган Қудайберган отасининг йилини беришгач, “Москвада ПТУда ўқийман” деб оёқ тираб туриб олди. Ақчагул қанчалик уринмасин, укасини ниятидан қайтаролмади. Қудайберган йўлқирага пул керак деб ота маконини аллакимларга арзон-гаровга сотиб юборди. Овулдаги ғарибгина ҳовлига кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсиз? Шу куниёқ уйнинг томини очиб, ёғоч-тахтаси-ю, эшик-ромини бузиб олиб кетишди. Ақчагулнинг болалиги кечган қадрдон ҳовли тун бўйи бойўғлилар увиллаб чиқадиган эски чолдеворга айланиб қолди. Ҳозир ўша хароба ҳам йўқ — ўрнини текислаб, бугдой экиб юборишган.

Энди овул деса Ақчагулнинг юраги безиллайдиган бўлиб қолган. У ерга кимни қора тортиб боради? “Келдингми, қароғим?” деб кутиб оладиган ака-укаси йўқ у ерда... Қудайберган шу кетганича “ПТУни битирдим, институтга тайёрланаяпман” деб хат ёзди, кейинроқ “Надя деган қизга уйланаяпман” деб хабар қилди, вассалом. Ақчагулнинг кейинги ёзган хатларига жавоб ҳам бермади. Қайнонаси оламдан ўтгач, уларнинг овулдан бира тўла оёғи тортилди. Нуржаннынг жигарлари ҳам анча бегоналашиб кетишди. Дурустроқ борди-келди қилишмади. Туғишганлар қанчалик обрўли, меҳрибон бўлишса ҳам аёли оқибатли бўлмаса, бир-бири билан маърака-маросимлардагина саломлашишдан нарига ўтмайдиган бегоналарга айланиб қолишар экан. Балки ҳаммаям бунақа бемехр эмасдир. Бироқ Ақчагул билан Нуржаннынг бошида шу савдолар бор экан. Нуржан қамоқдан қайтганида Ақчагул билан бирга ишлайдиган аёллар бирин-кетин келиб, “кўрган-кечирганингиз шу бўлсин” дея дуо қилиб кетишди. Ақчагул шунга ҳам шукр қилди. Бироқ эрининг овулдаги оға-инилари, ёр-биродарлари бир бор кўнгил сўраб келишга ҳам ярамади. Шуниси Ақчагулга аёздай ботди. У қайнукасининг йўлига кўз тикканди, Нуржаннынг қайтганидан хурсанд бўлиб, уйининг тўрида бўза ичиб ётадиган ёр-жўраларини кутган эди. Лекин умидлари сароб бўлиб чиқди. Овулда яшаганларида бутун эл кўчиб келган бўларди. Овулда яшаганларида бундай шўришлар ҳам бошига тушмасди. Оти ўчсин, уларни бегона элда дарбадар қилган ўша воқеанинг. Илойим, Эжибой биргат гўрида тикка тургай!..

Ақчагул аччиқ устида ана шундай бадбин хаёлларга боради-да, дарҳол эс-ҳушини йиғиб олиб, ёқасига туфлайди.

— Эсимни еб қўйибман. Бандасини ёрлақаш ҳам, жазолаш ҳам яратганининг иши! — дея шивирлайди ўзича.



Нуржан қамалиб кетгандан кейин ҳам ишхонадагилар уни ташлаб күйишмади. Есенга ҳомиладор бўлгач, Ақчагул таътилга чиқди. Сўнг икки йил уйда бола парваришлаб ўтирди. Тез орада Нуржан турмадан чиқиб келиб, рўзгор ташвишларини зиммасига олгандай бўлди. Бироқ уни ҳеч қаерда ишга олишмади. Ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилингани боис олдинги ишхонасига қайтиб бормади. Қаерга борса, унинг шахсий варақасини кўришади-да:

– Қамалиб чиқибсиз-ку, – дея қўрқиб кетишади. Биронтаси ундан “Нега қамалдинг?” деб сўрамайди. Сўнг:

– Бизда бўш ўрин йўқ, – деб гапни қисқа қилишади.

Нуржан иш топишдан умидини узиб, икки-уч йигит билан мардикорчилик қила бошлади. Бировларнинг уйини сувоқ қилиб, пахсасини урар, сабзисини ковлаб берар, хуллас, қора қозонни қайнатишга етадиган чойчақа топиб келарди. Бора-бора у ўзлари яшайдиган кўчанинг бадавлат йигитларига қўшилиб, қарта ўйнайдиган одат чиқарди. Энди унга умид қилиш бефойда эди. Тирик жонга томоқ рақат. Кейинги вақтда қасққа қарасанг, эркаги уйда ўтириб, аёли тирикчилик ташвиши билан елиб-югурганини кўрасан. “Элда одат бўлса, кампир, орқамга мин” деганларидай, бу савдо Ақчагулнинг ҳам бошига тушди.

Ҳаракат қилса, худо берар экан, мана, бинойидек иш топди. Ҳисобкитобга ҳам анча қўли келишиб қолди. Одамлар билан муомала қилишни ўрганиб, дўст-дугона ортдирди. Идорада ҳам ҳурмати жойида, ҳеч ким уни “фаррошларнинг бошлиғи экан” деб камситмайди. Ақчагулнинг юриш-туриши, ўзини тутиши барчага бирдай маъқул келиб қолган.

Елиб-югуриб ҳужжат тайёрлаб, болаларига нафақа, эрига ёрдам пули чиқартириб олди. Тома-тома кўл бўлармиш. Индамай юраверганида шу ҳам йўқ эди.

Бир пайтлар Нуржан ҳазил тариқасида айтган гаплар ҳақиқатга айлана бошлади.

– Бугун эшикни ҳисобдан чиқар, эртага деразани... – деган эди у.

Кузги байрам арафасида тўртинчи қаватдаги гилам ва мебеллар янгиланди. Ҳисобдан чиқарилган яп-янги шкафлар ва буруннинг қонидай қип-қизил гиламларни пастки қаватдагилар бўлишиб олишди. Бошқа жиҳозлар Ақчагулнинг омборига келиб тушди. Орадан беш-олти кун ўтгач, Сақбай уларни ҳам учала аёлга, эшикдаги қоровуллар билан ёрдамчи хўжалиқдан келган икки устага тақсимлаб берди. Бу гал ҳам Ақчагулга бошқаларга қараганда тузукроқ – битта гилам, уч газ поёндоз ва икки шкаф зиёд тегди.

– Мен буларни ололмайман, – деди Ақчагул оёқ тираб. – Эримнинг қамалиб чиққани ҳам етади, аёл бошим билан судланиб кетишдан кўрқаман.

Сақбай шарақлаб кулди.

– Қизиқмисан, мен сени шу йўлга бошлармидим? Мана, қўлимда маҳаллий касаба уюшмаси йиғилишининг “ҳисобдан чиқарилган нарсалар кам таъминланган оилаларга бўлиб берилсин” деган қарори бор. Ёки сени бу рўйхатга киритишганидан уялаяпсанми?

– Йўғ-ей, камбағалликнинг нимаси айб?

– Унда кўрқмасдан олавер.

Ақчагул ўзига тегишли нарсаларни олди. Бироқ уларни уйига элтмади. Кўчада ўтирадиган хотинларнинг гап чиқаришидан чўчиди. Ҳар куни тўрт-беш хотин кўча бошида давра қуриб ўтириб, кимнинг уйига ким келгани-ю, кимнинг нима олиб келганини эринмасдан ҳисоблаб ўтиришади. Ақчагул шкаф билан гилам ортилган машинани ҳовлисининг олдига олиб келиб қантарса, уларга худо беради:

- Бу хотин шунча нарсани қаёқдан топаяпти?
- Эри бўшангроқ бўлгани учун ўзига эрк бериб юборди...

Бир томондан эрини ҳам аяди. Минг қилгандаям эркак киши, ҳар хил хаёлларга бориб, кўнгли оғриши мумкин.

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, Ақчагул ўша матоҳларни сотди. Бир шкафнинг пулини Нуржанга бериб, ўн халта ёғоч қипиғи ва икки халта оҳақ олдирди. Кўмак билан Ихлас учовига икки шиша ароқ қуйиб бериб, полсиз уй билан газхонанинг сатҳини сувоқ қилдирди. Сувоғи қуригач, хона тахта билан поллагандай шинамгина бўлиб қолди. Энди ота-болалар бир жойга тикилмай, бўлак ётишса ҳам бўлади.

Ақчагул қолган пулларини “яхши кунларда яраб қолар” деб сандиққа ташлаб қўйган эди. Нияти ходис экан, кузда Арзайим имтиҳондан ўтиб, хорижга ўқишга кетди. Ўша куни Ақчагул дунёга қайта келгандай қувонди. У “умримнинг қизиқ даври ўтди” деб тушқунликка тушиб юрарди. Бекор ноумид бўлган экан. Ақчагулнинг ёруғ кунлари олдинда экан. “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ” дейишарди, унинг бахтли дамлари энди бошланаётган эди. “Бундай чароғон кунларнинг юзини булут тўсмасин, илойим. Берган ризқингга, етказган неъматингга шукр, худойим!”

Арзайимни самолётга чиқариб, чет элга кузатиб келишган куни Ақчагул қарама-қарши ҳиссиётлар оғушида қолди. Бир тарафдан уйи хувиллаб қолганидан эзилса, бошқа тарафдан икки қўлтиғидан қанот ўсиб чиққандай қувончдан энтикиб, кечқурун аламаҳалгача ухлолмади.

\* \* \*

Ақчагулнинг топиш-тутиши ёмон эмасди. Бунинг устига, тежамкорлиги ҳам фойда берди. Ҳар чорак сўнгида ёки байрамларда оладиган мукофот пулларини рўзғорга сарфламай, тугиб қўя бошлади. Керак пайтда олдимиздан чиқар деб шундай йўл тутарди. Маҳалладан берилаётган ёрдам пули, ўғилларига ойма-ой чиқиб турган нафақа жонига оро кириб, ойлик маошининг ҳам нақ ярми тежала бошлади. Қолаверса, улар олди-ортига қармасдан харжламай, кўрпасига қараб оёқ узатишди. Ақчагулнинг онаси ҳаётлик чоғида ҳар якшанба куни бозордан бир кило гўшт олиб келиб, ҳаммасини қозонга соларди. Кечқурун бутун оила бир дастурхон атрофида жам бўлишиб, шўрва ичишарди. “Эти – этга, шўрваси – бетга” дерди онаси баъзан. Ҳафтанинг бошқа кунлари эл қатори оби-ёвғонга қаноат қилишарди. Бироқ шаҳарнинг йўриғи бошқа. Бу ерда кунига икки маҳал қозони қайнамайдиган оила йўқ ҳисоби. Бунинг устига, шаҳарликлар мошова, утра ош каби камтарона емакларни билишмайди ҳам. Уйда гўшт тугаса, хотинлар “масаллиқ йўқ” деб тиззасини кучоқлаб ўтираверади. Ақчагулнинг бундай одати йўқ. У етимликда ўсган, йўқчиликни кўп кўрган. Керак бўлса, қуруқ ошқовоқнинг ўзидан ҳам қорин тўйдиргудек овқат пишираверади. Шунинг ҳисобига болалари сира оч қолгани йўқ. Яна бироз сабр қилишса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Ақчагул ана шундай умид билан яшарди. Рўзгорнинг майда-чуйда харажатларига ўзининг пулидан сарфлаб, Нуржаннинг топган бир-икки сўмини тугиб қўяверди. “Эркак кишининг топгани баракали бўлади” дея ирим қиларди ўзича. Қолаверса, уйнинг чала қолган қурилишини давом этдириш керак. Ҳозирча болалари ёш бўлгани учун бир эшикдан кириб чиқиладиган учта хонада яшаётганликлари унчалик сезилмайди. Эрта бир кун Арзайимга совчи келса, Қувват уйланса, меҳмонларни қаерга ўтқазишади, келинни қайси уйга тушириб олишади? Шуларни ўйлаганда, ҳамма ташвиш ёлғиз ўзининг

елкасида тургандай, Ақчагулнинг кўзига уйқу келмайди. Эркак киши табиатан бепарвороқ, орқайинроқ бўладими, Нуржаннинг парвойи фалак.

Арзайимнинг хорижга ўқишга кетиши Ақчагулни янаям шошириб қўйди. Қизи у ёқларда юрт қўриб, эл танийди. Вақти келиб, у ўзларини вайрона уйда яшашга мажбур қилган ота-онасидан гина қилмайдими? Тилида айтмаса ҳам кўнглида изза тортади. Замонга боқолмаган ота-онасидан нолийди. Хуллас, қизи ёзги таътилга келгунча пойдевори қўйилган беш хонали уйнинг пахсасини кўтариб қўйиш керак. Жиллақурса бу йилча ёғочини ошириб, томини ёпиб олишса, у ёғи енгил кечади. Уй қуриш — файзли иш, бир бошланса, битаверади. Аввало, Нуржанны шунга кўндириб, қўлтиғидан пуфлаш керак. Буниси — Ақчагулнинг вазифаси. Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин. Худога шукр, эрни эр қилиш Ақчагулнинг қўлидан келади.

Кузнинг дастлабки ойи охирларида Нуржан уйга айланишиб қолди. Кўчадан трактор ушлаб, гишт таший бошлади. Кўчада қарта ўйнаб ўтирадиган йигитларни ҳашарга айтди. Ақчагул уларга икки маҳал овқат пишириб, ора-сира “тентак сув”дан бериб турди. Йигитлар ҳам бекорчиликдан зерикишган экан шекилли, девор кўтараётган устага жон деб ёрдам бера бошлашди. Гиштли уйнинг яхши томони, у пахсага қараганда тез битаркан. Хуллас, етти-саккиз кун ичида Нуржаннинг ғарибгина мунғайиб турган уч хонали уйи ёнида янги иморат қад ростлади. У кўчанинг нарига бошидан ҳам кўриниб турарди. Ақчагул билан Нуржан тез орада янги бинонинг томини ёпиш тараддудига тушишди. Бир дона оқ терак фалон пул, уйни ёпиш учун эса камида ўттизта болор керак. Бироқ оёқ остидан бунинг ҳам имкони топилди.

— Эски шаҳарда кинотеатр бузилаётган экан, унинг ёғоч-тахтаси билан гиштини арзон-гаровга пуллашаётганмиш, — деган гапдан хабар топишди.

Унча-мунчага пинагини бузавермайдиган Нуржан бир куни тушдан кейин уйдан чиқиб кетиб, кечга яқин ёғоч юкланган тракторни бошлаб келди. Пулнинг етишига қараб йигирма саккизта қарағай тўсин сотиб олибди. Отини эски демаса, ҳеч бир айби йўқ. Хуллас, куз оёқламай туриб, беш хонали уйнинг томи ёпилди. Бу йилча шунинг ўзи етарли. Бошқасига ҳозирча имкон йўқ.

— Мен бир-икки йигит билан Волгаградга кетмоқчиман, — деб қолди бир куни кечқурун Нуржан. — Ботир деган йигит биргадиримиз бўлади. Ўша ёқда юз гектарлик картошка бор экан, йиғиштириб олишга одам керак эмиш.

— Шундайми? — дея Ақчагул бир муддат ўйланиб қолди-да, сўнг эрига қараб жилмайди. — У ёқларда ҳам Тўхташга ўхшаган хотиннинг ортидан эргашиб кетмасангиз яхшийди.

— Тўхташ қўлга тушиб қолганмиш-ку?

— Ие, нимага?

— Алломин билан мисни четга олиб кетиш мумкин эмас экан.

— Ишқилиб, сизларгаям зиёни тегмаса гўрга эди!

— Бизга нега зиёни тегаркин? Пулини тўлади, йиғиб бердик. Қолгани билан ишимиз бўлгани йўқ.

— Барибир энди бундай балолардан узоқроқ юринг. Ахир, шунинг касрига ўзингиз ҳам бир ўлимдан қолдингиз.

Сирасини айтганда, Ақчагул эрининг тузукроқ пул топиш учун кетаётганидан ўзича хурсанд ҳам бўлди. Биринчидан, камбағалчиликдан қутулиб келишяпти, қолаверса, баҳорда манави иморатга яна қўл уриш керак. Бунинг учун анчагина пул керак. Кейинги ҳафта

Нуржан шериклари билан поездда жўнаб кетди. Ақчагул эрига оқ йўл тилаб остонадан кузатиб қолди.

Нуржан билан Арзайим кетгач, Ақчагулнинг ташвишлари янаям кўпайди. Эрталаб вақтли туриб, болаларига чой ичириб мактабга жўнади. Кечқурун вақтлироқ қайтиб, қозонга уннамаса бўлмайди. Ақчагул идорадаги аёллар билан тўкин дастурхон атрофида тушлик қилиб ўтирган чоғларида ўғилларини ўйлаб виждони қийналиб кетарди. Лекин илож қанча, дастурхон — ўртаники. Ўзининг ҳақини емай, болаларига олиб бориб беролмайди. Бундай кезларда ўзидан-ўзи инжилиб, еган-ичгани татимайди.

Бир ойдан сўнг Ақчагулнинг ишга кирганига бир йил тўлар эди.

— Ақча, отпуссага чиқиш ниятинг йўқми? — деб сўраб қолди бир куни Сақбай уни даҳлизда учратиб.

— Қайдам...

— Мабодо уйда қийин-қистовли юмушинг йўқми?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, тартиб бўйича таътилга чиққин-да, ишингни давом эттиравер. Шунда ҳам ойлигингни, ҳам отпусса пулингни оласан.

— Шундай қилса бўладими?

— Бўлади. Бир сўм бўлсаям кўлингга кўпроқ пул тушгани яхши-масми?

Эртасига у Сақбайнинг ҳузурига кириб, ариза ёзди. Икки кундан сўнг таътил пулини чиқартириб олди. Сақбай айтганидек, ишини ҳам давом эттираверди.

Кунлар бир маромда ўтиб борарди. Ақчагул Сақбайдан гумон қилишни йиғиштирди. Аксинча, кўнглида унга нисбатан қандайдир бир илиқ туйғу уйғонган эди. У энди илгаригидек енгилтак бола эмас, мансаби, бойлиги билан кеккаядиган одамга ҳам ўхшамайди. Ақл-фаросатли, ҳурмат-иззатга лойиқ одам бўлиб кўринадиган Ақчагулнинг кўзига. Шу ҳақда ўйлаганида бундай хусусиятлар Нуржанга насиб этмаганидан ҳафа бўлиб кетади. Очиқ тан олишни истамаса-да, ичидан Сақбайни ҳам қизғонар, ҳам уни ўзига яқин оларди.

Ақчагул яқин кунларда ҳаётида жиддий ўзгариш юз беражанини, ана шу ўзгариш тақдирини остин-устун қилиб юборажанини сезмади. Қанчалик эҳтиёткор бўлмасин, у пешонасидаги ёзиқдан қочиш қутулмади.

Сақбай шанба куни Ақчагулни ишга чақиртирди. Ажабланадиган ери йўқ, илгари ҳам баъзан дам олиш кунлари у-бу юмуш чиқиб турарди. Бироқ бу галги чорловнинг боиси ўзгача эканини у қаёқдан ҳам билсин.

Сақбай ҳовли тўридаги кичик меҳмонхонада икки эркак ва икки аёл билан чақчақлашиб ўтирарди. Ақчагул уларни танимади.

— Узр, Ақчагул, кўноқларга қотибам хизмат қилиши керак эди, лекин у эрталаб тобим йўқ деб кўнгироқ қилди. Малол келмаса, чой-пойга қарашиб юборсанг. Янаям ўзинг биласан, агар ёқмаса, уйдан хотинимни чақираман, — деди уларни ичкарига киритиб, ёнига қайтиб келган Сақбай.

Ақчагул унга йўқ деёлмади. Нима бўпти, хизмат қилса, бир жойи камайиб қолармиди? Сақбай ёлғиз эмас, ёнида шунча одам бор. Қолаверса, уни бир йилдан бери синаб келаяпти. Бирон марта ўзига ола қараганини сезгани йўқ.

Меҳмонлар кун оққунча ўтиришди. Балиқ қовуртириб ейишди, ташқаридан кабоб олиб келтиришди. Ҳаммасини Ақчагул бадастур қилиб дастурхонга тортиб турди. Лекин уларнинг гап-сўзлари билан иши бўлгани йўқ.

— Ақчагул, бир дақиқа шошма, — деди Сақбай у столдаги ликобчаларни алмаштириш учун кирганида. — Манави ерга ўтир, сенга айтадиган икки оғиз гапим бор. Олдинда ўтирган манави йигитлар ҳам қорақалпоқнинг эътиборли азаматларидан. Институтда бирга ўқиганмиз. Битиргандан бери борди-келди қиламиз. Кечқурун иккови ҳам Тошкентга учиб кетишади. Вақтлари зиқ бўлгани учун уйимга бориб ўтирмай, мени қутлаш учун шу ерга келишибди.

Ақчагул илк бор меҳмонларга разм солди. Тўрда ўтирган дўрдоқ лабли йигит Сақбайга “оддий бир хизматкор аёлни бунчалик иззатлашнинг нима кераги бор?” дегандек ўктам қараш қилди. Ёнидаги гавдали аёл ҳам анчайин такаббур эканлиги кўриниб турибди. У ҳар бармоғига қўша-қўша узук тақиб, йўғон қошларини қоп-қора қилиб бўяган, икки бетига ҳам аямай упу чаплаган эди. От жағли, қиррабурун йигит эса шеригига нисбатан бироз ихчамроқ, абжир кишига ўхшайди. Унинг қаватигади жувон бир қадар фаҳм-фаросатли бўлиб, худа-беҳуда гапга аралашавермасди.

— Нима билан қутлашади? — деди Ақчагул зўрма-зўраки жилмайиб.

— Сенинг хабаринг йўқми, ахир бугун менинг туғилган куним-ку?

— Ие?.. Табриклайман.

— Раҳмат. Хўш, сенга қайси биридан қуяй — оқиданми, коньякми ёки шампанми?

— Йўқ, мен ҳеч қайсисини ичмайман.

— Боя айтдим-ку, — деди у ёнида ўтирган аёлларга юзланиб. — Ақчагул иймон-эътиқодли аёл, бунақа нарсаларни оғзига ҳам олмайди, десам ишонмайсиз. Худди мен ундан ароқни қизғанаётгандай...

Меҳмон аёллардан бири дарров гапни илиб кетди.

— Кўйинг, ундай деманг, биз ҳам бориб турган алкаш эмасмиз, Сақбайнинг кўнгли учун келиб ўтирибмиз. Бу киши боядан бери сизни оғзидан бол томиб мақтайди. Сизни ўзининг туғишганларидан ҳам кўпроқ ҳурмат қиларкан.

— Бундай иззат-ҳурмат учун заҳар бўлса ҳам ичиб юборишга тўғри келади, — дея гап қўшди от жағли йигит. Шериги эса “шунга суханимни зое қиламанми” дегандек ҳамон безрайиб ўтирарди.

— Яхши, шошмай туринг, ҳозир ичади, — деб Сақбай шампан шишасини қўлига олди. — Ақча, сенга мана шу газли сувдан қуя қолай, бурун ичганингни кўрмагач...

Ақчагул лом-мим демади. Очиғи, у илгари бунақа даврада сира ўтириб кўрмаган эди. Тўғри, овулда қиз узатиб борганида шампан деганларини бир марта татиб кўрган эди. Ўшанда ҳам ҳозиргидай улкан қадаҳда эмас, кичкинагина пиёлада ичганди. Сақбай эса бўйи бир қаричча келадиган ингичка бўйинли фужерга шампан қуйган эди.

— Синглим, мендан ёшроқ кўринасиз, — деди тўрда ўтирган олифга жувон. — Бу гал мен тилак айтмоқчиман. Аёл зотини маломатга қолдирмай, сиз ҳам қўлингиздаги газли сувни ичиб юборинг... Ўзим сизга коктейл тайёрлаб бераман.

У шишалар орасидаги “Оқ лайлак” коньягидан қадаҳга озгина қуйди-да, шампан шишасининг оғзидаги сим билан уни аралаштириб юборди. Қадаҳдаги ичимлик кўпикланиб, қизғиш-сарғимтир тусга кирди.

Шундан сўнг жувон узундан-узоқ табрик сўзи айтди. Гаплари жуда оҳанжамали эди. У Сақбайнинг шу чоққача Ақчагулга номаълум бўлган кўпдан-кўп яхши фазилатларини бирма-бир санаб ўтди, бу ерда ўтирганларнинг у билан абадий дўст бўлиб қолишини тилади, бугунги файзли даврада кўнглида кири йўқ, энг сара дўстлар йиғилганини

алоҳида таъкидлаб ўтди. Қолаверса, ўзларининг қаторига яна бир оқ-кўнгил инсон, қадрдон дўст — Ақчагулнинг ҳам қўшилгани унга қанчалик қувонч бағишлаганини тил билан таърифлай олмаслигини-да изҳор этди.

Дарҳақиқат, бундай илиқ сўзлар, умрида эшитмаган мақтовлар учун Ақчагул шу топда заҳар ичишга ҳам тайёр эди. У каттагина қадаҳдаги ичимликни охиригача сипқорди. Даврадагилар уни жўр бўлиб олқишлаб, газак узатишди. Сақбай эса жилмайган куйи Ақчагулнинг қадаҳ тутган қўлини ўпиб қўйди.

Шундан кейин Ақчагулга сўз берилди. Биринчи қадаҳданоқ боши айлана бошлаган Ақчагул Сақбайнинг ўзига қилган яхшиликларини сира яшира олмади. Ундан жудаям миннатдор эканини айтиб, шу қадаҳни унинг туғилган куни хурматига ичишларини илтимос қилди.

Шундай қилиб, иккинчи, учинчи, тўртинчи... қадаҳдаги коктейллар ичилди. Тез орада Ақчагул ўзини идора қилолмай қолди. У ўша куни кўп нарсаларни бой берганини кейин билди. Лекин кеч эди.

У қоронғи говгумда сочлари тўзиган ҳолда Сақбайнинг машинасига минаркан, биринчи марта эс-ҳушидан айрилиб, эрига хиёнат қилгани учун ичидан қон йиғларди. Уйда эшикни ичкаридан тамбалаб, хурпайишиб ўтирган болаларининг кўзига қандай қарашини ўйлаб юрак-бағри эзиларди. Рулда кетаётган Сақбай эса ўз ишидан мамнун, Ақчагулнинг обдон ўйлаб олишига имкон бергандек миқ этмасди. У “барибир энди кўзига оловдай кўринаман, бундан кейин ўзи ёнимга ишва қилиб келади” деган ўйдан сармаст эди. Сақбай узоқ йиллар бурун кўнглида армон бўлиб қолган мақсадига ниҳоят, бугун эришган эди.

\* \* \*

Аёл зоти табиатан нозик хилқат этиб яратилгани боис эркак кишининг ўзини эркалатишини, силаб-сийпалашини, ширин сўзлар билан кўнглини овлашини истайди. Ахир, гул ҳам парвариш қилинмаса, сўлиб қолади! Ақчагул бундоқ ўйлаб кўрса, турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб, ҳаётнинг бундай лаззатларини аллақачон унутиб юборган экан. Нуржан қамоқдан руҳи синиб, ёши етмай мункайиб қайтиб келгач, уйга омонатгина кириб-чиқадиغان бир шарпага айланиб қолганди. Ақчагул билан кундалик икир-чикирлар, рўзғорнинг кам-кўсти ҳақида гаплашишини айтмаса, ишқ-муҳаббатнинг тотли дамларини қайта унинг ёдига сола олмади. Ақчагул ҳам эридан бундан ортиқ ҳеч нарсани талаб қилмасди. У ишқ-муҳаббатнинг лаззатли онлари ортда қолганига ишониб, бундан буёғига шу тахлитда яшасам керак деб ўйларди. Йўқ, ундай эмас экан. Бир пайтлар вужудини оташдек куйдирган эҳтирос ҳали ҳам сўнмаганлигини англади. Фақат уни уйғота билиш керак экан, Ақчагулнинг нозик вужуди кучли эркак қўлларини соғинган экан. Аёлдаги бундай пинҳоний чанқоқликни Сақбай пайқаган эди, Сақбай унинг вужудидаги унутилиб бораётган ҳузурбахш ҳиссиётларни қайтадан жонлантириб юборди. Шунинг учун Ақчагул қадаҳ тўла коктейлларни кетма-кет сипқориб маст бўлган ўша кунни ўйлаганида соддагина эрининг юзига қандай қарашини ўйлаб вужуди сесканиб кетади-ю, лекин Сақбай билан кечган онларда қайта яшаргандай лаззатга чўмганини инкор этолмайди. Буни ичдан тан олгани сари ўзидан ўзи уялиб кетади, виждони қийналади. Аммо вақт ўтгани сайин ана шу куннинг яна такрорланишини қўмсай бошлаганини пайқаб қолди.

Нуржан бир ярим ойда қайтиб келди. Бу орада Ақчагул бир-икки марта Сақбай билан пинҳона кўз уриштириб улгурган эди... У энди эрининг узоқ сафардан келганига аввалгидай қувонмади. Олиб келган “мўмай пули”ни ҳам санаб кўрмасдан сандиқнинг тубига ташлади. У эрига бурунгидай очиқ юз билан қараш, бир пайтлардагидек меҳрибонлик кўрсатишга ўзини нолойиқ деб биларди. У энди Нуржан учун пашша тушган ош эди. Дунёда эркак киши учун бундан ортиқ иснод йўқ. Шу боис ҳам эрига ич-ичидан раҳми келарди. Ақчагул ўзини калити йўқолган сирли сандиққа менгзади. Бу сандиқ энди сира очилмаслиги керак. Бу сандиқ ёпиғлиқ ҳолида қачондир йўқликка кетиши тайин. Қанийди, ўша кун тезроқ келақолса. Бир умрлик азоби бор бўлган бир лаҳзалик лаззат Ақчагулни буткул хароб қилмасдан келақолсин ўша қора кун.

Арзайимдан ора-сира хат келиб турди. У ҳар хатида аста-секин кўзи очилаётгани, дунё у ўйлаганидек Кегейли билан Нуқуснинг орасидангина иборат эмас, балки ақл бовар қилмас даражада бепоён эканлиги, шу чоққача кўрмаган, эшитмаган ажойиб нарсаларни ўз кўзи билан кўргани сайин ҳаётга қизиқиши ортиб бораётганлиги ҳақида ёзарди.

“Ойи, – деб ёзган эди у қишнинг охирларида келган бир мактубида. – Биз сизнинг бошингизга қанчалик ташвиш солган эканмиз-а! Мен ўн олтига киргунча бирон фойдали иш қилмадим. Укаларимнинг ташвиши ҳам сизнинг елкангизда эди. Отам эса шу уйнинг эгаси эканлигини унутиб, кун узоғи бекорчи одамлар билан қарта ўйнаб ўтирарди. Сизнинг бир ўзинингиз рўзғор ташвишида елиб-юрардингиз. Биз эса еб-ичганимизга хурсандмиз. Эртанги кун, келажак ҳақида ўйлагимиз ҳам келмасди. “Уйга уйсанг ҳам кўпаймайди” деган ҳикматли нақлни китобдан ўқиганим билан маъноси ҳақида унчалик бош қотирмасдим. Энди ўйлаб қарасам, бизлар уйда борини кўпайтириш ўрнига, овулдаги мол-ҳолниям сотиб ебмиз. Агар ҳаммамиз бирдай топиб-тутганимизда бу қадар камбағал яшамасдик. Жиллақурса ҳар биримиз ўзимиз учун курашганимизда, сизга бунчалик оғир бўлмас эди. Ўша кунлар ёдимга тушса, сизга жудаям раҳмим келиб кетади. Ойижон, мени кечиринг. Йўл қўйган хатоларимни, албатта, тузатаман. Биз энди камбағал яшамаймиз. Сиз унғача укаларимни ишга ўргатинг. Ўз кунини ўзи кўрадиган бўлсин икковиям. Бу ерда ўн иккига кирган болалар ота-онасининг ёрдамисиз мустақил ҳаёт кечиршига ўрганишар экан. Керак бўлса, бундан кейин шу уйдан кириб-чиққани учун пул ҳам тўлашади. Ҳеч ким “мени ҳукумат боқади” деб кутиб ўтирмайди. Чинданам шундай қилиш керак экан. Ҳар ким ўзи учун тиришса, ўзи бойиса, шунинг ҳисобига давлат бақувват, ҳукумат бой бўлар экан. Одамлари бойиган сари мамлакатнинг ҳам қудрати ошиб бораркан. Худо хоҳласа, мен бу ерда мактабни битиргач, уйга қайтиб бориб, институтга киранман, магистратурада ўқийман. Қувват немис тилини ўргансин, Есенни япон тили курсига бериш керак. Ўзиям кўзлари қисик, японларга ўхшайди. Учовимизнинг ўқишни битириб олишимиз учун ўн-ўн беш йил керак бўлади. Унғача сабр билан кутасиз, ойижон, ахир, сиз жудаям сабрлисиз-ку, ҳаммасига чидайсиз. Кейин отам икковингиз бизнинг роҳатимизни кўрасиз! Сизга ҳам, отамга ҳам тани-сиҳатлик, тўқсон-юз йилдан кам бўлмаган умр тилайман. Айтмоқчи, ёзда таътилга бораман, ўқишдан бўш вақтларимда ишлаб, йўл харажани ҳам топиб қўйганман.

Сизнинг Арзайингиз”.

Ақчагул ҳеч кимга кўрсатмасдан хатни бағрига босганча, тўйиб-тўйиб йиғлаб олди. “Бечора болагинам-ей, — дея ўксинди у. — Сенинг гўдакдай беғубор кўзларингга қандай қарайман? Самолётдан тушиб, “онажон” деб олдимга югурганингга хиёнатга булганган кучоғимни сенга қандай очаман? Айт, қизим, қандай очаман?! Сен ҳалиям мени бардошли аёл деб биласан, лекин мен аллақачон сабрни бой бериб бўлганман...”

У зилдай танасини зўрға кўтариб ишга кетди. Кун бўйи ҳеч ким билан очилиб гаплашмади. Аёлларнинг тушлик дастурхонига ҳам қўшилмади. Хонани ичкаридан қулфлаб олиб, чуқур хаёлга толди. Қанча ўйлагани билан олдинда “йилт” этган ёруғлик кўринмасди. Келажаги ҳам кўнгли каби зулматга бурканган эди.

Кўклам киргач, Ақчагулнинг вужудида билинар-билинемас ўзгариш сезила бошлади. Ақчагул қачонлардир шундай ҳол юз беришини олдиндан билган эди. Бу нарсанинг имкон қадар кейинроққа сурилишини, иложи бўлса, юз бермаслигини истаган эди. Лекин унинг қўлидан нимаям келарди, вақт ўз ишини қила бошлади. Ақчагулнинг юзига тариқнинг қобигидай сепкил тоша бошлади. Иштаҳаси йўқолди. Хуллас, унга бахтсизлик келтирадиган ўша қора кун ойсиз тундаги қўрқинчли шарпа каби аста-секин яқинлашмоқда эди.

Наврўз байрами кuni Ақчагул сайилга чиқмай, эри билан болаларини жўнатди. Узи уйда қолиб, тушлик тайёрламоқчи бўлди. Аслида у ёлғиз қолиб, юрагидаги дардларини қоғозга туширмоқчи, дунёнинг бир чек-касида ўзини соғиниб яшаётган қизи Арзайимга хат ёзмоқчи эди.

“Жигарбандим Арзайим! — деб бошлади у мактубини. — “Ойи” деган тилларингдан айланай, болажоним. Шу чоғда бегона элларда қандай юрганингни кўргим келаяпти. Сени жудаям соғиндим. Соғинганимдан ўпкама тўлиб, сенга нима деб ёзишни ҳам билолмаяпман. Оддий бир тракторчининг, оддий бир теримчининг муштдайгина, содагина қизи бугун Америкада юради деб ким ҳам ўйлабди? Овулдан Нукусга кўчганимизда: “Бизлар меҳмонга бораяпмиз!” деб қувонганларинг ҳалигача хаёлимдан кетмайди. Ун еттига чиқсанг ҳам мен учун ўн етти ойлик гўдакдайсан, айланайин болажоним.

Бизларнинг тан-жонимиз соғ. Сени уялиб юрмасин деб, беш хонали уйни тиклаб, устини ёпиб қўйдик. Деворини отанг топган пулга кўтартирдик. Иморатни эркак киши қуриши керак, ирими шунақа. Қувват сенинг хатингдан кейин немис тилини ўрганишга киришди. Бироқ Есен учун япон тили курсини тополмадик. У корейсчага қатнаб юрибди.

Арзай! Дунёда қиз учун онадан, она учун қизидан яқин сирдош топилмайди. Мен сенга ичимдаги бир сиримни тўкиб солмасам, бу гап ўзим билан бирга кетади. Шунинг учун уни сенга айтишни маъқул кўрдим. Ўзганларимни сабр билан охиригача ўқи. Кейин бахтиқаро онангни қанча койисанг ҳам, қанча айбласанг ҳам майли. Бироқ аввал гапларимни тинглаб ол, жигарбандим!

Шаҳарда манти-сомса сотиб, бирда топиб, бирда топмай юрган пайтлар энг бахтли дамларим эканлигини кейин билдим. Ишга кириб, илк бор уйга янги гилам кўтариб келганимда сизлар қанчалик қувонгандингиз. Бояқиш отанг ҳаммадан бурун палосга ўтириб қўриб, кўнгли тоғдай кўтарилганди. Бироқ ана шу палос билан оиламизга аста-секин бахтсизлик кириб кела бошлаганини энди-энди англаб турибман. Ўша идорада Сақбай деган бир киши бор эди. У мени ишга олди. Уни кўришим биланоқ дарров ишга кириш фикридан қайтмоқчи эдим. Лекин оиладаги етишмовчилик, қолаверса, унинг кўзидаги бепарволик, ҳамдардлик ҳисси ўша ерда ишлаб қолишимга сабаб бўлди.



Ундан кўрқишимнинг сабаби, Сақбай ёшлигида отангнинг бахтини ўғирламоқчи бўлган йигитлардан бири эди. Бироқ мен уни яхши кўрмаганман, ҳозир ҳам ёқтирмайман. Мен дунёда биргина инсонни — боладай бегубор Нуржанни, сенинг отангни яхши кўраман. Сақбай бир йилгача менга шум ниятини сездирмади. У биргина менга эмас, ҳаммага бирдай меҳрибон бошлиққа ўхшарди. У бирин-кетин ҳисобдан чиқарилган жиҳозларни бўлиштириш, тез-тез ойлигимга мукофот пуллари қўшиб бериш билан менга ўзини меҳрибон одам қилиб кўрсатмоқчи бўлган экан. Натижада эски гиналарим ариб, унга нисбатан кўнглимда ҳурмат уйғонди. Сақбайдан кўркмай қўйдим. Бунинг оқибатида ҳушёрликни йўқотиб, кунлардан бирида унинг тузоғига тушганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Мен билиб-билмай кўз очиб кўрган умр йўлдошимга, сизларнинг отангизга хиёнат қилдим. Шундан кейин менинг қора кунларим бошланди. Дастурхон бошида бошимни тик кўтариб ўтиролмайман. Отангнинг, Қувват билан Есениннинг кўзларига тик қарашга қора юзим чидамайди. Ёлғиз қолган чоғларимда кўз ёшларим сенинг хатларингни ҳўл қилади. Сенинг қувончдан порлаб, келажакка катта умид билан боққан кўзларингга тик қарашнинг қанчалик азоб эканлигини ўйлаб виждоним қийналади. Шунда ҳам тишимни-тишимга босиб чидадим, ичимда қон йиғлаб Қувватни немис тили курсига, Есенинни корейсчага бердим.

Бўйларингдан айланайин, Арзайим! Мени энди она дейсанми, демайсанми, билмайман. Демасанг ҳам ўпкаламайман. Бунга сенинг ҳаққинг бор.

Бу хатни олганингда мен ёруғ дунёда бўлмайман. Дийдор қиёматга қолди, жигарбандим. Шу яширин кечган дамларнинг бирида бўйимда бўлиб қолибди. Яқинда унга жон энади. Яна бироз чидасам, кеч бўлади. Икки жоннинг умрига зомин бўлган бўламан. Худонинг олдида бундан бошқа гуноҳим озми! Шунинг учун ўз жонимга қасд этишдан бошқа чорам қолмади. Менинг гуноҳим туфайли дунёга келган гўдакни ортингиздан эргаштириб юришингизни истамадим.

Қизим! Сендан ягона ўтинчим, бу сирни ўзингдан бошқа ҳеч кимга айтма. Отанг билса, буни кўтаролмайди. Эркак киши учун бундан ёмон иснод, бундан ортиқ ўлим йўқ.

Ёсон-омон битириб келсанг, укаларингни ўқит. Мени деб қайғуга ботиб, ўқишни ташлаб қўймагин. Ундай қилсанг, берган оқ сутимга рози эмасман. Ахир, мен икки бирдай укангни, муштипар отангни сенга топшириб кетаяпман. Ортимда Арзайдай дунё кўрган фарзандим бор деган ўй менга таскин беради. Бироқ укаларингни яхшироқ ўқит, кейинчалик ҳаммангиз ҳар тарафга тарқаб кетиб, отангиз қариган чоғида ёлғизланиб қолмасин. Унинг кўнглига қаранглар, отанг аёлидан тузукроқ меҳр кўрмади, ҳеч бўлмаса, фарзандларининг роҳатини кўрсин! Қайтиб келганингдан кейин тўғри менинг бошимга боргин. Курьон ўқитгач, оёқ тарафимда бирпас ўтир. Шунда мен сени кўраман. Овулдан кетганингдан бери қанчалик улғайганингни билиб оламан. Ўзингни бахтсиз сезиб, ўксиб йиғлама. Ундай қилсанг, менинг ҳам кўзларимни сув қошлайди. Ойдай юзларингни, сутнинг бетидаги қаймоқдай юпқагина лабларингни кўролмай қоламан. Сен эл кўрган, мард қизсан-ку, чида!

Мен бахтиқаро аёл эмасман, қизим. Ортимда бир-биридан ширин уч фарзанд қолдирдим. Кўнглим сезиб турибди, сизларнинг келажакингиз ёруғ. Вақти келиб, учовингиз ҳам гулдай оила қурасизлар! Сизларни эл танийди. “Кимсан — Арзайнинг, Қувватнинг, Есениннинг отаси” деб отангизни ҳамма ҳурмат қиладиган бўлади. Ўша кунлар узоқ

эмас. У кунларни мен кўрмасам ҳам эл-юрт, туғилиб ўсган овулим кўради. Шунни билганим учун ҳам ўзимни бахтли аёл деб ҳисоблайман.

Ҳаётда адашган онангни кечира олсанг, кечир, қизим. Дийдор қиёматлик бўлсин, соғ бўлгин. Мен сизларга берган оқ сугимга розиман.

Онанг Ақчагул”.

Нуржан билан ўғиллари сайилдан хурсанд қайтишди. Улар келгунча Ақчагул гўшт тўғраб, шавла пишириб қўйган эди. Лаганга сузиб, уларнинг олдига қўйди-да:

— Мен еб олган эдим, — деб ташқарига чиқди. Куни бўйи йиғлай-вериб, қизариб кетган кўзларини яшириш учун шундай қилди.

Эртаси куни почтага кириб, қизига хат жўнатди. Наврўздан кейинги учинчи куни у барвақт уйғонди. Уйдаги жиҳозларнинг суратини кўзларига жойлаб олмоқчидек, уларга бирма-бир термилди. Учоқ бошидаги қозон-товоқни пешонасига суртди, қумғон ва чойнак-пиёлаларни, ҳатто, супургини ҳам навбат билан силаб, жойига қўйди. Шундан сўнг пишиллаб ухлаб ётган болаларининг бошига келиб, бироз ўтирди. Қувват билан Есенга кўзлари тўймай тикилди. Назарида дунёда унинг ўғилларидан ҳам чиройлироқ гўдак йўқ эди. Уйқусининг ширинлигини айтмайсизми! Ақчагул кўз ёшлари болаларининг юзига томишидан кўрқиб, эҳтиёткорлик билан дастлаб Есени, сўнг Қувватни ўпди.

Кейин Нуржаннинг ёнига келиб тиз чўкди. “Мени кечиринг, кўз очиб кўрган ёстиқдошим, — деди ичида энтикиб. — Мен сизга лойиқ йўлдош бўла олмадим. Қиёматда ҳам сиз билан бирга бўлишга лойиқ эмасман”.

Ақчагул эрининг қуруқшаган лабларидан сўнгги марта ўпди-да. эшик ортидаги арқонни олиб, чала битган иморатга кириб кетди.

Кун чошгоҳга яқинлашганда одамлар жимгина Нуржаннинг уйига қараб келаверди.

\* \* \*

Самолёт Нукус аэропортига келиб қўнди. Нуржан билан икки ўғли белгиланган вақтдан ярим соат бурун у ерга етиб боришган эди. Самолётга трап қўйилгандан бошлаб Нуржаннинг юраги хонасига сигмай ура бошлади. У бир нарсадан қаттиқ ташвишланарди. Юраги тўлиб-тошиб келган қизи:

— Онам қани? — деса нима деб жавоб қилади?!

Улар хафа бўлмасин, деб Арзайимга бўлган воқеани билдиришмаган эди.

Лекин у ўйлагандай бўлиб чиқмади. Отаси билан укаларини узоқдан таниган Арзайим кўлидаги сумкасини ерга ташлаганча қучоқ очиб улар томонга ошиқди. Унинг киприклари орасидан сизиб чиқаётган мунчоқдек кўз ёшлари икки юзининг олмалигини, кўйлагининг ёқасини ҳўл қилганди. Арзайимнинг кўзларига атрофдаги одамлар кўринмасди. У бутунлай тақдирига тан берган отасини, мунғайишиб турган укаларини, кўз олдида гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ ғойиб бўлаётган онасининг сиймосинигина кўрар эди.

— Онамнинг бошига ҳайданг! — деди Арзайим таксига ўтираётиб.

Нуржан қизининг фақатгина соғинч туфайли эмас, онасининг ўлимини сезганлиги учун ҳам тинимсиз кўз ёш тўкаётганлигини пайқайди. Лекин кимдан эшитгани, қандай билгани унинг учун жумбоқ эди.

Қабр бошида Арзайим ўзини тутиб туролмади. Беихтиёр онасининг васияти ёдига тушиб кетганида ўрнидан туриб нари кетди. Бироз ўзини қўлга олиб, яна онасининг оёқ учида анча вақт ўтирди. Онам мени кўрсин, дийдоримга тўйиб олсин деб шундай қилди...

Улар анча муддат қабр бошида туриб қолишди. Уларни она меҳри кўринмас ришта билан бу ерга боғлаб турарди.

— Кечир, қизим, — деди Нуржан уйга қайтишаётганда. — Мен онамга лойиқ йўлдош бўлолмадим. Уни бахтли қилиш қўлимдан келмади. Бир аёлни бахтли қилолмаган эркак эркакми?!

Фарзандлар оғир тин олишди. Шу топда уларнинг дийдаси қота бошлаган эди. Ҳаёт курашлардан иборат эканлигини тушуниб ета бошлаган эдилар. Бу дунёда топиш билан бирга йўқотиш ҳам борлигини англаб етаётган эди улар.

Аmmo олдинда уларни ойдин келажак кутмоқда! Ўзлари орзу қилган келажак кутаяпти. Онаси кўрмоқни истаган ёруғ кунлар турибди бу йўлда.

*Қорақалпоқ тилидан  
Ғафур ШЕРМУҲАММАД  
таржимаси*



Абдурахмон МУШФИҚИЙ  
**Ғам тунӣ албат ўтгай**

**МЕРОС ТАҚСИМИ**

*(Ҳажвиядан парча)*

**Б**обом мотамин харжи, сингилжон, сенга бўлур,  
Сабр менгаю... чоп-чоп, оҳ-афғон сенга бўлур.

Омбор тўла ғалласи менга тегишдир албат,  
Далада қолган хашак, хас-сомон сенга бўлур.

Бобомдан қолган танбур меникидир шубҳасиз,  
Ундан чиққан тарона, авж-илҳон сенга бўлур.

Бобомнинг бор уй ичи менга насиб айлагай,  
Сочилган эски тасбеҳ ва маржон сенга бўлур.

Бобом ўраган дастор, жомаю фўта – менга,  
Бетоқатликда бўлмоқ андармон сенга бўлур.

Кафтгир, қозон, қозонча бобомдан менга мерос,  
Бузилган ўчоқ-тандир ва мўркон сенга бўлур.

Танга тўла ҳамён ҳам менга аталгани рост,  
Тангадан чиққан жаранг – шавқи жон сенга бўлур.

Барча гиламу қолин бобомдан менга ҳадя,  
Титилиб кетган бўйра армуғон сенга бўлур.

*Форсчадан  
Жуманиёз  
ЖАББОРОВ  
таржималари*

Абдурахмон МУШФИҚИЙ XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган шоир. У 1538 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Отасидан барвақт ажралган шоир дарбадарликда кун ўтказиб, ҳаётнинг барча азобу уқубатларини бошдан кечирган. Бухоролик бир хунарманд хизматида бўлиб, ўша инсоннинг марҳамати билан мактабга кириб савод ўрганган. Сўнг мадрасада таҳсил олган. Мадрасада ўқиркан, билимларни ўрганиш билан бирга, шеърият билан астойдил шуғулланган. Унинг дастлабки ижодиётида ҳажвга мойиллик устун бўлди. Ўз давридаги, ўзи кўрган, ҳис этган замона носозлигини, инсон табиатидаги қусурларни ўткир ҳажв билан қаламга олди. Халқ орасида кейинчалик Мушфиқий ёки мулла Мушфиқий номи билан машҳур бўлиб кетган бу ажойиб юртдошимиз ўз асарларини тожик тилида яратди. Мушфиқий бой адабий мерос қолдирган. Шоирнинг ҳажвийёт, ғазал ва қасидалари унинг «Девони мутойибот», «Девони ғазалиёт», «Девони қасоид», «101 тугун» (Саду як бувад) каби асарларида жамланган.

Мушфиқий 1588 йилда Бухоро шаҳрида вафот этган.

Ховли саҳнидан тортиб томгача жой – меники,  
Томдан Сурайёгача бор осмон сенга бўлур.

Бобом дафнига элни йўлламоқ – менинг ишим,  
Кафану кўмиш ғами беармон сенга бўлур.

Бобом қабрин зиёрат этмоқ менинг бурчимдир,  
Чалпак пиширмоқ, ёймоқ дастурхон сенга бўлур.

### **АГАР БЎЛСАМ САЛОМАТ**

Муродинг ўлдиришми мени, эй сарв қомат,  
Ўлдирсанг бугун ўлдир, эртан бўлур қиёмат.

Ҳар баргки турбатимнинг гиёҳинда кўрингай,  
Ишқни инкор этганга бўлгай санги маломат.

Агарчи йиғлар эсам, дунёда қалқир тўфон,  
Ҳар битта гардим аро ётгайдир минг надомат.

Мусофирлик балоси бизни мустаманд этди,  
Ёр юзини кўргайман агар бўлсам саломат.

Йўлингдодир кўзларим, ҳар лаҳза минг интизор,  
Эй, сабо, ёр гардини етказ айлаб каромат.

Ушбу фалак остинда мўъжизалар кўп бўлур,  
Мушфиқий ҳам не ажаб ишқда қилса иқомат.

### **ЭТМА МЕНИ БЕҚАРОР**

Кунларим тундек қаро ҳуснинг чароғисиз, ёр,  
Агар хато гапирсам, ул ўтда ёнай зинҳор.

Майли, мени ўртайвер, истаганингча ёндир,  
Майли, бу танг дилимни этгил яна тангу тор.

Сийнамни алам тийғи билан чок-чок этдинг,  
Фироқинг оташинда бўлайин мангу абгор.

Қалбимизнинг фонуси хийра тортибдир обдон,  
Зулмат кечамни ёрит, шуълангга жон интизор.

Мушфиқийман, оёғинг остида хоки пойинг,  
Бундан бўлак бир жойда этма мени беқарор.

### **НАРГИС КЎЗИДАН КЎНГИЛ**

Наргис кўзидан кўнгили мастона бўлди охир,  
Аввал ҳушёр эдию девона бўлди охир.

Мажлисида ел эдию шам шуъласи эгилди,  
Ул шуълага дил куюк парвона бўлди охир.

Ул шўхга умрим бўйи вафо намоён этдим,  
Ул эса не боисдан бегона бўлди охир?

Сенинг ишқингда, эй ёр, дардимни пинҳон тутиб,  
Халқ орасинда номим афсона бўлди охир.

Ул физол кўзларингки, мени девона этди,  
Мажнун каби масканим вайрона бўлди охир.

Мушфиқий дили ҳарчанд Каъбадин излаб нишон,  
Зебо сувратинг кўриб бутхона бўлди охир.

### **ЖОНИМ ГУЛШАНИ, ЭЙ ЁР**

Жоним гулшани, эй ёр, сенга остона бўлсин,  
Унда очилган ҳар гул итинга хона бўлсин.

Майли, буткул бул таним, жамийки устухоним  
Жабринг ўқига ҳардам аниқ нишона бўлсин.

Битта вафо ўрнига минглаб жафо қилурсан,  
Майли, бунча ситамлар менга тўёна бўлсин.

Ул сарв қаддим томон бормоққа ҳаддимиз йўқ,  
Эй қумри, майли, сенга унда ошёна бўлсин.

Салтанати ҳусн ила, майли неча жабр эт,  
Чунки даврингдир сенинг, сенга замона бўлсин.

Мушфиқийнинг қалами ўт олди, куйди бирдан,  
Сени таъриф айларда... майли, яксона бўлсин.

### **МУТРИБ КЕЧА ҲУСНИНГНИ**

Мутриб кеча ҳуснингни таронайи соз этди,  
Жамолинг шамъи сари кўнгиллар парвоз этди.

Қошларингни ёсидан меҳроб ҳам хижил ўлиб,  
Имом уни кўрибоқ тақвою номоз этди.

Дедимки, ҳар нозингга минг жонни садқа айлай,  
Бул сўзимга кўз сузиб, ишва билан ноз этди.

Мен киму сенга бунча таманно изҳор этсам,  
Ҳар имонгга минг жонлар борлигин ниёз этди.

Висол баҳори кетиб, бошланди фасли хазон,  
Изтиробимни ҳижрон туни кўп дароз этди.

Мушфиқий, итларингга садқа этсам бошимни,  
Аҳли вафо лол бўлиб, мени сарфароз этди.

## МЕҲРИБОН БЎЛМАДИ

Меҳрсиз ой юзлигим ҳеч меҳрибон бўлмади,  
Раҳму шафқатни билмас, ороми жон бўлмади.

Оҳим дудидан қулбам қоронғу зулмат бўлди,  
Кўриб турса-да, бир тун бизга меҳмон бўлмади.

Ёрни кўзимга жойлаб, қалбимга нақш айладим,  
Вале ул ёр бир лаҳза бир ҳамзабон бўлмади.

Оҳу нолам эшитиб, уйқудан кўз очмади,  
Бахти қаро эканман, менга осон бўлмади.

Йилларки ёди бирла ўртаниб бўлдим адо,  
Огоҳ бўлмади мутлақ, дилга дармон бўлмади.

Мушфиқийман, итлари олдида ҳам қадри йўқ,  
Меҳру шафқатдан бизга асло нишон бўлмади.

## ҲУСНИ НЕЧОҒЛИК ОРТСА

Ҳусни не чоғлик ортса, мен шунча зор бўлурман,  
Ул қанча эъзоз топса, мен шунча хор бўлурман.

Дардимга чора истаб қайси томонга бормай,  
Тобора дардим ортиб, беихтиёр бўлурман.

Бу турфа ғамлар аро бемор бўлибман андоқ,  
Қанча парҳез этмайин, шунча бемор бўлурман.

Фироқида кўз ёшим дарёдек тўлқин отди,  
Яна неча тўфонга албат дучор бўлурман.

Муҳаббат кўчасинда жафокаш бир ошиқман,  
Қанча алам тортмайин, лек вафодор бўлурман.

Дардимга даво истаб Каъба сари йўл олсам,  
Қанча ибодат этмай, кўп гуноҳкор бўлурман.

Бул ҳажр тўфонида Мушфиқий гум бўлгайдир,  
Яна васлин излашга мен талабгор бўлурман.

## БОВАР ҚИЛАБИЛМАС

Тарки жафо менга ситамгар қилабилмас,  
Жон берсам ўшал лабгаки, бовар қилабилмас.

Ишқ йўлида жонни берур аҳли муҳаббат,  
Ҳеч ошиқ буни менга баробар қилабилмас.

Ул икки кўзи менга беҳад жабрлар этди,  
Бул жабру жафони пари пайкар қилабилмас.

Ошиқ дилини шўхи санам лолазор этди,  
Ҳеч маъшуқа бу ишни муқаррар қилабилмас.

Майли кўзим кўр бўлибон кўрмасин элни,  
Бул бошим итинг хизматини гар қилабилмас.

Хўбларга боқиб кўз ёшимиз дарёдек оқди,  
Шодлик дегани бир лаҳза назар қилабилмас.

Мушфиқий умрин ҳосили бўлди гўзал ёр,  
Бундан-да улуғ бахтни муяссар қилабилмас.

### ҚАЙСИ ТОМОН БОРУРСАН

Эй, сарвиноз, қай томон уриб жавлон борурсан?  
Мен ўзимдан кетяпман, сен-чи, қаён борурсан?

Кўксимни чок-чок айлаб, интилурман ёнингга,  
Сен бепарво, тонг ели янглиғ равон борурсан.

Кўз ёшларим шашқатор оқаётир бетиним,  
Дейман, сен ҳам ёр томон кўп фаровон борурсан.

Ошuftа насим бўлиб ёки саргашта сабо,  
Сунбул бўйин таратиб, шўху шодон борурсан.

Ҳайрат ичинда, эй дил, оҳ урарсан устма-уст,  
Ёр жамолин кўргали ошиб доvon борурсан.

Сенсиз бу Мушфиқийнинг дили ҳар лаҳза қондир,  
Шафқат истабми ёрдан, эй дил, нолон борурсан?

### БИР КУНГИНА КЕЛ ДЕСАМ

Ноз қилиб, мен томонга ул ёр бир келмайдир,  
Бошқалар кўп келару аммо нигор келмайдир.

Толеи йўқ ошиқман, боқмас дилором қиё,  
Бир кунгина кел десам, ойда бир бор келмайдир.

Ул шўх жоним балоси, нигорон айлар мудом,  
Ҳеч бўлмаса балодек бир бор дучор келмайдир.

Дунё гўзалларининг шоҳидир ул дилором,  
Йўқлаб бир оқшомгина бедор бир келмайдир.

Жоним оғзимга келди зулми изтиробинда,  
Кулбамни этиб обод гулзор бир келмайдир.

Токи тирик эканман, аҳдимда барқарорман,  
Тилимда йўқ бошқа ном, зинҳор бир келмайдир.

Мушфиқий бу ишқ аро кийди бало либосин,  
Бул кийим унга ғоят тангу тор, бир келмайдир.



## НА ХУШ ДАВЛАТКИ

На хуш давлатки, ҳар тун дилдорни тушда кўрсам,  
Шод уйғонурман ҳар тонг ул ёрни тушда кўрсам.

Тонглар гулистонидир чеҳранг, оё гўзалим,  
Насим бўлай боғингда, гулзорни тушда кўрсам.

То жоним бор оёғинг изларини излағум,  
Ҳар кўйга киргайман шўх рафторни тушда кўрсам.

Шўхи ситамкор эрур, хўблар аро бераҳм,  
Жон олғувчи ул кўзи маккорни тушда кўрсам.

Зулфингни бир толасин қўлда тутмоқ умидим,  
Аммо қўрқиб кетурман озорни тушда кўрсам.

Кўз ёшларим мавжлари бало тўлқини янглиғ,  
Емиргай сени тўсган деворни тушда кўрсам.

Фам туни албат ўтгай, шамингни ёқ, Мушфиқий,  
Тонггача оғир бўлгай, нигорни тушда кўрсам.

## ДИЛИМНИ БИР НАФАС

Дилимни бир нафас хурраму шод кўрмадим,  
Фам чангалидан ўзни лаҳза озод кўрмадим.

Фам чекмасанг, дейдилар, бўлмассан манзилобод,  
Фам чекдимү аммо дил уйин обод кўрмадим.

Замонанинг зулмидан нолалар урдим, вале  
Жаҳон элида бундоқ оҳ-фарёд кўрмадим.

Ошиқ бўлиб сабр уйин тиклай дедимү, аммо  
Умр ўтиб, бу бинони асло бунёд кўрмадим.

Зоҳид хилватгоҳига йўл тутай дедим, лекин  
Бу йўлда ҳам кўнгилга лаҳза нажод кўрмадим.

Ишқинг ўти қалб уйин андоқки этди барбод,  
Замон элида бундоқ зулму бедод кўрмадим.

Мушфиқий, ишқ айшининг не бўлури билмадим,  
Бу йўлда ҳосил ўлган мақсуд-мурод кўрмадим.



## Истиклол туфайли қарор топган ҳақиқат

**И**нқилобдан олдинги даврда ноширлик ва босма маҳсулотни тарқатиш ишлари Туркистон ўлкасида жуда қийинчилик билан кечганлиги ҳеч қимга сир эмас. Айниқса, чор Россияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг, матбаа оддий халқ оmmasидан кўра чоризм зулмкорларига хизмат қилганлигини куйидаги рақам ва далиллардан очиқ кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўрта Осиёда 1870–1871 йилларда дастлабки икки вақтли матбуот нашр этилган бўлса, 1885–1886 йилларга келиб уларнинг сони бештага етди. Шулардан тўрттаси рус тилида эди. “Туркестанские ведомости”га илова шаклида чоп этилган ягона ўзбек тилидаги “Туркистон вилояти газети”нинг бир томони ўзбек, иккинчи томони Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбах буйруғига кўра рус тилида (1884) нашр этила бошлаган. Газетани уч муҳаррир: Туркистон генерал-губернаторининг ҳақиқий маслаҳатчи-таржимони Шоҳимардон Мирёсович Иброҳимов (1870 йил 1 апрелдан бошлаб), генерал-губернаторнинг коллеж маслаҳатчи-таржимони Муҳаммадҳасан Асфандиёрович Чанишев (1881 йил, 4 декабр), генерал-губернаторликнинг ҳарбий маслаҳатчиси Николай Петрович Остроумов (1883 йил 30 январ) бошқарадилар. Газетанинг биринчи муҳаррири 1891 йилда, иккинчиси 1890 йилда вафот этгандан сўнг Н.П.Остроумовга Н.Г.Маллицкий ёрдамга келади. Шундай қилиб, ўзбек тилидаги бир бетлик “Туркистон вилояти газети”нинг тақдири ўзбек бўлмаган икки муҳаррирнинг қўлида қолади. “Туркестанские ведомости” халқни ҳукмдорларга сўзсиз итоатгўйликка ва буйруқларни тезкорлик билан ижро этишга чақирса, “Туркистон вилояти газети” маҳаллий аҳолини руслаштиришга ундайди. Унинг саҳифаларида маҳаллий халқ турмушини, маданий меросини ёритиш, маънавиятини ўстиришга эмас, Оврўпо урф-одатлари, насронийлик байрамлари, рус ёзувчиларининг ижодларидан намуналарни ёритишга, бир сўз билан айтганда, рус тарихи, маданияти, динини тарғиб этишга асосий эътибор қаратилади. Орачора газета саҳифасида Муқимий ва Фурқат ижодидан намуналар ҳам ўрин олиб турган. Уша давр вақтли матбуотини чуқур ўрганган Зиё Саид: “Розенбах Туркистон генерал-губернатори бўлиб белгилангандан ке-

Таниқли матбаачи Азиз БОБОХОНОВ кўп йиллардан буён Ўзбекистондаги китобатчилик, матбаа-ноширлик тарихини, ўзбек маърифатпарвар зиёдилари фаолиятини ўрганиш борасида тадқиқот олиб бормоқда. У “Ўзбек матбуоти тарихидан” (1979), “Матбаа байроқдорлари” (1974), “Бир асрга тенг матбаа” (1976), “Ўстозлар ва шогирдлар” (1970), “Ўзбекистон матбуоти” (1986 йил, рус тилида) китоблари муаллифи. Болалар учун қиссалар ёзган, Италия ёзувчиси Жанни Родарининг қиссалари ва жаҳон халқлари эртақларини таржима қилган.

Халқимиз маданий меросининг илгари камситилиб, мафкуравий бўёқлар билан бўяб-бежаб келинган саҳифаларини асл ҳолида бугунги авлодга етказиш мақсадида А.Бобохонов янги бир рисола тайёрлади. Ушбу рисолада хаттоглик, наққошлик, муқовасозлик санъатлари олий намунаси бўлган китобатчилигимизнинг компьютерлашган замонавий босма нашрларгача босиб ўтган йўли тарихий маълумотлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, маърифатпарвар зиёдиларга эргашган, уларнинг изидан борган биринчи ноширлар: тошкентлик Фулом Ҳасан Орифжонов, наманганлик Исоқхон Жунайдуллаев (Ибрат), Хоразм ва Қорақалпоғистонда матбаа-ноширчилигига асос солган, ўзбек тилида илк тошбосма китобни нашр этган Отажон босма Абдаловларнинг фаолияти, Бухоро, Сирдарё, Фарғонадаги вақтли матбуотнинг тарихи ҳақида қизиқарли ва қимматли маълумотлар берилган.

Журналхонларимиз эътиборига мазкур рисоланинг бир боби ҳавола қилинмоқда.

ийн газета (“Туркистон вилояти газети” – А.Б.) бетида “Ерликлар учун рус мактаблари керак” деган мавзуда ёзилган мақола ва хабарлар кўрина бошлайди, яъни руслаштириш сиёсати ва ерли халқдан чор чиновниклари ҳозирлаш масаласи матбуот майдонида яна кескинроқ қўйилади. Бу нарса шуни кўрсатадики, газетанинг бир томони русча қилиб чиқариш, мана шу масала теварагида қилинаётган ишлар ва белгиланаётган чораларнинг мағзини чақиб кўришдан иборатдир. Бутун сарлавҳаларни русча қўйиш (шу йиллардан бошлаб бутун мақола ва хабарларнинг сарлавҳалари русча қўйила боради), рус тилини умумлаштириш учун бўлса керак”, – деб ёзади.

“Туркистон вилояти газети”нинг икки тилда нашр этилишини Н.П.Остроумов қўйидагича изоҳлайди: “Туркистон вилоятидаги бу газетани ўқийдиганлар ҳам бир озгина русия хатини танийдиган одамларга фойда етказмоқлик учун бу газетани келадиган йилда (яъни 1885 йил бошидан – А.Б.) Русия тилида таржима қилиниб чиқарилса яхшироқ бўлади”. Кўрамизки, у чоризмнинг асл мақсадини яшириб, ўзича уни оқламоқчи бўлади. “1900 йилга келиб вақтли матбуотнинг нашр сони 21 тага етганда” ҳам ўша аҳвол, яъни ўзбек тилидаги “Туркистон вилояти газети”ни ўзбек ва рус тилларида эълон қилиш давом эттирилади.

1905–1906 йилларга келиб Ўрта Осиёда вақтли матбуот нашр сони 43 тага етади. Аммо сон ўсгани билан сифат ўша эски аҳволда қолган. Бирорта янги ўзбек тилида газета нашр этилмаган. Матбаалар сони ҳам элликка яқинлашиб қолган бўлса-да, уларнинг тепасида генерал-губернаторнинг рўйхатидан ўтмаган уч матбаадан ташқари: Хива хони тошбосмаси (1874 й.) Қўқондаги Азим Хўжа тошбосмаси (1887 й.) “Бухоро шаҳар матбааси” (1891 й.) дан бўлак ҳамма нашрлар рус зодагонлари қўлида бўлганлиги туфайли маҳаллий вақтли матбуот тилида газета у ёқда турсин, ҳатто оддий варақа ҳам деярли нашр этилмаган. Уч матбаада чоп этилган ўзбек тилидаги китобларнинг кенг миқёсда тарқалишига йўл берилмаган. Жумладан, Хивадаги Раҳимхон II саройида бошилган тошбосма китоблар Хоразмдан, “Бухоро шаҳар матбааси” чоп этган асарлар Бухоронинг ўзидан четга чиқмаган. Қўқондаги Азим Хўжа матбааси нашр этган китоблар губернатор томонидан мусодара қилиниб, тошбосма эса ёнгина учраган. Бу маълумотларга Е.К. Бетгернинг хабарини қўшсак, фикримиз янада равшанлашади. Унинг маълумотича: Тошкентда биринчи чоп этилган ўзбек тошбосма китоби С.И. Лахтин матбаасида 1883 йили темир билан савдо-сотик қилувчи тошкентлик Эсонбой Хусайнбоев, маблагига нашр этилган Сўфи Оллоёрнинг “Саботул-ожизин” асари бўлган. Эсонбой Хусайнбоев касбидан қатъи назар китоб шайдоси ва илм-маърифатга жон-дилдан содиқ бўлган. Унинг ёрдами, балки қатъий талаби орқали С.И.Лахтин тошбосмани ускуналагани аниқ. Сўфи Оллоёрнинг асари ниҳоятда нафис чиққан. Тошкентлик хаттот Сайид Хўжа уни 1883 йили 30 ноябрда кўчириб, нашрга топширган. Ношир бунчалик муҳим ишдан беҳад хурсандлигини нишонлаш мақсадида юзта китобни текинга тарқатади. Машҳур ўзбек шарқшуноси ва хаттоти Абдулла Носиров ўзининг қадимий ва нодир китоблар қўлёзмасида қайд этишича, Эсонбой Хусайнбоев 1882 йилда тошбосма ускуналарини Россиядан эллик туяга ортиб олиб келган. Мана, ўзбек маърифатпарвар ношири фидойилигининг яна бир кўриниши. Аммо Э.Хусайнбоевга ноширлик юмуши билан шуғулланишга чор амалдорлари рухсат бермаган. Бундай ҳолат кўқонлик ношир Азим Хўжа ҳаётида ҳам юз берганлигини ва тошбосмахонаси ёндириб юборилганини юқорида айтиб ўтдик. Қанчадан-қанча маҳаллий зиёлиларнинг оқ подшо маҳкамаларига маҳаллий тилда вақтли матбуот ва матбаа очишга рухсат сўраб ёзилган мурожаатномалари йиллаб эътиборсиз қолдирилганлигини Ўзбекистон давлат муҳофаза ҳужжатхонасида сақланаётган ҳужжатлардан билса бўлади. Подшонинг мустамлакачилик сиёсати тобора зўрайиб боргани натижасида ўлкада зиддиятлар келиб чиқа бошлади. Маҳаллий зиёлилар (бу ўринда жадидлар ҳаракати назарда тутилади) минбари бўла

олувчи нашрларнинг ўлкада бутунлай йўқлиги, маданий меросимизни нашр этишга ноширларга очиқ йўл берилмаслиги илм аҳлининг сабр косасини тўлдирди бошлади. Деҳқонлар ва шаҳарларда кам даромадли иш жойларида озгина иш ҳақи олиб ишлаётган омма орасида турли кўзғолонлар бўлиб ўтди. 1885 йилда Қўштут кўмири қонида ишчилар кўтарилди, 1892 йили Тошкентда “Вабо исёни”, 1898 йили Қўқон яқинида қурувчи-ишчиларнинг галаёнлари бўлиб ўтди, 1898 йили Андижон кўзғолони юз берди, у Андижон, Қўқон, Наманган ва Ўш шаҳарларини қамраб олди.

Бу кўзғолонлар Ўрта Осиёни Россия босиб олгандан сўнг маҳаллий халқлар йўқотган ўз ҳуқуқ ва имтиёзларини тиклашга, ижтимоий ва маънавий жабр-зулмга қарши қаратилганди.

Туркистон генерал-губернатори учун қутилмаган мана шундай норозиликлардан сўнг маҳаллий халқ талаблари оз бўлса-да, қондирила бошланди. Уша даврда илғор маҳаллий зиёлилар “миллат”нинг кўзини очмоқ учун (миллий сармоёга ходимлар тайёрламоқ учун) янги мактаблар, дорилфунунлар, газеталар, театрлар керак эканлигини англаб етдилар. Ёлғиз савдо сармоёси учунгина эмас, миллий саноат сармоёси учун ҳам кураш лозим эканлигини тушундилар.

1905 йилгача жадидлар томонидан Самарқанд ва Тошкентда (Беҳбудий ва Мунаввар қори бошчилигида) янги мактаблар очилди. 1905 йилги Тошкент темир йўлчилари намоёнишининг қонга ботирилиши ва Туркия, Эрон, Ҳиндистонда бўлган инқилобий ҳаракатлар “янги мактаб учун кураш” шиорини кескин қўйишга туртки беради. “Таржимон” (Қримда Исмоил Гаспрали томонидан чиқарилган маърифатпарварлик гоёларини кенг тарғиб қилган) газетасининг ўқувчилари кўпайиши билан жадидларда матбуотга ҳавас кучаяди. Жадидлар миллат олдидаги муҳим бурчларини англаган ҳолда омманинг фикрини ўз томонларига оғдириш йўлида ҳаракат қила бошлайдилар. 1905 йили октябр манифестидан кейин бу ҳаракат янги куч олиб, ярим яширинликдан очиқ фаолиятга ўтади. Газета чиқариш умиди рўёбга чиқади. Генерал-губернатор ўзига яқин бир кишини муҳаррир қилиш шарти билан жадидларга газета чиқаришга ижозат беради, 1905 йилги маълум “озодлик”лардан сўнг дунё юзини кўрган “Тараққий” газетаси “жадид”лар, “исломчи”лар оқимининг тилаклари, фикрлари, гоёларини генерал-губернаторнинг маълум шартларига риоя қилган ҳолда олиб, майдонга чиқади. Газетада манифест ва дума сайловининг аҳамияти тушунтирилади, диний вақфлардан фойдаланиш усулларини ўзгартириш ва янги мактаблар очиш зарурлиги кенг тарғиб қилинади. Газет бир томондан уламоларнинг қозилик ҳамда вақф масалаларида хонлар даврига қайтишни талаб қилиб чиқарган қарорларини босса, иккинчи томондан, жадидларнинг четдан ўқитувчилар таклиф этиб, янги мактаблар очиш тўғрисидаги талабларини ёритади, айни замонда “17 октябр манифести подшоҳимизнинг адолатлари” деб жар солади. Хуллас, бу газета ўзининг қисқа умрини манифест доирасидан, губернатор фармонларидан ташқари чиқмай тугатади. Шунга қарамай, бу газета жадидлар вақтли матбуотининг бошланishi эди. Халқни маърифатли қилиш ва эски тушунчаларга қарши кураш ҳаракати Исмоил Обидий ташкил этган ана шу “Тараққий”дан бошланади. Газета ерли савдо сармоёдорларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Остроумов газета орқали қора гуруҳчи уламоларнинг халқ ўртасидаги эътиборини туширишга ҳаракат қилади. Газетада “дин”, “миллат”, “ватан” номидан айтилган сўзлар миллий озодликка чиқиш, миллат маданияти учун курашни тезлатишдан иборат эди. Шу йўлда ибрат кўрсатгани учун муҳаррир (Исмоил Обидий) жадидлар томонидан “Тараққий” исмини олди, — деб ёзади Зиё Саид.

Германиянинг машҳур Гумбольд университети профессори, Берлиндаги замонавий шарқ илмий-тадқиқот марказининг раҳбари Ингиборг Балдауф хоним жадидчилик ҳаракатига баҳо бериб: “Ўрта Осиё ва умуман Шарқ халқлари учун жадидчилик ҳаракатининг аҳамияти жуда катта

бўлган. Уларнинг прогрессив фикрлари, амалга оширган ишлари Шарқ халқларини асрий қулликдан олиб чиқишга қаратилган эди. Жадидлар, айниқса, маърифат масалаларига ургу беришган. Ёшларнинг тарбиясига, уларни маърифатли этишга алоҳида эътибор беришган.

Уларнинг хатти-ҳаракатлари ўша даврдаёқ ўз самарасини бера бошлаган. Жадидчилик тарихда кескин бурилиш ясагани яққол кўзга ташланади. Оврўпо ва Шарқ халқларининг ривожланишини кузатар эканман, жадидларнинг фикрлари ҳақлигига, прогрессив аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиб бораман”.

Яна Зиё Саидга қайтамиз: “1906 йилдан бошлаб, газета чиқариш иши тагин зўрая бошлайди. “Хуршид”, “Шухрат” ва “Осиё” газеталари кўз очиб, дунё юзини кўрадилар. Бизнинг “жадид” деганларимиз бу вақтларда энди миллат фидойиси, миллий, диний эҳтиёжлар орқасидан юрвчи бир куч бўлиб ўзини кўрсата олган эди”. Ана шундай ҳаракатлардан илҳомланган ноширлар ичида тошкентлик Фулом Ҳасан Орифжонов ҳам бор эди. У 1898 йил ўз ҳовлисида ташкил этган “Муқовахона устахонаси”-ни тошбосмага айлантириш, шу йўл билан меросимиз намуналарини нашр этиб, миллат маърифати ва маънавиятини оширишга камтарона ҳисса қўшишни анчадан бери орзиқиб кутиб юрганди.

### ЎЗБЕК ЗИЁЛИСИ ТАШКИЛ ЭТГАН ШАХСИЙ МАТБАА

Петербургда Матбуот ишлари бўйича бошқармага кутубхона, китоб сотиш, расм олув дўконлари, босмахона, ҳарф қуйиш каби муассасалар ҳақида 1877 йили берилган маълумотларда Тошкентда учта фотография дўкони билан учта полиграфия корхонаси мавжуд бўлганлиги айтилган. Жумладан, 1867 йил 14 июлда иш бошлаган Туркистон Ҳарбий округ штаби матбааси, 1872 йил 14 апрелда ташкил этилган Ҳарбий округ штаби бошқармаси босмахонаси ва 1877 йил 29 июлда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори тавсияси билан очилган Лахтин ва Постухов шахсий матбааларини фаолият олиб борган. Кейинчалик 1906 йил август ойида Тошкентнинг Каллахона маҳалласи фуқароси Фулом Ҳасан Орифжоновнинг “Тошбосмахона” очишга рухсат сўраб, Туркистон генерал-губернаторига ёзган илтимосномасига кўра, ҳамда ўлка губернаторининг расмий ўтинчига мувофиқ Петербургдаги Матбуот ишлари бўйича бошқарманинг 1907 йил 28 июлида тошбосма очишга ижозат берган расмий ҳужжатга биноан Ф.Ҳ.Орифжонов ўз ҳовлисида литография очади. Бу ҳақда “Туркистон вилоятининг газети” (1907 йил 25-сон) да шу йили Орифжонов савдогар тоғаси Қосимбой ҳожи билан ҳамкорликда алоҳида матбаа очиш мақсадида Москвадан (И.Флор фирмаси “Маркварт” компанияси орқали – А.Б.) 700 рублга бир машина олдирганлиги ҳақида хабар қилади. Ҳужжатларда кўрсатилишича, Ф.Ҳ. Орифжонов ноширлик иш кўламини кенгайтириш мақсадида Лейпцигдан “Кениг Бауэр” ва “Карл Краузе” фирмаларидан кўшимча босма ускуналарини сотиб олганлиги маълум.

Туркистон губернатори цензурасининг 1909 йил 17 сентябрдаги циркулярида маҳаллий тилда нашр этилувчи “Осиё”, “Тужжор” ва “Шухрат” газеталари ёпилмасдан аввал 1830 нусхада чоп этилганлиги, бу даврга келиб Туркистондаги нашрларнинг умумий сони 440 га етганлиги, полиграфия соҳасида фаолият кўрсатаётган матбаалар сони қирқдан зиёд эканлигига қарамай, маҳаллий миллат халқларининг фикрларини она тилида изҳор этувчи, маданий меросини ёритувчи босмахоналар сони бармоқ билан санарли эди. Ана шулардан бири ва энг илғори ўзбек зиёлиси Фулом Ҳасан Орифжоновнинг 1907 йили иш бошлаган литографияси бўлган

Умрини китобатчиликка бахшида этган зиёли хаттот, муқовасоз-ношир Фулом Ҳасан Орифжонов миллат маданияти, маърифати, маънавиятини юқори поғонага кўтариш йўлидаги асосий қурол бўлмиш китобни кўпайтиришга иштиёқи туфайли мустақил матбаа очишга кўп

уринади. Ўша даврда маҳаллий миллат вакилларининг ноширлик юмушларига бўлган интилишларига, гарчанд уларнинг илм ва молиявий имкониятлари етарли бўлса-да, чор маъмурлари йўл қўймас эди. Шунда — 1898 йилда ўз уйида Ф.Х. Орифжонов “Муқовахона устахонаси”ни ташкил этди.

Фулом Ҳасан Орифжонов Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Исмоил Обидийга тарафдор бўлган тараққийпарвар зиёлилар бошлаган янгиланиш, миллат маънавиятини ўстиришга ана шу йўл билан ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилади. У, бу ҳаракати билан ўша даврда янги ташкил этилаётган мактабларга адабиётлар зарурлигини, аммо бу билим манбаини яқин келажакда маҳаллий тилда кенг қўламда чоп этилишига чор амалдорлари тўсиқ бўлаётганлигини фаҳмлаб, эски, яъни қўлдан-қўлга ўтиб титилиб, муқовалари йиртилиб кетган қўлёзма ҳамда босма китобларни таъмирлаб, яна қайта ўз ўқувчиларига етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўша даврда, тарихий манбаларда кўрсатилишича, Наманганда, 1888—1899 йилларда 2 та, Тошкентда 1901 йилда 32 та, 1904 йилда 37 та, Қўқонда 1904 йилда 31 та китоб сотувчи дўконлар ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарларида кўплаб китоб ҳужралари фаолият кўрсатганлиги маълум. Булардан ташқари, Ф.Х. Орифжоновнинг шахсан ўзи қанчадан-қанча маҳаллий ва хорижий китобфурушларни яқиндан билган, Тошкентда фаолият кўрсатаётган ўндан ортиқ босмахона ва типо-литографияларнинг хўжайинлари Осип Алексеевич Порцев (1888 йил), Семён Иванович Лахтин (1877 й.), Виктор Федорович Постухов (1876 й.), Василий Мефодиевич Ильин (1899 й.), Павел Дементьевич Немтинов (1901 й.), ака-ука Ф. ва Г. Каменскийлар (1893 й.) билан яқин алоқада бўлган.

Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда Ўрта Осиёда ягона бўлган ушбу “Муқовахона устахонаси” ишини ташкил этиш ниҳоятда зарур эканлигини Фулом Ҳасан кўра билган.

“Мен 1898 йили ўн олти ёшимда Каллахонадаги Орифжонов ўғли Фулом Ҳасаннинг шахсий ҳовлисида ташкил топган “Муқовахона устахонаси”га ишга ёллангандим. Ўша вақтда устахонага ажратилган бир уй тўла одам эскириб, титилиб, йиртилиб кетган китобларни елимлаш, тикиш, муқовалаш билан шуғулланардилар. Мен ҳам уларга қўшилиб, турли хил адабиётларни таъмирлашга киришдим”, деб эслайди кекса муқовасоз уста Абдураҳмон ота Саидбоев.

Тасаввур этинг, бир уй мутахассисни иш билан таъминлаб, уларга маош тўлаб ишлатишнинг ўзи кишини мулоҳаза юритишга ундайди. Демак, “Муқовахона устахонаси”нинг иши буюртмачиларга бой эканлигидан, устахона мутахассисларининг сифатли таъмирлаган китоблари кўпчилик эътиборини ўзига жалб этганидан далолат беради. Яна бир фикр, юқорида номлари зикр этилган рус зодагонларининг Тошкентда тинимсиз ишлаб турган босмахоналари маҳаллий халқ вакиллари ва диний мадраса уламоларидан ўзбек тилида олинган буюртма китобларни муқовалашгача бўлган полиграф жараёнини ўзларида бажариб, муқовалашни эса Ф.Х. Орифжонов устахонасига шартнома асосида топширишган. Бу хизмат эвазига рус зодагонлари муқовахонани турли хил қоғоз, елим, картон ва бошқа полиграфия материаллари билан таъминлашган. Рус матбаачиларидан олинган полиграфия материаллари шахсий буюртмалар, яъни китобфурушлардан келган совға буюртма китобларни таъмирлашга ишлатилган. Фулом Ҳасан Орифжонов “Муқовахона устахонаси”да ишловчи мутахассисларнинг малакаси ўша даврда бошқа матбааларда ишлаётганлардан юқори бўлган. Чунки улар қўлёзма китобларни асл ҳолатига келтиришда иштирок этган моҳир хаттот, лаввоҳ, ҳар бир китобга турли нозиклик, нафислик билан нақшу нигор чизувчи мусаввир ёки хунарманд, муқовасоз, қоғоз турлари ва китоб саҳифаси шаклининг билимдонлари, жилдсоз, муқова хили, турларини билувчилардан иборат бўлган. Бир сўз билан айтганда, Ф.Х. Орифжонов кадрларни фақат “Муқовахона устахонаси”га эмас, балки узоқни кўзлаб,

бўлажак тошбосмахонага мўлжаллаб ишга ёллаганлиги ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас.

А.Саидбоевнинг таъкидлашича, Фулом Ҳасан ёш бўлишига қарамай доно, очиқ кўнгил, табиатида шарқона мулозамат доимо жўш уриб турган. У таъмирланадиган китобларни ўзи қабул қилиб, асарнинг муаллифи, қайси йилда нашр этилганлиги ҳамда унинг мазмуни билан танишганидан сўнг буюртмачи билан китобни оддий елимлаш, тикиш ва унга янги саҳифа қўйишдан ташқари асарни қўшимча зийнатлаш, совғабоп этиб муқовалаш, жилдлаш, ҳатто саҳифаларига қўшимча безаклар киритиш борасида ҳам келишиб оларди. Шу туфайли китоб ўзининг дастлабки ҳолатидан ҳам бежирим, кўзни қувонтирадиган даражага етказиб таъмирдан чиқариларди. Буюртмачи китобхон арзон-гаровга буюртмаси бунчалик гўзал бўлганидан устахона ишидан рози, беҳад хурсанд бўлиб кетарди.

Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли тарихий ҳужжатларда Орифжоновни китобфуруш, баъзи тадқиқотларда етук хаттот бўлган деган маълумотлар учрайди. У Тошкентда фаолият кўрсатаётган матбааларнинг иш тажрибаларини чуқур ўрганган, таҳлил қилган. Ноширлар китобни чоп этишдан олдин Петербургдаги Бош назоратчи кўмитасининг рухсатини олиш учун мажбурий нусхаларни юбориш, йўлланган китоблардан бирига Бош назоратчининг рухсат рақами ва муҳри босилган нусха қайтарилгандан сўнг асар устида иш бошлаш лозимлигини ҳам яхши билишган. Бундай расмий рухсатномани ҳужжатлаштириш учун камида бир ярим-икки йил вақт сарфланар эди. Подшо маъмурлари тошбосмахона очишга рухсат бергудек бўлса, бу юмушларни олдиндан бажариб қўйиш мақсадида китобфуруш дўстлари маслаҳати ва ёрдамига таяниб, ҳар бир китобдан ўнга яқин нусха излаб топиб, сотиб олиб, Петербурга, Бош назоратчи кўмитасига олдиндан йўллаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. У, бу ишни ўта пухталиқ, зийраклик билан амалга оширган. Бош назоратчи кўмитасига йўлланган нусхалар йўқолиб қолиши ёки назоратчи рухсатига лойиқ топилмаслигини ҳам инobatга олиб, қайта нашрга мўлжалланган асарларни ортиги билан жамлаб қўйган бўлиши ҳам ҳақиқатга яқин.

“Окраина” газетасининг 1896 йил, 73-сонида босилган “Ўлиб бораётган ишлаб чиқариш” мақоласида Туркистонлик ноширларнинг Петербургдаги Бош назоратчи кўмитаси орқали нашрларга рухсат олишида бир қатор қийинчиликлар юзага келаётганлиги, айниқса, нашр рухсатномасини ҳужжатлаштириш учун “икки йилча” сарф қилинаётганлиги маълум қилиниб, маҳаллий босмахоналар хўжайинларини бундай тартиб қониқтирмаётганлиги, шунинг учун муаллиф ўз мақоласини “ўлиб бораётган босмахоналар иши” деб ном қўйганлиги қайд этилади. Шунинг билан бир қаторда мақола муаллифи маҳаллий тилларда нашр этиладиган, яъни Бош назоратчи кўмитаси рухсатидан илгари ўтган асарларни қайта нашрига рухсат беришни ёки ўлкада мустақил назоратчи маҳкамаларини ташкил этишни таклиф қилади.

Ўлка ноширларининг бу талаблари инobatга олинмади, бунинг асосий сабаби подшонинг жойлардаги маҳкамалар хўжайинлари ноширчилик ишини кенг қўламда йўлга қўйишдан, Туркистонда маҳаллий тилларда китоблар чоп этилишидан манфаатдор эмаслигидан эди. Аниқроғи, улар маҳаллий халқларнинг маданий-маърифати, маънавияти, мафкурасининг ўсиши, юксалишига тиш-тирноғи билан қарши чиқишди. Шунга қарамай, Туркистон халқи, ватани, миллатига фидойи бўлган ноширлар Бош назоратчи кўригидан ўтказмасдан китоблар чоп этганларини қуйидаги тарихий ҳужжатлардан кўрамыз: “1891 йили Туркистон генерал-губернатори канцелярияси томонидан Самарқанд ҳарбий губернатори қоидада бор тартибга кўра “ҳамма шарқ тилларидаги китоблар Санкт-Петербургдаги Бош назорат кўмитаси кўригидан ўтказиш учун юборилиши шарт”лиги ҳақида огоҳлантирилади. Яна бир ҳужжатда: “1901 йил 30 августда Еттисув вилояти ҳарбий губернаторининг

Фаргона вилояти ҳарбий губернаторига йўллаган мактубида Етисув вилоятида “назорат қўмитасининг руҳсатидан ўтмаган ўзбек тилидаги китобларни” сотаётган андижонлик Хўжаевдан тортиб олиб, “Санкт-Петербург назорат қўмитаси кўригидан ўтказиш учун юборилганлиги” ҳақида баён этилади.

XIX аср охиридан то биринчи рус буржуа-демократик кўзғолони (1905–1907 йй.) тугагунча ўлкада жойлашиб олган подшо ҳукмдорлари маҳаллий тилларда китоб ноширчилигига бутунлай қарши чиққан, ҳатто нашрдан чиққан ўзбек ва Ўрта Осиё халқлари тилларидаги асарларни нашр этилган китоблар рўйхатидан тўла ўтказмаган ҳоллар ҳам бўлган. Олим Алмаз Ёзбердиевнинг тадқиқотида кўрсатилишича, шарқ тилларида нашр этилган китоблар библиографияси билан академик Б.А.Дорндан сўнг, афсуски, ўн етти йил (1867–1884) дан ортиқ давр мобайнида Россияда ҳеч ким шугуланмаган. Ва ниҳоят, бу иш аср охирида “Рус Императори археология жамиятининг шарқ бўлими маълумотлари”ни бевосита нашр этиш (1886–1917 йй.) билан боғлаб, қайта йўлга қўйилган. Унинг саҳифаларида янги шарқ нашрлари, шу жумладан, Туркистон нашрлари ҳақида доимий равишда туркшунос-шарқшунослар томонидан маълумотлар бериб борилган. Унинг 3,5,8-жилдларида “Рус Императори археология жамиятининг шарқ бўлими маълумотлари”да 1886-1893 йиллар мобайнида рус шарқшунос-туркшуноси, профессор В.Д.Смирнов (1846–1922 й.) томонидан 1885–1893 йилларда босмадан чиққан шарқ тилидаги китоблар рўйхати “Россияда мусулмонлар нашрлари” кўрсаткичида бериб борилган. Унда ҳаммаси бўлиб 684 китоб рўйхати кўрсатилган. Қайд қилинган ҳужжатдаги тошбосма китобларнинг кўпчилик қисми Қозон нашрига тегишли бўлган. Туркистон нашрлари бор-йўғи 28 номни ташкил этиб, улар 1889–1893 йилларда Тошкентда чоп этилганлиги қайд этилган. Олимнинг фикрича, бу рўйхатда ҳам Туркистон нашрлари тўла кўрсатилмаган. Яъни, рўйхатда Хива тошбосмаҳонаси китоблари ҳақида бирорта маълумот йўқлиги ҳамда Тошкент нашрлари ҳам тўла қайд этилмаганлиги далиллар орқали исботлаб берилган. Жумладан, Фузулийнинг асарлари 1884–1893 йилларда Тошкент тошбосмаҳоналарида ўн икки бор нашр этилган бўлса-да, кўрсаткич-рўйхатда бир нашр – “Лайли ва Мажнун” (1893 й.) қайд этилган. Ўрта Осиё халқлари меросининг чоризм империяси томонидан бундай камситилиши кейинги даврларда ҳам давом этганлигини кўрамиз. 1911 йилдаги “Китоблар йилномаси”да ҳаммаси бўлиб, ўттиз олти тошбосма китоб рўйхатга олинган бўлса, ўша йилнинг саккиз ойда босмадан чиққан китобларни рўйхатга олган олим Л.А.Зиминнинг кўрсатишича, бу сон қирқ учтага кўтарилган. Китоб миллат бойлигини, саводхонлигини англаувчи мезон эканини эътиборга олсак, бу рақамлар Ўрта Осиё халқларини жаҳон халқлари назари олдида маънавий камситишдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлади. Бу ҳам етмагандек, маҳаллий халқ вакилларига зиё масканларини, янги нашр ўчоқлари – матбааларини, ойнома ва газета нашрларини очишга ижозат сўраб борилганда мунтазам рад жавоби берилган.

Ғулом Ҳасан Орифжонов ҳовлисида ташкил топган “Муқоваҳона устаҳонасида”, 1898 йилдан бошлаб ишга ёлланган Абдураҳмон Саидбоев ҳақида қисқача биографик маълумот бериб ўтайлик.

Абдураҳмон Саидбоев 1883 йили Тошкентда камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1898–1932 йилларга қадар, Ф.Ҳ. Орифжонов “Муқоваҳона”си, “Ғуломия”, “Орифжонов” тошбосмаҳонаси, “Совет Шарқи” ва “Ўзгосиздат”нинг мусулмон матбаачилари босмаҳонаси, “Намунали босмаҳона”, “Биринчи босмаҳона”, Акмал Икромов номидаги босмаҳона (аслида ҳаммаси бир матбаа)да фаол меҳнат қилиб келган, 1932–1941 йилларда 2-матбаачилар ҳунар-билим юртида уста-мураббийлик қилиб, ёшларга муқовасозлик ҳунарини ўргатган. 1941–1958 йилларда Биринчи босмаҳонада юқори малакали муқовасоз бўлиб ишлаб, ўша ердан меҳнат фахрийлигига кузатилган. Ф.Ҳ.Орифжоновнинг шахсий



матбааси хусусийлаштирилгандан сўнг (1918 йил, апрел) Абдурахмон Саидбоевга берилган ёзма ҳужжатда бундай дейилган: “Шайхонтохурнинг Қўрғонтеги маҳалласида яшовчи Саидбой ўгли Абдурахмон ҳақиқатан ҳам 1898 йилдан бошлаб Каллахона маҳалласи, менинг уйимда 1907 йилнинг охирига қадар махсус устахонада муқоваловчи бўлиб ишлади.

1908 йили литография Сақичмон маҳалласига ўтгандан сўнг А.Саидбоев 1913 йилнинг охиригача муқовалаш бўлимида муқоваловчи, 1914 йилдан босмахона миллийлаштирилгунга қадар хатни тош қолипга кўчирувчи вазифасида ишлади.

У иш вақтида ўз вазифасини ҳийла-найрангсиз адо этди, топширилган ҳар бир ишни яхши ва ўз вақтида бажариб келди.

Имзо: Литографиянинг ўткинчи шахсий мулкчиси Орифжон ўгли Ҳасан.

1918 йил, 17 май”.

Ушбу ҳужжат ниҳоят Фулом Ҳасан Орифжоновнинг кўп йиллик орзуси ушалганлиги, яъни ноширликка – литография очишга рухсат олганлигини кўрсатади.

Ғ.Ҳ.Орифжонов ноширлик касбини расман 1907 йил 28 июлида бошлаган дейиш мумкин.

Китобатчилик ва ноширчилик ҳамда тошбосма асарлар тарихи билан яқиндан шуғулланган Раъно Маҳмудова, М.И.Рустамовлар ўз тадқиқотларида Ғ.Ҳ.Орифжоновнинг тошбосмахонасидан биринчи қалдирғоч китоблар 1900 йилнинг бошларида нашрдан чиққанлиги маълум қилиниб, ана шундай китоблар сирасига “Шоҳномаи Фирдавсий”, Алишер Навоийнинг “Девон”и, Муқимийнинг танланган шеърлар тўплами, Фузулийнинг “Ғазалиёт”и каби нашрлар кўрсатиб ўтилади. Фулом Ҳасан Орифжонов шунчаки китоб ношири эмас эди. У инсоният ақл маҳсули бўлган китобларни ўз халқига тез ва соз етказувчи фидойи, Ўрта Осиё мутафаккирлари яратган асарлар билан миллат эҳтиёжини қондиришга бел боғлаган, керак бўлса, бу ишда юксак мажбурият олдида турганлигини яхши ҳис қилган ўзбек зиёлиси ҳам эди. Бу у тузган нашр режалари мавзу жиҳатидан ранг-баранглигида яққол кўзга ташланиб турибди.

Бу китобларни кўриб, Фулом Ҳасан Орифжонов ўз нашр режасини сўзсиз ўша давр жадидчилик ҳаракати намояндаларининг мақсадларига, ҳаракатларига ҳамоҳанг тузганлигига, шунингдек, уларнинг дастурлари ёш ноширга туртки бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. У ўлканинг йирик китобфурушлари билан яқин алоқада бўлиб, айнан уларнинг буюртмалари, харажатлари ва ёрдамлари орқали нашр режаларини амалга оширганлиги китобларнинг унвон саҳифаларидаги ёзувларда яққол кўзга ташланиб турибди.

1910 йилга келиб қайта нашрларга рухсатни Санкт-Петербургдаги Бош назорат кўмитаси эмас, Туркистон генерал-губернаторининг жойлардаги назорат маҳкамалари берадиган бўлади. Бундан унумли фойдаланган ношир Фулом Ҳасан шеърият султони Алишер Навоийнинг сара асарларини минглаб нусхада беш йил давомида қайта-қайта нашрдан чиқарганлигини Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган китоблар орқали кўришимиз мумкин. Бу XX аср бошларида илмга чанқоқ Туркистон халқида Алишер Навоий асарларига бўлган эҳтиёж ва талаб ниҳоятда юқори бўлганлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, ношир Фулом Ҳасан Орифжонов Ўрта Осиё халқларининг маданий меросини бойитибгина қолмай, у маҳаллий халқ маърифатини кўтариш, мумтоз адибларимиз асарларини Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва бошқа давлатларга ҳам тарқатишга интилганлигининг шохиди бўламиз. Фулом Ҳасан тошбосмасида 1908–1912 йилларда ўзбек

халқ оғзаки ижоди намуналари: “Насриддин Афанди” (1908–1910 йй.), “Юсуфбек Аҳмадбек ва Бўз ўғлон” (1909 й.), “Маликаи Дилором” (1912 й.), “Гўрўғли Султон”, “Гулфараҳ” каби йигирмага яқин номда китобларни нашрдан чиқаради.

“Ф.Х.Орифжоновнинг тошбосмахонаси бу даврга келиб, бутун Ўрта Осиёда ўзбек тилида нашр этувчи ягона йирик матбаага айланди, – дейди Эшонкул ота Қодиров. – 1908 йили тошбосмахонада ўн-ўн икки маҳаллий миллат вакиллари ишларди. Орадан кўп вақт ўтмай, тошбосмага биринчи рус мутахассислари Данилин билан Васильевлар келишди. Улар босма машиналарга 25, кейинчалик 40 киловаттли нефтда ишловчи моторлар ўрнатишди. Шундан сўнг тошбосма машиналар электр-буғ ёрдамида ишлайдиган бўлди. Ушандан кейин тошбосма мутахассисларининг сони йигирмага етиб қолди. Литография довуғи, унинг дастгоҳидан чиққан сифатли тошбосма маҳсулотлари бутун ўлкага ёйилди. Уша маҳалда босмахонада ишлаган шогирд болаларга Фулом ака йилига 40–60, етук мутахассисларга ойига 60 рублгача маош тўларди. Беш тийинга бир қадоқ гўшт, 35 тийинга бир пуд ун ёки гуруч олса бўларди. Ойлик маошини ҳар ҳафтага бўлиб чиққан хўжайин Фулом ака ҳафталик иш ҳақини пайшанба кuni берарди, жума кuni дам олинарди” деб эслаганди биз билан бўлган суҳбатда.

1909 йили Фулом Ҳасаннинг литографияси дастгоҳидан чиққан Машраби Сонийнинг “Мабдаи нур” асарининг унвон саҳифасида: “Ушбу китоб Ф.Х. Орифжоновнинг электр-буғ ёрдамида ишлайдиган тошбосмасида 1327 (ҳижрий) йили чоп этилди”, деган ёзув бор. Демак, матбаанинг фақат босма бўлими шу йилдан бошлаб қўл меҳнатидан озод қилинган.

Ўлкада кечаётган оғир сиёсий ва иқтисодий даврда ношир Фулом Ҳасан Орифжонов ўз тошбосмаси ишчиларини чоризм жандармаси чангалидан сақлаб қолиб, аҳволини энгиллаштиришга, етим-есирларга ёрдам кўлини чўзишга баҳоли кудрат ўз ёрдами аямайди. Бу даврда у Туркистон генерал-губернатори маҳкамалари назоратидан четроқда бўлиш ниятида бўлса керак, нашр режаларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан “Тоҳир ва Зухра” (1914 й.), “Насриддин афанди” (1916 й.), “Гўрўғли султон” (1916 й.) каби асарларни ва ўқув қўлланмаларини қайта-қайта нашрдан чиқарган.

Фулом Ҳасан рус тилидан ўзбек тилига ағдарилган асарларни ҳам нашрдан чиқарганлиги маълум. Бу ҳақда М.И.Рустамов ва Р.Маҳмудовлар ўз тадқиқотларида маълумот берадилар. Жумладан, “1911 йилда “Фуломия” босмахонасида “Робинзон ҳикояси” номли китоб босилиб чиқди. Бу ҳикояни рус тилидан ўзбек тилига Муҳаммад Фозилбек таржима қилган”, дейилган. Яна бир тадқиқотда бу хабар анча тўла келтирилган: “Даниэл Дефонинг “Робинзон Крузо” романи Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли томонидан қисқартирилган тарзда таржима қилиниб, Мулла Муҳаммад Қосим Қори Маҳмуд билан Мулла Султон Маҳдумлар Орифжонов тошбосмахонасида “Рўмон” номи билан 1911 йили нашр эттирган”. Шунингдек, Фулом Ҳасан Орифжонов тошбосма имкониятларини вақтли матбуот намуналарида ҳам синаб кўрганлиги “Ализоҳ”, “Чаён” ва “Чўл чаён” журналлари орқали маълум бўлади.

1917 йил октябр тўнтаришига қадар Туркистондаги вақтли матбуотларнинг жами сони 68 га, матбаалар сони 90 га, унда ишловчиларнинг сони бир ярим мингдан зиёдга етди. Шулардан фақат ўттиздан зиёди турли йилларда ўзбек тилида ташкил топган газета ва ойномалар бўлиб, уларнинг иккитаси Тошкентда (“Туркистон вилояти газети”, “Дехқончилик рисоласи” – XIX асарнинг иккинчи ярмида), қолганлари XX аср бошларидан Октябр инқилобигача дунёга келган эди.

Бу газета ва ойномаларнинг кўпчилигида миллатимизнинг фидойи фарзандлари ишлаганлар. Кейинчалик уларнинг катта бир қисми “жадидлар”, бир қисми “миллатчилар”, баъзилари “халқ душманлари” деб айбланган. Миллат маърифати, маънавияти, маданий меросини

бойитишга жонини аямаган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўгли, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон, Элбек, Ибрат, Исмоил Обидий (Тараққий), Абдулла Авлоний, Саидносир Миржалилов, Маҳмуд Ҳодиев (Боту), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Ашурали Зоҳирӣ, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муин, Абдурахмон Содиқ ўгли ва бошқаларнинг номини келтириш мумкин. Шунингдек, булар сафига ўзбек матбаа ноширчилигининг илк намо-яндалари: наманганлик Исҳоқхон Жунайдуллаев (тахаллуси Ибрат), хо-размлик Отажонбосма Абдалов, тошкентлик Фулом Ҳасан Орифжонов, марғилонлик Обиджон Маҳмудов, Азим Хўжаларнинг фаолиятлари жиддий эътиборга лойиқдир. Чунки улар миллий уйғониш даврини ўз нашрлари билан таъминлаган куч бўлдилар, миллат маданий мероси-ни бойитдилар.

Ўзбек зиёлилари мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон за-бун, яъни танг аҳволга тушиб қолганини, халқ жаҳолат ва нодонлик қўйнида, эркисизлик жаҳолати, икки томонлама зулм исканжаси ости-да қаттиқ эзилиб қолганлигини чуқур англадилар ва бундай ҳаётни ўзгар-тириш, янгилаш лозимлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурдилар. Улар халқни маърифатли қилишни, маънавий савиясини юксалтириб, ях-шини ёмондан ажрата олишни маърифатнинг бирламчи шарти деб бил-дилар ва шу олижаноб мақсадни амалга ошириш учун фидойилик бил-лан оғир, аммо шарафли меҳнатга бел боғлаган миллат фидойилари бўлдилар. Улар турли хил таъқиб ва таҳдидларга қарамай, моддий қи-йинчиликларни енгиб, янги илм масканлари, мактаблар очдилар, ада-биёт ва санъат тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар, ўқув қўлланмалари яратдилар ва нашр эттирдилар.

Меҳнат қаҳрамони Абдурахмон Саидбоев, жумҳуриятнинг меҳнат фах-рийлари Акбар Махсум Саидов, Эшонқул Қодиоровлар билан суҳбат-лардан маълум бўлишича, Фулом Ҳасан Орифжоновнинг тошбосмахо-наси 1918 йили март ойида янги ҳукумат томонидан мусодара қилин-ганда литографияда тўрт тошбосма машина, учта нусха кўчирувчи қурил-ма, зарҳалловчи, қирқув машиналари бўлиб, уларда (хаттоғлардан таш-қари) йигирма мутахассис матбаачи ишлаган. “Фуломия” литография-си Сақичмондан Эски шаҳарга, Биринчи Тошкент шаҳар босмахоноси-нинг ротация бўлими ўрнига кўчириб келтирилган. Шу кундан бошлаб шахсий тошбосмахона ишчилар қўлига ўтган.

Аммо “Фуломия” литографияси давлат ҳисобига ўтказилганда ҳам Ф.Ҳ. Орифжонов тошбосманинг янги бошқарувчиларидан бири бўлиб вақтинчалик ишда қолганлиги маълум.

Октябр тўнтаришини Фулом Ҳасан Орифжонов мамнуният билан кутиб олди. У Шўро ҳукумати китоб нашр ишига янада яхши шароитни яратади ва кенг халқ оммасига етиб боришини таъминлайди деган умидда яшади. Уни бир нарса — ўз ҳунарини янги жамиятда қўллай оларми-канман деган ўй безовта қиларди.

Туркистон Полиграфия бўлимининг 1921 йилдаги бошланғич уч ой-лик ҳисоботида Ф.Ҳ. Орифжонов тошбосмаси фаолияти кўрсатилмайди. Унда молия комиссариатининг қўл остидаги 1-литография билан Эски шаҳарда янги (“Фуломия” матбааси негизда — А.Б.) ташкил топган Мусулмонлар босмахонаси қайд этилган. Бу ҳисоботдан кўриниб туриб-дики, Фулом Ҳасан Орифжонов етиштирган юқори малакали матбаа-чилар янги ташкил этилган Мусулмон босмахонасига асос солган, унинг тошбосмахонаси ускуналари Туркистон Молия комиссариатида энг оғир давр — фуқаролар уруши оқибатида юзага келган пул танқислигини тўлдириш борасида миллионлаб ҳажмда давлат банкноти — бонни чи-қаришда хизмат қилади.

Тарихий ҳужжатларда бу ҳақда бундай дейилган: “1918 йил бошла-рида Туркистонда молиявий инқироз юз бериши муносабати билан ўлка халқ Комиссариати кенгаши 1918 йил 22 февралда РСФСР Совнарко-мига дарҳол ўлкада майда купюра: 1, 3, 5, 10, 25 рублик, жами 15

миллионга яқин миқдорда давлат банкотини чоп этишга мажбур бўлиб, марказдан рухсат сўралади. Шу муносабат билан зудлик билан Тошкентда банкнотларни чоп этиш учун литография ташкил этиш зарур деб топилади. Марказий Комитет ва ўлка Совнаркомининг буйруғига асосан Полиграфия бўлими катта қувватга эга бўлган полиграфия корхонасини ташкил этишга қарор қабул қилиб, Туркистондаги барча матбаа корхоналарини давлат ҳисобига ўтказиш ҳақидаги масалани илгари суради”. Шундай қилиб, 1918 йилнинг мартдан бошлаб матбаалар давлат ҳисобига ўтказишга киришилди. Биринчи навбатда Ғ.Ҳ.Орифжонов литографияси, О.А. Порцев билан Ильин типолитографиялари халқники деб эълон қилинади. Ачинарлиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар баъзи олимларнинг маданий тарихимизга оид йирик илмий тадқиқотларида, жумладан, 1955 йилда Москвада нашр этилган “Совет Ўзбекистонининг маданий тарихий очерклари” номли йирик асарда XIX аср охири ва Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда, ўзбек тилида нашр этилган босма китобаларнинг салмоғи камситилган, Туркистонда миллатимиз маданиятини бойитишда хизмат кўрсатган нашр ўчоқлари, яъни зиё масканлари сони ҳам камайтириб кўрсатилган. Жумладан, Ғ.Ҳ. Орифжонов ташаббуси билан ташкил этилган зиё маскани, яъни Тошкент шаҳар Биринчи мусулмонлар босмахонасига асос солган ноширхона ҳам ҳисобга олинмасдан, Биринчи босмахона 1923 йилда ташкил қилинди, деб қайд этилган.

Ўзбек ноширчилигининг илк қалдирғочларидан бири бўлмиш Фулом Ҳасан Орифжонов етмиш уч ёшида (1947 йили) вафот этади. Минг афсуски, унинг 1921–1947 йиллардаги ҳаёти ҳозиргача бизга номаълум. Лекин у чоп этган тошбосма китоблар ўзбек маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Уларни ўрганиб, тўғри талқин қилиш ўзбек тадқиқотчиларининг фахрли бурчидир. Биргина “Фуломия”, “Орифжонов” тошбосмахонасидан октябрь тўнтаришигача чиққан икки юзга яқин нашрнинг ўзи китобшунос, шарқшунос, библиограф ва бошқа китоб нашри тарихи, умуман ўзбек миллати маданияти тарихини ўрганивчи олимлар учун катта хазинадир.

*Азиз БОБОҲОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият  
ходими, тарих фанлари номзоди*



Мақсуд ҚОРИЕВ

## Абулқосим Фирдавсий ва Султон Маҳмуд Ғазнавий

**К**ўҳна тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, Шарқ оламида қудратли давлат барпо этганлардан Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳақида тўқилган турлитуман ҳикоятлар, ривоятларга дуч келамиз. Бизга қадар етиб келган манбаларда у атоқли давлат арбоби, дину диёнат ҳимоячиси, илм-маърифат ҳомийси сифатида улуғланади. Баъзи асарларда эса золим-қонхўр, босқинчи, молу дунёга ҳирс қўйган ўта зикна ҳукмдор деб таърифланади. Айниқса, Султон Маҳмуднинг буюк шоир Фирдавсий билан муносабатлари ҳақида хилма-хил мулоҳаза-фикрлар ҳозирга қадар илмий китоблар, мақолаларда учраб туради.

Маълумки, туслик шоир Абулқосим Фирдавсий Султон Маҳмуд даргоҳига келиб, биринчи бор сарой маликушшуароси Аҳмад Унсурий бошлиқ шоирлар даврасига тушиб қолади ва ана шу даврадаги таҳсин ва мақтовга сазовор бўлади. Шунда Аҳмад Унсурий шоирга «Зебо қилиб айтдинг, магар сенга салтанатнинг тарихларидан вуқуф бор эрур» дейди.

Буюк олим ва мутафаккир Давлатшоҳий Самарқандий ўзининг «Тазкирайи Давлатшоҳий» асарида ана шу воқеаларни бундай ҳикоя қилади:

«Алқисса, Фирдавсийдин сўрдиким, «сен «Шоҳнома»ни назм қила олурмусен». Фирдавсий айтди: «Бале, иншооллоҳ».

Устоз Унсурий бу маънидан шод ва хуррам бўлди, дарҳол арзга еткурдиким, бир жавони Хуросоний келибдур, бисёр хуштаъб ва суҳандорликка қодир турур. Гумони банда улдурким, тарихи салотини Ажамнинг назми уҳдасидин чиқа олур»...

Шундан сўнг Унсурий уни Султон ҳузурига олиб киради. Фирдавсийнинг оқилона сўзлари подшоҳга ёқиб қолади, сўнгра Фирдавсийга «Шоҳнома» ёзишни топшириб, ҳар бир байтига бир тиллодан беришни ваъда қилади.

Султон Маҳмуд шу куннинг ўзидаёқ барча масалаю муддатларни белгилаб, Фирдавсийга кўп эътибор кўрсатди. Шундай қилиб, Фирдавсий девондаги шоирлар мажлисидан ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Фирдавсий бир неча йил Маҳмуд Ғазнавий даргоҳида истиқомат қилди. Шоирлар мажлисларида, мушоира кечаларида, боғ сайлларида энг азиз, иқтидорли шоир сифатида иззат-ҳурмат кўрди. У ўзининг назм мулкида тенгсиз шоири замон эканлигини кўрсатди, тафаккурининг тезкорлиги, сўз гавҳарларидан моҳирона фойдалана билиши, айниқса, қадим афсоналар, ривоятлар, ҳикоятлар билағонлиги билан сарой аҳли ўртасида обрў-эътибор қозонди, шоҳ саройида кўп иззат-икромда яшади. Назм-наво кечаларида, мушоира давраларида, боғ сайрларида фаол қатнашар, янги ёзган ашъорлари, ё бўлмаса «Шоҳнома»нинг қаламга олинган айрим дostonларидан парчаларни вақти келганда Султонга ҳам ўқиб берарди. Бундай пайтларда ҳар сафар Султоннинг эъзоз ва олқишига сазовор бўлиб, шоҳона тухфалар олар эрди.

Давлатшоҳий Самарқандийнинг ёзишича, Фирдавсий тўрт йил Султон саройида туради, сўнг ҳукмдордан руҳсат сўраб, ўз ватани Тусга равона бўлади, кейин яна Ғазнага қайтиб келади. Ушанда шоир «Шоҳнома»нинг тўрт қиссасини ёзиб битирган эди. Давлатшоҳ ёзади: «Арзга еткурди ва Султоннинг назари кимё асарига мақбул айлади ва Султон гоҳ-гоҳ унга навозиш ва меҳрибонлик кўргузур эрди... шоирга алоҳида эътибор ва илтифот билан унга мураббий этиб, вазир хожа Аҳмад Ҳасанни тайинлаган эрди».

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳукмдорнинг Фирдавсийга нисбатан кўрсатаётган меҳр-муруввати баъзи сарой аҳдларининг гашига тегар, адиблар мажлисидаги айрим шоирлар, амалдорлар ҳам унга ҳасад кўзи билан қарашарди. Давлатшоҳийнинг ёзишича, «Аёз ул маънидин ичи куйиб, адоват юзасидан арзга еткурдиким, Фирдавсий рофизи турур. Султон Маҳмуд дин ва мазҳабда бағоят маҳкам эрди ва анинг назарида ҳеч тойфа рофизидин душманроқ эрмас эрди. Султоннинг хотири ул сабабдин Фирдавсийга мутағаййир бўлди...»

Албатта, саройдаги бундай муҳит шоирнинг асабларига ҳам таъсир қилмай қолмас эди. Давлатшоҳнинг ёзишича, ҳатто, Султон Маҳмуд ана шу игво, фиқ-фасодларга берилиб, бир куни Фирдавсийни ўз ҳузурига чорлаб: «...сен кароматий эркансан, буюрсам то сени филларнинг аёқи остида ҳалок қилсалар, то ҳама кароматий, яъни рофизийга ибрат бўлса», деган. Шунда Фирдавсий Султонга: «Ман кароматий эрмасмен ва ман аҳли суннат ва жамоадин турурмен, менга бўҳтон қилиб турурлар», деди.

Мазкур битиклардан маълумки, шоирни кўра олмайдиган фитначи гуруҳлар Султон Маҳмудни чалғитиб, қандай қилиб бўлмасин, ҳукмдорнинг шоирдан кўнглини қолдирмоқчи бўлган эдилар.

Фирдавсийга нисбат берилган Султон Маҳмуд ҳақидаги ҳажвияда Султон Маҳмуднинг таги-тахти, насл-насаби ҳақида ҳам ҳақоратли сўзлар борки, ўқиб, чуқур мулоҳаза юритадиган бўлсак, уни Фирдавсий ёзганлигига ишонгингиз келмайди. Чунки бизгача етиб келган маълумотларга қараганда, Маҳмуд Фазнавийнинг асл насаби «тегин»лар авлодига мансубдир. Унинг бобоси паҳлавон Алптегиннинг уч фарзанди бўлган: Исҳоқтегин, Билгатегин ва Султон Маҳмуднинг отаси Сабуктегинлардир.

Маълумки, Сабуктегин Жайҳун бўйидаги Сомоний лашкарлари билан бўлган қаттиқ жангга минган тулпорининг қорнига ўқ тегиб, оёғи от остида қолади. Шунда сомонийларнинг бир лашкарбошиси уни асир этиб, қўлига кишан солиб, яна бир неча асирлар билан Бухоро бозорида қулжаллобга арзонгаровга сотиб юборади. Ана шу оз муддат ичида Сабуктегин замон тақозоси билан қулликка тушиб қолади. Қулжаллоб кўп қулларни йўлма-йўл сотиб, Сабуктегинни охири Нишопур ноибига пуллайди. Шундан сўнг Сабуктегин ноибга жон-дилдан хизмат қилиб, бора-бора унинг ўғлидек бўлиб қолади ва ниҳоят ноиб оғир хасталик чоғида уни ўзига ворис этиб тайинлайди. Шундай қилиб, кейинчалик Сабуктегин Фазна салтанатига асос солади. Бу ҳақда атоқли тарихнавис олим Абулфазл Байҳақий «Маъсуд тарихи»да батафсил ҳикоя қилган.

Ушбу ҳикоятни келтиришимиздан мақсад ҳажвияда ёзилганидек, гўё Султон Маҳмуд «қулбачча» ҳам эмас, «нопоқлар наслидан» ҳам бўлмаган. Афросиёб тарихини дoston этиб ёзган Фирдавсий Сабуктегиннинг аслзодалар, паҳлавонлар авлодидан эканлигини билмаслиги мумкин эмас эди. Зеро, паҳлавон Афросиёб аслида туркий қавмлар авлодидан бўлган, унинг асли исми шарифи Эр Тўнға эди. Эронликлар уни Афросиёб деб аташган. Сабуктегин бўлса, Эр Тўнғани ўзига устоз, пир деб билган, унга тақлид этган, унинг ҳақида яратилган халқ кўшиқларини севиб куйлаб юрган. Шу боис Фирдавсий Султонни бу даражада камситиб ерга уриши, ҳақоратлаши мутлақо қуюшқонга сифмайди, мантиққа ҳам тўғри келмайди.

Султон Маҳмуд «Шоҳнома»ни бир неча кун давомида сарой қорисига ўқитиб эшитади. Ҳатто боғда дам олаётган қизлари ҳам бўшаган варақларни ўқиб, энг ибратли сатрларини ёдлаб олганлар. Султон «Шоҳнома»ни бошдан-оёқ эшитгач: «Одам Атодин шу дамгача ҳеч ким бунчалик кўп ва ҳўб айтмагон ва айтолмайди ҳам» деган. Кейин ваъда қилинган олтинларни шоирга бериб юборинглар, деб амр-фармон этган.

Султон жуда ҳам ҳақ гапни айтган, шоир меҳнатига жуда катта баҳо берган. Ахир «Шоҳнома» Фирдавсийнинг қалб кўри билан дунёга келди. Олтмиш минг байтнинг ҳар сатри кўз нури, юрак дарди билан битилган. У шоир йигитлигининг қаймоғини олди, бутун умри, ёшлигини Ажам тарихини назмга солишга бағишлади. Халқ билган афсонаю ривоятларни ҳеч эринмай йиғди, бормаган, кўрмаган жойи қолмади. Ахир ўттиз йилдан ортиқ давр — бир йигитнинг умри, бунинг учун мустаҳкам ирода, чидам, ўқиш, тарих саҳифаларини эринмай бирма-бир синчковлик билан варақлаш лозим эди. Бир сатр шеърни ёзиб қуйиб,

кейин уни асослаш учун тонг отгунча эринмай китоб варақлаган вақтлари бўлди. Ҳатто тушида ҳам ўша қаламга олаётган қаҳрамонлар сиймоси кўз ўнгидан ўтар, кейин уйқуни тарк этиб, тонг отгунча қалам тебратар эди.

Шоир ҳукмдордан доим миннатдор бўлиб яшаган. «Шоҳнома»нинг бошланишида Султон Маҳмуд шаънига атаб битилган кулловда шундай гўзал, чиройли иборалар назм этилганки, бундай сўз гавҳарлари фақат Фирдавсий забонигагина хосдир.

Мана энди, масалага яна ҳам жиддийроқ ёндошадиган бўлсак, нима учун султоннинг буйруғи бажарилмай қолган. Барча муаммо, ноаниқлик ана шунда. Ким шоирни алдаб, олтин ўрнига кумуш танга бериб юборган? Таниқли олим Ҳомиджон Ҳомидий бир неча бор қайта нашр этилган «Кўҳна тарих дурдоналари» асарида таъкидлашича, Фирдавсийнинг Султон Маҳмуд ҳақидаги ҳажвияси Фирдавсий ҳали Ғазнадан чиқиб кетмасдан тезкорлик билан ёзилгани, бир неча нусхада шаҳарга тарқалиб, машҳур бўлиб кетиши ва ўша куниёқ Султон Маҳмуд Ғазнавийга етказилиши ҳеч қачон ақлга сиғмайдиган бир жумбоқдир. Яна қизиғи шундаки, Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзиб, тугаллаб Ғазнага олиб келганда, саксонга кириб қолган мункиллаган чол эди. Унинг Ғазнадан чиқиб, тезда гойиб бўлиб қолиши, шаҳарма-шаҳар қочиб юришига мадори ҳам, имкони ҳам йўқ эди.

1996 йилда Эрон олими Муҳит Таботабойининг «Фирдавсий ва «Шоҳнома» деган мақолалар тўплами босилиб чиққан. Олим тўпламдаги «Султон Маҳмуд ва Фирдавсий», «Султон Маҳмуд ва «Шоҳнома» мақолаларида, жумладан, шоҳ ва шоир муносабатларига баҳо бериб қуйидаги фикрларни билдирган:

«Султон Маҳмуд билан Фирдавсий муносабатини аниқлаш бўйича «Шоҳнома» матнидан бўлак ҳикоя ва афсоналарни қабул қилувчи кишилар китобнинг кўп жойларида ёзилган мана бу ва шунга ўхшаш фикрларга назар ташласа яхши бўларди. Шунда (унга) Фирдавсий қай даражада Султон Маҳмудга ва Султон Маҳмуд эса унинг асарига алоқадорлиги маълум бўларди. Шоир Султон саройида ва худо раҳмати бўлганидан кейин эса у дунёда шоҳнинг тўхфаси, яъни Султон Маҳмуднинг берган совғасини жаҳонда хотира сифатида қолишини орзу қилади. Иттифоқан, қадимги «Шоҳнома» муқаддимасида ёзилган бу нарса амалда ҳам шундай бўлди. Яъни, Султон Маҳмуд шоир асарини охирига етказганидан кейин Ғазнадан Тусга юборган маблағи етиб келди ва қизининг талаби ҳамда Маҳмуднинг кўрсатмасига биноан қабри устида ҳашамамли мақбара қуришди. Бу мақбара мўғуллар босқинигача Тусда ўз жойида обод турган. Мақбарага сарфланган маблағдан ортиқчасига бир қишлоқ сотиб олинди ва у мақбарага вақф қилинди».

Иккинчи мақолада эса шундай дейилади:

«Биз шоир асарини бошдан-охир жуда диққат ва синчковлик билан ўқиб чиқдик. Шоир билан Султоннинг муносабати ҳар доим бир-бирига яхши ва мулоийм бўлган.

Билмадим, «Ҳажвнома» ёзишга шоир қачон, қайси замонда мажол топди экан. Чунки «Ҳажвнома» ёзилган 402 ҳижрий йилида шоир 80 ёшли, куч-қувватдан қолган чол эди. Кўзи ожиз ва қулоғи оғир, оёғи бўшашган ва у шуҳардан бу шаҳарга қочиб юришга куч-қуввати етмасди».

Машҳур чех шарқшуноси академик Ян Рипка «Форс-тожик адабиёти тарихи» китобида (Москва, 1970 йил) ҳам (бу асар рус, немис, форс тилларига таржима қилинган) Султон билан шоир муносабатларига тўхталиб, Фирдавсийнинг ҳукмдор ҳақида битган ҳажвияси маҳсус ёзилган алоҳида асар эмас, балки у «Шоҳнома»нинг турли бобларидан олинган юз сатрлик сунъий шеър деган фикрни илгари суради. Бундан мақсад муаллифлар, афтидан, ҳажвноманинг ёзилиш усули, гўё Фирдавсийга хослигини сақлаб қолмоқчи бўлишган.

Чех олими Ян таъкидлайдики, Султон Маҳмуд «Шоҳнома»нинг юксак ва тенгсиз бадиий асар эканлигини тан олиб, юқори баҳолаган ҳамда буюк асар тағида ётган шиа мазҳабига оид ғояларини ёқтирмаган. Ва сарой аъёнлари подшоҳнинг ана шу кайфиятидан фойдаланиб, шоир билан Султоннинг яхши муносабатларига раҳна солишга уринганлар ва бунга эришганлар.

Фикримизча, — дейди чех олими, — ҳажвноманинг дунёга келиши ана шу кайфият билан боғлиқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс «История культуры и литературы Ирана» китобида (Москва, 1988 й.) ҳам ана шу муносабатларга тўхталиб, шоирнинг ҳажвияси ҳақиқатдан ўйлаб чиқарилган бир нарса, аслида Фирдавсий томонидан ёзилганлигига ишониб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Биз Фирдавсий ва Султон Маҳмуд Фазнавийнинг ўзаро муносабатлари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларимизни баён этдик. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, Султоннинг ваъда қилинган ақчани бермаганлиги, шундан кейин Фирдавсийнинг Султон Маҳмуд ҳақида ҳажвнома ёзиши, ҳар икки буюк сиймонинг обрў-эътиборига соя солмайдимикан, ахир бири улуг шоир, бири буюк ҳукмдор бўлса! Султон Маҳмуд гирром, хасис, деб буюк шоирга ҳурматсизлик қилганликда айбланмоқда, Фирдавсий бўлса, Султон саройида иззат-ҳурматда яшаб, ундан кўп маънавий, моддий мадад олиб, оқибат-натигада Султонни ҳажв қилиб, бу билан гўё ўз шаънига ҳам ёмон ном қолдиргандек. Ҳажвномани ёзиб, Фирдавсийга ҳам, Султонга ҳам тўхмат қилган гийбатчи, галамислар бўлса, фош этилмай, барча сиру асрорни ўзлари билан тупроққа олиб кетгандай туюлади.

Султон Маҳмуд Фазнавий Шарқда буюк туркий давлат барпо этган атоқли давлат арбоби бўлса, Фирдавсий газнавийлар салтанати даргоҳида «Шоҳнома»дек тенги йўқ асар яратган улуг шоир ва мутафаккирдир. Уша даврдаги Фазнада ижод қилган, ҳар бири бутун дунёга арзийдиган шоиру алломалар, шу жумладан, Фирдавсий ҳам ана шу буюк давлат доирасидаги маънавий-маърифий уйғониш даврининг ижодкорларидандир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бизнинг ота-боболаримиз Фарбга эмас, Шарқ маърифий-маънавий оламига тақлид этганлар, ҳатто давлат ишлари ҳам, шоиру алломаларнинг асарлари ҳам кўпроқ форсий, кейинчалик араб тилида ёзилган. Султон Маҳмуд Фазнавий ўз она тили — туркий тилдан ташқари форс ва араб тилларини яхши билган маърифатли ҳукмдор бўлган. Кўп китоблар мутолаа этган, ҳатто газаллар битган. Мусиқа, қўшиқ, гўзаллик ихлосманди бўлган. Фазна салтанатидаги машҳур шоирларнинг шеър, дoston, қисса-қасидалари ҳам асосан форс тилида ёзилган. Энг буюк асарлар сомонийлар, қорахонийлар, газнавийлар давлати паноҳида, уларнинг маънавий-маданий ҳомийликлари доирасида юзага келган. Жумладан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ҳам Султон Маҳмуднинг паноҳида, унинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли яратилиб қолган. Минг йиллардан бери дунё тарихшунослари, адиблари томонидан икки улуг зотнинг муносабатлари ҳақидаги битикларда «Шоҳнома»дек буюк асарнинг яратилиб қолишидек тарихий воқеадан кўра, Султон «Шоҳнома»га ваъда қилинган тилла танга ўрнига нуқра бериб юборган деган анча сийқаси чиқиб кетган қарашлар, икки қадимий иқтидорли халқлар — форсийлар билан туркий халқлар ўртасидаги азалий ҳамдўстлик алоқаларига озгина бўлса ҳам раҳна солмоқдаки, бу чиқишлар, минг афсуски, ҳануз давом этиб келмоқда.

Давлатларимиз мустақил тараққиёт йўлига кирган, миллий анъаналаримиз, тарихимиз ҳар томонлама қайта тирилиб, тилимиз, дину диёнатимиз, ўзлигимиз қайтиб келган нури замонда Шарқ халқлари тарихининг биз қаламга олган ана шу саҳифаларини қайтадан кўриб чиқиш вақти етмадимикин?





Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

## Ёзувчилик – машаққатли меҳнат

**А**мерикада чиқадиган “Эсквайр” журнали ўзининг 1935 йил октябр сониди Э.Хемингуэйнинг “Маэстро” билан мулоқот” асарини эълон қилди. Унда машҳур ёзувчи ёш қаламкашларга, гарчи ҳазил тариқасида, лекин фойдадан холи бўлмаган қимматли маслаҳатлар беради. Адибнинг Ки-Уэстда ва Кубадалик пайти ёзилган мактубларида “маэстро” сўзи бот-бот учраб туради. Хўш, “маэстро” ким ўзи? Бу адабий қахрамон эмас, балки донгдор ёзувчи билан роса бир йил бирга яшаб, унинг сабоқларидан озиқ олган реал шахс эди.

Бирда Миннеаполис дорилфунуни журналистика факультетининг 22 ёшли битирувчиси Арнольд Самуэльсон маҳаллий “Трибюн” газетасида амалиёт курсини ўтаркан, Флорида штатида, Хемингуэй хузурига бормоқчи бўлади. Ўзининг қадрдон Мичиган штатидан Флоридагача қарийб икки минг километрли масофани йўловчи уловларда босиб ўтган мухбир Хемингуэйнинг уйини излаб топади. Бир куни тонгда у тўғри ёзувчиникига кириб боради ва дабдурустдан ундан ёзувчилик борасида таълим беришини илтимос қилади.

Шуниси ажабланарлики, Хемингуэй қутилмаган меҳмоннинг “камтарона” илтимосига рўйхушлик билдиради: ундан орзулари, келажакдаги режалари ҳақида батафсил сўраб-суриштиради. Сўнгра, баҳолиқудрат кўмаклашишга ваъда бериб, йигитдан ўзининг машҳур “Пилар” яхтасига соқчилик қилишини сўрайди ва кунига бир доллардан унга мояна ҳам тайинлайди. Тиришқоқ мухбир дарров рози бўлади ва бир йил мобайнида ўз вазифасини астойдил бажариб келади. Улар деярли ҳар куни

балиқ овига чиқишар, ишдан бўш пайтлари у “Ота”га скрипкада куйлар чалиб берарди. Шу боис уни ҳамма “маэстро” деб чиқарар эди.

Улар кўпинча очиқ денгизда ёлғиз қолишарди, шунда турмуш ҳақида, одамлар ва балиқ ови тўғрисида суҳбат куришарди, аммо “маэстро”ни ҳаммадан ҳам “ота”нинг ёзувчилик хусусидаги қарашлари қизиқтирарди. Соҳилга қайтгач, у устозининг ўғитларини пайдар-пай қоғозга тушириб борарди. “Маэстро” қисса ва ҳикояларини таҳририятларга йўллар, лекин улар чоп этилмасдан қолиб кетаверар эди. Барибир интилувчан йигитнинг меҳнатлари зое кетмади – “Мотор-боатинг” овчилар журнали унинг ҳикоясини босиб чиқаради. Севинчини яширолмаган устоз: “Энди сени ҳам ёзувчи деса бўлади, маэстро”, – деб қўяди.

Орадан бир неча йил ўтиб, А.Самуэльсон ўзининг “Дарбадарлар Мексикаси” романини эълон қилади. 1955 йилда “Эсквайр” журнали унинг “Битта – бу жуда кўп дегани” ҳикоясини чоп этгач, қутилмаганда устозидан қуйидаги мазмунда телеграмма олади: “Эсквайр”да босилиб чиққан асарингиздан бағоят мамнунман. Сиз билан фахрланаман. Эзгу тилақлар билан Эрнест”.

Бироқ Арнольд Самуэльсоннинг шу йиллар давомида Хемингуэй ҳақида, буюк устози билан Ки-Уэстда ва Кубада бирга ўтказган дамлари тўғрисида китоб ёзиш билан машғул бўлганлигини ҳеч ким билмас эди. Фақат орадан тўрт йил ўтиб, Самуэльсоннинг вафотидан кейингина, қизи Диана отасининг столи устидан

“Эрнест Хемингуэй билан ёнма-ён” номли каттагина қўлёзмани топиб олади. У 1984 йили АҚШда китоб бўлиб чиқди. Қуйида буюк ёзувчининг ёш мухбир билан ёзувчилик маҳорати хусусидаги айрим мулоқотлари илк бор эълон қилинмоқда.

– Бир ўтиришда ҳаддан зиёд ёзиб юбормаслик – ёзувчилик фаолиятининг устивор қоидасидир. Ботинингизда йигилиб қолган кечинмаларнинг барини бирваракайига тўкиб солманг. Эртанги кунга ҳам қолдиринг. Ёзувчиликда энг муҳими – вақтида ёзишдан тўхтаб билиш. Қўлингиз келиб қолишини зинҳор кутиб ўтирманг. Агар ҳаммаси хамирдан қил суғургандай силлиқ кетаётган ва сиз ҳикоянгни қизиқ жойига келиб қолгансиз-у, у ёғи нима бўлишини олдиндан билгандай, – худди шу ерда ўзингизга дам беринг. Қоғоз ва қаламни четга суриб қўйиб, у ҳақда бошқа ўйламанг; ҳали пишмаган асар шуурингизда маромига етсин.

Кечаси мириқиб ухлаб олгач, эртасига ўзингизни тиниққан ҳис этсангиз, ёзганларингизни бошқатдан кўчириб чиқинг. Қўлёзманинг кечаги қизиқ жойидан бошлаб, давоми қандай кечишини билганингиз ҳолда, диққатни тортадиган жойга етгунча қоғоз қоралайверинг. Ишни айнан шу йўсинда тугатганингиздан кейин, ҳикоянгни мароқли ва ажиб лаҳзаларга бой чиққанлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳар куни асарнинг аввал-бошига қайтиб, уни янгиликдан кўчириб чиқинг. Салмоғи хийла ошгач, қўлга яна қалам тутиш олдидан қиссанинг кейинги 1-2 фаслини диққат билан ўқиб чиқинг ва уларни бошқатдан оқ қоғозга туширинг. Ҳафтада кам деганда бир марта қўлёзманинг муқаддимасига қайтинг ва барини бир бошдан ёзиб чиқинг. Ўшанда сизда яхлит асар пайдо бўлади. Қисса битгач, сизнингча, унинг матнидан олиб ташланиши керак бўлган сўз ва ибораларни қидириб топинг. Энг асосийси – айнан нималарнинг кераксизлигини англаб етишда. Матндаги ўринсиз жумла ва гаплардан воз кечишингизга қараб, иқтидорингиз нечоғлик ўсгани ҳақида фикр юритиш мумкин. Модомики, қиссангиздан, бошқа асарларда баланд нуқта

ҳисобланадиган эпизодни тушириб қолдира олсангиз, ишончингиз комил бўлаверсин: сиз тўғри йўлдасиз...

Ёзувчилик кўтара савдо, оғир қўл меҳнатидан иборат иш экан, деб қўп ҳам руҳингизни тушираверманг. Бу – бор гап, лекин илож қанча. Мен “Алвидо, кўрол!”нинг биринчи қисмини салкам 50 марта кўчириб чиққанман. Бунинг учун қатта сабр-тоқат керак. Ҳа, айтгандай, ўзинг билмаган нарсага зинҳор қўл урмаслик лозим. Муғлақо хаёлот билан боғлиқ нарсалар поэзияга дахлдор. Қаламга олганингиз – жой, сиз таърифини келтирган одамларни яқиндан билишингиз лозим, акс ҳолда асарингиз аллақандай бўшлиқда осилиб қолади. Сўнг, ёзиш баробарида ўйлаб топаверасиз. Айтайлик, қиссанинг бир улушини ёзиб тугатдингиз, эртага нималар ҳақида ёзишни билсангиз-да, индин, яна икки кундан кейин ёзилажак нарсалардан муғлақо беҳабарсиз. Қисса ниҳоясига етгунча ижод шу зайлда давом этаверади.

– *Ижод қилишга киришаркансиз, миянгида унинг аниқ белгиланган сюжети йўқлигига қарамасдан, қалам тутаётган деб ўйлайсизми?*

– Энг яхши ҳикояларимни худди шу услубда яратганман. Агарда кўнглингизда ҳикояга арзигулик ажабтовур сюжет бўлса, дарров ёзишни бошланг. Уни бир ўтиришда қоғозга туширасиз. Аммо-лекин энг зўр асар бир кунда эмас, ҳафталар, ойлар давомида бунёдга келади. Бу анчайин мушкул, бироқ наинки ўзингиз, балки ўқувчингиз учун ҳам хийла мароқли иш. Модомики машқларингиздан бирон жўяли нарса чиқишини ўзингиз билмас экансиз, буни китобхон қаердан ҳам билсин.

Кенг жамоатчилик ва танқидчилар ўртасида эътироф этилган барча ажойиб асарларни мутолаа қилиб бориш керак, чунки сиз ёзган қисса ёки ҳикоя олдингиларникига ўхшаб қолса, табиийки, улар сизга ҳеч нарса бермайди. Сиз улардан-да беҳроқ ва теранроқ ёзишингиз зарур.

*Айтганча, қайси адибларни севиб ўқийсиз?*

– Стивенсон, Торо... Ҳаммасини бирданга айтиб беролмайман-ку...

– “Уруш ва тинчлик”ни ўқиганмисиз?  
 – Йўқ.  
 – *Жудаям яхши роман. Албатта ўқиб чиқинг. Ҳозир мен хонамга ўтиб, биринчи навбатда ўқиб чиқишингиз шарт бўлган китоблар рўйхатини тузиб берман.*

Бир қарашда бир нарса дея олмайман-у, лекин жиддий одам кўринасиз... Сермулоҳазалик – ижодкор аҳлининг асосий хислати. Қалами ўткир ёзувчининг довруги оламни тутади. Шунингдек, тасаввурга ва ифодалиликка бойлиги билан бу машғулот юксак санъат чўққиси ҳамдир. Кишида салоҳият ҳам бўлиши шарт. Ахир баъзилар умуман ёза олмайди. Баъзан укувингиз йўқлигини сезиб қолсангиз, қандай иш тутган бўлардингиз?

– *Қайдам? Киши ўзида қобилият бор ёки йўқлигини фаҳмлаши мумкинми?*

– Асло. Иқтидор кутилмаганда яшиндек ярқ этиб чақнаши учун ёзувчи тинмай ёзишига тўғри келади. Зеро, истейдодингиз бўлса, эртами-кечми у албатта ўзини намоеъ этади. Гарчи ёзувчилик барқарор даромад манбаи бўлмаса-да, сизга мунтазам ижод қилиб туришини маслаҳат берман.

– *Тасаввур ҳақида нималар дея оласиз? Башарти ёзувчида фантазия бўлмаса ҳам бўлаверадими?*

– Ижод қилиш жараёнида тасаввурингизни бойитиб боринг.

– *Кишининг ўзи азалдан ношуд бўлса-чи?*

– Баъзан шундай ҳам бўлиб туради.

– *Ўтган йили мен бир қанча штатларни дарбадар кездим, оғир юк уловларини бошқардим. Саргардонлик ижодкор учун яхши тажриба мактаби вазифасини ўташи мумкин дейсизми?*

– Ҳа, ўтайди. Бу менинг ҳам бошимдан кечган. Ҳозир эса оиламга тугал боғланиб қолганман. Бундан ташқари, ўз шахсиятингни ўрганмоқчи, юриш-туришингни кузатмоқчи бўлсанг, фақат йўл юришдан иш чиқмайди. Бирон жойда хийла вақт кўнин топиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўришинг, ўзлигингни англаб етишинг лозим. Оддий шарт-шароитлардан ҳам маҳрум дайдиларнинг бу қўналгаларидан материал тўплай билиш керак.

“Гекльберри Финнинг саргузаштлари”ни ўқиганмисиз?

– *Жудаям илгари.*

– Яна ўқиб чиқинг. Бу Америка адиби қаламига мансуб энг ажойиб роман. Америка адабиётининг ибтидоси бу. Стивен Крейнинг “Мовийранг меҳмонхона” романини ўқиганингиз борми?

– Ўқиганим йўқ.

– Мана сизга ҳар бир ёзувчи мутолаа қилиши шарт асарлар рўйхати. Булар бўлғуси қаламқаш ўзлаштириши зарур мажбурий таълимнинг бир қисмидир.

Стивен Крейн – “Мовийранг меҳмонхона”, “Очиқ китоб”

Гюстав Флобер – “Бовари хоним”

Жеймс Жойс – “Дублинликлар”

Стендаль – “Қизил ва қора”

Сомерсет Моэм – “Башарий эҳтирослар юки”

Лев Толстой – “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”

Томас Манн – “Будденброклар”

Жорж Мур – “Идеализмнинг инкор этилиши”

“Инглиз шеърятининг Оксфорд китоби”

Ф.М.Достоевский – “Ака-ука Карамазовлар”

Эдуард Каммингс – “Маҳобатли хона”

Шарлотта Бронте – “Жэн Эйр”

Генри Жеймс – “Америкалик”.

Мабодо ушбу асарларни ўқимаган бўлсангиз, унда бадиий савиянгиз паст экан. Бу асарлар ўзида ёзувчилик санъатининг турли услубларини мужассам этган. Уларнинг айримлари сизни зериктирса, баъзилари шундай маҳорат билан ёзилганки, роман-навислик сизга, гўё эришиб бўлмайдиган орзудек туюлади.

– *Романни бошлашдан аввал унинг сюжетини ривожлантириш мақсадида, албатта, режа тузиб чиқиш, ҳали ёзилмаган асарни болларга ажратиш кераклиги тўғрисида ўқиганман...*

– Бекор гап! Башарти режа асосида ёзадиган бўлсангиз, унда китобхон сизни бир зумдаёқ фош этиб қўяди. Баён усулингиз зўрма-зўраки чиқади, фантазиянгиз қовушмай, ғайритабиий кўринади. Баъзан буларнинг бари нима билан туташи сизга олдиндан маълумдек

туюлади. Бироқ қаламга қўл урганинг ҳамон ҳаммаси бутунлай бошқача тус олади. Асарнинг фасли қаерда туғашини ёш ижодкорлар ҳам билишади. Мен эса романни ёзиб тугатмагунча уни фаслларга ажратмайман.

— Ёзувчи ўз фаолиятини газета ва арзон-гаров нашрлардан бошлаши керак дейишади...

— Мутлақо нотўғри! Бу сафсатага асло ишонманг! Ёзувчи бўлишга аҳд қилдингми, пул топишни мухбирлик ёки бошқа касб-кордан ахтаришинг керак. Дарвоқе, мўмай пул топиш учун ёзувчилик қилиш шарт эмас. Агарда кундалик ёки ҳафталик нашрлар учун ҳар хил бўлмағур нарсалар ёзиш билан ўзингни овра қилаверсанг, натижада ҳеч қачон қалам тебратишни ўргана олмайсан. Бунинг учун киши бир муддат мухбирлик қилиб кўриши, бармоқларини қавартиб ишлаши зарур, чунки яхшигина “чигил ёзди” машғулоти — журналистика тилни мукамал эгаллаш омили бўлиб хизмат қилади. Ва яна ҳар куни машқ қилиб туриш лозим. Кўрган-кечирганларингизни оқ қоғозга тушириб боришга, уларнинг жонли ва ёрқин баён этишга эришмогингиз даркор. Мопассанга шундай ёзишни Флобер маслаҳат беради. Бирон нарсани, айтайлик, бандаргоҳдаги юк вагонини, денгиз бўғозидан гувранаётган тўфонни безовта мавжланаётган денгиз сувларини қаламга олинг. Буларнинг барига рухий таассуротларингизни жо қилиб ёзинг. Зеро, мана шундай ҳар куни ёзиб боришни одат қилсангиз, уларни жон деб ўқиб чиқардим.

— Бир кунда нечта сўз ёза оласиз?

— Ҳар хил. Баъзан бир ўтиришда анча-мунча қоғоз қоралаб ташлайман, гоҳида бир неча кунлаб қўлим келишмай қийналиб юраман.

— Бернард Шоу, ёзувчиликни бўйнига олган киши ҳар куни кам деганда мингтагача сўз ёзиб бориши керак, деб таъкидлайди.

— Йўқ, бу жудаям кўплик қилади. Бир кунда мингта сўз битиш — бағоят мушкул иш. Башарти шу зайлда ишлайдиган бўлсангиз, кўп ўтмай ийигингиз чиқиб кетиб, ҳар хил бўлмағур нарсаларни ёза бошлайсиз. Бир кунда 500 та сўз ёзганингизда, бунча кўп сийқа гап-сўзлар “тизим”ни китобат этадиган ноширни топиш

жудаям қийин. Бир юз саксон мингта сўз — бу бир йилда иккита роман дегани.

— Нима бўлгандаям ёзувчиликка иштиёқим баланд. Бироқ ҳар сафар, қўлимга қалам тутарканман, ўзимни беҳуд ва ночор ҳис қила бошлайман.

— Бу ҳали ҳеч нарса дегани эмас. Масалан, мен ҳар гал, ёзишга ўтирарканман, лоақал икки мисра хат битишгаям ожиздек сезаман ўзимни. Ёзувчилик нақадар заҳматли иш. Бу касблар орасида энг мушқули! Агарда у осон бўлганида, унда ҳамма ёзувчиликни ихтиёр этармиди... Камдан-кам кишиларнинг қўлидан келгани учун ҳам уларга яхшигина пул тўлашади. Шунинг учун ёзгандаям зўр ёзиш керак!

— Ҳикоянигиз ўқишли чиқиши учун нима қилиш керак?

— Анчайин кишилар қизиқ бир воқеани оқ қоғозга тушириб, уни таъсирчан баён эта оладилар. Ҳамма гап ҳадеганда кўзга ташланавермайдиган осуда, жўн воқеани қизиқарли, сермазмун, ҳиссиётларга бой қилиб ифодалай билишда.

— Энг яхши асарларингиз шахсий ҳаётингиздан олиб ёзилганми?

— Мен уларни ўйлаб топганман. Воқеа, ҳодисаларни бичиб-тўқиш керак. Шахсий ҳаётини қузатган ўн кишингиздан атиги биттасининг кечинмаларини қаламга олиш мумкин. Масалан, бирон танишингизни ёши, исм-фамилияси, насл-насабини ўзгартириб, уни умрида кўрмаган мамлакат фуқароси қилиб, ундан ишонарли персонаж яратиш мумкин. Асар қахрамони учун бирон қизиқарли ҳолат яратиб, воқеа-ҳодисаларнинг жонли, тўлақонли чиқишига эришинг. Агар ўйлаб топиш, кашф этиш ҳадисини эгаллаб олган бўлсангиз, кўнглингизга сиққанича ёзаверинг.

Миянгизга ажойиб бир фикр келиб, сизни безовта қила бошласа, дарҳол уни қоғозга тушинг. Бир ўтиришда яратиладиган асарлар айнан шундай ёзилади. Ёдимда, бирда иккита ҳикояни бирданга ёзиб ташлаганман. Биттасини тамомлаб, ҳеч қандай чарчоқ ҳис қилмадим ва иккинчисиниям қотириб ташладим. Сиз тайёр ҳикоянгни 1-2 ҳафта чеккага ташлаб қўйинг. Кейин, уни ўқиётганингизда, сизда муаллифнинг эмас, ўқувчининг тасавури уйғонади...

— Мендаям ёзувчилик иқтидорини шаклландирмадингиз?

– Бунинг учун сизда барча имкониятлар мавжуд. Башарти ҳар биримиз довруғи оламни тутадиган буюк ёзувчи бўлишдек рўёга хомтамаликдан кечсаккина, орзумидларимиз ушалиши мумкин. Мен ибратли умр йўлини босиб ўтган инсонга адабиёт эшикларини очиб бердим. Унинг нечоғлик услубда ёзиши анчайин муҳим эмас, зеро яхши асар ёзган бўлса, у албатта ўз ноширини топади.

– *Киши ўзига тўғри йўл танлаганлигини идрок эта олиши мумкинми?*

– Ботинида алланима буни унга эслатиб туради.

– *Биласизми, мен яккаш чиройли сўзларга учиб юраман...*

– Бу – кўпларнинг қусури. Кенг китобхонлар оммаси ўртасида довруғ қозонган адабиёт ҳеч қачон ўз мавқеини йўқотмайди. Сен ўзинг ҳамиша мулоқотда бўлиб келган одамларнинг сўз бойлигидан ўз луғатингни қидириб топишинг лозим. Бу асрлар синовидан ўтган каломдир. Оддий, жўн сўзлар – сўзларнинг энг афзалидир.

*Русчадан  
Илҳом ҲАФИЗОВ  
таржимаси*

## Гаройиб салтанат

**Б**ора-бора тоғу тошлар чўкиши, дарёю кўллар қуриши, ям-яшил ўрмонлар ўтинлар уюмига айланиши, зўравонлик билан пайдо бўлган давлатлар емирилиши мумкин. Лекин болалик деб аталмиш гаройиб салтанат борки, у зинҳор завол кўрмайди, синалган қонун-қоидалари асосида яшайверади. Аввало, у замон, макон, ирқ, дин, жинс танламайди. Иккинчидан, болалик салтанати махлуқоту мавжудот билан ҳамиша, кенг кўламли алоқада бўлади. Маймун, масалан, баланд дарахтнинг учига чиқиб, ердаги рақибига банан ёғдириши, она-шер, болалари қатори, ўзга махлуқот резгисини бағрига босиши, ялаб-юлқаш, ёвуз одамдан аламзада бўлган бўри ундан қасд олишга чоғланиши, илонлар ноёб хазинани зийрак посбондай кўриқлашлари, мехрибон инсон лат еган ҳайвон, парранда, даррандани узоқ муддат даволаши мумкин. Учинчидан, гаройиб салтанатда одам боласи айиқ, итдан ҳид олиш маҳоратини, тулқидан мақр-ҳийла асрорини, шеру йўлбарсдан улугвор тажовузкорликни; кўзидан маъсумликни, булбулдан завқ-шавқни ўрганиши мумкин. Тўртинчидан, бу гаройиб салтанатда турли-туман алоқалар давом этаверади. Одам, хоҳласа, нариги дунёга, хоҳласа, инсу жинлар, дев-парилар маконига, хоҳласа, осмони фалакка, ўзга сайёраларга сайр қилиши табиий ҳол. Бу салтанатда дов-дарахт, махлуқот, чангалзорлар, дарёю денгизлар бир ёқадан бош чиқариб, ёвузликка қарши бош кўтариши, гўзал қизлар таъвия махлуқларга айланиб, нарса, ҳодисалар асл моҳиятидан ташқари кутилмаган вазифаларни бажариши мумкин. Чақмоқтош, сеҳрли чироқ (қалпоқча, таёқча, ковуш, сандиқ, хум), дулдул от, чақимчи чумчуқ ҳақидаги юзлаб асарлар ҳамиша диққатни жалб этиб келган. Компьютер, уяли телефонлар гаройиб салтанатни янги мавзу, қаҳрамон, имкониятлар билан бойитди. Хуллас, бу салтанатнинг туб илдизи, мустаҳкам суянчиги халқ оғзаки ижодидир. Муҳими, гаройиб салтанат хаёлот дунёси кенглиklarини бемалол кезиши мумкин. Унда шартлилик, рамзийлик, саёҳат, хаёлотга катта эрк берилади. Унинг ажойиботлари болалар адабиёти деб аталадиган мўъжизавий соҳада ўз ифодасини топади.

Болалар адабиёти панд-насихат, таълим-тарбияга оид маърифий асарлар билан узвий боғланиб кетади. Орифжон («Беш болали йигитча»), Зафар («Мунгли кўзлар»), Анатой («Эрта келган турналар»), Гогия, Хатиа («Кўёшни кўряпман»), Шум бола («Шум бола»), Камол («Саратон») деярли тенгдош, дарддош, етим — ўсмирлар. Орифжон, Зафар — болалар адабиёти қаҳрамонлари. Чингиз Айтматов, Нодар Думбадзе, Фафур Ғулом, Носир Фозилов ўсмир изгироблари, руҳияти орқали мураккаб ижтимоий-маънавий, сиёсий-руҳий масалаларни ўртага кўядилар. Бадиий асар муаммоси, ёзувчи нияти, характерларни ёритишдаги бетақдорлик болалар ва катталар адабиётидаги ўзига хосликни кўрсатади.

Ҳошимжон («Сариқ девни миниб» Х. Тўхтабоев), Бадал Армон («Капалаклар ўйини» Т. Рустамов), Ойбек, Сабоҳат («Дискотека» Ш. Ризаев)—тенгдош ўсмирлар, Х. Тўхтабоев анъанавий йўсинда, Тўхтамурод Рустамов модерн услубда, Шухрат Ризаев драматургик турда қаҳрамонлар характерини ёритганлар. Ёзувчилар уч йўлдан бориб, битта манзил — ўсмир руҳиятини очиб бериш нуқтасидан чиққанлар. Бадал Армон воқеликни, инсонун ҳодисаларни ўзича баҳолайди. Модерн адабиёт қаҳрамон руҳиятини очувчи майдонни кенг олади: Т.Рустамов ўсмир қаҳрамонларнинг табиий эҳтиёжларини тортинмасдан тасвирлайди. «Капалаклар ўйини» қаҳрамонлари ўйнаб-қуладилар, вақтихушлик қиладилар. Китобхонда шундай таассурот пайдо бўладики, роман қаҳрамонлари ўлим, хасталик, шахсий фожа сингари тушунчаларни англаб етмайдилар. Синчков китобхон капалаклар ўйинининг ажр-гуноҳлари йиғилиб бораётганини

ҳис қилади. Ш.Ризаевнинг «Дискотека»сида ҳам капалаклар ўйини кўрсатилгану, бу ўйин заминидаги фожиалар учи кўриниб-кўриниб қолади. ёшлар пулнинг қуввати, пулдорнинг ёвузлиги, худбинлиги нималигини тасодифан билиб қоладилар. Ш.Ризаев драмасида ўсмир қаҳрамонларнинг катта ҳаёт кучоғига қариб боришлари кўрсатилган. Х.Тўхтабоев яратган Ҳошимжон Рўзиев — реалистик тасвир самараси. Ёзувчи асосий қаҳрамон характери яратиш учун кўп изланганлиги, Ҳошимжонни минг чиғириқдан ўтказиб китобхонга маъқул қилганини сезиш қийин эмас.

Х.Тўхтабоев, Т.Рустамов, Ш.Ризаев асарлари қаҳрамонлари ўсмирлар. Лекин қаҳрамоннинг ёши асарнинг болалар ёхуд катталар адабиёти намунаси эканлигини белгиламайди. Болалар адабиёти қаҳрамонларида табиий ва ижтимоий муносабатларнинг мувозанати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳошимжон, Орифжон, Ақром, Зафарлар болалар адабиётининг қаҳрамонлари. Уларнинг руҳий-маънавий оламида кураш, баҳс давом этади. Зафар, Орифжон бошига унча-мунча одамни каловлатиб қўядиган ташвиш, фожиалар ёғилади. Ўсмир — қаҳрамонлар қийинчиликларни табиатларидаги болалик, ҳаётбахш руҳ билан енгиб кетмоқчи бўладилар. Уйлаб кўрилса, Орифжон, Зафар, Ҳошимжон, Ақром энг мушкул вазиятда ҳам болалик қилиб қўядилар. Болалик кўпинча уларга куч, руҳ, ишонч беради.

Болалар адабиётини кўп ўқиган киши бир хусусиятга эътибор бермаслиги мумкин эмас: болалар асарларида ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, ҳаётсеварлик мана ман деб кўриниб туради. Бу хусусият улардаги табиий туйғу, хислатлардан келиб чиқади. Яна ҳам аниқроғи, бола-ўсмир ҳамма нарсага ажойибот, ўйин, ҳавас деб қарайди. Мана шу табиий асос болалар адабиётининг туғи, байроғи, мадҳиясидир. Баъзи сиймолар болаларча табиийликдан умр бўйи жудо бўлмайдилар. Табиийлиги аниқ кўриниб турадиган инсон ёрқин, бетакрор характердир.

Болани азал-азалдан подшога менгзайдилар. Болалик уй бозорлигини, унда сир ётмаслигини айтадилар. Фарзанд кўришни — оиласига кичкина қуёш кириб келишини орзуламайдиган одам топилмайди. Бола — қувонч. Бола — бебаҳо неъмат. Бола — тилсим. Зийрак одамлар чақалоққа зехн солиб, унинг қандай инсон бўлишини билиб оладилар. Бўладиган боланинг ўнлаб белгилари илмий, бадиий адабиётда аниқ-равшан санаб берилган. Бола, мисоли, сирли қулф. Унга тушадиган калит боланинг қилиқлари, наридан-бери айтиб юрган гапларида кўриниб қолади. Синчи инсонлар эндигина туғилган «бир парча эт»нинг мазмун-моҳиятини айтиб берадилар. Раззоқ Сўфини йўрғаклаган Ҳамро эна «ҳали у қадар одам кепатасига кирмаган» юзларига тикилган ва мана бу сўзлар билан эркалатганмиш:

— Айланай, меҳмон, нимадан хафа бўлиб тушдингиз? Ким озор берди сизга? Айтинг! Қовоғингизни очсангиз-чи! Ёруғ дунёга келдингиз! Шукур қилинг! Севининг! Мундоқ бир кулинг! Кулимсиранг! Илжайинг!

Ушанда қулмаган Раззоқ сўфи кейин ҳам қулмай ўтди (Чўлпон. «Кеча ва кундуз»).

Одам туғилиши биланоқ тарбиялана боради. Демак, гўдак, барча махлуқлар сингари, табиий, ирсий белгилар қуршовида бўлади. Жаҳон адабиётида чақалоқнинг ўсмирлик палласигача тарбияланиш жараёнини кўрсатувчи минглаб асарлар бор. Америкалик ёзувчи Жон Хаббертон (1842-1921) «Элен чурвақалари» юмористик романида беш ёшли Бажи, уч ёшли Тодди тимсолларини яратади. Ун кун давомида болаларга уларнинг тоғаси Гарри қараб туради. Болалар шу даражада шўхки, тоға бечора нақ ақлидан озай дейди. Болалар сигарани, сичқонни алдаш учун қопқонга қўйилган пишлоқни, ярага босилган томат компрессини еб қўйишади. Ийгирма саккиз ёшли бўйдоқ Гарри ўн кун энагалик қилиб жони ҳиқилдоғига келади. Ёш болада кўрқув туйғуси бўлмайди. У атайин ўлим билан ўйнашади. Шундай сирли бир куч борки, у шўх болани бало-қазодан асраб юради. Гарри олов чурвақаларни опасига топширгач, ўн икки соат ўликдай қотиб ухлайди.

Жаҳон адабиётида чангалзорда, ҳайвонлару парранда-даррандалар қуршовида ўсган Маугли исмли бола машҳур. Инглиз ёзувчиси Редьяр Киплинг (1865-1936) «Ким» романи учун Нобель мукофотини олган (1907), кўплаб ҳикоя, қисса, романлар муаллифи. Аммо ёзувчига «Чангалзорлар китоби», Маугли

қисмати оламшумул обрў-этибор келтирди. Маугли ҳақида мультфильм, бадиий фильм яратилган. Киплинг чангалзорда яшайдиган ўнлаб катта-кичик ҳайвонлар тимсолини ҳаққоний яратиб берди. Жаҳон адабиётида боладай беғубор, кўрган-билганини очик айтадиган, таваккалчилиги, ҳамиша қилич дамида юришлиги билан тилга тушган девонаи ростгўйлар, доно дарвешлар образи бор. Қирол Лирнинг масҳарабоз-эрмаги ўта содиқ, ўта фожейи характер. Шекспир бу тимсолни мангу ростгўй бола сифатида тасвирлайди: унда руҳий бир нигоҳ, одамлар моҳиятини тиниқ кўрсатадиган кўзгу бордай... Абдулла Қодирийнинг Қовоқ девонаси қанчадан-қанча китобхонларни кулдириб туриб йиғлатмаган, йиғлатиб кулдирмаган дейсиз? Бобо Кайфий («Мирзо Улугбек» М. Шайхзода) баайни шўх-шаддод, ўт билан ўйнатаётган бола. У таваккалчилиги, ростгўй, шижоатлилиги билан Улугбек меҳрини қозонади. Жамоа ҳўжалигининг барча аъзолари Раънонинг бузуқлик йўлига кириб кетганини, Умар закунчининг ўйнаши бўлганини билади, аммо «чурқ» этиб оғиз очмайди. Довдир Парчагина «Раънохоннинг кундан-кунга очилиб» бораётганини шартга айтади қўяди («Икки эшик ораси» Ҳ. Ҳошимов). Чор аскарлари Туркистонга бостириб кириптиларки, эмин-эркин бўлдилар: хоҳласалар, ерли халқни урдилар, сўкдилар, хоҳласалар, масжиду мадрасаларни буздилар, хоҳласалар, экин-тикинни пайҳон қилдилар. Фақат Ибодин соқовгина («Отамдан қолган далалар», Т. Мурод) ноҳақликка қарши бош кўтарди: оқ подшо башарасига ифлос қилинган қатиқни сепиб юборди. Девонанинг мана шу қилмиши кўпчиликнинг кўзини очди.

Қирол Лир масҳарабози, Қовоқ девона, Қизиқлар, Бобо Кайфий, Ибодин сингарилар девона, дарвеш, ақли ноқис кишилар. Лекин улар қалбида болаликнинг бебаҳо гавҳари — табиийлик, эрк туйғуси бор. Мен катталар адабиётидаги девонаи ростгўйларни болалар адабиётининг тиниқ кўзгулари, ишончли вакиллари деб биламан.

Болалар адабиётининг етук асарларида дулдуд отларникидай қирқ қулочли қанот бўлади, шекилли-да: улар юртлардан юртларга учиб юрадилар, ўнлаб тилларга таржима қилинадилар, миллионлаб қалбларни забт этадилар. Болалар адабиётининг қаҳрамони аввали-охир хаёлпараст бўлган, етти қават осмонда кезган. Катталар: «яхшидир аччиқ ҳақиқат», — десалар, болалар «лек ширин ёлғон ундан қолишмайди», — деган ишонч билан яшайдилар. Ширин ёлғон манбаи — эртақдир. Дониёлик адиб Ханс Христиан Андерсен (1805 — 1875) — моҳир эртақчи. Унинг «Чақмоқтош», «Ирkit ўрдакча», «Қор маликаси», «Қиролнинг янги либоси» асарлари жаҳон болаларининг жону дили. Худойберди Тўхтабоев яратган қаҳрамонлар ҳам эртақчи. Масалан, Ақром қовунчи «Бой ила хизматчи» драмаси асосида Ғофир тоға ва Жамила кеннойи ҳақидаги эртақни тўқиб ташлайди. Қуруқ аравани олиб қочишда Ҳошимжон Ақромдан ўтса ўтадики, ортда қолмайди...

Рус адиби Николай Носов (1908-1976) «Витя Малеев мактабда ва уйда», «Билмасвой ва дўстларининг саргузаштлари», «Билмасвой ойда», «Билмасвой қуёш шаҳарчасида» каби асарларини ёзди. Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжон, Ақром, Зафарлари ҳам, аслида, Билмасвойлар тоифасидан. Лекин улар билмасвойликларини миллий, маҳаллий бетакрорликда намоеън этадилар. Ҳамма Билмасвойлар математика, алгебра сингари аниқ фанларни ёмон кўрадилар, шу «бўлмағур» дарслар ўрнига жадвалга жисмоний тарбия, футбол, бокс сингари дарсларни кўпроқ киритишни илтимос қилиб, ғаройиб аризалар ёздилар.

Болалар адабиётининг деярли ҳамма қаҳрамонлари ҳангоматалаб, саргузашт ошиғи, саёҳат фидойиси. Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжон, Ақром, Орифжони Том Соёр (Марк Твен), Маугли (Киплинг), Чипполино (Жанни Родари), Желсомино (Жанни Родари), Гулливер (Свифт) сингари саёҳат, саргузаштларни севади.

Болалар адабиётининг ғаройиб қаҳрамонлари чақмоқтош, сеҳрли таёқча (қалпоқча, мантия, калит, бойўғли)дан унумли фойдаланадилар. Улар битта одамнинг турли моҳият, ҳолатларини кашф этадилар.

Ҳозир жаҳон болалар адабиётининг маълуму машҳур асари англиялик адиба Жон Ролинг хонимнинг, «Гарри Поттер ва ҳикматли тош», «Гарри Поттер ва яширин хона», «Гарри Поттер ва Азкабакан маҳбуси», «Гарри Поттер ва Қақнус



нишони» сингари китобларидир. Поттер ҳақидаги китоблар XX аср охирларида яратила бошланди. 2006 йил 24 декабргача бўлган маълумотларга кўра, Гарри Поттер ҳақидаги олти китобнинг умумий адади 300 миллион нусхадан ортди. Асар дунё мамлакатларининг 63 тилига таржима қилинди.

Гарри Поттер ҳақидаги китобларнинг фазилати нимада? Биринчидан, Гарри Поттерга боғлиқ бугун воқеа-ҳодисалар катта бир стадионда рўй бераётгандай. Ёзувчи воқеаларни сеҳргарлар махсус мактаби билан боғлаб тасвирлайди. Бу мактабга, асосан, воқеа иштирокчилари — сеҳргар ўқитувчилар, бўлғувси истеъдодли ёш афсунгарлар, бир-бирига қарши курашадиган рақиб-ўқувчилар, ҳар бири ўз услуби, сеҳргарлик тарихига эга устозлар йиғилган. Сеҳргарлар мактабида «беиш» персонаж, нарса, кийим, кўршапалак, бойўғли, бузоқдай-бузоқдай итлар, заҳарли ҳашаротлар, сеҳрли қулф-қалитлар йўқ. Ҳар бир махлуқ, жисм, вужуд бизга таниш томонларидан ташқари, албатта, яна бир қанча фазилат, белги, вазифалари билан намоён бўлади. Сеҳргарлар мактаби—муҳитида бетарафлик, сусткашликка ўрин йўқ. Ҳамма ўз вазифасини сидқидилдан бажаради. Сеҳргар ўқитувчилардан айримлари — Гарри Поттер ота-онасининг азалий рақиблари ёш Гаррини йўқ қилиб ташлаш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Аксинча, Поттернинг Гермиона, Рон сингари дўстлари, Букля лақабли бойқуши ҳамиша, ҳар қандай шароитда Гаррига ёрдам қўлларини чўзадилар.

Гарри Поттер ҳақидаги китоблар юксак санъаткорлик билан ёзилмаган. Аммо ёзувчи воқеалар аро боғлиқлик, ўсиш-ривожланишга алоҳида эътибор қаратади. Болалар адабиётида шиддат-динамика муҳим аҳамият касб этади. Ёш китобхон ҳамиша ҳаяжонда бўлиши, янги ғаройиб воқеа-ҳодиса билан учрашувга тайёр туриши керак.

Сеҳргарлар олами кишилари оддий одамларни магд дейдилар. Волан-де-Морт («Сен — Биласанми Ким?»), Макгонагалл, Снегг сингари ўқитувчиларда сеҳрлар шунча кўпки, оддий китобхон оғзи ҳайратдан ланг очилиб қолади. Гарри, масалан, кумуш муқовали китобни қўлига олиши билан ларзакор чинқириқ янгради: китоб бор овози билан кичқиради. Гарри ҳузур бахш этадиган Узро кўзгусини топишга эришади.

Гарри Поттер ҳақидаги асарда 665 ёшга тўлган Николас Фламельни, унинг 658 ёшли хотини Пернеллани учратамиз. Адиб Роулинг фалсафа тошини мана шу қария кашф этганини ёзади. Гарри Поттер ҳақидаги китоб, гарчи болалар адабиёти намунаси бўлса-да, унинг катталарни ҳам ром этадиган томонлари талайгина: «Донишмандлар наздида ўлим навбатдаги саргузашт», «Ғожиа шундаки, кўпинча одамлар ўзлари учун зиён-заҳмат етказадиган ишни танлайдилар» сингари доно фикрлар кимни бефарқ қолдиради?

Хуллас, Гарри Поттер ҳақидаги етти китобда жаҳон сеҳргарлиги нозикликлари жамланган. Уни башар болалари қизиқиб ўқишмоқда. Аммо бу асарда миллий руҳ, маҳаллий колорит сезилмайди. Худойберди Тўхтабоев романларида сеҳргарлик анжомлари, сеҳр йўсинлари миллий бетакрорликда, ўзбеккона муҳитда акс эттирилади. Иккинчидан, Х.Тўхтабоевнинг «Сеҳрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб» асарлари яратилганда жаҳон адабиётида Ҳошимжон сингари сеҳрли қалпоқчага эга, ўта қалтис муаммоларни зумда ҳал қилиб ташлайдиган қаҳрамон йўқ эди. «Ширин қовунлар мамлақати...»даги Акрот билағонни айтмайсизми? Фольклорда, ёзма адабиётда кўз жодуси, оёқ мўъжизаси, қўллар асрори ҳақида асарлар кўп эди-ю, аммо ҳид билувчи буруннинг кароматлари ҳеч қаерда кўрсатилмаганди. Х.Тўхтабоев Акротнинг ҳид билувчи бурнидан юмор манбаи сифатида фойдаланади. Муҳими, ғаройиб фазилатли бурни туфайли қаҳрамонимиз катта бир афсонавий мамлакатнинг қаҳрамони даражасига кўтарилди. Жаҳон адабиётидаги кичик қаҳрамонларга муштарак фазилатлари туфайли ёзувчининг асарлари ўз китобхонларини тез топиб бормоқда. Ўтган йиллар ичида Х.Тўхтабоев асарлари Тошкент, Москва, Таллин, Вилнюс, Киев, Бухарест, Берлин, София, Душанбе, Ашхобод, Боку, Ереванда босилди. Унинг китоблари бугунги кунда чех, норвег, фин, француз, турк, итальян, қозоқ тилларида нашр этилди. Шу кунларда ҳам Х.Тўхтабоев асарлари жаҳон халқлари тилларига кўплаб таржима қилинмоқда.

Ёзувчи асарлари жаҳонда чоп этиляптими, демак, улар ўқилмоқда. Афсуски, ўзбек адабиётшунослигида ёзувчи рейтинги масаласига эътибор берилмайди. Ваҳоланки, рейтинг ўзига хос кўзгу, кўрсаткич: ёзувчи асарларининг умумий адади қанча; неча тилга таржима қилинган, қайси асари энг машхуру қайси асари зайфроқ, қайси қитъа, мамлакатда ёзувчи асари кўп ўқилади... Бир фикрчи қатъий, ишонч билан айтиш мумкин: Худойберди Тўхтабоев асарларини ўзбекнинг уч авлод китобхони қунт, қизиқиш билан ўқиди. «Ўтган кунлар», «Сароб», «Шум бола»дан кейин «Сариқ девни миниб» энг кўп ўқилаётган асар дейиш мумкин.

Худойберди Тўхтабоев ижод қила бошлаганидан бери замон, тузум, мафкура, адабий-эстетик қараш ўзгарди. Лекин ёзувчи сал кам эллик йиллик ижоди давомида қандай роман, қисса ёзган бўлса, уларга бўлган қизиқиш сусаймади. Чунки ёзувчи ҳамisha тирик инсонни, ўз «мен»и, йўл-йўсинига эга одамни тасвирлаган эди. Тўғри, унинг фельетонлари, очерклари орасида ўз бурчини адо этиб бўлганлари ҳам топилади.

Худойберди Тўхтабоевнинг барча романлари яхши, лекин «Сариқ девни миниб»нинг фазилатлари сероб, шу асар парвози юксак бўлди, миллионлаб китобхонлар қалбига йўл топди. Жаҳон болалар адабиётининг пирларидан Жанни Родари (1920-1980) «Сариқ девни миниб» романи ҳақида тўлқинланиб гапирди. Энг муҳими, болалик салтанатининг Ғарбу Шарқдаги минг-минглаб китобсеварлари «Сариқ девни миниб» романини мижжа қоқмай, бирон марта эснамай ўқиб чиқдилар.

Одатда, машҳур асарлар ёмбидай яхлит, бирдан пайдо бўлади. Худойберди Тўхтабоев романга сўнги нуқтани қўйиш учун кўп изланди, мисоли игна билан кудуқ қазиди. Ёзувчи тинимсиз изланди. Қидираётгани халқ оғзаки ижоди хазинасида эканлигини қалбидан ҳис этди. Достон, эртак, топишмоқларни қайта-қайта ўқиди. Бола-бола-да! У тоққа чиқмай дўланали бўлишга, кон қазимасдан хазина топишга, ўқимасдан обрў-эътибор қозонишга, ақлни пешламасдан рақибларини ер билан яқсон қилишга интилади. Ҳа, бола — ўсмир сирли, сехрли нарсани топиши керак. «Сариқ девни миниб»да воқеалар кўп, уларни ҳикоя қилиб бериш йўсини бор. Хошимжон ҳам ровий, ҳам воқеалар иштирокчиси. У воқеа-ҳодисаларни маромига етказиб, ўзигагина хос тилда сўзлаб беради (ёзувчи вазифасини бажаради).

Хошимжон — ровийнинг турли вазият, ҳолат, ҳаракатларда гапириш оҳанги ўзгариб туради. Ҳеч қандай сабабсиз: «Ҳозир, негадир, Орифни тутиб олиб дўппослагим, биқинига, бошига роса муштлагим келиб кетди», — дейди Хошим. Ҳай, зўр, нега Орифни урасан, дейдиган одам йўқ. Хошимнинг қилмишлари, «Кўрқокнинг кучи япалоққа етибди», — деган мақолни эслатади. Худди шундай ҳолат Хошимнинг бўри боласига нисбатан айтган гапида сезилади: «— Тўхта, тумшугига бир тепай! — дедим ўрнимдан туриб. — Икковимизнинг қўлимизда ҳам калтак, лайча қочмоқчи бўлиб типирчиласа, Акром савалаб қолади, бўри ириллагудек бўлса, тумшугига мен тушираман».

Асардаги ровий ҳикояси ҳазил-мутойиба меъёрини узлуксиз юксалтириб боради. Бора-бора китобхон Хошимга, унинг қилови туширилмаган гап-сўзларига маҳлиё бўлиб қолади.

«Сариқ девни миниб» романида воқеадан воқеага кўчиш қийинроқ кечади. Хошимнинг милицияга ишга ўтгунича Миробиддинхўжа оиласидаги аҳвол, бош қаҳрамоннинг хаёлий саргузаштлари, узун кулоқ пирим мақбарасидаги ҳодисалар, сартарош Хошимнинг уддабуронлиги, унинг мактабга қайтиши, аълочи бўлишга бел боғлаганлиги кўрсатилади.

«Сехрли қалпоқча»дан кейин Х. Тўхтабоев Хошимжоннинг хаёлий ва қишлоқдаги саргузаштларини «Сариқ девни миниб» номи билан чоп эттирди. Шу қисмни ёзишда ёзувчи кўп изланди, ўйланди, воқеалар ва қаҳрамонлар-аро мосликни яратиш йўлларини қидирди. Миробиддинхўжа деган номнинг топилиши, ғаройиб исмли болани тарбиялаётган оила «ичига» кириб бориш қийин кечди. Сорабиби — Миробиддинхўжанинг онаси — фолбин. Ҳийла, найранг, содда одамларни лақиллатиш аввали охир фолбинларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Хошимжон фолбин хола оиласидаги ёлғон, сохталикларни фош этади. Миробиддинхўжани тиз чўктиради, алдоқчи эканлигини бўйнига қўяди.

Ҳошимжоннинг уйдан қочиб кетиши, ҳаётнинг сохта дорилфунунини ўтаганлиги роман ичра алоҳида қиссадир. Қуддус Муҳаммадий: «Нимаки қилсанг тилак, барига ўқиш керак», — деб ёзган эди. Мулла Ҳошим бу мақолсифат ўғитни салгина ўзгартиради: «Нимаки қилсанг тилак, барига сеҳрли қалпоқча керак». Аввалига Ҳошимжон Полвонтога ишончини қозониб, совхоз директори Акбар Носировга учрашади. Ишонувчан директор ёшгина йигитчани агрономликка олади. «Агроном» Ҳошимжон шундай гапларни гапирдики, китобхон қизариб-бўзариб кетаверади. Қаҳрамонимизнинг агроном сифатидаги фаолиятининг чўққиси шира тушган ғўза тупларини калтаклатиш бўлади. Ям-яшил пахтазор зумда дўл урган хароба ҳолатига келади. Одамлар газабидан кўрққан Ҳошим сеҳрли қалпоқча ёрдамида жуфтакни ростлайди.

Ҳошимжон шоирликни, сайёҳликни ҳавас қилади. Лекин на унисини ва на бунисини удалай олади. Унинг муҳандис бўлиши, бу соҳадаги фаолияти баайни агрономлик фаолиятининг ўзгинаси. Фарқи шундаки, муҳандис Ҳошимжон Рўзи катта кўчанинг қоқ ўртасига эшиги, туйнук-ойнаси йўқ алланимани кўққайтириб қўяди. Ҳошимжоннинг артистлик фаолияти ҳам шармандалик билан якун топади. Лекин Ҳошимжон воқеа-ҳодисаларни қойиллатиб сўзлайдики, китобхон унинг ёлгон-яшиқ гапларидан завқланади. Мана, касалхонага тушган Ҳошимжон ҳикоясидан намуна: «Саид ақанинг ўрнига узоқдан қарасангиз самоварга ўхшаб кўринадиган қўл-оёғи калта, хўппа семиз бир одамни ётқизишди. Жуда уйкучи экан, фақат овқат маҳалида уйғонади — бир қарасангиз, бўғизланган қўйдек хириллаб қолади, бир қарасангиз, бузуқ карнай чалаётганга ўхшайди, баъзан эски паровоздек пишилаган овоз чиқаради, тонготарга яқин сурнай, доира садоларига ўхшаш галати овозлар янграйди». Машҳурликни излаб кетган Ҳошимжон ўнларча галати-галати одамлар билан танишади. Ҳар бир янги персонаж, унинг таърифи китобхонда қизиқиш уйғотади. Ёзувчи 60-йиллардаги «Пахтакор» командаси, ўйинчилари номини сал-пал ўзгартириб бундай тасвирлайди: «Шоликор» жамоасида Теодор Раҳимов (Биродар Абдураимов), Вильгельм Қодиров (Вильгельм Қаҳҳоров), Геннадий Супаницкий (Геннадий Красницкий), Ёкубов (Якубик) сингарилар тўп сурадилар. Хуллас, Ҳошимнинг арзон шухрат йўлларида адашиб-улоқишлари жонли, ровиёна усулда тасвирланади.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Ширин қовунлар мамлакати», «Мунгли кўзлар» романларида саргузаштлар кўп. Саргузашт — инсоннинг ҳаёт гирдобиди узлуксиз ҳаракат қилиши, мақсад йўлидаги курашиши. Ҳошимжон, айтилганидай, машҳурлик излаб саргузашт бошлайди. Унинг Узун қулоқ пирим зиёратгоҳидаги, милиция ходимлари билан Сариқ девни маҳв этишдаги саргузаштлари ҳам қизиқарли, ҳам мураккаб, ҳам маърифий. Ақромнинг ғаройиб саргузаштлари-чи? Улар Ҳошимниқидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Зафар муштдайлигидан ҳаёт зиддиятлари, мураккаб синовлар саргузаштини бошидан кечирди. Қаҳрамонлар саргузаштини қизиқарли, жонли тасвирлаш Х. Тўхтабоев асарларининг асосий мақсадими? Йўқ, албатта. Учта романда поэтиканинг моҳияти англашилади. Бадиий асар поэтикаси деганда воқеа-ҳодиса, қаҳрамонларнинг бадиият оламидаги ҳаёти, интилиши, кураши тушунилади. Аниги, поэтика-бадиий асарнинг яшаш тарзи, ундаги руҳий ҳаракат, мазмун-моҳият демек. Х. Тўхтабоевнинг ёзувчи сифатидаги истеъдоди, уқуви шундаки, у матн остинигинамас, матннинг китобхон оламида жилоланадиган қиёфасини, руҳий ҳаётини, тусини, турини акс эттира олган. Мана шу контекст — матннинг бадиий инъикосини очиб бериш — ёзувчи маҳорати ҳақида фикр юритишдир. Худойберди Тўхтабоев учта романи орқали ўзбекнинг асл моҳиятини, XX асрнинг II ярмидаги ижтимоий-маънавий-руҳий ҳаётнинг бадиий тарихини ишонарли очиб берган. Ёзувчи Ҳошимжон, Ақром, Зафарнинг дунёга келишида восита бўлган ота-она, ўзбекнинг саҳий, орзу-ҳавасли, гурурли, тўйсевар, ишонувчан, қонунни билмайдиган, оломонсифат, болажон бўлгани билан уни қандай тарбия қилиш йўриқларини англаб етмаганлиги эканлигини кўрсатади. Бадиий асарда шартлилик, рамзийлик бўлади. Ёзувчи, дейлик, Ҳошимнинг сохта агроном, муҳандис, артист бўлганини кўрсатмоқчи. Табиийки, у шартлиликдан, сеҳрли қалпоқчадан фойдаланади. Ҳошимжон биронта ривожланган юртда на муҳандис, на агроном бўла оларди.

Ҳамма ерда ҳужжат (диплом) талаб қилинади. Қаранг, қоровул Полвонтоға тавсияси билан совхоз директори Ҳошимни агрономликка олади. Бу ишга жойлаштиришнинг «Ўзбеккона усули», холос. Ақром («Ширин қовунлар мамлақати...») одамлар олти-етти юзта коса, ликобча, чойнак, пиёла олиб келаётганини кузатади. Бу — бор гап эди. Баъзилар катта бир тўйни ўтказишга етадиган чойнак-пиёла, коса-лаган, ҳатто гулдонларни ғамлаб қўйганлар. Бундай ғаройиб саҳийликни Матмуса ўзбек қилиши мумкин, холос. Зафарнинг («Мунгли кўзлар») ота-онаси пул, олтин йиғади. Муҳими, улар бойиганлари сайин ўзларини бошқара олмай қоладилар. Бебилиска топилган пуллар оилага кулфат, бахтсизлик, фожиа олиб келди. Ёқутхон, Саидларнинг пул-бойликлари дўст-душманни таниб олишда ўзига хос маҳактош вазифасини ўтади: Ёқутхоннинг қадрдон улфатларидан Қўмондон, Қози холалар энг тубан фирибгар, муттаҳамнинг ишини қиладилар.

Х. Тўхтабоев романларини ўқиб, ёш китобхон Ҳошимнинг қизиқ-қизиқ гапларига қотиб-қотиб кулаверади, Ақромнинг дирижаблдай унвон осмонига парвоз қилишидан завқланади, Зафар гоҳ мопед, гоҳ янги магнитофон, гоҳ ажнабий кийим-кечакларга ҳавас қилади. Мана шу романларнинг матн остидаги, матн руҳидаги маъноси кишини ўйга толдиради, аҳволимизга ўкинч билан қарашга ундайди. Мустақилликдан кейин ўзбек ўзини таний бошлади: қонун адолат мезони эканлигини, илм-фан инсонни улугловчи мангу воситалигини, тилларни ўрганиш дунё билан тиллашиш қуроли эканлигини англаб етмоқда. Лекин, афсуски, ҳануз Ақром, Ҳошим сингари аравани қуруқ олиб қочувчилар, Зафару Зуфардай ота-она бойлигига муте бўлиб қолганлар, муҳими, Қози, Қўмондон хола, уларнинг еб тўймас эрлари, Иблису Дев йўлдан урганлар ҳануз кўп.

Х. Тўхтабоев романларида Сарик дев, Иблис сингари қора кучлар фаол ҳаракат қиладилар.

Худойберди Тўхтабоев романларидаги қора кучлар уюшган ҳолда, аниқ мақсад билан ҳаракат қиладилар. Ёзувчи ўта тиниқ, ёрқин тасвирланган Дев, Иблисларни қаердан топган? Ҳаётда ҳамма нарса, ҳодисалар ўзаро алоқада узвий боғлиқликда бўлади. Бадий асар — ёзувчи ижоднинг меваси. Уни ёзувчининг бошқа асарларидан ажратиб олган ҳолда талқин, таҳлил қилиб бўлмайди. Ёзувчи ижоди — ўзига хос олам, ҳамиша ўсиб-ўзгариб борадиган руҳий-маънавий жараён. Ижодкор қачонлардир, қаердадир бирон нарса, кимсани кўрган, уни ёдидан чиқарган бўлиши мумкин. Шундай вазият бўладики, ёзувчи хотирасини титади, кўрган нарса, кимсаларини излаб қолади. Бошқача айтганда, ёзувчи қалби, онги, Мақсуд Шайхзода айтганидай, артел, корхона. У ҳамиша ишлаб туради, янги-янги маҳсулотлар етиштиради. Баъзи ёзувчилар темирни қизигида босадилар: топган материалларини шаклга тушириб, китобхонга ҳавола қиладилар. Баъзилар материални йиғиб-йиғиб бораверадилар, вақт-соғи билан уни ишлатишларини биладилар. Ойбек, Худойберди Тўхтабоев асар ҳолида босилган китобларидаги воқеа, қаҳрамонларни янги асарларига киритишда моҳир бўлганлар. «Қутлуғ қон» «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Бобом» сингари поэмаларда таниш қиёфаларни учратиб қоламиз: улар янги шароитда, янги вазифани бажараётган бўладилар.

Худойберди Тўхтабоев 300 дан ортиқ фелъетон ёзган. Одатда, фелъетон жамият, жамоа манфаатларига зид борганлар ҳақида ёзилади. Ҳар қандай жамиятда умумга зид борганлар, қонунни бузганларга қарши курашадиган маҳкамалар бўлади. Кўзим тушган, Х.Тўхтабоев милиция ташкилотларидан, қонун ҳимояси органларидан кўплаб ташаккурномалар, нишонлар олган. Ёзувчи «Сарик девни миниб», «Мунгли кўзлар» романларида милиция ходимлари образини ишонарли яратган. Усмирларнинг қадрдон қаҳрамони Ҳошимжон Рўзиев милиция сержанти сифатида дostonлардагидай ишларни амалга оширади. Демак, Х.Тўхтабоев Сарик дев, Иблис деганда қонунбузарларни, ўғри-муттаҳамларни, товламачи-порахўрларни назарда тутган.

Эътибор беринг, Х.Тўхтабоев қайси асарига қонун ҳимоячилари ва қонунбузарлар ҳақида ёзса, қалами эркин ҳаракат қилади. Чунки ёзувчи журналистлик касби туфайли қалтис ҳолат, вазиятларни кузатган. Фелъетоннавислик — қонунга суяниб иш юритиш ёзувчи табиатига сингиб кетган.

«Сариқ девни миниб» романидаги икки муҳим қонунбузарлик тарихи тасвири ҳақида тўхталамиз. Бири, Узун қулоқ пирим зиёратгоҳидаги фирибгарликлар. Иккинчиси, «Роҳат» ошхонаси директори Одил Аббосов ёхуд Одил баттол ёки Сариқ дев билан полковник Салим Отажонов, полковник Али Усмонов бошлиқ милиция ходимлари аро ҳаёт-мамот жанги. Ҳар иккала тарих детектив тарзда тасвирланади. Ёнғоқ қори, Бодом қори, Данак қорилар фирибгарлик билан халқни алдаб ётибдилар. Улар халойиқ кўзига фаришта, ҳожатбарор бўлиб кўринадилар. Аслида, улар бахил, устомон, бойликка ўч, маънавий-маиший бузуқ одамлар. Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани кийиб, Ёнғоқ қорини таъқиб этади. Ёнғоқ қори тоғ орасига кириб кетади. Маълум бўлишича, тоғ ичкарасидаги овлоқ жойда Ёнғоқ қорининг уйи, хотини, мол-мулки, хизматкорлари бор экан. Эл кўзига авлиё бўлиб кўринган Ёнғоқ қорининг гирт пиёниста, бузуқлиги рўй-рост кўрсатилади. Сохтагарликда Бодом қори, Данак қорилар устозлари Ёнғоқдан қолишмайдилар. Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани кийиб олиб, қора кучлар ҳақидаги ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатларни тасвирлайди. Ёзувчи Узун қулоқ пирим зиёратгоҳидаги воқеаларга Миробиддинхўжа, Зокирни ҳам аралаштиради.

«Сариқ девнинг ўлими» — роман ичидаги ўзига хос детектив романдир. Детектив адабиётда жиноятни фош этиш жараёни маълум тартиб-қоидалар асосида давом этади. Эдгар По, Артур Конан Дойл, Гилберт Честертон, Агата Кристи, Жорж Сименон сингари детективнавислар бу адабиёт қонуниятларини кўрсатиб бердилар. Детектив асарда қотиллик бўлиши (ёки унга интилиш бўлиши) шарт, курашувчи кучлар нисбати деярли тенг бўлиши лозим. Детектив асардаги конфликт расмий маҳкама томонидан бостириб ташланиши мумкин эмас, асарда кураш узлуксиз жиддийлашиб, сирлилик, ваҳималилик касб этиб боради. Х.Тўхтабоев савдо-сотиқ, ошхона, омборхоналарда рўй бераётган жиноятларнинг фош этилганлигини кўрсатади. Савдо ёхуд жиноят объекти вакиллари хилват жойлар, касалхона, жиннихонадан жон сақлаш маскани сифатида фойдаланганлар. Ҳошимжон Рўзиев махсус топшириқ билан жиннихонага жойлаштирилади. Ёзувчи жиннихонадаги воқеаларни Ҳошимжон ҳикояси орқали ўта жонли, қизиқарли тасвирлайди. Жиннихона, жиноятчиларнинг — ертўла зиёфатхонадаги шароит, муносабат, муомалалари зўр тасвирланган. Романнинг шу ўринларида матн ости, матн руҳи, қамрови аниқ кўрилади. Ёки ёзувчи воқеа орқали ички, яширин ҳолатларни кўрсатади. Одил баттол гадейтопмас ертўлада ўзини ўта эркин тутади: асл қиёфаси, моҳиятини кўрсатади. Нафақат Одил баттол, Саллабодроқ амаки, ўғри Мутал, Ориф чайқовчи, пешанаси йилтироқ амаки, Омборчи ҳам яширин ҳонада эмин-эркин сўзлашадилар, майшат қиладилар. Ҳошим жиноятчилар орасида ҳам ўзини йўқотмайди: тутинган отаси Отажоновга, Али Усмоновга, гуруҳ бошлиғи Холиқовга маълумот етказиб туради. Жиноятчиларга тайёрланаётган овқатга наша ташлаб кўяди. «Сариқ девнинг ўлими» қисмида қизиқарли, ибратли воқеа-ҳодисалар: турфа феъл-атвор, тақдирга эга персонажлар кўп. Полковник Салим Отажонов — «Сариқ девнинг ўлими» қисмининг етакчи қаҳрамони. У ниҳоятда келишган, файзли инсон. Аммо кураша-кураша соғлиғидан айрилди, хотини вафот этди, жиноят қилган ўғлини ўзи қаматди. Салимжон ака Ҳошимжонни «Ўғлим» дейди, юрак дардларини унга айтади. Милиция соҳасида ишлаш, одатда, эрактлар иши. Х.Тўхтабоев аёл боши билан форма кийган Каромат Ҳошимова тимсолини жонли, таъсирли ёритган. Жиноят йўлига кириб қолган бева аёл Шарифанинг қилмишлари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Асарда оддий милиционерлар вазифасини сидқидилдан бажараётган фидойи инсонлар образи меҳр билан кўрсатилган. Жиннихонага хизмат сафарига жўнатилган Ориф ака руҳий хасталар орасида яшаб, ўз вазифасини бажаради. Толиб ака, Суръат ака, капитан Холиқовлар фидойи меҳнат қиладилар. Х.Тўхтабоев милиция ходимларининг садоқати, тартиб-интизомини ишонарли тасвирлаган.

«Сариқ девни миниб» романининг якуни халқ дoston, эртақлариникига ўхшайди: Қора кучлар енгилди, адолат тантана қилади, осойишталик посбонларидан кўпчилиги юқори лавозимларга ишга ўтади. Жиноятчилар билан курашиш жараёни мураккаб, уни зинҳор шунчалик сўзлаб бериб бўлмайди.

Айтганимиздай, Ҳошимжон Рўзиев воқеа-ҳодисаларни ўзига хос тарзда кўради, тасвирлайди. Мана, Ҳошимжон жиннихонада пакана милиционер кўлидан чиқди-да, боши оққан томонга қочди. Уни аввалига уч киши кўвди: «Учовларига-ку, тутқич бермасдим-а, аммо кўпчилик бўлиб кетишиди-да. Яна иккита врач, иккита қоровул, бешта ўзимга ўхшаган жинни кўшилди. Айниқса, жинниларнинг биттаси — мен билан тенгқури худди този итдек чопагон экан. Чопганда ҳам улоқни ёппа қилган чавандоздек: «Ҳе-хе-ҳе!» деб қийқириб чопади денг. Ана шунисидан ҳеч қутулолмай, охири кўлга тушдим».

«Сариқ девни миниб» романида ҳаётбахш руҳ, ҳазил-мутойиба кайфияти, жонли, ҳаракатчан қаҳрамонлар фаолияти етакчилик қилади. Улар болалар дидига, руҳий-маънавий эҳтиёжига ниҳоятда мос келган.

«Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳрлар жанги»ни «Сариқ девни миниб»нинг давоми дейиш мумкин. Чунки Ҳошимжон («Сариқ девни миниб») эстафета таёқчасини Ақром («Ширин қовунлар мамлақати...»)га топширар экан, «Сеҳрли қалпоқчани эъозла», «Романинга ўзинг ровийлик қил», «Устозларим Ақром саргарош, Салимжон Отажоновга эргашиб» ёмон бўлмадим, сен ҳам профессор Дар Даража этагини қаттиқ тут», — дегандай бўлади. Ақром дўстининг айтганларини ортиги билан бажаради. Аниқроғи, «Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча», «Қасосқорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» романларини ёзган Х.Тўхтабоевнинг маҳорати ортиб борди. Бу нарса «Ширин қовунлар мамлақати...»да кўзга дарҳол ташланади. Биринчидан, роман Ақром билагоннинг Ҳошим, у ҳақда китоб ёзган Худойберди Тўхтабоев ҳақидаги гапи билан бошланади. Эмишки, Ҳошим ёзувчи соқолини беғул ола-ола, унга уйдан ёгли қатиқ таший-таший ўзи ҳақида китоб ёздиритти. Ҳошим ёзувчига Ақром ҳақида гапириб берган шекилли, икки-уч ўринда Ақромбой номи тилга олинитти, бўри боласини тутиб олгани, уни аравачага кўшишга ҳаракат қилганлиги нақ бир боб бўлибди. Романининг бундай гайри одатий кириш билан бошланиши кимни бефарқ қолдиради, дейсиз? Иккинчидан, гапни қойилмақом қилиб гапиришда Ақром Ҳошимдан ўтса ўтадики, қам эмас. У Ғофир сувчи, Жамила кеннойи ҳақида шунақа сайрайдики, институт ўқитувчиларининг оғзи ланг очилиб қолади. «Фанга юриш»ни «Панага юриш» деб тушунган Ақромнинг олиб қочилларини айтмайсизми?

Учинчидан, Ақром Ҳошимни ҳурмат қилади, лекин у босиб ўтган йўлдан юришни ор деб билади. Ҳошимжон характери, саргузашт, детектив воқеаларда очилган бўлса, Ақром ҳаёл дунёсига чуқур шўнғийди, китобхонни фантастика кенгликларига бошлайди. Ширин қовунлар мамлақати, Ҳандалак шаҳрига шўнғиб кетиши биланоқ Ақром ғаройиб мамлақатни кезади. Гу Ли, Гу Ла, Ур Бон, Қур Бон, Ос Мон, Нари Бери, Хол Дор, Нор Вон, Шар Манда, Ола Кўз, Му Ти сингари ўнлаб кишилари билан учрашади. Ёзувчи ғаройиб юрт, унинг ўзига хос кишилари билан қаҳрамонини тўқнаштирар, дўслаштирар, баҳслаштирар экан, қиёслаш йўлидан боради: хаёлий юрт, унинг кишилари ҳақида ёзади-ю, ўз мамлақати, одамлари, ижтимоий-маънавий-руҳий муаммоларни қиёслайди.

«Ширин қовунлар мамлақати...»да Ақром Ҳошимнинг сеҳрли қалпоқчасидан жуда унумли фойдаланади. Сеҳрли қалпоқча Ҳошимни кўзга кўринмас қилиб кўярди, холос. Ақромнинг сеҳрли қалпоқчаси ҳам доно маслаҳатгўй, ҳам сеҳр воситаси вазифасини ўтайди.

«Ширин қовунлар мамлақати...» романида ёзувчининг яна бир топқирлиги, маҳорати кўзга ташланади. Ақром Ҳошим, Ориф, Зафардан фарқ қилиб, ноёб қобилият билан тугилган: ис олиш, ҳид билишда беқийёс. Қаҳрамоннинг бу қобилияти ҳазил-мутойибага манба бўлган. Туман милиция идорасидан бир ходим Ақромнинг уйига келади, онаси билан учрашиб, мақсадини айтади. Туман милициясида исковчиликда бемисл ит бўлган экан. У ўлиб қолибди. Шу ит ўрнига Ақромни ишга олишмоқчи бўлишипти. Қишлоқда бир одамнинг уйига ўғри тушибди, латта-путта, зарур анжомларни ўғирлаб кетибди. Ақром жабрланганларга ачинибди, бурнини бир ишга солган экан, йўқолган мулк ҳиди бурнига кирибди: «Ичкарида туйганим аралаш ҳидлар кўринмас ипдек чўзилиб, эшилиб-буралиб бог томонга ўтиб кетгандек бамисоли бурнимга буровиқ солиб ўша томонга қараб тортаётгандек». Ёзувчи қаҳрамоннинг ҳид билиш, ранг фарқлаш уқувидан асар охиригача унумли фойдаланади. Аввалига Ақром қонлар ҳидидан жиддий хулоса чиқаради: бузук, бадбўй қонлардан

Иблис пайдо бўлади. Иблис — норасоликлар, бузгунчиликлар, тартиббузарликларнинг йиғма тимсоли.

Х.Тўхтабоев маҳорати ижобий ва салбий кучларни уюштира олганлигида, улар аро курашнинг боришини тасвирлашида сезилади. Шу ўринда ёзувчи тутган йўлдаги бир норасоликни кўрсатиб ўтиш жоиз. «Ширин қовунлар мамлакати...» — болалар адабиёти намунаси, етакчи болалар ёзувчисининг пишиқ асари. Болалар адабиёти, болалар романими, демак унда болалар ҳаракат қилиши, болалар руҳига яқин масалалар қўйилиши лозим. Ақром Дар Даража билан Иблисга қарши курашади. Иблис катталарнинг бузуқ қонидан пайдо бўлган. Нега Ақром агрофига икки-уч ўсмир қаҳрамонни қўйиш ёхуд Иблисдаги қонлар қаторига болалар оламининг иллатларини киритиш мумкин эмасди?

Иблисга қарши курашиш, бу йўлда турли воситалардан фойдаланиш Гарри Поттер ҳақидаги китобларда кўзга аниқ ташланади. Ақром Иблисга қарши ақл билан курашиш йўлини танлайди, ҳар хил физикавий, кимёвий, биологик, генетик усуллардан фойдаланади. Ҳозирги ёшлар болалар адабиётидаги интеллектуал қаҳрамонларни ёқтирадилар. Гарри, Гермiona, Рон сингарилар рақибга қарши узоқни ўйлаб курашадилар. Шу нуқтаи назардан Ақром ҳам ёшларнинг сеvimли қаҳрамони. Унда изчил мақсад, кураш усули, воситалари бор. Устига-устак Х.Тўхтабоев курашнинг ўта нозик йўллари кўрсатиб боради. Ақллар, ҳйллалар кураши биринчи ўринга чиқади. Биз қанча китобхон билан суҳбатлашган бўлсак, Ақром Х.Тўхтабоев ижодидаги пишиқ, ақл-хушли курашчилардан бири эканлигини айтди. Тўғри, Жамила келиноий ҳақида ёлгон тўқиб ташлаган, «Фанга юриш»ни «Панага юриш» тарзида талқин қилган Ақромнинг ҳар хил асбоб-ускуналардан моҳирона фойдалана ола бошлагани орасида номутаносиблик бор. Романнинг фантастик, хаёлийлиги кўп масалаларга ўзгачароқ қарашга ундайди.

Гарри Поттер, гарчи у ҳам хаёлот оламида кезса-да, янги-янги техник воситалардан фойдаланади: унинг сеҳргарлик ускуналарининг мўъжизавий имкониятларини оча билиши ҳозирги ўсмирларда қониқиш туйғусини вужудга келтиради. Муҳими, Гарри Поттер шериклари, уларнинг рақиблари тартибга тушган осойишталикни айқаш-уйқаш қилиб юборишдан ҳузурланадилар. Яъни, Роулинг хоним бола табиатидаги бузиш-ёришга бўлган эҳтиёжни амалий ишларда кўрсатиб беради. Х.Тўхтабоевнинг Ҳошими, Ақром, Султон Зуфариди катталар ўйлаб топган, амалга оширган тартиботларга қарши аллақандай норизолик бор. Эҳтимол, ўсмирнинг беғубор кўнгли порахўрлик, тўрачилик, мунофиқлик, буқаламунлик, лаганбардорлик сингари қасофатлар пайдо бўладиган муҳитни аввалдан ҳис қилар. Аслида, Х.Тўхтабоевнинг деярли барча қаҳрамонлари ёмонликка, зулмга, ноҳақликка қарши сидқидилдан курашадилар.

Яна бир гапни айтиш керак, Ҳошим, Ақромлар китобхонга танилиб, Европага чиқиб борган пайтида ҳали Гарри Поттер йўқ эди. Эҳтимол, Ҳошим, Ақром сингари ўт-олов қаҳрамонлар Гарриларнинг пайдо бўлишида туртки бўлгандир.

Ҳошимжон ва Ақром ялакат мағиздай қаҳрамонлар. Аммо ёзувчи ҳар иккала қаҳрамонни ўзига хос йўлдан олиб ўтди. Ҳошимжон саёҳат-саргузашт орқали ўзини намоён этган бўлса, Ақром катта тарвузнинг ичига шўнгиб кетди-ю, шира ичра юрган одамларни кашф этди. Ақром ҳаёти икки қисмга ажралади: бири Сойқишлоқда ўтказган кунлари, жамоа хўжалигида ишлаган пайтлари, иккинчиси афсонавий юртдаги ҳаёти, улуг олим бўлиши, уламолар қаторидан ўрин олиши... Менинг назаримда, фантастика йўли қайсидир ўринларда модернизм худудидан ўтади. Ёзувчи реалликдан униб чиққан, ондаги борлиқни кашф эта боради.

*Абдуғафур РАСУЛОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор*

## Глобал фикрга жаҳоний қанот

Гулям Ахмеджанов. *“Россия и Центральная Азия. Взаимосвязь в историческом развитии”*.  
Москва – Ташкент. “Радуга – принт” – 2008.

Ўзбек тарихшунослиги янги илмий тадқиқот билан бойиди. Яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Глобал тармоқлар тадқиқот маркази ва ГлоВерс ташкилоти грифлари остида машхур шарқшунос-тарихшунос олим, профессор Фулом Аҳмаджоновнинг фавқуллодда муҳим монографияси “Россия ва Марказий Осиё. Ўзаро алоқалар тарихий такомил йўлида” номи остида Москванинг “Радуга – принт” босмаҳонаси томонидан чоп этилди. Ушбу китобда муаллифнинг улкан ҳаётий тажрибаси, олим сифатидаги кенг мушоҳадаси, юксак умумлаштириш қобилияти, шиддатли воқеа-ҳодисалар орасидан муҳим ҳодисаларни илғай ола билиш маҳорати яққол намоён бўлган. Бу ўринда гап китобнинг 1-боби устида бормоқда. Айни шу бобда муаллифнинг замонамиз тарихини глобал мушоҳада қилиш, кичик нарсалардан беқиёс катта хулосалар мантигини топиш, тарихчи ҳушёрлиги, тарихни сиёсат билан, ўтмишдаги аччиқ сабоқларни жаҳоннинг бугуни ва эртанги куни, истиқболлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишдек ноёб сифатлари юзага чиққан.

Бир қарашда ушбу боб гўё 1980 йиллардан, аниқроғи, “қайта қуриш” сиёсати билан М.С.Горбачевнинг сиёсат майдонига келишидан бошлангандек. Аммо Горбачев – Ельцин – Путин чизигида Россияда бўлиб ўтган ички ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг, олиб борилган ташқи сиёсатнинг нафақат собиқ СССР, Россия Федерацияси, “иттифоқ”дан ажралиб чиққан мустақил давлатлар, балки бутун жаҳон тақдирида туб бурилиш ясалишида туртки бўлгани муаллиф томонидан тарихий-фалсафий даражадаги қиёсий-тадрихий усулда ишончли кўрсатиб берилган.

Бобнинг М.С.Горбачев сиёсий портрети га бағишланган қисмида собиқ СССРнинг “Евротъямири” масаласи самарасиз экани шу қадар аниқ ва равшан таҳлил қилинганки, унда “таг-туғи билан чириган сунъий иттифоқ”нинг тарихий тақдир объектив жараён экани, Горбачевнинг демагогияси (иккиюзламачилиги), шахсий популизми, сиёсий нутқбоз-

лиги улкан империяни сақлаб қолишга қодир бўлолмагани очиб берилган.

Бобнинг Б.Ельцинга бағишланган қисми ҳам муаллиф мушоҳадасининг холисоналиги, фактларга баҳо беришда назарий методологик етуқлигини кўрсатади. Горбачев – Ельцин сиёсий портретлари масаласида ҳар икковининг умумий ва хос хусусиятлари усталик билан, ортиқча сўзларсиз қиёс қилинадик, унда мамлакат ички сиёсатида йўл қўйилган хатолар, айниқса, кўпмиллатли иттифоқ миқёсида миллатлараро муносабатларни тартибга солишдаги сиёсий ёлғоннинг моҳияти фош этилган. Бу собиқ иттифокда Қорабоғ, Фарғона, Чеченистон ва бошқа ерлардаги зиддиятлар мисолида марказ сиёсатининг ушбу мураккаб миллий-сиёсий масалаларни ҳал этишга қодир эмаслиги кўрсатилган. Шу ўринда Совет Иттифоқининг Афғонистондаги урушга муносабати, бу ҳалқаро муаммода Ельцин даврида ҳам жиддий силжиш бўлмагани ҳақидаги фикр Россияда рўй берган “иттифоқ”дан кейинги давр ўзгаришлари ҳам айрим масалаларда эскича фикрлаш руҳи давом этганидан далолат сифатида қайд этилади.

Горбачев – Ельцин қиёсий таҳлилида турли манбаларга таянган ҳолда Ғ.Аҳмаджонов муҳим бир фикр йўналишига эътибор қаратади. Бу шу қадар улкан салтанат бошида турган икки шахснинг аввало оддий инсон сифатидаги, қолаверса, давлат арбоби сифатидаги руҳий-психологик хислатлари масаласидир. Жумладан, Горбачевнинг “ўзини кўз-кўз қилиш”га мойиллиги, ички манманлиги, шуҳратпарастлиги бир томон бўлса, Ельциннинг кўп ҳолларда фавқуллодда қарор ва хулосаларга келиши, баъзан бу қарор ва хулосалар унинг шахсий руҳий ҳолатига боғлиқлиги – буларнинг барчаси мамлакат тақдирида, собиқ “социалистик лагерь” тақдирида қанчалик роль уйнагани ҳақидаги мулоҳазалар ўзбек тарихчи олимнинг глобал тафаккури мевасидир.

Китобнинг иккинчи бобида Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро му-



носабатлар тарихининг узок ўтмишдан ҳозирги кунгача ва истиқболдаги имкониятлари ҳақида фикр юритилади. Бунда Россиянинг тарихан ЕврооСИё ҳудудларига бевосита даҳддор мамлакат сифатида Европа томонидан ўз манфаатлари фаол ҳимоя қилиши билан баробар, шарқий йўналишда мустамлакачилик ҳаракатлари тобора куч олиб, айёрона ҳамда таъқатсиз тус олиб боргани алоҳида таъкидланади.

Бу йўналишда Россия Туркистон ўлкасига алоҳида стратегик аҳамият бергани, айна Урта ОСИё орқали Афғонистон, Ҳиндистон ва Эронга, қолаверса, Ҳинд океанига чиқиш истиқболларини кўзлагани кўрсатилган.

Россиянинг бу мақсадлари тарихан чуқур илдиэларга эга экани муаллиф томонидан яхлит бир назар билан қамраб олинган. Яъни, XIV асрдаёқ Бухоро ва Хива савдогарлари Нижний Новгородга етиб борганлар. Шу ўринда бу Қадимги Русь давлати билан сомонийлар, Қорахонийлар даврларидаги савдо муносабатларини ҳам эслаб ўтилса маъкул бўларди. Бинобарин Новгород, Псков, хатто Фарбий Европа шахарлари археологик ўрганилиши давомида мазкур давлатларга мансуб кўплаб қумуш дирхамлар топилган. Демак, аввал Русь, кейинроқ Россия ҳукмдорлари Урта ОСИёга азалдан беварқ қарамаганлар. Бу ўлка ҳақида улар ажойиботлар макони, қумлари олтин юрт деган тасаввурларда бўлиб келишган. Петр I нинг А.Бекович-Черкесскийга топшириғида айна шу олтин масаласига бежиз урғу берилмаган эди.

Шундай қилиб, Ф.Аҳмаджонов Россия – Ўзбекистон муносабатлари тарихининг бевосита бу ўлкани босиб олишга томон бурилишини тарихий ретроспектива орқали, азалий мақсад сифатида талқин этади. Айниқса, Россия XIX аср ўрталаридан бошлаб Европа мамлакатлари таъсирида ҳамда ички демократик кучлар тазйиқи остида юқоридан туриб ислоҳотлар босқичига кирганидан кейин (1861 йилда Россияда крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши ва капиталистик тараққиёт йўлининг танланиши) янгича иқтисодий тараққиёт учун Урта ОСИёнинг хомашё захиралари ва рус моллари учун бозори ҳаётий заруратга айланди. Дарвоқе, Россия учун бу даврда мустамлакачилик мақсадларини асосан Урта ОСИёга қаратиш имконияти туғилган эди. Чунки Шарқ ва Англия, Франция, кейинроқ эса,

Германия ва бошқа фарб мамлакатлари мустамлакачиликда катта ҳудудларни эгаллаб бўлган эдилар. Айна замонда Англия Урта ОСИё учун Россия билан рақобатга киришишга тайёр эди. Ана шу рақобатнинг оқибати сифатида Англия ва Россия ўртасида Урта ОСИё масаласи юзасидан “Дарвоз – Кушка – Гилён чизиги” номли чегара келишуви рўй берди. Бу сунъий чизик Урта ОСИё харитасидаги тарихий-анъанавий ҳудудий тушунчаларни бузиб юборди. Туркистон ўлкаси Россия ихтиёрига тўлиқ топширилди”. Ташқи дунё кўзига Бухоро ва Хива учун Россия ҳимояти эълон қилинди. Аслида бу мустамлакачиликнинг пухта ниқобланган шакли эди.

Китобнинг совет даврига оид фикрлар баён этилган қисмида муаллиф ўзини яна бир бора тарихчи олим сифатидаги ижодий салоҳиятини намоён этган. Олим даврнинг мураккаб масалаларини ўзига хос тарзда қисқа, лўнда ва аниқ таҳлил этиб, коммунистик, социалистик давлат ғояларининг, кўпмиллатли мамлакатда улўғ миллат қаноти остида ягона халққа айланш каби хаёлий назарияларнинг пуч эканини исботлаб берган. Демократия ҳақидаги сафсаталар тоталитар ҳукмронликни ҳаспўшлаш эканини кўрсатган. Бир сўз билан айтганда, муаллиф совет даври тарихи ялпи ижтимоий ёлғон, сиёсий найранглар даври бўлганини исботлаган.

Китобнинг 3-боби замонамизнинг улкан шоири, давлат ва жамоат арбоби Ўлжас Сулаймоновнинг ҳаёти, ижодий жасорати, юксак граждандлик хислатлари таърифи ва тавсифига бағишланган.

Унда XIX аср рус тарихчиси С.М.Соловьёвнинг “Қадимиятдан бошлаб Россия тарихи”, Россия тарихининг XIX–XX асрлари бўйича энг янги илмий ва ўқув адабиётларининг тафсили ва таҳлили берилади. Бу муносабат билан энг янги давр тарихшунослигида Туркистон ўлкасининг ҳамда умуман Россия империяси, кейин эса, совет давлатининг шарққа нисбатан сиёсатиға хос иллатлар чуқур ва аетрофлича баҳоланиб, теран ҳулосалар чиқарилган. Зеро, тарихчиларнинг бугунги катта ва ўрта ёшдаги авлоди учун совет даврида ҳукм сурган тарихни мафқуралаштириш оқибатлари маълум. Янги авлод тарихчилар учун эса Ф.Аҳмаджоновнинг ушбу китоблари сингари ёрқин таҳлилий асарлар қанчалик кўп яратилса, шунчалик фойдали бўларди.

Ҳамид ЗИЁЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, тарих фанлари  
доктори  
Мирсодиқ ИСҲОҚОВ,  
тарих фанлари доктори

Агата КРИСТИ

# «Ал-Карнаку» кемасидаги ҚОТИЛЛИК

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

АНГЛИЯ

Биринчи боб

**Л**иннет Рижуэй!  
— Ҳа, бу ўша! — деди Мэлтон графлиги фуқароси майда заминдор мистер Барнэби.  
Шундай деб, у ёнида турган чўпдай ориқ, ранги заҳил суҳбатдошини тирсаги билан туртиб қўйди.  
Улар почта биноси олдига келиб тўхтаган олтин рангли каттакон «ролс-ройс» машинасини деразадан кузатиб турардилар.  
Машинадан хушбичим, аммо сипо либос кийган қиз сакраб тушди. Унинг сочлари оқ-сарик рангда, юз тузилишида оқсуякларга хос олижаноблик мавжуд бўлиб, — у латифа қиз эди, — бундайларни Мэлтон сингари жойларда камдан-кам учратиш мумкин.  
— У миллионер, — деди мистер Барнэби, — янги олган амлокини қайтадан қуриш учун минг-минглаб пул сарфламоқчи. Ҳовлисида чўмилиш ҳовузлари, гулзорлар, танца зали бўларкан; у иморатнинг ярмини бузиб ташлаб, ҳамма уйларни бошқатдан қурмоқчи.

Русчадан  
Қодир  
МИРМУХАМЕДОВ  
таржимаси

Агата КРИСТИ (1891—1976) — таниқли инглиз адибаси. Биринчи жаҳон уруши йилларида у шафқат ҳамшираси бўлиб хизмат қилган. Дастлабки романи («Сирли воқеа») муваффақият қозонганидан кейин, у бутун умрини адабиёт оламига бағишлаган ва ўз ҳаёти давомида 68 та роман, 17 та пьеса, 100 дан ортиқ ҳикоя ёзган.

А.Кристи Конан Дойл анъанасига амал қилиб, белгиялик изкувар — бемисл ғайрат-шижоат соҳиби, ўта сезгир Эркюл Пуарони ўз асарларининг қаҳрамони этиб танлади.

Адибанинг асарлари дунё халқларининг 103 та тилида 2 миллиарддан ортиқ ададда нашр этилган.

Унинг китобларини жанр нуқтаи назаридан мувожабавий детектив асарлар дейиш мумкин; бундай асарларда, содир этилган жиноят мавжуд фактлар, аниқ далиллар ва тахминларни тадқиқ этиш билан эмас, балки махсус ғайриоддий заковат ёрдамида фош қилинади. Кристининг қаҳрамонлари ана шундай одамлар.

Агата Кристи кўп йиллар давомида Британия детектив клубининг Президенти бўлиб ишлади.

Англияда яратилган адабий асарларнинг дунёвий оммабоплиги бўйича Агата Кристи фақат В.Шекспирдан кейин туради. Шундай қилиб, ҳурматли журналхон, бугун эътиборингизга Агата Кристининг навбатдаги яна бир ажиб жумбоқ мужассам асари тақдим қилинади.

*Иккинчи боб*

Газетанинг оммавий ахборот бўлимидан бир парча:

«Шезматант» ресторанида зиёфатда бўлганлар орасида мен соҳиб-жамол Линнет Рижуэйни кўрдим. Унинг ёнида графиня Жоанна Соутвуд, лорд Уиндлешем ва мистер Томи Брайслар бор эди. Ҳаммага маълумки, мисс Рижуэйнинг отаси — Мелуш Рижуэй, онаси — Анна Харц эди. Унга бобоси лорд Харцдан жуда катта бойлик мерос қолган. Ҳозир ҳамманинг оғзида латофатли Линнет ҳақида дув-дув гап юрибди. Миш-мишларга қараганда, унинг турмушга чиқиши тўғрисида яқинда расман овоза қилинар экан. Маълум бўлишича, у ўзига умр йўлдоши қилиб лорд Уиндлешэмни танлаган».

*Учинчи боб*

Графиня Жоанна Соутвуд Линнет Рижуэйнинг Вудхоллдаги хоб-хонасида ўтирарди.

— Азизам, — деди у, — дарҳақиқат, бу ғоятда гўзал манзара!

Деразадан боғлар, далалар ва олисдаги ўрмон яққол кўзга кўриниб турарди.

— Чиройли-а, тўғрими? — сўради Линнет ўйчан кайфиятда.

У тирсақларини дераза тоқчасига тиради. Унинг ғоятда эҳтиросли, жонли ва питрак чеҳрасида шодиёна бетоқатлик акс этарди. Йигирма етти ёшлардаги чўзинчоқ юзли, кўз остларида майда ажинлар пайдо бўлган оқила кўринувчи ёш графиня Жоанна Соутвуд Линнетнинг олдида рангпар ва хунук кўринарди.

— Шу қисқа вақт ичида анча-мунча ишларни амалга оширибсан. Ёрдамчиларинг кўпми?

— Учта архитектор.

Жоанна пардоз столчаси устида ётган марварид шодасини олди.

— Линнет, бу ҳақиқий марваридми?

— Бўлмасам-чи?

— Бу сен учун «бўлмасам-чи», жонгинам, лекин кўпчилик учун ниҳоятда катта бойлик; нақадар нафис — буни санъат маҳсули деса бўлади. Катта пул турса керак-а?

— Бунақа қимматли марваридни тақиб юриш балки беадабликдир?

— Вой, нега энди! Аксинча! Қанча тураркан?

— Эллик минг атрофида, шекилли.

— Оҳҳо! Лекин буни ўғирлаб кетишлари мумкин. Қўрқмайсанми?

— Йўқ. Уни доим тақиб юраман — у суғурта қилинган.

— Қарши бўлмасанг, буни то тушликкача тақиб юрардим.

— Майли, тақақол, агар хоҳласанг.

— Биласанми, Линнет, сенга ҳавасим келади. Ҳамма нарсанг бор. Энди йигирмага кирган бўлсанг ҳам, ўзингга ўзинг хўжайинсан, пулинг бир дунё, гўзалсан, соғломсан. Буларнинг устига, яна оқиласан! Қачон йигирма бирга кирасан?

— Келаси йил, июнда. Балоғат ёшига кирганимни Лондонда даб-дабали зиёфат билан нишонламоқчиман.

— Кейин Чарлз Уиндлешэмга турмушга чиқасан. Ҳозир ҳамма газеталар ўлиб-тирилиб шу ҳақда ёзиб ётишибди. У чиндан ҳам сенга бағоят садоқатли эр бўлади.

Линнет елкаларини учуриб қўйди.

— Қайдам. Биласанми, мен ҳали эрга тегмоқчи эмасман.

— Вой, жуда ҳам тўғри қиласан, азизам. Эрга теккандан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетади.

Телефон жиринглади, Линнет гўшакни кўтарди.

— Эшитаман! Хўш?

Эшикоғаси унга жавоб қилди:

— Мисс де Белфорт қўнғироқ қилипти. Улайми?

— Белфорт? Ҳа, албатта, уланг.

Гўшакдан ҳаяжонланганидан ҳансираётган майин овоз эшитилди.

— Алло, бу мисс Рижуэйми? Линнет!

— Жекки, дугонажон! Вой, қачондан бери... дарагинг йўқ!

— Ҳа. Бу даҳшат. Линнет, жуда-жуда кўргим келяпти сени.

— Жуда яхши-да, азизам. Келавер! Мен ўзимга янги эрмак топганман — янги амлок, янги уй. Келсанг, кўрасан.

— Вой, жудаям хоҳлайман кўришни.

— Унда, тезроқ поездга ё машинага ўтир-да, келавер.

— Ҳозироқ йўлга тушаман. Икки ўринли эски шалдиरोқ автотранспортим бор. Ўн беш фунтга сотиб олгандим. Баъзан жуда яхши юради, баъзида бирдан жини кўзиб инжиқлик қилади. Агар чой ичиш пайтига етиб боролмасам, демак, машинам инжиқлик қилган бўлади. Хўп, хайр кўришгунча, ўргулай!

Линнет гўшакни қўйиб, Жоаннага ўгирилди.

— Бу менинг эски дугонам Жаклина де Белфорт. Парижда монастырда бирга бўлганмиз. Шўрликнинг ҳеч омади юрмади-юрмади. У француз графининг қизи, онаси жанубий америкалик. Отаси бошқа бир хотин билан қочиб кетган эди; онаси, Уолл-стритда юз берган бўҳрон (кризис) пайтида бутун бор пулидан айрилган. Жекки бир чақасиз қолган. Билмадим, шу ўтган икки йил мобайнида қандоқ кун кечирдийкин.

Тирноқларини бўяш билан машғул бўлган Жоанна қўлини чўзиб, ўз иши самарасидан завқланарди.

— Жонгинам, — деб у астагина гапира бошлади, — гашингни келтирмайдими бунақа одамлар? Дўстларимдан биронтаси бахтсизликка учраса, мен ўша заҳоти у билан алоқани узаман.

— Бу гапингдан, агар мен бутун бутун бойлигимдан айрилиб қолсам, эртага мендан юз ўтираркансан-да?

— Ҳа, азизам, албатта. Нима қерағи бор бир-биримизни алдашнинг? Мен фақат омади юрган дўстларимнигина тан оламан.

— Ҳали шунақа маразмисан, Жоанна!

— Мен ҳаётга жиддий кўз билан қарайман.

— Лекин Жаклина ҳақидаги фикринг мутлақо нотўғри, — деди Линнет. — Мен унга ёрдам бермоқчи бўлдим — эшитишни ҳам хоҳламади. Жуда ҳам такаббур қиз.

— Ҳолбуки, у сен билан кўришишга жуда ҳам шошиляпти. Гаров ўйнашим мумкин — у сендан ниманидир ундирмоқчи! Мана, кўрасан.

— Тўғри, у нимадандир қаттиқ ҳаяжонлангандек бўлиб туюлди, — деди Линнет хаёлга толиб.

Хонага оқсоч хотин кирди. У узр сўраб шкафдан кўйлак олди-да, чиқиб кетди.

— Мэрига нима бўлган? — сўради Жоанна. — Кўзлари жиққа ёш!

— Шўри қурисин. Биласанми, У Мисрда ишлайдиган бир одамга эрга тегмоқчи эди. Лекин у одам ҳақида биз ҳеч нима билмасдик; мен уни суриштириб кўрдим. Билсак, у уйланган ва учта боласи бор экан.

- Оҳ, Линнет, бунақада ўзингга бир дунё душман орттирасан!  
 — Душман? — деди Линнет ҳайрон бўлиб.  
 Жоанна бош ирғади ва сигарета тутатди.  
 — Ҳа, азизам, душман. Сен жуда ҳам питрак ва ишчансан.  
 Линнет кулиб юборди.  
 — Ишон, менинг битта ҳам душманним йўқ бу дунёда!

### *Тўртинчи боб*

Лорд Уиндлешэм кедр дарахти тагида ўтириб, Вудхолл мулкидаги иморатларни томоша қиларди. Муюлиш орқасида ям-яшил дарахтлар панасида қолган янги бинолар ва ёрдамчи хоналар асосий бинонинг кўҳна гўзаллигига заррача доғ туширмасди. Майин куз қуёши бу манзарага алоҳида чирой бахш этарди. Бироқ ҳозир лорднинг хаёлий нигоҳи бошқа манзарани тасаввур қиларди, бу манзара Линнетнинг мулки Вудхолл эмас, балки Елизавета услубида қурилган гоятда улғувор қаср ва унинг атрофидаги улкан парк, парк ортидаги кенг дала-лар... яъни унинг хусусий оилавий мулки Чарлтонбери эди. Қаср олдида бир хилқат — заррин сочли, чехраси эҳтиросли, матонатли аёл гавдаланарди.

Бу Линнет — Чарлтонбери бекаси!

Лорд ҳеч умидини узмасди. Линнетнинг рад жавоби қатъий эмас, фақат муддатни бир оз кейинга суриш ҳақидаги илтимос эди, холос. Майли, у яна озгина кутиши мумкин...

Ишининг ўнгидан келишини қаранг. Турган гапки, бой хотинга уйланса ёмон бўлмасди, лекин ҳозир у ҳиссиётни четга суриб қўйиб, фақат бойлик туфайли уйланадиган даражада пулга зор ҳам эмас. Линнетни у чин юракдан севади. Бу қизнинг ҳатто сариқ чақаси бўлмаганда ҳам, унга уйланишдан қайтмасди. Фақат бахтли тасодиф туфайли Линнет — Англияда энг бадавлат келинлардан бири...

Лорднинг миясида саодатли келажакнинг рожалари пайдо бўла бошлади. У Чарлтонбери мулкининг эгаси бўлиб қолаверади, эҳтимол, у ҳали бинонинг ғарбий қанотини ҳам тиклар... У Шотландияда ов қилишни давом эттиради...

Чарлз Уиндлешэм офтобда исиниб ўтираркан, шундай хаёлларга борди.

### *Бешинчи боб*

Икки ўринли шалдироқ автомобил шағал тўкилган йўлакка келиб, гижирлаб тўхтаганида соат роппа-роса тўрт эди. Машинадан бир қиз — тим қора сочлари ҳурпайган кичкинагина, қотмадан келган хилқат сакраб тушди. У зинадан югуриб чиқиб, қўнғироқни чалди. Бар неча дақиқадан кейин уни каттакон ва узунчоқ меҳмонхонага бошлаб кирдилар ва епископга ўхшаб кетувчи ходим эълон қилди: «Мисс де Белфорт!»

Жажжи хилқат қучоғини очганда Линнет сари худди алангадай отилди.

— Ёқимтой қизалоқ, — деб қўнғилдан ўтказди лорд, — унча гўзал бўлмаса ҳам, истараси иссиқ, қоп-қора сочлари, йирик-йирик кўзлари жуда мафтункор.

У гўлдираб, қандайдир маънисиз илиқ сўз айтди ва қизларни ёлғиз қолдириб, одоб сақлаганча чиқиб кетди.

Жаклина шу заҳоти дугонасини саволларга кўмиб ташлади. Линнет унинг бу одатини болалик чоғидан биларди.

— У Уиндлешэмми? Айт, Уиндлешэмми? Вой, ҳали шу йигитми? Ҳамма газеталар ҳали шу йигит тўғрисида ёзиб ётишибдими? Унга тегасанми? Шу ростми, Линнет? Ростми, а?

— Эҳтимол, — гўлдираб қўйди Линнет.

— Вой, бирам хурсандманки, офтобим! Ёқимтой йигит экан.

— Қўй, бу ҳақда гапирмайлик. Ҳали бир қарорга келганимча йўқ.

— Бўлмасам-чи! Қироличалар ўзларига муносиб умр йўлдошини танлашда ҳеч қачон шошилмайдилар.

— Жекки, жинни бўлма!

— Ахир сен, Линнет, ҳақиқий қироличасан-ку! Доим шундай бўлгансан, шундай бўлиб қоласан. Ҳазрати олиялари қиролича Линнет, оқ-сарик сочли қиролича Линнет. Мен — қироличанинг сирдоши, суюкли каниз!

— Жекки, уялсанг-чи. Шунча вақтдан бери қаёқларда юрувдинг, азизам? Бирдан гойиб бўлиб қолдинг. Бар марта ҳам хат ёзмадинг-а!

— Хат ёзишни ёмон кўраман. Қаёқда бўлганимни айтайми? Биласанми, вақтимнинг тўртдан уч қисми ер ости салтанатида ўтди. Ишладим. Мижгов одамлар билан диққанафас иш қилдим.

— Дугонажон, мен сенга...

— Шоҳона ёрдам кўрсатмоқчимисан? Мен ҳам шу ниятда келдим. Йўқ, йўқ, сендан қарзга пул сўрамоқчи эмасман. Ҳали бу аҳволга тушганим йўқ. Менга сенинг жуда катта ва жуда жиддий бир масалада ёрдаминг керак!

— Ўзи нима гап?

— Ҳамонки ўзинг турмушга чиқмоқчи экансан, илтимосимни тушунасан, деб ўйлайман.

Линнет олдинига қовоқ солди, кейин юзи ёришди.

— Жекки, сен...

— Ҳа, жонгинам, мен унаштирилганман.

— Шунақа дегин! Бугун бунчалик жўшқин кайфиятда бўлишингга сабаб бу ёқда экан-да.

— Ўзим ҳам сезяпман бу кайфиятимни.

— Қайлигинг ҳақида сўзлаб бер.

— Унинг исми Симон Дойл. У кенг яғринли, забардаст, айни чоғда жудаям дўлвор, худди ёқимтой боладай соддадил! У — камбағал, ҳеч вақоси йўқ. Ўзи қашшоқлашган зодагонлар оиласидан — биласан-ку, кенжа ўғил дегандек... У Девонширдан. Қишлоқда яшашни, ерда ишлашни, уй ҳайвонларини яхши кўради. Лекин, мана, беш йилдан бери димиққан маҳкамада ўтириб ишлади. Энди бўлса штат қисқариб, у ишсиз қоляпти. Линнет, тушунасанми, агар унга турмушга чиқмасам, ўламан! Ҳа, ўламан, ҳеч чидолмайман бу жудодилка, вассалом...

— Бемаъни гапни қўй, Жекки.

— Усиз ўламан. Жинни бўлиб қоламан унинг кўйида. У ҳам менинг кўйимда шундай бўлади. Биз бир-биримизсиз яшолмаймиз.

У жим бўлиб қолди. Шаҳло кўзлари ёшланди, нигоҳи мунгли эди.

— Симон ва мен бир-биримиз учун яратилганмиз. — деб у яна гапира бошлади. — Мен ҳеч қачон бошқа ҳеч кимни севмайман. Линнет, бизга ёрдам қил. Мана, янги амлок сотиб олибсан. Эшитдим-у, миямга бир фикр келди. Менга қара, ахир сенга иш бошқарувчи керак бўлади-ку. Утинаман, шу лавозимга сен Симонни ёлла.

— Вой, шумиди илтимосинг? — деди жуда ҳайрон бўлган Линнет.

Жаклина шоша-пиша гапини давом эттирди:

— Бу лавозимни у яхши эплайди. Ер билан бўладиган ишни пухта биледи. Чунки у далада ўсган. Иш бошқаришни эса маҳкамада ўрганган. Агар эплотмаса, майли, ҳайдаб юбор. Лекин у эплайди. Кейин биз сенга яқин бўлган биронта мўъжазгина уйда яшаймиз, ана унда, тез-тез кўришиб ҳам турамиз, чор-атрофимиз боғ, мисоли жаннат бўлади.

У ўрнидан турди.

— Хўш, нима дейсан? «Розиман», деб айтақол, Линнет! Айт! Соҳибжамол, зар кокилли Линнет! Менинг энг суюкли, энг азиз дугонажоним! Бўл, айта қол, ахир розисан-ку, а?

— Жекки...

— Розимисан?

Линнет хохолаб кулиб юборди.

— Жуда антиқа қизсан-да, Жекки! Қани, бошлаб кел-чи, ўша қайлиғингни. Олдин уни кўрай, кейин келишармиз.

Жекки Линнетни қучоқлаб, хона ичида гир-гир айлантирди.

### *Олтинчи боб*

Мўъжазгина «Шезматант» ресторанининг хўжайини Гастон Блондэн ўз хўрандалари билан камдан-кам дилкашлик қиларди. Бу гал истисно қилди:

— Бўлмасам-чи, мосье Пуаро, — деди у, — сиз учун ҳамиша жой топиледи. Кошкийди, тез-тез қадам ранжида қилиб турсангиз ресторанимга!

Эркул Пуаро бу ресторанда ўлик жасад, официант, мистер Блондэн ва латофатли бир леди иштирок этган кўнгилсиз ҳодисани эслаб, мийиғида кулиб қўйди.

— Сиз бағоят оқкўнгил одамсиз, мистер Блондэн, — деди у.

— Ёлғизмисиз, мосье Пуаро?

— Ҳа, ёлғизман.

— Жуда соз. Ҳозир Жюли сиз учун ихчамгина кечлик ҳозирлайди. Бу ҳақиқий санъат мўъжизаси бўлади! Аёллар нақадар назокатли бўлишмасин, битта камчиликлари бор — улар бизнинг ақлу заковатимизни таомдан четга жалб қиладилар. Сиз бугун ҳузур қилиб овқатланасиз, мосье Пуаро, сўз бераман. Хўш, қандай вино ичадилар?

Суҳбат мутлақо амалий бўлди, унда метрдотел Жюли ҳам иштирок этди. Мистер Блондэн кетиш олдидан овозини пасайтириб сўради:

— Бу галги ишингиз жуда жиддийми?

Пуаро бош чайқади.

— Энди мен эркин қушман, — деб жавоб қилди у маъюс оҳангда, — ўз вақтида яхшигина пул ишладим, энди баҳузур ҳаёт завқини суриб яшашим мумкин.

— Сизга ҳавасим келади.

— Йўқ, йўқ, асло ҳавас қилманг. Бекорчи бўлиб кун кечириш, баъзилар тасаввур қилганидай, кўнгилхушлик эмас. — У хўрсинди. — «Инсон фикрлаш заруратидан қутулиш учун ишлашни кашф қилган», деган матал ғоятда адолатлидир.

Мистер Блондэн ҳайратда:

— Нималар деяпсиз, кишига ҳузур бағишлайдиган қизиқарли нарсалар дунёда беҳисоб... Саёҳатлар, масалан!

— Тўғри айтасиз, саёҳат. Мен ҳам бу йил қишда Мисрга саёҳат қилмоқчиман. У ернинг иқлими ажойиб дейишади. Ҳарҳолда, тумандан, кеч тонг отишидан, сурункасига қўйиб турувчи юракни сиқадиган ёмғирдан қутуламан-ку.

Товуш чиқармай юриб келган официант столга қимматбаҳо кечлик таомнинг ашёларини — қадаҳ, сариеғ, муз солинган челақчани жуда усталик билан териб чиқди.

Негрлар оркестри қулоқни қоматга келтириб, танца мусиқасини чала бошлади. Лондон рақсга тушарди. Пуаро ўз таассуротларини беихтиёр қайд қилганча одамларни кузатарди.

Баъзиларнинг кўзларида маънодан асар йўқ, бошқаларни ҳеч нарса қизиқтирмайди, яна айрим кишилар эса аянчли кўринардилар. Ёшликни ҳаётнинг энг бахтли даври деб ҳисоблайдилар — қандай бемаъ依лик: аксинча, ёшлик энг қалтис давр.

Мана, унинг нигоҳи майинлашди. Кўзи ягриндор, норғил эркак билан нозиккина хушбичим қизга тушди. Улар ўз бахтлари оҳангига маст бўлиб рақс тушардилар. Демак, бахтиёр одамларни бу ерда ҳам учратиш мумкин экан; ҳа, бундайлар ҳаммавақт ҳамма ерда ҳам учрайди. Мусиқа бирдан тўхтади. Қарсақлар эшитилди, сўнг оркестр яна чала бошлади. Пуаронинг диққатини тортган йигит билан қиз икки марта айлангандан кейин унинг ёнидаги столга келиб ўтиришди. Қизнинг яноқлари лов-лов ёнар, у куларди. Энди Пуаро қизнинг ўз ҳамроҳига қараган юзини аниқ кўриб ўтирарди. Унинг кўзларида Пуаро қандайдир аломатларни кўрди ва шубҳаланиб бош чайқаб қўйди.

— Жуда ҳам қаттиқ севаркан йигитини бу қизалоқ, — деб гўлдираб қўйди Пуаро ўзига ўзи. — Бу хавфли. Йўқ, йўқ, бу жуда хавфли.

Бирданига «Миср» деган сўз қулоғига чалинди. Энди у йигит билан қизнинг овозини аниқ эшитарди: қизнинг овози — янгроқ, ҳаяжонли, бахтли ва талаффузида хорижий урғу хиёлгина сезилиб турарди; йигитники — ўқимишли инглизларникига ўхшаган ёқимли дўриллаган овоз эди.

— Мен асло жўжани кузда санамоқчи эмасман. Лекин аниқ биламан, Линнет мен учун ҳамма ишни қилади.

— Ўзим ҳам унинг баъзи ишларини қилиб беришим мумкин, — деди йигит.

— Бу сенга жуда қўл келадиган иш!

— Ҳа, бўпти, ўзим ҳам фойда келтиролсам керак. Ҳаракат қиламан... сени деб!

Бениҳоя хушбахт қиз аста кулиб қўйди.

— Биз уч ой кутамиз, то қатъий ишонч ҳосил қилгунимизча, ана унда...

— Ана унда мен сенга бир олам хазина тўхфа қиламан. Розими-сан? Кейин Мисрга жўнаймиз, асал ойимизни ўша ерда ўтказамиз. Сарф-харажатни ўйламаймиз. Мен бир умр Мисрга боришни орзу қилиб келганман. Нил дарёси, эҳромлар, қумликлар...

Йигит овозини пасайтириб, эҳтирос билан гапира бошлади:

— Шуларнинг ҳаммасини кўрамиз, Жекки... биргаликда. Қандай яхши!

— Бу саёҳат менга қанчали ёқса, сенга ҳам шунчали ёқишини жуда-жуда хоҳлардим. Сен чиндан ҳам мени худди мен сени севганимдек севасанми?

Қизнинг овозида бирдан титроқ пайдо бўлди, кўзларида қўрқув акс этди. Йигит шу заҳоти жавоб қайтарди — қуруққина жавоб:

— Жекки, жинни бўлма.

Эркул Пуаро ўзича гўлдираб қўйди:

— Астойдил севадиган одамни унчали севмайдилар. Ҳа, мен ҳам билишни истардим...



## Еттинчи боб

— Борди-ю, у йигит ғирт бефаҳм бўлса-чи? — деди Жоанна Соутвуд.

Линнет бош чайқади.

— Йўғ-е, ўлибдими. Жаклина дидли қиз.

— Биласанми, — деб яна ўз фикрини маъқуллай бошлади Жоанна, — севган одам кўпинча ичи қора, гаразгүй бўлади.

Линнет бош чайқаб, суҳбат мавзуини ўзгартирди.

— Мен мистер Пиерсни кўришим керак, тузган режаларим юзасидан маслаҳатлашмоқчиман.

— Режаларинг?

— Ҳа, биласанми, ҳўв анави бесўнақай исқирт уйларни айтяпман. Уларни бузиб, одамларни бошқа жойга кўчираман.

— Ўша уйларда яшовчилар кўчишга розими?

— Кўпчилиги жон-жон деб кўчиб кетади, лекин бир нечта қайсар аҳмоқлар шовқин кўтаришди. Вой, бирам юрагим зиқ бўлиб кетдики... Улар ҳеч тушунишмаяпти турмуш шароитлари янги жойда яхшироқ бўлишини.

— Сен уларни, албатта, қўндира олгандирсан?

— Жоанна, мен уларнинг фойдасини кўзлаган эдим.

— Тушунаман, азизам — зўрма-зўраки саховат.

Линнетнинг афти буришди. Жоанна кулиб юборди.

— Қовоғингни солма, биласанми, сен золимасан. Мурувватли золимасан, агар шу номни ёқтирсанг.

— Кўйсанг-чи, мен ҳеч ҳам золиммасман.

— Лекин доим ўз истагингни рўёбга чиқарасан.

— Доиммас.

— Линнет Рижуэй, кўзимга тик қараб туриб айтинг-чи, кўзлаган ниятингиз бирон марта амалга ошмаган пайт бўлганми сизда?

— Минг марта бўлган.

— Ҳа, албатта, минг марта — бу айтишга осон, лекин биттагина аниқ мисол келтира оласизми? Қанча ўйласанг ҳам, барибир, эслолмайсан ҳеч битта мисолни. О, олтин лимузинда голибона сафар қилувчи Линнет Рижуэй!

— Сен мени худбин деб ҳисоблайсанми? — сўради Линнет кескин тарзда.

— Йўқ, шунчаки, сенинг ҳеч бир гапингни икки қилиб бўлмайди.

Бу — пулларинг ва шахсий тароватингнинг мужассам қудрати. Ҳаётингда сен эриша олмайдиган нарса йўқ.

Шу пайт уларнинг олдига лорд Уиндлешэм кирди ва Линнет унга юзланиб, деди:

— Жоанна эрталабдан бери маза-матрасиз гапларни айтиб, ақл ўргатмоқчи бўляпти менга.

— Ҳавасим келганидан айтдим, жонгинам, ҳавасим келганидан, — деб кулди Жоанна ўрнидан тураркан.

У хайрлашиб, хонадан чиқа бошлади ва эшик олдига борганида орқасига ўгирилиб, Уиндлешэмнинг кўзларида ғалати бир ифода ялт этганини кўрди.

Лорд бир неча дақиқа сукут сақлади, кейин бирдан мақсадга ўтди.

— Линнет, ҳал қилдингизми?

— Сизни ранжитмоқчи эмасман-у, аммо кўзим етмаяпти сизга хотин бўлишимга, шунинг учун айтадиган жавобим — йўқ...

Лорд унинг сўзини бўлди:

— Шошилманг. Ўйлаб кўриш учун вақтингиз етарли, майли, хоҳлаганингизча ўйланг. Лекин ишончим комил, бирга бўлсак бахтли ҳаёт кечирамиз.

— Биласизми, — деб Линнет ўзини оқламоқчи бўлгандай, гўдакларга хос аянчли оҳангда гапира бошлади, — мен ҳозир жуда яхши яшаяпман, айниқса, бу ерда, — у қўли билан ишора қилди. — Мен бу Вудхоллни комил заминдорнинг мулки сифатида кўришни истайман. Чиройли чиқяпти, тўғрими?

— Ғоятда кўркем. Ҳаммаси юксак даражада. Сиз ўткир истейдод соҳибасиз, Линнет.

У бир зумли сукутдан сўнг яна гапини давом эттирди:

— Аммо Чарлтонбери ҳам сизга ёқади, шундай эмасми? Тўғри, ҳали уни бир оз янгилаш, тозалаш лозим. Сиз бундай иш билан шуғулланишни яхши кўрасиз ва яхши биласиз. Ҳали сизга ёқиб қолади Чарлтонбери.

— Албатта, Чарлтонбери — жуда машҳур мулк.

Линнет ўзига ёд бўлиб кетган кўтаринки руҳда гапирарди, лекин шу пайт бирдан юрагига нимадир санчилгандай бўлди. Шодиёна ҳаловатини барбод қилувчи қандайдир мавҳум безовталиқ вужудга келди. Алҳол у бу ҳақда ўйламади, лекин кейинроқ, Уиндлешэм кетгач, ўйга толиб, бу безовталиқ сабабини аниқлашга уринди.

Чарлтонбери — тўғри, бу мулк ҳақида гаплашиш Линнетга ёқмасди. Нега? Чарлтонбери донғи кетган мулк. Уиндлешэмнинг аждодлари қиролича Елизавета замонидан бери бу мулкка эгалик қилиб келардилар. Чарлтонберининг бекаси бўлиш — бу жамиятда энг юқори поғонада бўлиш демакдир. Уиндлешэмнинг ўзи ҳам Англияда энг шукуҳли куёвлардан бири.

Табиийки, Уиндлешэм Вудхоллни жиддий қабул қилаолмайди... Вудхолл билан Чарлтонбери орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Тўғрику-я, лекин Вудхолл Линнетнинг ўз мулки! Бу ерни у ўзи топиб сотиб олди, қанча куч, қанча пул сарфлади. Вудхолл — унинг салтанати.

Агар у Уиндлешэмга турмушга чиқса, Вудхолл кераксиз бўлиб қолади. Ахир нима кераги бор уларга шаҳар ташқарисида бир эмас, иккита мулкнинг? Турган гапки, Вудхоллдан воз кечишга тўғри келади — унда Линнет Рижуэй йўқ бўлади. У графиня Уиндлешэмга, Чарлтонбери мулкнинг хўжайинига устама қилиб берилган графиня Уиндлешэмга айланади. У қиролнинг завжаси бўлади, лекин ўзи қиролича бўлолмайди.

— Қандай бемаънилиқ, — деди ўзига ўзи Линнет.

Ташқаридан машина келиб тўхтагани эшитилди.

Линнет аста бош силкиб қўйди. Жекки қайлиғини бошлаб келган эди. Бека уларни қарши олгани чиқди.

— Линнет, — деб унга ташланди қайлиғи билан кириб келган Жекки. — Бу Симон. Симон, бу Линнет — дунёда энг нодир хилқат.

Линнетнинг қаршисида сочи калта қилиб кузалган, кўк кўз, баланд бўйли яғриндор йигит турар ва ҳудди гўдак боладай ширин жилмаярди. Линнет унга кўлини узатди. Йигитнинг кафти қаттиқ ва илиқ эди. Унинг Линнетга соддадиллик билан, ҳайратона шавқ-завқ билан боқиши уй бекасига мақбул бўлди. Жекки йигитига Линнетни, нодир хилқат деб айтди ва у, шубҳасиз, Жеккининг фикрига қўшилди. Линнет ширин ва илиқ ҳиссиёт оғушида эди.

У меҳмонларни уйга таклиф қилиб ўгириларкан, шундай хаёлга борди: «Ўзимни яхши ҳис қиляпман. Жеккининг қайлиғи менга ёқяпти, жуда ҳам ёқяпти».

Бирдан унинг юрагини нимадир сиққандай бўлди — бахтли экан Жекки.

## Саккизинчи боб

Шезлонгда ўтирган Тим Аллертон денгизга тикиларкан, керишиб ҳомуза тортиб қўйди. У онаси томонга дам-бадам кўз қирини ташларди.

Миссис Аллертон сочлари оппоқ оқарган эллик ёшлардаги хушрўй аёл. У ҳар гал ўғлига мурожаат қилганида лабларини чирт юмиб олар ва бу билан ўзининг бемисл оналик меҳрини яширишга уринарди. Лекин бу рафтори билан у, Тим у ёқда турсин, мутлақо бегона одамларни ҳам алдай олмасди.

— Нималарни ўйлаяпсан, Тим? — сўради миссис Аллертон хавотирланиб; унинг тим қора чақноқ кўзлари ўғлига безовталаниб боқарди.

Тим онасига қараб жилмайиб қўйди.

— Мисрни ўйлаётгудим.

— Мисрни? — сўради она ҳайрон бўлиб.

— У ер илиқ, у ерда сокин тилларанг кум, Нил дарёси бор. Мен Нилнинг юқори оқимиғача кемада сузиб боришни жуда-жуда хоҳлардим. Сиз-чи?

— Мен ҳам хоҳлардим, албатта. — деди она қуруққина қилиб. — Лекин Миср — бу жуда қиммат туради, азизим. Ҳар бир тийинни тежаб яшайдиганлар учун эмас бундай саёҳат.

Тим кулиб қўйди. Ўрнидан туриб, қаддини ростлади. Керишиб, бирдан гайрати жўш урди, овозида завқ сезилди.

— Ҳамма харажат мендан. Рост, ойижон. Мен биржада ўйнаган эдим, анчагина ютибман. Бугун эрталаб хабар қилишди.

— Бугун эрталаб? — деб она бошини адл кўтарди, — бугун фақат битта хат олдинг шекилли, Жо... — У гапини узиб, лабини тишлаб қолди.

Тим, уришиб берсаммикан ё ҳазилга йўйиб қўя қолсаммикин, деб ўйланиб қолди. Бу сафар дилидаги дохилий баҳс ҳазилни афзал кўрди.

— Ҳа, Жоаннадан олувдим, — деб у онасининг гапини яқунлади. — Жуда тўғри топдингиз, ойи. Зеро, сиз детектив қироличасисиз! Ҳатто буюк Эркюль Пуаро ҳам шу яқин-ўртада бўлганида, сизга бош эгиб таъзим қилган бўларди.

Миссис Аллертон хижолат тортди.

— Бехосдан конвертни кўриб қолиб...

— Кўриб, хат биржа даллолидан эмаслигини билгансиз. Жуда тўғри, очигини айтсам, биржадан менга кеча хабар келган эди. Жоаннанинг дастхати аломат — ҳарфлар худди ўргимчакдек хатжилд устида ўрмалаб кетади.

Миссис Аллертон: «Ўғлим ҳамма олган хатларини менга кўрсатади, лекин Жоаннанинг хатларини доим яширади», деб ўйлади. Лекин ҳозир у бу фикрини унутиб, ўзини олижаноб ледидек тутишга жазм қилди.

— Жоанна хурсандми ҳаётдан? — сўради у.

— Назаримда, унчалимас. У Мейфеарда тансиқ таомлар магазинини очмоқчи.

— Доим, пулим йўқ, деб зорлангани-зорлангану пешма-пеш сайру саёҳат қилади, қолаверса, кийган ҳар битта кўйлаги бир дунё пул туради, — деди миссис Аллертон гижиниб.

— Ким билсин, эҳтимол, кийган кийимлари учун у ҳақ тўламас. Яъни, айтмоқчиманки, келган ҳисоб варақалари пулини тўламайдигандир балки.

Она хўрсиниб қўйди.

— Тим, — деди у худди гуноҳ қилиб қўйгандай, — мен миссис Ленчга ваъда қилувдим, сени у билан полиция маҳкамасига боради, деб. Шўрлик испанча биронта ҳам сўзни тушунмайди.

Тим афтини буруштирди.

— Яна ўша узук масаласими? Миссис Ленчнинг туёғига тақилган тўққизил ёқут кўзли узукми? Агар сиз шуни истасангиз, майли, бораман, лекин вақтимиз бекор кетади. У хотин биронта шўрпешона оқсочни балога гирифтор қилади, холос. Мен ўз кўзим билан кўрганман, миссис Ленч денгизга тушаётганида, узук унинг бармоғида эди. Балки сезмагандир бармоғидан сирғалиб сувга тушиб кетганини.

— Айтишича, узукни ечиб, пардоз столчаси устига қўйган экан.

— Йўқ, у янглишган. Ўзим кўрдим-ку. Аёллар бефаҳм бўлишади. Кейин, қайси ақли расо аёл декабрда денгизда чўмиларкан? Умуман, семиз аёлларнинг соҳилда чўмилиш либосида пайдо бўлишларига чек қўйиш керак, бунақа манзара кўзни хиралаштиради.

— Унда, мен ҳам бошқа чўмилмаганим маъқулдир, — деди миссис Аллертон.

Тим қулиб юборди.

— Нега энди сиз? Сиз ёш хонимларнинг юзтасини бир чўқишда қочирасиз.

Миссис Аллертон хўрсиниб қўйди.

— Афсуски, бу ерда ёшлар жуда кам.

Тим қатъий тарзда бош чайқади.

— Сира ҳам афсусланмайман бундан. Сиз билан бўлганимнинг ўзи мени тўла-тўқис қониктиради, бошқа ҳеч қандай улфат керакмас менга.

— Балки, ёнингда Жоанна бўлишини хоҳларсан?

— Сира ҳам, — деди Тим бирдан кескин тарзда, — янглишяпсиз. Тўғри, Жоанна кўнглимни хушлайди, лекин уни ёқтирмайман, у билан бот-бот мулоқотда бўлиш асабимни кўзгайди. Хурсандман унинг бу ерда бўлмаганидан. Агар Жоаннани бошқа ҳеч қачон кўрмасам, сира ҳам хафа бўлмасдим.

### *Тўққизинчи боб*

Зинадан тушаётган мисс Робсон баланд бўйли эпчилгина аёлга рўпара келди — унинг қўлида қайноқ қаҳва тўлдирилган финжон бор эди.

— Демак, мисс Бауэрс, яқинда Мисрга жўнаркансиз-да?

— Ҳа, мисс Робсон.

— Оҳ, қандай ёқимли саёҳат бу!

— Рост, менимча, бу қизиқарли сафар бўлади.

— Сиз олдин ҳам бўлганмисиз чет элда?

— О, бўлганман, мисс Робсон. Ўтган йили кузда Парижга боргандим мисс Ван Скулер билан. Лекин Мисрда ҳали бўлмаганман.

Мисс Робсон навбатдаги саволни беришдан олдин бир оз сукутга толди.

— Ҳарҳолда, бу гал ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермас? — деди у овозини пасайтириб ва атрофига қараб қўйди.

Мисс Бауэрс, ўз одати бўйича, бамайлихотир жавоб қилди:

— Албатта, мисс Робсон. Мен бекамни муттасил кузатиб тураман. Унинг қилиқларини яхши ўрганиб олганман.

Лекин мисс Робсоннинг кўнгли нотинч эди, у зинадан тушиб бораркан, ўгирилиб мисс Бауэрс томонга шубҳа билан қараб қўйди.

*Ўнинчи боб*

Мистер Эндрю Пеннингтон ўзининг шаҳар ташқарисидаги маҳкамасида стол ортида ўтирганча, ўз номига келган хатларни кўздан кечирарди. Кутилмаганда, унинг мушт бўлиб тугилган қўли столга залвор билан тушди. Юзи чўгдек қизариб кетди, пешонасининг томирлари бўртиб чиқди. У қўнғироқ тугмасини босди, шу заҳоти хушбичим стенографчи қиз кирди.

— Мистер Рокфордга айтинг, дарҳол бу ерга келсин.

Бир неча дақиқадан кейин Пеннингтоннинг компаньони Стрендэйл Рокфорд хонага кириб келди. Улар бир-бирларига ўхшардилар — икковлари ҳам баланд бўйли, йирик гавдали, икковларининг ҳам соқол-мўйловлари силлиқ қирилган, сочларига оқ оралаган.

— Нима гап, Пеннингтон?

— Линнет эрга тегибди...

— Нима?

— Айтдим-ку — Линнет эрга тегибди.

— Қачон? Қанақасига? Нега биз билмаймиз?

— У мана бу хатни ёзганида ҳали эрга тегмаган бўлган, лекин энди бу иш амалга ошган. Тўртинчида эрталаб. Демак, бугун.

Рокфорд стулга чўкди.

— Бу қанақаси? Бизни огоҳлантирмай-а? Эри ким экан?

Пеннингтон хатга кўз ташлади:

— Дойл. Симон Дойл.

— Ким у? Ҳеч эшитганмисиз у ҳақда?

— Ҳеч қачон. Линнетнинг ўзи ҳам аниқ бир гап ёзмабди... — У аниқ ва текис ёзилган сатрларга кўз тикди. — Фаҳмимча, бу ишда қандайдир фитна бор. Лекин бунинг бизга дахли йўқ. Энг муҳими, у эрга теккан.

Иккала эркак бир-бирининг кўзига қаради. Рокфорд бош ирғади.

— Биз қандай чора кўрамиз?

— Мен бу ҳақда сиздан сўрамоқчи эдим.

*Ўн биринчи боб*

— Илтимос, олдимга мистер Жимни жўнатилинг, — деди Уилям Кармикл қўнғироқ бўйича хонага кирган озгин йигитга.

Жим Фантора кириб, амакисига савол маъносида қаради.

— Э-ҳа, келдингми? — деб тўнғиллади кекса жентлмен.

— Мени чақирувдингизми?

— Қани, бир кўр-чи, мана буни.

Йигит ўтириб олиб бир варақ қоғозни ёйди.

Қария ундан кўз узмасди.

— Нима бўпти?

— Менимча, — деди қария, — бу ерда қандайдир галамислик бор.

Жим Фантора ҳозиргина Мисрдан келган хатни ўқий бошлади. — Линнет ўзининг америкалик васийи Эндрю Пеннингтонни учратганини ёзибди. “Мен унинг Мисрда эканлигидан мутлақо беҳабар эдим, у ҳам мен тўғримда ҳеч нима билмас экан. Ҳаттоки эрга текканимни ҳам! Ёзган хатим унга етиб бормабди. У ҳам Нилда сузмоқчи, биз танлаган маршрут бўйича. Хўш, бу тасодифий мувофиқлик эмасми? Сиздан беҳад миннатдорман, мен учун энг оғир бўлган дамда кўрсатган барча яхшиликларингиз учун. Мен...”

Йигит варақнинг орқасини ўгирмоқчи бўлган эди, лекин мистер Кармикл хатни унинг қўлидан тортиб олди.

– У ёғини ўқишинг шарт эмас. Хўш, нима дейсан бу ҳақда?

Жиян ўйлаб туриб жавоб қилди.

– Менимча, бу тасодиф эмас.

Амаки бош ирғаб уни маъқуллади ва дабдурустдан жиянига тикилиб туриб, баралла деди:

– Мисрга боришинг ҳақида нима дейсан?

– Шунинг зарур деб ҳисоблайсизми?

– Мен, вақтни бой бермаслик керак, деб ҳисоблайман.

– Нега энди айнан мен боришим керак?

– Каллангни ишлат, болакай, каллангни. Линнет Рижуэй ҳеч қачон сени кўрмаган. Пеннингтон-ку, мутлақо. Самолётда учсанг, айти вақтида етиб борасан.

### *Ўн иккинчи боб*

Миссис Оттерборн бошидаги очиқ рангли матодан тўқилган амомани тўғрилади ва аянчли оҳангда сўради:

– Нега энди Мисрга боришни хоҳламаяпсан? Тушунмадим. Аддис-Абеба жонимга тегди, безор бўлдим ундан.

Қизи индамади, шунда у яна гапира бошлади.

– Сендан гап сўраяпман, жавоб берасанми, йўқми?

Қизи Розали Оттерборн газетада босилган фотосувратдан кўз узмасди. Суврат тагига шундай сўзлар ёзилганди: “Миссис Симон Дойл; у эрга тегмасидан олдин бутун элга таниқли соҳибжамол мисс Линнет Рижуэй эди. Мистер ва миссис Дойллар ўзларининг асал ойлари-ни Мисрда ўтказмоқдалар”.

Розали бошини газетадан кўтариб, лоқайд кайфиятда сўради:

– Сиз Мисрга боришни хоҳлаяпсизми, оий?

– Ҳа, хоҳлайман, – деди чинқириб миссис Оттерборн. – Бу ерда олдин бизга бир қадар яхши муносабатда бўлишганди. Лекин меҳмонхона хўжайинига, менинг бу ерда туришим унинг учун энг яхши реклама эканлигини, шунга кўра, мендан камроқ ҳақ олиши лозимлигини айтгандим, у кўрслик, безбетлик қилди. Мен ҳам унинг тўғрисида қандай фикрда эканлигимни шартта юзига айтдим.

Қиз хўрсиниб қўйди.

– Нима ҳам дейман, умуман олганда, ҳамма шаҳарлар бир-бирига ўхшайди. Майли, ҳозироқ жўнаймиз. Кетдик Мисрга! Барибир эмасми, – деб гўлдиради Розали.

– Тўғри, бу ҳаёт-мамот масаласи эмас, албатта, – деб қизининг гапига қўшилди миссис Оттерборн.

Лекин у янглишган эди. Бу саёҳат унинг учун айнан ҳаёт-мамот масаласи эди.

## *ИККИНЧИ ҚИСМ*

### **МИСР**

#### *Биринчи боб*

Миссис Аллертон билан унинг ўғли Асвондаги “Катаракт” отели олдига ярқироқ тўқима креслоларда ўтирарканлар, хиёбонда сайр қилиб юрган оқ шоҳи костюм кийган кичкинагина одам билан баланд бўйли қотмадан келган қизни кузатардилар. Тим Аллертон қаддини ростлади, бирдан сергак тортиди.

– Ана шу кулгили одам Эркюл Пуароми?

– Ҳа, шу кулгили одам.

– Тавба, унга нима бор экан бу ерда?

Онаси кулиб қўйди.

– Сен, эркам, негадир безовта бўляпсан. Нима сабабдан эркаклар детективларга бунчали қизиқишаркин-а? Шахсан мен детектив романларни ёқтирмайман, уларни ҳеч ўқимайман. Лекин мосье Пуаро бу ерда фақат дам оляпти. У ўз вақтида дурустгина пул жамғарган, энди ҳаёт гаштини суряпти.

– Қаранг, дарров Асвондаги энг дилбар қизни илинтириб олибди.

Миссис Аллертон ҳам бошини бир ёнга эгиб, Пуаро билан унинг ҳамроҳини кузатарди. Қиз энгил ва эркин одимларди.

– Ҳа, чиндан ҳам дилбар қиз. – Миссис Аллертон ўгли томонга кўз қирини ташлади.

Қарангки, онанинг бу луқмаси нишонга теккан эди.

– Ҳа, дилбар қиз, лекин, афсуски, дили сиёҳ, хафақон кўринади.

– Балки кўриниши шунақадир фақат.

– Ўлгудай жоҳил бўлса керак. Лекин чиройли.

Бу аснода улар муҳокама қилаётган хилқат Эркюл Пуаро билан сайр қилишда давом этди. Розали Оттерборн зонтиги тутқичини ўйнардан, дарҳақиқат, Тим таърифлагандай, хафақон кўринарди.

Қиз қошларини чимирди, лабининг икки чети маҳзун осилди.

Улар дарвозадан ташқарига чиқиб, соя-салқин шаҳар парки томон йўл олдилар. Пуаро ҳамроҳини суҳбатга тортиш мақсадида, у билан шўх-шўх ва аҳамиятсиз нарсалар тўғрисида гаплашарди. Эгнига ҳафсала билан дазмолланган оқ шоҳи костюм, бошига панама кийган бу одам қаҳрабо дастали жимжимадор таёқчасини ўйнатиб борарди.

– Мени ром қилди, – деди у, – бу тоғлар, офтоб, дарёдаги қайиқлар. Ҳа, ҳаёт гўзал.

Пуаро сукутга толди, сўнг бирдан сўради:

– Фикримга қўшилмайсизми, мадемуазел?

– Билмадим, – деди Розали содлагина қилиб. – Менимча, Асвон жуда зерикарли шаҳар. Меҳмонхонада деярли ҳеч ким йўқ. Борлари ҳам юз ёшли чоллар, – у лабини тишлаб жим бўлиб қолди.

– На чора, – деди Пуаро кўзларида муғомбирона жилва билан, – сиз ҳақсиз, менинг ҳам бир оёғим гўрда.

– Мен асло сизни ўйламовдим. Кечиринг, қўполлик қилиб қўйдим, – деб узр сўради қиз.

– Парво қилманг, азият чекманг. Тушунаман, сизга ўз тенгқурларингиз керак. Лекин битта йигит бор бу ерда.

– Анави онасининг ёнидан бир қадам жилмаётганми? Онаси менга ёқади, лекин ўгли жуда такаббур, шуҳратпараст кўринади.

– Мен-чи? Сиз мени такаббур, шуҳратпараст деб ҳисобламайсизми?

– Йўқ, ҳисобламайман.

Пуаро уни заррача ҳам қизиқтирмасди, лекин бу ҳол детективни ранжитмади. У виқор билан деди:

– Дўстларим мени олий даражадаги шуҳратпараст деб ҳисоблашади.

– Нима бўпти, – деди Розали паришонхотирлик билан, – шундай дейиш учун дўстларингизда бирон асос бордир балки. Афсуски, жиноятлар мени ҳеч қизиқтирмайди.

– Хурсандман, – деди Пуаро тантанавор оҳангда, – виждонингиз поклигидан.

Қизнинг хомуш чехраси бир лаҳзага жонланди – у Пуарога савол маъносида қаради. Лекин Пуаро бунга сезмагандай, гапида давом этди:

– Онангиз бугун нонуштага чиқмади. Ишқилиб, касал эмасми?  
– Ойимга ёқмаяпти бу ер, холос, – деб жавоб қилди Розали истар-истамас, – кошкийди тезроқ жўнаб кетсак!

– Сизлар Водий Халфага борасизларми иккинчи “Катаракт”да?

– Ҳа.

– Демак, бирга жўнарканмиз.

Улар соя-салқин боғдан чиқиб, дарёнинг чап соҳилига йўл олдилар. Йўлда фотокамера учун тасма олгани магазинга кирдилар. (Бу сайрдан мақсад ҳам шу эди.) Кейин бандаргоҳга яқин бордилар. Маҳобатли теплоход эндигина етиб келган эди. Пуаро билан Розали янги келганларни кузата бошладилар.

– Вой-бў-ў, шунча одам-а! – деди Пуаро.

Уларнинг жамоасига Тим Аллертон келиб қўшилди. У гўё жуда шошиб келгандай, оғир-оғир нафас оларди.

– Оддий туристлар, – деди Тим кема зинасидан тушиб келаётган оломонни кўрсатиб.

– Йўқ, бу гал яна ҳам қабиҳроқ кишилар келишган, менимча, – эътироз билдирди Розали.

Учовлари янги келганларни кибру ҳаво билан кузатардилар; одатда маҳаллий фуқаро янги келган одамларга шундай муносабатда бўлади.

– Ана холос, – деб бирдан жонланиб кетди Тим. – Бас боғлайман, анави қиз Линнет Рижуэйнинг ўзгинаси!

Пуаро бу гапга эътибор бермади, аммо Розали қизиқсиниб сўради:

– Қани? Анави оқ кийган қизми?

– Ҳа, у норғил йигит билан тушиб келяпти. У яқинда шу йигитга эрга теккан-ов. Ҳаҳ, нима эди-я, унинг фамилияси?

– Дойл, – деди Розали. – Симон Дойл. Бу ҳақда ҳамма газеталар ёзди. Линнет пулга чўмилармиш, тўғрими?

– Бор-йўғи, у бутун Англияда энг бадавлат келинлардан биттаси, – деб ҳазил қилди Тим.

Улар жим қолишди. Пуаро суҳбат мавзуи бўлган қизни диққат билан кузата бошлади.

– Соҳибжамол қиз, – деб қўйди у.

– Баъзиларнинг ҳамма нарсаи бор, – деди аянч билан Розали.

У кема зинасидан тушиб келаётган оқ қўйлакли қизни кузатаркан, чеҳрасида беихтиёр ҳасад ва адоват учқунлари намоён бўлди.

Линнет Дойл гўё машҳур актриса эди-ю, худди саҳнага чиқиб келгандай, бениҳоя латофатли кўринар ва эркин тутарди ўзини. Бу бадавлат ва соҳибжамол хоним асал ойи чоғида эди. У ёнида келаётган норғил йигитга ўгирилиб, нафис табассум қилди ва нимадир деди. Йигит унга жавоб қилди – овози Пуарога танишдай туюлди. Унинг кўзлари чақнаб кетди, қошлари чимирилди. Келин-куёв Пуаронинг ёнидан ўтиб кетди. Шунда у Симон Дойлнинг хотинига айтган гапини эшитди:

– Ҳаммаси яхши бўлади, асалим. Безовта бўлма, жонгинам.

Йигит хотинига самимият ва меҳр билан қаради.

Пуаро, худди кичкина боладай соддагина жилмаювчи бу юзи офтобда қорайган, кўк кўз йигитнинг орқасидан хаёлга толиб қараб қолди.

– Омади бор экан лаънатининг, – деди Тим жимликни бузиб, – шунча пулга эга бўлса-я, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ.

– Улар жуда ҳам бахтиёрлар, – деди Розали ҳасад қилаётганини яширмай, кейин бирдан паст овозда илова қилди (буни Тим эшитмади), – бу адолатдан эмас!



Ўз хаёли билан банд бўлган Пуаро ҳайрон қолиб кўзини қисиб олганди, лекин Розалининг охирги гапи унинг диққатини тортди ва у ялт этиб қизга қаради.

– Мен ойимга баъзи нарсалар харид қилишим керак, – деди Тим ва шляпасини хиёл кўтариб, хайрлашиб нари кетди. Пуаро ва Розали аста-аста юриб отелга йўл олишди.

– Демак, сиз буни адолатсизлик деб ҳисоблайсиз, тўғрими, мадемуазел? – деди Пуаро мулойим оҳангда.

Розалининг жаҳли чиқиб кетди.

– Тушунмадим, нима демоқчисиз?

– Мен фақат сиз айтган сўзни такрорладим; ҳа, ҳа, бу сизнинг сўзингиз.

Розали елкасини учуриб қўйди.

– Унинг ҳамма нарсаси мўл-кўл. Пули, ҳусни, қадди-қомати, яна...

Қиз у ёғини айтмади, Пуаро давом эттирди унинг фикрини:

– Яна муҳаббат оғушида, шундай эмасми? Суюкли хотин, а? Лекин биз қаёқдан биламиз, балки йигит фақат унинг пулига уйландир.

– Нима, сиз унинг хотинига қандай суқланиб қараганини пайқамангизми?

– Пайқадим, албатта, мадемуазел. Мен кўриш мумкин бўлган ҳамма нарсани пайқадим. Ундан ташқари, сиз пайқай олмаган баъзи нарсаларни ҳам.

– Нимани пайқабман?

– Мен, – деди Пуаро тантанали оҳангда, – у қизнинг кўз ости қорайганини, яна қўли зонтик тутқичини маҳкам сиқиб ушлаганидан бармоқ бўғинлари оқариб кетганини кўрдим...

Розали унга худди ҳеч нарсага тушунмагандай қаради.

– Яъни, айтмоқчисизки...

– Айтмоқчиманки, бу леда жуда бой, гўзал, суюкли хотин, лекин шунга қарамай, унинг ҳаётида қандайдир чатоқлик борга ўхшайди. Мен яна баъзи нарсаларни биламан.

– Хўш?

– Ишончим комил – бу овозни мен илгари ҳам эшитганман. Мо-сье Дойлнинг овозини. Лекин қарда, қачон – ҳеч эслолмаяпман.

Улар отел олдига келишди.

– Мен ойимни топишим керак, – деди Розали ва отелнинг ним қоронғи салқин даҳлизига кириб кетди.

Пуаро балконга ўтди; чойхўрлик қилиш учун тузалган столчалар терилган бу ердан Нил кўриниб турарди. Лекин ҳали чой ичиш пайтига эрта эди. У бир оз дарёни томоша қилиб турди, кейин боққа чиқди. Бир неча киши офтобнинг қизгин тафтида теннис ўйнади. Пуаро бу одамлар ёнидан ўтиб, пастга йўналган илонизи сўқмоққа бориб қолди. Худди ана шу ерда у Англияда “Шезматант” ресторанида кўрган қизни учратиб қолди. Пуаро уни бир қарашдаёқ таниди. Қизнинг ўша оқшомдаги юзи Пуаронинг хотирасига мангу жо бўлиб қолган эди. Ҳозир унинг юз ибораси буткул бошқача эди. Ранги ўчган, жуда толиққан, ташвишли кўринарди. Пуаро четга ўтиб, уни сездирмай кузата бошлади. Қиз бетоқат бўлиб, жажжи оёқлари билан деп-синарди. Унинг қора кўзларида оғир изтироб ва топталган бахт акс этарди. Унинг юзи... ва йигитнинг овози. Пуаро икковини – қизнинг юзини ҳам, ҳали эшитгани ёш эрнинг овозини ҳам эслади...

Худди шу маҳал бўлгуси фожианинг қуйидаги саҳнаси ижро этилди. Ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди, қиз ўрнидан турди. Сўқмоқ

йўлдан Линнет Дойл ва унинг эри тушиб келарди. Линнет хотиржам ва бахтиёр кўринар, унинг безовталигидан асар ҳам қолмаган эди.

Қиз икки қадам олдинга юрди, эр-хотин ҳайратдан таққа тўхтаб қолди.

– Салом, Линнет, – деди Жаклина де Белфорт, – мана, мен ҳам келдим. Нима, энди бир-биримиз билан нуқул тўқнашаверамизми? Салом, Симон, қалайсан?

Линнет Дойл оҳиста чинқириб юбориб, ўзини қоя панасига олди, Симоннинг майин чехраси ғазабдан буришди. У қизни уришга чоғлангандай олдинга юрди. Қиз тез ўгирилиб, Пуарони кўрсатди. Симон ҳам ўгирилди.

– Салом, Жаклина, биз сени бу ерда учратамиз деб ўйламагандик, – қовушмаган гап қилди йигит. Сўзлари сохта чиқди.

Қиз оппоқ тишларини ялтиратиб жилмайди.

– Ёқдими шурприз? – деди у ва бош ирғаб қўйиб, сўқмоқ йўлдан паства тушиб кетди.

Пуаро, одоб юзасидан, қарама-қарши томонга юрди. Кетаркан, Линнет Дойлнинг овозини эшитди:

– Худо ҳаққи, Симон! Энди нима қиламиз, Симон?

### *Иккинчи боб*

Кечлик таом охирлаб қолган эди. «Катаракт» отелининг аксар меҳмонлари хира ёритилган пешайвонда мўъжаз столчалар атрофида ўтирардилар. Симон ва Линнет Дойллар киришди, уларни қотма юзли, соқол-мўйлови силлиқ қирилган, бўйи баланд басавлат америкали кузатиб келди. Улар эшик олдида тўхташди. Шу пайт Тим Аллертон ўрnidан туриб, келганлар томон пешвоз борди.

– Сиз мени эслолмасангиз керак, – деди у назокат билан, – мен Жоанна Соутвуднинг холаваччаси бўламан.

– Биладан. Сиз – Тим Аллертонсиз. Бу – менинг эрим, – овозида хиёлгина қалтироқ сезилди – нима бу, гурурми ё уялишми? – Бу киши – менинг америкали васийим мистер Пеннингтон.

– Марҳамат, менинг ойим билан танишинг.

Салдан кейин, кичкина жамоа алоҳида стол атрофига жойлашди – Линнет ўртага, Тим ва Пеннингтон унинг икки ёнига ўтиришди. Эркаклар, ҳар бири ўзича, Линнетнинг диққатини тортишга урина бошладилар, миссис Аллертон Симон билан суҳбатлашарди. Айланма эшик бурилди. Стол тўрида ўтирган гўзал Линнетнинг чехраси шу заҳоти сергакланди. Ва бу сергаклик тез ғойиб бўлди – эшикдан кичкина одам кириб келган эди.

– Азизам, бу ерда сиздан бошқа машҳур одамлар ҳам бор, – деди миссис Аллертон. – Бу аломат одам – Эркюл Пуаро.

Бунни у фақат ўнгайсиз сукутни тўлдириш учун бепарволик билан гапирганди, лекин бу гапга Линнет дарҳол қизиқиб қолди.

– Эркюл Пуаро? О, эшитганман у одам ҳақида.

Кейин бирдан теран хаёлга толди. Унинг кўнглини очишга уринаётган икки эркак саросимага тушиб қолди.

Пешайвон панжараси ёқалаб бораётган Пуарони кутилмаганда миссис Оттерборн чақириб қолди.

– Мосье Пуаро, келинг, бизлар билан ўтиринг. Қаранг, оқшом қандай гўзал!

Пуаро таклифни қабул қилди.

– Миннатдорман, мадам. Оқшом чиндан ҳам хушбахра.

У миссис Оттерборнга нафис жилмайиб қўйди.

Миссис Оттерборн аzza-баzza шангиллаб гапирди:

– Қаранг, қанча машхур одамлар тўпланибди-я бир ерга. Яқинда барча газеталар ёза бошлайди – аслзода соҳибжамол аёллар, машхур романнавис адибалар... – у гапини тугатмай, аста қимтиниб ҳиринглади.

Розалининг қовоқ солиб, лабларини чирт юмиб олганини Пуаро кўрмаса ҳам ҳис қилди.

– Ҳозир бирон нима ёзясизми, мадам? – деб қизиқсинди у.

Миссис Оттерборн яна ҳиринглаб қўйди.

– Ўқувчиларим янги асаримни орзиқиб кутишяпти, бечора ноширим бўлса, устма-уст ёзган хатлари, телеграммалари билан кўмиб ташлади мени.

Пуаро қизнинг афти бужмайганини яна ҳис қилди.

– Сизга айтишим мумкин, мосье Пуаро, мен бу ерга бой манзара илинжида келганман. «Сахро саҳнида қор» – янги романимнинг номи шундай. Юракка қутқу солувчи салмоқли ном. Сахродаги қор, у эҳтироснинг илк нафаси билан эриб кетади.

Розали ўрнидан турди ва бир нима деб тўнғиллаб, қоронғи боққа чиқиб кетди.

– Инсон қудратли бўлиши керак, – деб гапини давом эттирди миссис Оттерборн. – Менинг китобларим – бу қонли гўшт. Унинг ҳамма томони муҳим. Шаҳват, яъни секс! Айтинг-чи, мосье Пуаро, нега ҳозирги пайтда шаҳват тўғрисида гап очишдан кўрқишади? Ахир шу шаҳват бошқарадию ҳаётни. Сиз менинг китобларимни ўқиган-мисиз?

– Кечирасиз, мадам! Биласизми, мен деярли ҳеч ўқимайман романларни. Менинг ишим...

– Ундай бўлса, мен сизга, албатта «Хурмо дарахти тагида» номли романимни совға қилишим керак, – деди миссис Оттерборн. – Ишонман, сиз унинг ўта жиддий асар эканлигини тушуниб етасиз. У ҳақда турлича фикрлар айтилди, лекин, аслида – бошдан-оёқ ҳақиқат ёзилган унда.

– Сиз гоят саховатлисиз, мадам. Мен уни бажонидил ўқиб чиқаман.

Миссис Оттерборн безовталаниб бир томонга, сўнг иккинчи томонга қараб қўйди.

– Биласизми, ҳозир бориб олиб келақолай китобни.

– Қўйинг, мадам, безовта бўлманг. Кейинги сафар.

– Йўқ, йўқ. Нега безовта бўлар эканман. – У ўрнидан турди. – Сизга мен уни...

– Нима гап, оий? – деди бирдан пайдо бўлиб қолган Розали.

– Қизим, мен мосье Пуарога романимни тўхфа қилмоқчиман.

– «Хурмо дарахти тагида»ними? Ўзим олиб келаман.

– Сен уни тополмайсан, жонгинам. Ўзим.

– Топаман.

Қиз пешайвондан ўтиб, отелга кирди.

– Ижозатингиз билан, мадам, қизингиз гоятда латофатли, – деди Пуаро бош эгиб.

– Розалими? Ҳа, у дилбар қиз. Лекин жуда тошбағир, мосье Пуаро. Кўнглим тусаган нарсаларни шафқатсизларча баргараф қилади. У, ҳаммадан кўпроқ биламан, деб ҳисоблайди ўзини. Менинг соғлигим тўғрисида ҳам ўзимдан кўпроқ билади.

Пуаро официантни чақирди.

— Нима ичасиз, мадам? Ликёрми? Шартрезми? Крем де ментми? Миссис Оттерборн қатъий бош чайқади.

— Йўқ, йўқ, мен ичмайман. Пайқаган бўлсангиз керак, мен ҳеч нима ичмайман, сув ё лимонаддан бошқа. Спиртли ичкиликнинг ҳиди кўнглимни айнитади.

— Унда, лимон коктейлига қалайсиз?

Пуаро битта лимон коктейли ва битта бенедиктин арағи буюрди. Айланма эшик бурилди. Қўлида китоб билан Розали кирди.

— Мана, марҳамат, — деди у совуққина қилиб.

— Мосье Пуаро менга лимон коктейли буюрди, — деди қизига она.

— Сизга нима буюрай, мадемуазел?

— Ҳеч нима, — деди Розали, лекин назокатли одоб эсига тушиб, илова қилди, — миннатдорман, ҳеч нима.

Пуаро узатилган китобни олди. Муқованинг расмли жилдида сочи модабоп турмакланган ва тирноқлари ярақлатиб қизартирилган бир хоним онадан туғилганидаги «кийим»да тасвирланган эди. У ерга ёзилган йўлбарс териси устида ётарди. Боши узра барглари эманникига ўхшовчи, ҳосили эса, йирик-йирик, ярақлаган сохта олмалар бўлган дарахт қад кўтарган эди.

Китоб устига шундай сўзлар ёзилган эди: Сэлоум Оттерборн. «Хурмо дарахти тагида». Нашриётдан берилган қисқа шарҳда, ҳозирги замон аёлининг шахсий ҳаёти реал сатрларда ифода этилган ушбу тадқиқотнинг зўр маҳорат билан амалга оширилгани шавқ-завқ билан ёзилганди.

Пуаро эгилиб таъзим қилди.

— Бағоят хурсандман, мадам.

Лекин китобдан бош кўтариши билан кўзи адибанинг қизига тушди ва беихтиёр у томон энгашиди — Розалининг кўзларида ҳасрат яққол акс этиб турарди.

Жуда вақтида етиб келган ичкиликлар вазиятни бир оз юмшатди.

— Сизларнинг соғлигингизга, мадам, мадемуазел!

Миссис Оттерборн коктейлни симириб ичаркан деди:

— Бирам хузурбахш, бирам ёқимлики!

Учовлари Нил ўртасидаги ярақлаган қора тош оролчаларга тикилганча жим қолишди. Бу оролчалар ой ёруғида афсонавий жониворларга, гавдасининг ярми сув остида бўлган ғайритарихий баҳайбат махлуқларга ўхшардилар.

Енгил шабада «ғув» этиб эсиб ўтди ва ғойиб бўлди. Нимадир юз бериши, қандайдир мавҳум таҳлика содир бўлиши ҳавонинг авзоидан сезилиб турарди.

Эркул Пуаро пешайвонда ўтирган меҳмонларга кўз ташлади. Балки у янглишаётгандир, балки чиндан ҳам шу ўртада, қаердадир ваҳима навбат кутиб тургандир — гўё ҳамма театрда примадоннанинг сахнага чиқишини кутаётгандай! Қаранг, айна шу пайт айланма эшик яна бурилди. Бу гал у гўё кириб келаётган янги шахсга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида бўлса керак, жуда секин бурилди. Ҳамма жим қолиб, эшик томонга қаради. Эшикдан қирмизи ранг оқшомги кўйлак кийган кичкина бежирим қиз кирди. У ўзини эркин тутган ҳолда пешайвонни босиб ўтиб, бўш бир стол ёнига келиб ўтирди. Унинг пешайвондан бундай юриб ўтиши ва бориб ўтиришида ҳеч қандай ўзини кўрсатишга мойиллик ёки бирон қасдма-қасдлик йўқ эди, лекин шундай бўлса ҳам, қизнинг ўзини тутиши Пуарога сахнага чиқишнинг пухта репетициясини эслатди.

– Тавба, – деди миссис Оттерборн, – бу қиз ўзини худди мўъгабар зотдек тутяпти.

Пуаро индамади. У диққат билан кузатарди. Қиз, Линнет Дойлни кўриш қулай бўлсин учун, жўрттага шу жойни танлаган эди. Пуаро Линнетнинг энгашиб, эрига нимадир деганини, сўнг ўрнидан туриб, бошқа жойга ўтирганини кўрди. Энди унинг юзи бошқа тарафга қараган эди.

Пуаро ўйчан кайфиятда бош чайқаб қўйди.

Орадан беш дақиқа ўтгач, қиз ҳам жойини ўзгартириб, пешайвоннинг қарама-қарши томонига бориб ўтирди. У чекар ва бамайлихотир, эркин жилмаярди. Лекин кўзини Симон Дойлнинг хотинидан узмасди.

Яна чорак соатдан кейин Линнет шартта ўрнидан туриб, отелга кириб кетди. Эри ҳам шу заҳоти унинг орқасидан чиқиб кетди. Жаклина де Белфорт ҳиринглаб кулди ва стулини буриб олди. Кейин илжайганча Нилни томоша қила бошлади.

### Учинчи боб

– Мосье Пуаро!

Пуаро дик этиб туриб кетди. Ҳамма кетиб бўлган эди, у эса силлиқ қора тош оролчаларга тикилганча, ўз хаёлларига гарқ бўлиб, ҳануз пешайвонда ўтирарди. Исмини айтиб чақирган овоз уни хаёлот осмонидан ерга туширди. Бу ўзига ишонган одамнинг янгроқ, ёқимли, фақат бир оз такаббур овози эди.

Пуаронинг кўзи Линнет Дойлнинг амрона боқувчи кўзига тушди.

Хонимнинг елкасига оппоқ атлас кўйлак устидан духоба ёпинчиқ ташлаган, у ниҳоятда дилбар, ҳар доимгидан ҳам улуғворроқ кўринди.

– Сиз – мосье Эркюль Пуаросиз-а? – сўради у.

– Ҳизматингизга тайёрман, мадам.

– Билсангиз керак менинг кимлигимни?

– Ҳа, мадам, исмингизни эшитганман. Биламан, албатта, кимлигингизни.

Линнет бош ирғаб қўйди. У айнан шу жавобни кутган эди. У яна бояги ёқимли амрона овозда гапини давом эттирди:

– Илтимос, мен билан қартахонага кирайлик. Сизга айтадиган гапим бор.

– Бажонидил, мадам.

У Пуарони қартахонага бошлаб кирди (бу ерда ҳеч ким йўқ эди) ва эшикни ёпишни илтимос қилди. Улар столнинг икки томонига юзма-юз ўтиришди. Линнет шу заҳоти мақсадга ўтди:

– Сиз ҳақингизда кўп эшитганман, мосье Пуаро, ишонаманки, беназир заковат соҳибсиз. Мен ёрдамга муҳтожман – шошилинич тарзда. Менга ёрдам бериши мумкин бўлган одам айнан сизсиз.

Пуаро бош эгди.

– Бу бениҳоя улкан илтифот, мадам, лекин мен ҳозир дам оляпман, дам олаётган чоғимда ҳеч қандай ишга киришмайман.

– Бунни келиштира бўлади, – деди Линнет қаттиқ ботмайдиган қилиб, лекин қатъий ишонч билан. Кейин гапида давом этди: – Мени тинмай таъқиб қилишмоқда. Ана шу таъқибни бартараф қилиш керак. Полицияга мурожаат қилмоқчи бўлувдим, лекин, эримнинг фикрича, бу ишда полиция ёрдам беролмасмиш.

– Балки, мукамалроқ тушунтириб берарсиз тафсилотни, – деди Пуаро мулойимлик билан.

– Ҳа, ҳаммасини тушунтириб бераман. Сиз ҳақсиз, албатта.

Линнет Дойл ўйга ҳам чўммади, хижолат ҳам бўлмади.

– Эрим мен билан учрашмасидан олдин мисс де Белфорт билан унаштирилган экан. Жаклина менинг дугонам эди. Эрим унашиш риштасини узди. Биласизми, улар асло мос эмас бир-бирларига. Эйтироф этиш керак, бу ажралиш Жекки учун жуда оғир кечинма бўлди... Унга раҳмим келади, лекин илож қанча. У бизга таҳдид қилди, аммо мен унинг пўписаларига унча эйтибор бермадим, ўзи ҳам таҳдидини амалга оширишга уринмади. Бироқ, қутилмаганда, у мутлақо ақлга сифмайдиган қилиқлар қила бошлади – қаёққа бормайлик, ҳамма ерда бизни таъқиб қилаверди.

Пуаро қошини чимирди.

– Қасоснинг бир қадар ғайриоддий усули.

– Жуда ҳам ғайриоддий – ваҳшиёна усул! У одамни безор қилади.

Линнет лабини тишлаб қолди.

Пуаро бош ирғади.

– Ҳа, тасаввур қиялпман. Сиз, билишимча, бу ерда ўзингизнинг асал ойингизни ўтказаяпсиз, шундайми?

– Ҳа. Биз Жеккини биринчи марта Венецияда учратдик. Ўшанда мен, бу учрашувимиз тасодиф, жуда ноқулай вазият, холос, деб ўйлагандим. Кейин у биз тушган «Бриндици» кемасида пайдо бўлиб қолди. Биз уни, Фаластинга кетаётган бўлса керак, деб ўйладик. Қирғоққа тушганимизда у пароходда қолган эди. Лекин Мена-Хаузга борсак, яна у бизни кутиб турган эди.

Пуаро бош ирғади.

– Энди-чи?

– Биз Нил бўйлаб пароходда суздик. Ҳали уни пароходда ҳам учратсам керак, деб ўйлаган эдим. Лекин уни кўрмадим, хайрият, эси кирибди, болаларнинг бу бекинмачоқ ўйинини тарк этибди, деб ўйладим. Қаранг, бу ерга келсак, у ҳам шу ерда экан.

Пуаро Линнетга кўз қири билан тикилиб қаради. У ўзини яхши туғар, аммо кресло тутқичини қаттиқ чангаллаган бармоқ бўғинлари оқариб кетган эди.

– Фирт тентаклик бу! Жаклина ўзини жуда хунук аҳволга солиб қўяпти. Унда заррача ҳам гурур, бир томчи ҳам эзгу фазилат қолмаган.

– Инсон ҳаётида, – деди Пуаро қўлларини ёйиб, – шундай пайтлар бўладики, мадам, у гурурни ўйламайди, зеро, уни бу дамда янада кучлироқ ҳиссиётлар жиловлаб олган бўлади.

– Ҳа, бўлса бордир, – дея маъқуллади бетоқат гўзал хоним, – лекин нимага эришмоқчи ўзи бу қилиғи билан? Нима ютмоқчи?

– Одам ҳамиша ҳам фақат ютуқ тўғрисида ўйламайди, мадам.

Бу охирги жумла, аниқроғи, унинг айтилиш оҳанги Линнетга қаттиқ тегди. У қизариб кетди ва шоша-пиша гапира бошлади:

– Сиз ҳақсиз. Мен Жаклинанинг бу хулқи сабабини муҳокама қилмоқчи эмасман. Гап унинг мазкур қилиғига барҳам бериш устида боряпти.

– Сизда бирон таклиф борми, мадам? – сўради Пуаро.

– Табиийки, биз – эрим иккаламиз ўринсиз безовта бўлишни хоҳламаймиз. Унга таъсир ўтказадиган қандайдир усуллар бордир, ахир?

Линнет бетоқат бўлиб, зардаси қайнаб гапирарди.

Пуаро унинг гапларини хаёлга толиб эшитди, сўнг сўради:

– У сизларни одамлар гувоҳлигида қўрқитганмиди? Балки ҳақорат қилгандир? Жисмоний шикаст етказмоқчи бўлгандир?

– Йўқ.

– Унда, мадам, мен сизга ёрдам бериш имконига эга эмасман. Агар леди маълум йўналиш бўйича саёҳат қиларкан ва унинг саёҳати сизники билан мос тушган экан, қандай қилиб унга халақит бериш мумкин?

– Демак, ҳеч қандай чора кўролмас эканман-да?

– Менимча, — деди Пуаро хотиржам оҳангда, — ҳеч қандай. Мадемуазел де Белфорт ҳеч бир ғайриқонуний ҳаракат қилмаган.

– Қилиғи жиғимга тегяпти. Мен бунга чидай олмайман, истамайман уни кўришни!

Пуаро табиатида бирдан ўзгариш юз берди. У Линнет томонга энгашди, овози самимий, майин, ишончли эди:

– Нима учун уни кўриш сизга ёқмайди, мадам?

– Нима учун? Шунчаки, у менинг гашимга тегяпти! Жуда ҳам аччиғимни келтиряпти! Айтдим-ку сизга ҳаммасини.

– Ҳаммасинимас, — деди Пуаро бош чайқаб.

– Нима демоқчисиз бу билан? — яна сўради у.

Пуаро креслога суяниб, қўлларини кўксида чалиштирди ва хотиржам, лоқайд кайфиятда гапира бошлади.

– Гапимни эшитинг, мадам. Сизга кичик бир воқеани сўзлаб бераман. Бундан икки ойча бурун, бир куни кечқурун мен Лондондаги ресторанда овқатланиб ўтиргандим. Менга қўшни бўлган столда икки одам — йигит билан қиз ўтирарди. Улар ниҳоятда бахтиёр ва, сезишимча, бир-бирларини жуда севардилар. Улар ўз келажаклари ҳақида ўйлардилар. Мен уларнинг суҳбатини эшитдим, йўқ, атайлаб қулоқ солганим йўқ гапларига — улар ўз орзу-умидларига астойдил берилганларидан, атрофларидаги одамларни пайқамасдилар. Гапларини биров эшитяптими, йўқми — барибир эди уларга. Йигит менга орқа ўгириб ўтирарди, қизнинг юзи мен томонга қараган эди — теран ифодали чеҳра. У севарди — бутун қалби, жони, жисми билан. Бунинг устига, у тез-тез ва осонгина ошиқ бўладиган қизлардан эмас эди. Уни кузатган одам, ҳа, бу қизнинг муҳаббати — ҳаёт-мамонт масаласи, деб ўйлаган бўларди. Улар унаштирилган эканлар, яқинда тўйлари бўларкан. Бу уларнинг суҳбатидан аён бўлди. Улар келажак режасини, биргаликдаги ҳаётлари режасини тузишди. Асал ойини Мисрда ўтказмоқчи бўлишди.

Пуаро жим бўлиб қолди.

Линнет дағаллик билан сўради:

– Ҳўш?

– Бу воқеа бундан икки ойча бурун бўлган эди, — деб гапида давом этди Пуаро. — Лекин у қизнинг юзи — мен уни ҳалигача унуттолмайман. Агар уни учратсам, бир қарашдаёқ танирдим. Унинг йигити овозини ҳам яхши эслаб қолганман. У қизнинг юзини кейин яна қаерда кўрганимни, йигитнинг овозини яна қаерда эшитганимни фаҳмлаган бўлсангиз керак, мадам? Шу ерда, Мисрда. Йигит бу ерда асал ойини ўтказяпти, фақат бошқа аёл билан.

– Ҳай, нима бўпти? — деб чинқириб юборди Линнет. — Ахир мен сизга ҳамма далилларни айтдим-ку.

– Фақат далилларни.

– Тушунмадим.

– Ўшанда, ресторанда, — деб Пуаро салмоқланиб гапира бошлади, — қиз дугонаси ҳақида фахрланиб, завқланиб гапирганди, дугонасининг унга хиёнат қилмаслигига, уни оғир аҳволга ташлаб қўймаслигига астойдил ишонганди. Назаримда, мадам, унинг ўша дугонаси сизсиз.

Линнет қизариб кетди.

– Тўғри, яхши иш бўлмади. Лекин шундай ҳолатлар ҳам учрайди-ку ҳаётда, мосье Пуаро. Наҳотки ҳеч нарса қилолмасам?

– Мард бўлишингиз керак, мадам. Сизга берадиган ягона маслаҳатим шу.

– Сиз Жекки, яъни мисс де Белфорт билан гаплашиб кўролмай-сизми? – оҳиста сўради Линнет.

– Майли, гаплашаман, агар хоҳласангиз. Лекин гаплашганим билан самара беришига кўзим етмаяпти. Менимча, мадемуазел де Белфортнинг миясини фақат битта эҳтирос қамраб олган, уни ҳеч нима билан чалғитиб бўлмайди.

– Ўзимизни хатардан қандай ҳимоя қилсак экан?

– Англияга қайтинг ва ўз мулкингизда яшанг.

– Унда Жаклина мулким ёнидаги қишлоққа кўчиб боради, ҳар гал кўчага чиққанимда яна унга рўпара келавераман.

– Бўлиши мумкин.

– Кейин, Симон буни кўрқиб қочиш деб ҳисоблайди.

– Бу нарсага эрингизнинг муносабати қалай?

– У газабда.

Пуаро ўйчан бош чайқаб қўйди.

– Сиз Жаклина билан гаплашиб кўринг, – ёлборувчи оҳангда илтимос қилди Линнет.

– Яхши, гаплашаман. Лекин олдиндан огоҳлантириб қўяй сизни: барибир, ҳеч қандай яхши самара бермайди бу суҳбат.

– Жекки жуда аломат қиз! – деди Линнет чўчинқираб, – ҳеч қачон олдиндан билолмайсан унинг нима иш қилишини!

– Айтишингизча, у сизга таҳдид қилган экан; айнан нима деб таҳдид қилган эди, эслолмайсизми?

Линнет елкаларини учирди.

– Ўлдирмоқчи эди иккаламизни. Жеккининг томирида мексикаликларнинг қони оқади.

– Тушунарди, – деди Пуаро жиддий оҳангда.

– Сиз, албатта қўлга оласиз бу ишни, тўғрими? – деди Линнет илтижо билан.

– Йўқ, мадам, – деб қатъий жавоб қилди Пуаро. – Мен сиздан ҳеч қандай пул олмайман. Лекин, қўлимдан келганча уриниб кўраман, одамийлик юзасидан. Фақат шу. Жуда мураккаб ва ниҳоят оғир вазият юзага келган. Мен баҳоли қудрат бу хатарни бартараф этишга ҳаракат қиламан. Лекин омадим келишига унча ишонмайман.

– Аммо, менинг манфаатимни кўзлаб ҳаракат қиласиз, шундайми? – яна сўради Линнет.

– Йўқ, мадам, – деб такрорлади Пуаро.

### *Тўртинчи боб*

Жаклина де Белфорт Нил бўйида тош супада ўтирарди, Эркюль Пуаро уни шу ердан топди.

– Мадемуазел де Белфортсиз-а? – деди у. – Рухсат этсангиз, сиз билан суҳбатлашсам.

Жаклина унга ўгирилиб хиёл жилмайди.

– Бемалол. Сиз – мосье Пуаросиз! Мен билан нима ҳақда гаплашмоқчи эканингизни сезаётгандайман. Сиз миссис Дойл номидан ҳаракат қиляпсиз, у сизга каттагина пул таклиф қилган.



– Тахминингиз қисман тўғри: мен ҳозиргина мадам Дойл билан гаплашдим, лекин ундан ҳеч қандай пул олмоқчи эмасман. Бу ҳаракатим унинг номидан эмас.

– Шунақа денг! – Жаклина ишонқирамагандай қаради унга. – Бўлмаса, нега келдингиз? – сўради у жаҳл билан.

– Айтинг-чи, сиз илгари кўрганмисиз мени? – деди Пуаро саволга савол билан жавоб қиларкан.

– Йўқ, шекилли.

– Мен кўрганман сизни бир пайт. Ўшанда мен «Шезматант» ресторанида ёнингиздаги столда ўтиргандим. Сиз у ерга мосье Симон Дойл билан боргандингиз.

Қизнинг юзига гўё ниқоб тақилгандек бўлди.

– Эсимда ўша оқшом, – деди у.

– Ўшандан бери кўп сувлар оқиб кетди, анча-мунча воқеалар юз берди.

– Ҳа, кўп сувлар оқиб кетди ўшандан бери, – аччиқ ўкинч билан такрорлади қиз.

– Мадемуазел, ҳузурингизга мен дўст сифатида келдим. Сизга дўстона маслаҳатим – марҳумларингизни дафн этинг.

Қиз унга ажабланиб қаради.

– Бу нима деганингиз?

– Ўтмишни унутинг! Нигоҳингизни келажакка қаратинг. Ўтган ишга салавот. Сизнинг бу руҳий тушқунликка тушганингиз ҳеч нимани ўзгартиролмайди.

– Бу дўстона маслаҳатингиз қимматли Линнетнинг хоҳишига жуда мос тушади.

– Мен бунга гапирганимда, – деди Пуаро қизнинг кўзига тикилиб, – мадам Дойлни ўйламадим. Фақат сизни ўйлаган эдим. Албатта, сизга оғир, жуда оғир, лекин бу қилаётган ҳаракатингиз тортаётган азобингизни бадтар оғирлаштиради.

Жаклина бош чайқаб қўйди.

– Янглишасиз... Бу ҳаракатим айрим пайтларда менга ҳузур бағишлайди.

– Бу яхшимас, мадемуазел.

Қиз унга ялт этиб қаради.

– Сиз ҳеч ҳам тентак эмассиз, – деди у ва ўйлаб туриб қўшиб қўйди, – ишонаман, менга яхшилиқ қилмоқчисиз.

– Уйингизга жўнаб кетинг, мадемуазел, сиз ёшсиз, ақлисиз, бутун ҳаёт ҳали олдингизда.

Жаклина бошини зўр-базўр, маъюс чайқаб қўйди.

– Сиз тушунмаяпсиз ё хоҳламаяпсиз тушунишни, ё бўлмаса, тушунолмаяпсиз. Менинг бутун ҳаётим – Симон.

– Лекин ҳаёт фақат муҳаббатдан иборат эмас, – деди Пуаро эҳтиётлик билан, – муҳаббат фақат ёшлик чоғимиздагина катта аҳамият касб этади.

Лекин қиз яна бош чайқади.

– Сиз тушунмаяпсиз, – у Пуарога тикилиб қаради. – Ҳамма гапдан хабардорсиз, тўғрими? Линнет гапириб бергандир? Ўша оқшом ресторанда бўлган экансиз... Биз – мен ва Симон, бир-биримизни севардик...

– Биламан, сиз уни севардингиз.

Пуаронинг нима демоқчи бўлганини Жаклина дарҳол фаҳмлади ва ўз сўзига урғу бериб такрорлади:

– Биз бир-биримизни севардик. Мен Линнетни яхши кўрардим... Унга ишонардим. У менинг энг яхши дугонам эди. Линнет ҳамиша хоҳлаган нарсасини сотиб олаоларди. Ҳеч ким ҳеч қачон рад этмаган унинг хоҳишини. Шу боис, Симонни кўрганида, уни хоҳлаб қолди ва шартта тортиб олди мендан.

– Иигитингиз рози бўлибди-да уни сотиб олишларига?

Жақлина бошини эгди.

– Йўқ, унчаликмас. Агар шу айтганингиз тўғри бўлганида, мен бу ёққа келмаган бўлардим. Симон сизнинг муҳаббатингизга арзимайди, демоқчисиз, тўғрими? Агар у Линнетга унинг пули учун уйланганида, сиз ҳақ бўлиб чиқардингиз, албатта. Лекин гап фақат пулда эмас. Бу жуда мураккаб масала. Мосье Пуаро, биласизми, ифтихор деган сўз бор. Пул шуни юзага келтиради, – у бирдан ўрнидан туриб кетди ва қўли билан осмонга ишора қилди. – Қаранг, ойни кўряпсизми? Ҳозир у ярақлаб кўриниб турибди, лекин куёш чиқиши билан у кўринмай қолади. Бизда ҳам шунга ўхшаш ҳол юз берди. Мен ой эдим. Куёш балқиб чиқди-ю, Симон мени пайқамай қўйди...

– Бу фақат сизнинг тасаввурингиз, – деб эътироз билдирди Пуаро.

– Йўқ, ахир. Биламан. У мени севарди, бундан кейин ҳам севади.

– Ҳатто ҳозир ҳам-а?

Жаклинанинг лабларидан жавоб отилиб чиқишга шай эди, лекин у иродасини жиловлаб, гапирмасликка мажбур этди ўзини. Пуарога қаради-ю, чўгдек қизариб кетди, бошини эгди, кейин бўғиқ овозда шундай деди:

– Ҳа, энди у мени ўлгудек ёмон кўради. Ёмон кўради, ёмон кўради... Лекин ўзини эҳтиёт қилса яхши бўларди.

У кичкинагина шоҳи сумкачасини қўлига олди ва кафтига садаф бандли жажжигина пистолетни қўйиб узатди.

– Чиройли-а, шундай эмасми? – сўради у. – Жимитдаккина, ҳақиқийлигига одам ишонмайди ҳам. Лекин бу ростакам пистолет. Одамни отиш мумкин. Мен яхши отаман.

У ниманидир эслаб, жилмайиб қўйди.

– Болалик чоғимда онам билан Жанубий Каролинада яшаганман, бобом менга отишни ўргатган. У эскича удумдаги галати одам эди, ор-номус масаласини қурол билан ҳал қилиш мумкинлигига ишонарди. Отам ҳам яхши отарди, у бир неча марта дулда олишган. Қилич-бозликка ҳам уста эди. Бир марта ҳатто одам ўлдирган ҳам. Кўриб турибсизки, мосье Пуаро... – у Пуаронинг кўзларига тик қаради. – Томирларимда қайноқ қон оқади! Бу ўйинчоқни сотиб олганимда машмаша энди бошланган эди. Мен икковидан бирини отмоқчи бўлдим. Лекин қайси бирини отишни ҳеч ҳал қилолмадим. Биттасининг ўлими ҳеч қандай самара бермасди. Фақат аламни зўрайтириши мумкин эди. Шуни ўйлаб, кутишга қарор қилдим. Бу аҳдим ўзимга борган сари кўпроқ ёқа бошлади. Охир-оқибатда, истаган пайтимда ўлдиришим мумкин. Шу пайтни кутиш ва у ҳақда ўйлашнинг ўзи мароқли менга.

У кулиб юборди, бу нафис, жарангдор кулги сокин боғ узра янгради.

Пуаро унинг қўлини ушлади.

– Тинчланинг, илтимос, ўзингизни босинг.

– Ҳа, нима бўлди? – деди Жақлина густохона тиржайиб.

– Мадемуазел, ўтиниб сўрайман сиздан, кўзлаган аҳдингиздан қайтинг.

– Нима, бебаҳо Линнетимизни тинч қўйишимни хоҳлаяпсизми?

– Менинг хоҳишим янада теранроқ. Илтимос қиламан сиздан, қалбингизни ёвузликка таслим қилдирманг.

Жаклина ҳайрон бўлиб, хиёл оғзини очганча Пуарога қаради.

Пуаро жиддият билан гапира бошлади:

– Йўқса, тузатиб бўлмайдиган бадбахтлик юз беради. Ёвузлик содир бўлади, у сизни қамраб олади ва сиз ундан қутула олмайсиз ҳеч қачон.

Жаклина унга тикилиб қаради. Кўзларида иккиланаётгани, хижолат бўлгани акс этди.

– Билмадим... – деди у ва бир дақиқача тараддудланиб турганидан кейин, худди қатъий бир қарорга келгандай, тамомила бошқача оҳангда илова қилди: – Йўқ, сиз мени аҳдимдан қайтара олмайсиз.

– Ҳа, – деди у маъюс оҳангда, – мен сизни аҳдингиздан қайтара олмайман.

– Ҳаттоки Линнетни ўлдиришга қарор қилганимда ҳам, менга ҳеч қандай тўсқинлик қилаолмайсиз.

– Ҳа, агар қилмишингизга яраша жазо олишга рози бўлсангиз.

Жаклина де Белфорт кулиб юборди.

– О, мен ўлимдан қўрқмайман! Яшаганимдан нима фойда? Сизнингча, одам ўлдириш – бу жиноят, ҳаттоки ўша одам ҳаётингизнинг энг бебаҳо неъматини тортиб олган бўлса ҳам-а?

– Ҳа, мадемуазел, мен қатъий ишонаман: одам ўлдириш – жиноят, бу гуноҳ кечирилмайди, – деди Пуаро хотиржамлик билан.

Жаклина яна кулиб юборди.

– Унда сиз менинг рафторимни, қасос олиш режамни маъқуллашингиз лозим, чунки режам ҳали кучда экан, мен отмайман, лекин аҳён-аҳёнда вужудимни шундай даҳшат қамраб оладики, юрагим сиқилиб, шундай аянчли аҳволга тушаманки, шунда Линнетни қаттиқ азоблагим – кўксига пичоқ санчгим ё бўлмаса, пешонасига жажжи пистолетимни тираб, тепкини босгим келди! О!

Бу нидо Пуарони ҳайратга солди.

– Сизга нима бўлди, мадемуазел?

Қиз ўгирилиб, қоронғи дарахтзорга қаради.

– У ёқда кимдир борга ўхшайди.

Пуаро орқасига ўгирилди:

– Назаримда, биздан бошқа ҳеч ким йўқ бу ерда. – У ўрнидан турди. – Мен ҳамма айтмоқчи бўлган гапимни айтдим сизга. Яхши ётиб туринг.

Жаклина ҳам ўрнидан турди.

– Тушунинг, – деди у ёлборувчи оҳангда, – мен қилолмайман сиз айтган ишни.

Пуаро бош чайқаб қўйди.

– Йўқ, қилаоласиз. Танлаш учун ҳамиша вақт топилади. Дугонангиз Линнетда ўзини тийиб олиши учун вақт бўлган. Аммо у ўша вақтни бой бериб қўйган. Вақтни бой бердингми, демак ҳаракат қилишинг ва бошқа имконият келишини кутишинг лозим бўлади.

– Бошқа имконият йўқ, – деди Жаклина де Белфорт.

У яна бир дақиқа ўйланиб турди, кейин шартта бошини қўтарди.

– Хайрли тун, мосъе Пуаро.

Пуаро маъюс бош чайқади ва қизнинг кетидан отел томон йўл олди.

## Бешинчи боб

Эртаси куни эрталаб Эркюл Пуаро шаҳарга бориш учун отелдан чиққанида, олдига Симон Дойл келди.

– Хайрли эрта, мосье Пуаро.

– Хайрли эрта, мосье Дойл.

– Шаҳарга кетяпсизми? Сизга ҳамроҳ бўлсам майлими?

Улар дарвозадан чиқиб, соя-салқин парк томон бурилишти. Симон сакаётган трубкасини оғзидан олиб гап бошлади:

– Янглишмасам, кеча кечқурун хотиним сиз билан гаплашган экан, мосье Пуаро.

– Тўғри.

Симон Дойлнинг қовоғи солинди. У ўз фикрини сўз билан ифода-лашга анча нўноқ эди.

– Хурсандман, – деди у, – Линнет ахири тушунди ҳозирги вазиятда ҳеч нарса қилолмаслигимизни.

– Ҳа, – деб қўшилишти Пуаро, – кўриниб турибди, бунинг олдини олиш учун ҳеч қандай расмий тадбир қўллашнинг имкони йўқ.

– Тўғри айтасиз, лекин Линнет анча вақтгача бунинг тушунишни истамасди, – деб Симон маъюс жилмайиб қўйди. – У йўлига ғов бўладиган ҳар қандай тўсиқни полиция бартараф қилишига болалик чоғидан ишониб келган.

– Бу чалғишнинг қулай усули.

Улар жим қолишти. Бирдан Симон чўғдай қизариб кетиб, лаби лабига тегмай гапирга бошлади:

– Линнетнинг бошига тушган қўнғилсизлик – энг машъум адолатсизлик! Ахир ҳеч қандай айби йўқ-ку унинг! Майли, мени аблаҳ деб ҳисоблашсин, қарши эмасман! Аслида ҳам ўзи шундай бўлсам керак, лекин Линнетда нима айб?

Пуаро унга тикилиб қаради, лекин ҳеч нима демади.

– Сиз Жекки билан, мисс де Белфорт билан демоқчиман, гаплашдингизми?

– Ҳа, гаплашдим.

– Унинг эсини киритиб қўйгандирсиз?

– Қўлимдан келмади-ёв.

Симоннинг хуноби чиқиб кетди.

– Наҳотки, тушунмаса ўзини қандай аҳмоқона аҳволга солаётганини? Ҳеч битта ақли, андишали аёл ўзини бундай тутмаган бўларди! Наҳотки зиғирча ҳам гурур, иззат-нафс деган нарса қолмаган бўлса унда?

Пуаро елкасини учирди.

– Менимча, унда фақат ўзининг таҳқирлангани қолган, холос.

– Тушунаман, лекин, жин урсин, ақли расо қизлар ўзларини бундай тутишмайди! Майли, мени айбдор деб ҳисобласин, инкор қилмайман айбимни, тўғри, мен разиллик, палидлик қилдим. Бу воқеадан кейин у менга қайрилиб ҳам қарамаса керак, деб ўйлаган эдим. У бўлса мени таъқиб қилишини қўймапти – ахир бу ўта беадаблик-ку! У ўзини ҳаммага кўз-кўз қилипти! Нимага эришмоқчи бу аҳмоқона қилиғи билан?

– Ўч олмоқчидир балки?

– Телбалик бу! Агар биронта ваҳимали, фожиали ишга қўл урса – масалан, менга ўқ узса, ниятини тушунган бўлардим.

– Шундай қилса, тўғри қилган бўлармиди, сизнингча?

– Очигини айтсам, ҳа. У жуда қизиққон қиз, ўзини бошқаролмай қолади, жазаваси тутган пайтда бирон ножўя иш қилиб қўйиши ҳеч

гапмас — бунақа ҳаракати мени асло ажаблантирмайди. Лекин изма-из юриб таъқиб, айғоқчилик қилиши... — деб Симон бош чайқаб қўйди.

— Ҳа, бу нозик иш! У ақлан етукликни талаб қилади, — деди Пуаро.

Дойл ҳайрон бўлиб қаради унга.

— Тушунинг, ахир, Линнетнинг асаблари дош беролмаяпти.

— Сизники-чи?

— Меникими? — деди ҳайрон бўлган Симон. — Мен жон-жон деб бўйнини узган бўлардим ўша шайтон қизнинг.

— Демак, аввалги муҳаббатдан асар ҳам қолмабди-да?

— Азизим мосье Пуаро, биласизми, бу нарса қуёш билан ойга ўхшайди. Қуёш балқиганида, ой ғойиб бўлади. Линнет пайдо бўлган эди, Жекки йўқолди мен учун.

— «Tiens, cest drôle ça!»<sup>1</sup> — деб қўйди Пуаро.

— Кечирасиз, тушунмадим.

Симон қизариб кетиб деди:

— Жекки мен тўғримда, фақат Линнетнинг пули учун уйланди, деб айтгандир сизга? Бу ёлғон! Мен, ўлсам ҳам пул учун уйланмаган бўлардим. Ундан кейин, ахир бошқа йигитлар ҳам бор-ку дунёда. Тўғри, мен айбдорман. Нима қилай, шунақа бўлиб қолди! Ҳамонки Жеккини энди ортиқ севмас эканман, ахир қандай уйланишим мумкин унга? Мана, унинг нималарга қодир эканлигини кўрдим, ҳали бу ҳаракатлари нима билан тугагини билмайман-у, лекин, вақтида ундан қочиб қолган эканман.

— Тўғри, бунинг нима билан тугаши маълум эмас, — деб такрорлади Пуаро ўйга толиб, — сиз, мосье Дойл, ўзингиз тасаввур қила оласизми бунини?

Симон қовоқларини уйди ва бош чайқаб қўйди.

— Йўқ. Нимани назарда тутяпсиз?

— Ўзингиз биласиз — мисс де Белфорт ёнида револьвер олиб юрибди.

Симон ҳайрон бўлди.

— Жеккининг ундан фойдаланишига кўзим етмайди, — деди у. — Мен унинг ўқ отиб бирон фалокат содир этишидан кўрқмайман. Лекин у орқамиздан айғоқчилик қиляпти, босган ҳар бир қадамимизни қузатяпти — бу эса Линнетнинг газабини қайнатяпти. Мен бир режа туздим, балки сиз ҳам бирон йўл-йўриқ кўрсатарсиз. Мен, бу ерда яна ўн кун турамиз, деб ҳаммага овоза қилдим. Аммо «Ал-Карнаку» пароходи эртага Шалола ва Водии Халфага жўнаб кетяпти. Мен бегона ном билан ўзимизга каюта банд қилиб қўйдим. Эрталаб биз Филайга экскурсияга жўнаймиз, у ердан тўғри Шалолага йўл оламиз пароходда. Юкларимизни оқсочимиз олиб кетади. Жекки бизнинг меҳмонхонага қайтмаганимизни кўрганида вақт ўтган, пароход олисда бўлади. Ана унда Жекки учун Қоҳирага қайтишдан ўзга илож қолмайди. Ҳатто дарбонни ҳам пора билан гапга кўндиришим мумкин, у Жеккини бу ерда ушлаб туради. Туристлар агентлигидан ҳам у ҳеч нима билолмайди, чунки бегона ном билан жўнаймиз. Қалай режам?

— Ҳамма тафсилотлар пухта ўйланган. Борди-ю, у сизларнинг қайтиб келишингизни кутса-чи?

— Биз бу ерга бошқа қайтмаймиз. Хартумга, кейин самолётда Кенияга жўнаса керак. Ахир, у орқамиздан бутун дунёни изма-из кезиб юрмас.

<sup>1</sup> Қизик, худди келишиб олингандай-а! (Ингл.)

– Бундай қилолмас-ов. Пайти келадики, унинг ёнида пули қолмайди.

Пуаронинг бу гапидан Симон мамнун бўлиб деди:

– Доно фикр! Буни ўйламабман. Жекки камбағал қиз, худди черков сичқонидай.

– Шунга қарамай, у ҳануз сизларни таъқиб қилиб келяптими?

– Унинг арзимагангина рентаси (даромади) бор, – деб мулоҳаза юрита бошлади Симон, – йилига 200 фунт атрофида. Биласизми, у ана шу рентасини сотиб, шунинг пулига орқамиздан эргашиб юргандир, балки.

Симон ўнггайсиз бир тарзда жунжикди. Чамаси, бу фикр унинг таъбини хира қилгандай эди. Пуаро уни диққат билан кузатарди.

– Бу сизни ташвишга солиб қўйдими? – сўради у ва қўшиб қўйди:

– Меъ ҳам... Мен ҳам ўша «Ал-Карнаку» пароходида сузаман.

– Йўғ-е, ростданми? – Симон ўйланиб қолди, сўнг хижолат бўлгандай сўради: – Айтинг-чи, бу... биз туфайлими? Айтмоқчиманки...

Пуаро дарҳол унинг фикрини рад этди:

– Йўқ, йўқ, мен бу сафарни Лондондалигимда режалаштириб қўйгандим. Мен ҳамини ҳар бир ишимни олдиндан режалаштираман. – У жим қолди, сўнг сўради: – Айтгандай, анави сизлар билан ҳамма ерда бирга юрган баланд бўйли қари жентльмен...

– Пеннингтонми?

– Ҳа. Бирга чиққанмисизлар саёҳатга?

– Қандай антиқа асал оёи, деб ўйлаган бўлсангиз керак-а? Пеннингтон – Линнетнинг васийи; у америкалик. Биз у билан Қоҳирада тасодифан учрашиб қолдик, – деди Симон маъюс оҳангда.

– Ah, virement<sup>1</sup>. Ижозатингиз билан, сизга бир савол берсам: хотинингиз балоғат ёшига етганми?

Бу саволдан Симон ҳайрон қолгандай кўринди.

– Ҳали у йигирма бир ёшга тўлгани йўқ, лекин ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмади турмушга чиқиш учун. Линнетнинг эрга тегиши Пеннингтон учун мулақо қутилмаган ҳол бўлибди. У, Линнетнинг хати Нью-Йоркка етиб бормасидан икки кун олдин «Карманик» кемасида йўлга чиққан экан.

– «Карманик» кемасида денг... – деб ўзига қайд қилиб қўйди Пуаро.

– Қоҳира бозорида уни учратганимизда, у ҳайрон қолган эди.

– Ҳа, галати ўхшашлик!

– Буни қарангки, у ҳам Нилда сузишни режалаштирган экан. Оқибат, турган гапки, энди биргаликда саёҳат қиляпмиз; иложимиз қанча! Қолаверса, биласизми, у билан бирга бўлиш, маълум даражада, бизга қулай, – Симон яна хижолат тортди. – Линнет асабийлашган, доим бирон фалокат юз беришини кутади. Ўзимиз ёлғиз чоғимизда фақат Жекки ҳақида гаплашардик. Энди бўлса, Эндру Пеннингтон вазиятни енгиллаштирди. Ҳозир бошқа мавзуларда гаплашяпмиз.

– Бундан чиқди, хотинингиз ишонмас экан-да Пеннингтонга?

– Гап бунда эмас, – Симон жангари одамдай иягини олдига туртиб чиқарди. – Бизнинг ишимизга биронта ҳам бегона одам аралашмаслиги керак. Умид қиламанки, пароходга чиққанимиз ҳамано барча кўнгилсизликлардан қутуламиз.

Пуаро бош чайқаб қўйди.

<sup>1</sup> Э-ҳа, шунақа денг.

«Шундай қилиб, — деди у ўзига ўзи, — уч кишининг: Линнет Дойлнинг, Жаклина де Белфортнинг ва Симон Дойлнинг тахминларини эшитдим. Қайси бирининг гапи ҳақиқатга яқинроқ?»

### *Олтинчи боб*

Эртаси куни эрталаб соат ўн бирларда Линнет ва Симон Дойллар Филайга экскурсияга жўнашди. Балконда ўтирган Жаклина де Белфорт уларнинг бежирим елканли қайиққа ўтиришаётганини кўрди. Худди шу пайт юк ортган машина меҳмонхона дарвозасидан чиқиб, Шалола тарафга жўнаб кетди. Жаклина буни кўрмади.

Тушликдан кейин, иккинчи «Катаракт»да жўнайдиган йўловчилар вокзалга борадиган автобусга таклиф қилинди.

Бу ерда Пуаро иккита эркакни учратди — илгари ҳеч кўрмаган эди уларни. Уларнинг бири — қотмадан келган баланд бўйли қора соч турқи совуқ одам эгнига эскирган исқирт жинси шим ва мавсумга мос келмайдиган иссиқ спорт свитери кийган эди. Бу одам ҳамроҳларига қайрилиб ҳам қарамади.

Иккинчи эркак — ўрта ёшлардаги ўртадан паст бўйли, сочи тўкила бошлаган жаноб — шу заҳоти Пуаро билан бузуқ инглиз тилида гаплаша кетди ва таъзим қилиб, унга ўзининг ташрифномасини узатди. Унда: «Синьор Гвидо Ричетти — археолог» сўзлари ёзилган эди.

Вокзалга борувчи автобусга улардан ташқари яна миссис Аллертон билан ўғли ҳам чиқишганди. Қолган саёҳатчилар ҳар тарафга тарқаб кетишди; улар тўғри пароход турган бандаргоҳга етиб боришлари керак эди.

Вокзалда одатий югур-югур ҳукм сурарди; ҳаммоллар келган йўловчиларнинг жомадонларини вагонлардан туширишар ва айни пайтда ўша вагонларга жўнаб кетаётганларнинг жомадонларини олиб чиқишарди. Охир-оқибат, бу сур-сур тўполондан силласи қуриган Пуаро ўзини бегона сумка ва жомадонлар қалаштириб ташланган купеда, афтини ажин босган кекса хоним ёнида кўрди; бу хоним унга нафрат ва виқор билан кўз югуртириб чиқди-да, қўлидаги америка журналинини ўқишга тутинди. Хонимнинг қаршисида ўтирган ўттиз ёшлар чамасидаги йирик ва бесўнақай гавдали қиз унинг ҳар битта кўрсатмасини дарҳол бажо келтиришга шай эди. Унинг тимқора чақноқ кўзларида итларга хос вафо ифодаси акс этарди.

Журнал ортидан ўқтин-ўқтин буришган заҳил башара пайдо бўлиб, унинг қисқа-қисқа фармойиши эшитиларди: «Корнелия, жун рўмолни тахлаб қўйинг, етиб борган заҳотимиз менинг несессерим (қутичам)ни ўзингиз кўтариб олинг. Огоҳ бўлинг, тагин ҳаммоллар олиб кетиб қолишмасин. Елпуғичимни унутиб қолдирманг».

Ниҳоят поезд бандаргоҳга етиб келди. Бу ерда сайёҳлар «Ал-Карнаку» пароходига чиқишлари керак эди.

«Ал-Карнаку» — унча катта бўлмаган кема, У Асвон тўғони шлюзлари (сув дарвозалари)дан ҳеч қийналмай ўта оларди. Йўловчиларни каюта-каюталарга жойлаштиришди. Бир мунча жойлар сотилмай қолганлиги сабабли, ҳамма сайёҳлар марказий сайл палубаси ёнидаги каюталарни эгаллашди. Бу палубанинг олдинги қисмида ойнабанд салон (меҳмонхона) бўлиб, бу ердан дарё манзараси яққол кўзга ташланиб турарди. Сайил палубаси тагига чекиш хонаси, улфатчилик хоналари, ундан ҳам пастга ресторан жойлашган эди.

Пуаро ҳамма буюмлари бекаму кўстми эканлигини кўздан кечиргани ўз каютасига кирди ва дам ўтмай яна палубага қайтиб чиқди.

Розали Оттерборн кема тутқичига суяниб, унинг суза бошлаганини кузатарди. Пуаро унинг ёнига бориб турди.

– Демак, Нубияга жўнаяпмиз. Хурсандмисиз, мадемуазел?

Қиз бир сесканиб тушди:

– Ҳа. Худди барча ваҳималарни соҳилда қолдиргандек ҳис қиляпман ўзимни.

Уларнинг кўзлари олдида жуда ғалати совуқ манзара намоён бўлди — ҳеч қандай гиёҳ ўсмайдиган ширяланғоч қоялар, сув тошқинидан харобазорга айланган қишлоқлар...

– Биз одамлардан узоққа сузиб кетяпмиз, — деди Розали.

– Биз билан сузаётганлар бундан мустасно, — деб эслатди Пуаро.

Қиз елкасини учириб қўйди.

– Биласизми, вужудингизда пишиб етилган ва қайнаб тошган туйғулар негадир бу ерда сиртга отилиб чиқа бошларкан. Барча адолатсизликлар, разолатлар, ёвузликлар...

– Ростданми? Мен сезмадим.

Розали гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандай, гапида давом этди.

– Бошқаларнинг ҳам оналари бор, лекин менинг онам билан қиёслаб кўрганда... Унинг худоси битта — шаҳват, Сэлоум Оттерборн эса унинг пайгамбари, — у бирдан жим бўлиб қолди. — Бунинг сизга айтмасам бўлармиди, балки...

Пуаро қўлини қизнинг елкасига қўйди.

– Менга хоҳлаган гапингизни айтишингиз мумкин. Мен эшитишни ҳам, ўзгалар гапини сир сақлашни ҳам биламан. Сиз вужудингизда нимадир қайнаётганини айтдингиз. Биласизми, мураббо қайнатилаётганда унинг юзига кўпик сузиб чиқади, уни қошиқ билан олиб...

У дарёга гўё бир нарса ташлаб юборгандай қўлини силкиб қўйди.

– Вассалом.

– Сиз ажойиб инсонсиз, — деди Розали ва майин жилмайиб қўйди. Кейин бирдан вужуди ғужанак бўлди. — Қаранг, миссис Дойл билан эри! Уларнинг «Ал-Карнаку»да сузаётганидан беҳабар эканман!

Линнет билан Симон каютадан чиқишди. Бахтиёр Линнет гулдай очилиб кетган эди. Пуаро уни ҳали ҳеч қачон бундай хуш кайфиятда кўрмаган эди. Симон ҳам ўзгарган, оғзи қулоғида қулар, худди қувноқ болакайга ўхшарди.

– Қандай улугвор манзара! — дерди у хотинига. — Биз Мисрнинг нақ юрагига кириб боряпмиз, тўғрими, Линнет?

– Ҳа, — деб жавоб қилди хотини, — бу ерда ҳамма жойлар овлоқ, ҳамма нарса ибтидоий.

У эрини қўлтиқлаб олди.

Симон унинг бармоқларини аста сиқиб қўйди.

– Ниҳоят, ҳаммаси орқада қолди, — пичирлади у хотинига.

Уларнинг Нил бўйлаб қилган етти кунлик саёҳатлари шундай бошланган эди.

Кутилмаганда, Линнет орқадан қўнғироқдек жарангли кулги эшитиб, ўгирилишга мажбур бўлди.

Жаклина де Белфорт унга жилмайиб турарди.

– Салом, Линнет! Сени бу ерда ҳам учратаман деб ҳеч ўйламовдим. Асвонда яна ўн кун турмоқчийдинглар, шекилли? Дилга хуш ёқадиган сюрприз, шундай эмасми?



– Сен... сен... – Линнет бутун ирода кучини ишга солиб, ўзини зўрға жилмайишга мажбур этди. – Мен ҳам сени бу ерда учратаман, деб ўйламаган эдим.

– Ўйламагандим, де? – деди Жаклина ва бошқа томонга юриб кетди.

Линнет эрининг пинжиги кирди.

– Симон! Симон!

Линнетнинг авзои буткул бузилди, табассуми гойиб бўлди. Улар четга ўтишди; Пуаро улар томонга ўгирилмай, айтган айрим сўзларини эшитди:

– Яна... Ақл бовар қилмайди... Ундан кўра биз...

Кейин Дойлнинг маъюс, аммо кескин овози эшитилди:

– Лин, биз мудом ўзимизни ундан олиб қочиб юролмаймиз. Чидашга мажбурмиз.

Яна бир неча соатдан кейин Пуаро ойнабанд салонда кема сузиб бораётган томонга тикилиб турарди. Кеч кирди. «Ал-Карнаку» шумшук қоялар билан сиқилган чуқур ва тор дарадан ўта бошлади; қоялар гўё кема устига бостириб келаётгандай кўринарди. Бу энди Нубия эди. Оёқ товуши эшитилди. Пуаро ёнида Линнет пайдо бўлди. У асабийлашиб, бармоқларини қисирлатар, худди ноҳақ хафа қилиб қўйилган болага ўхшарди.

– Мосье Пуаро, мен кўрқяпман, ҳамма нарса мени чўчитяпти, ҳеч қачон бунақа мусибатга учрамаган эдим. Анави машъум қоялар ҳам, бошқа ҳамма нарсалар ҳам зулмат қўйнида тош қотиб турибди. Ўзи биз қаёққа сузиб кетяпмиз? Ҳолимиз нима кечади? Эшитяпсизми, мен кўрқиб кетяпман. Мени ҳамма ёмон кўради. Буни илгари билмаган эдим. Мен одамларга саховат кўрсатишга уриндим, кўпчиликка ёрдам қилдим, лекин улар мени ёмон кўришади, ҳамма мени ёмон кўради. Битта Симондан бошқа. Ҳамма ёқда душманлар... Сени ёмон кўришларини билиш – бу даҳшат...

– Нега ундай дейсиз, мадам?

Линнет бош чайқади:

– Асабим чатоқ бўлса керак. Мени гўё фалокат пойлаб тургандай. У қаёқдан билақолдийкин бу пароходда сузишимизни? Қандоқ билдийкин?

Пуаро бош чайқаб қўйди. Сўнг:

– Менда бир тадбир бор, – деди у. – Ҳайронман, нега ўзингиз ўйлаб кўрмадингиз бу тадбирни. Ахир, пулингиз кўп-ку, мадам. Ўзингиз учун алоҳида елканли кема ёлласангиз бўлмасмиди?

Линнет унга ночор бир кайфиятда қараб қўйди.

– Мени нималар кутаётганини илгарироқ билганимда эди... Афсуски, билмадим!.. – деди у бирдан аччиғи чиқиб. – Бунинг не чоғли мураккаб иш эканлигини сиз билмайсиз. Ишонасизми, Симон мени қийнаб юборди... У пул масаласида ўлгудек инжиқ. Фашига тегяпти менинг бойлигим. Асал ойимизни у Испаниянинг биронта хароба қишлоғида ўз ҳисобига ўтказмоқчи экан. Бунинг нима аҳамияти бор? Ҳамма эркаклар тентак бўлишади! Мен ҳали уни бойликка, ҳашаматга кўниктиришим керак. Аста-секин. Алоҳида кема ҳақидаги фикр унинг қонини қайнатган бўларди. «Ортиқча сарф-харажат». Мен мунтазам равишда унинг ақлини пешлашим лозим! – У Пуарога қаради ва гўё айб қилиб қўйгандай лабини тишлади. – Бориб кийимимни ўзгартирай. – У ўрнидан турди. – Кечиринг, мосье Пуаро, тутуруқсиз гапларим учун.

*Еттинчи боб*

Миссис Аллертон тўр ёқали одми кўйлақда ресторанга савлат тўкиб хотиржам кириб келди. Эшик олдида уни ўғли кутиб олди.

– Кечир, азизим. Бир оз кечикдим, шекилли.

– Қаерга ўтирамиз?

Улар бошқа хўрандаларни жойлаштириш билан овора бўлган стюарднинг олдиларига келишини кутишди.

– Айтгандай, – деди она, – мен кичкина одам – Пуарони биз билан ўтиришга таклиф қилдим.

– Нима қилардингиз, ойи? – Таклиф Тимга ёқмаган эди.

Ҳамиша кўндивой бўлган ўғлининг бу эътирози онани ҳайрон қолдирди.

– Нима, қаршимисан?

– Бўлмасам-чи. Жамоа даврасида ўзини тутишни билмайди у одам.

– Бе, кўйсанг-чи, Тим. Сен янглишяпсан.

– Нима кераги бор бизга бегона одамнинг? Бу мўъжазгина пароходда, шундоқ ҳам, ҳамма бир қозонда қовурилаётгандай. Энди ҳар куни эртадан кечгача у билан ҳамсуҳбат бўлишга маҳқум эканмиз-да?

Шу пайт стюард келиб, уларни столга ўтқазгани бошлаб кетди. Таъби хира бўлган миссис Аллертон унинг орқасидан эргашди. «Тим роиш табиат йигит эди-ку. Қаёқдан бунақа жиззаки бўлиб қолди? Йўқ, гап бунда эмас. Оҳ, эркакларни, ҳаттоки энг яқин жигаринг бўлган суюкли ўғлингни ҳам тушуниш на қадар қийин! Нима ҳам қилаолардим!» Она хўрсиниб қўйди.

Пуаро кириб келганида улар ҳали жойларига ўтирмаган ҳам эдилар. У ўзига кўрсатилган жойга ўтиришдан олдин сўради:

– Сиз чиндан ҳам эътироз билдирмайсизми, мадам? Илтифотли таклифингиз ўз кучида қоладими?

– Албатта. Ўтиринг, мосье Пуаро.

Тим бу таклифдан норози эканлигини яшира олмади, буни Пуаро дарҳол пайқади. Миссис Аллертон ўзини худди айб қилиб қўйгандай ҳис қила бошлади, шунинг учун, бирон мавзуда гап очишга ҳаракат қилди. Суюқ овқат келганида, у сайёҳлар рўйхатини олиб, шўх оҳангда деди:

– Келинлар, рўйхатга қараб, бу ерда ўтирганларнинг кимлигини аниқлаб кўрамиз. Миссис Аллертон, мистер Аллертон – бу тушунарли. Мисс де Белфорт. Уни Оттерборнлар столига ўтқазди. Қизиқ, Розали билан дўстлашиб олармикин у қиз? Хўш, яна ким? Доктор Бесснер. Қани ўша доктор Бесснер? – У ўгирилиб тўртта эркак ўтирган столга қаради. – Тахминимча, анави сочи устарада қирилган мўйловли бақалоқ одам бўлса керак. Немисга ўхшайди. Шўрвага иштаҳаси баланд кўринади. – Кулоғига шўрваннинг хўриллатиб ичилаётгани эшитилди. Миссис Аллертон давом этди: – Мисс Бауэрс. Ким топади мисс Бауэрсни? Бу ерда атиги уч-тўртта аёл бор. Келинг, ҳозирча уни қўйиб турайлик. Мистер ва миссис Дойл. Ҳа, ана улар – жамоамиздаги шер ва унинг завжаси – арслон хоним. Қаранг, қандай офатижон-а. Кўйлаги бирам ҳашамдорки!

Тим ўгирилиб қаради.

Линнет, унинг эри ва Эндрю Пеннингтон бурчакдаги стол атрофида ўтиришарди. Линнетнинг эгнида оқ кўйлақ, бўйнига узун марварид маржони осилган эди.

– Менимча, кўйлаги мутлақо одми, – деди Тим, – бир парча қимматбаҳо мато, холос, бўйнида эса, узун мунчоқ шодаси.

– Мана, мана, – деди унинг онаси. – Одатда, эркаклар шундай тасвирлайдилар тўқсон гиней турадиган моделни.

Миссис Аллертон рўйхатни ўқишда давом этди.

– Мистер Фантора. Бу анави стол атрофида ўтирган тўртта эркакнинг бири бўлса керак. Жуда ювош йигит экан, бир оғиз ҳам сўз айтмади. Афтидан, ўзини босиб олган ақлли одам кўринади.

– Тўғри, ақлли одам, – деб қўшилди Пуаро. – У индамай ўтирибди, лекин суҳбатга диққат билан қулоқ соляпти. Яна атрофни ҳам кузатаяпти. Ҳеч нимани назардан қочирмай. У ҳордиқ чиқариш мақсадида ёки ушбу фаслда, дунёнинг ушбу чеккасида юракнинг чигилини ёзиш учун саёҳатга чиққан одамлар тоифасидан эмас. Нега келди экан бу ерга? Қанийди билсам.

– Мистер Фергюсон, – деб ўқиди миссис Аллертон. – Тахминимча, бу анави исқирт жинси кийган жентлмен йигит бўлса керак. Миссис Оттерборн, мисс Оттерборн. Уларни биламиз. Мистер Пеннингтон. Эндрю амаки. Истараси иссиққина кўринади...

– Кўйсангиз-чи, ойи, – деб онасининг сўзини бўлди Тим.

– Менимча, ташқи кўриниши бинойидай, фақат хийла тошбағир одамга ўхшайди. Газеталарда, уолл-стритлик корчалонлар, деб ёзилувчи кишилардан бири бўлса, ажаб эмас. Аниқки, у жуда бадавлат одам. Давом этамиз: мосье Эркюль Пуаро. Бу машҳур зотнинг истеъдоди, афсуски, бу ерда ҳайф кетяпти. Тим, қани, бир жиноят қилиб кўрмайсанми – мосье Пуаро бир зумда фош қиларди сени.

Онанинг бу ҳазили негадир, Тимни газаблантириб юборди. У қовоғини солиб олди. Она шоша-пиша рўйхатни ўқишда давом этди:

– Мистер Ричетти. Археолог дўстимиз. Ундан кейин мисс Робсон ва ниҳоят мисс Ван Скулер. Бу аниқ кўриниб турипти. – Доим бу бадбуруш америкалик кампир худди қироличадек керилиб юради, ҳеч кимни назар-писанд қилмайди. Антика махлуқ, шундай эмасми? Унинг ўз муҳити, ўз жамоаси бор. У билан бир стол атрофида ўтирган икки аёл мисс Бауэрс билан мисс Робсон бўлишса керак. Пенсне таққан қотма аёл кампирнинг қотибаси, ёнидаги ёқимли ёш хоним – камбағал қариндошидир. У билан худди қора танли оқсочдай муомала қиляпти кампир, қиз бўлса, бари бир, мамнун, саёҳатдан ҳузур қиляпти. Назаримда, Робсон – қотибаю, Бауэрс – қашшоқ қариндош.

– Йўқ, ойи, тескариси, – деб кулди Тим. Кутилмаганда унинг кайфияти яхшиланганди.

– Сен қаёқдан биласан?

– Бугун тушлиқдан олдин мен холлда эдим. Шунда қари маймуннинг ёш хонимга: «Мисс Бауэрс қаёқда? Тезроқ уни қидириб топинг, Корнелия!» – деганини эшитиб қолдим. Корнелия шу заҳоти худди итоаткор итдай югуриб кетди.

Кечлик таомдан кейин жуда қизиқарли воқеалар содир бўлди – кузатиш лаёқати бўлган одамгина буни пайқаши мумкин эди. Исқирт жинси шим кийган йигит, дарҳақиқат, мистер Фергюсон бўлиб чиқди. У ойнабанд салонга тўпланган одамлардан нафратланиб, чекиш хонасига тушиб кетди. Елвизак масаласида энг қулай ва беҳавотир жойни мисс Ван Скулер эгаллаган эди. У миссис Оттерборн ўтирган стол олдига гурс-гурс юриб келди-да, бошидаги амомаси билан уни сеҳрламоқчи бўлгандай деди:

– Кечирасиз, бу ерда мен тўқийтган ишимни қолдирган эдим.

Миссис Оттерборн дарров ўрнидан туриб, жой бўшатди. Кейин шу ердаги бўш стулга ўтириб, кампир билан суҳбатлашишга жазм қилди, лекин мисс Ванн Скулер томонидан қилинган ўта совуқ муомалага

дош беролмай, кетиб қолди. Ёлғиз ўзи қолган мисс Ван Скулер савлат тўкиб ўтирди.

Эр-хотин Дойллар Аллертонлар билан жамоа тузишди. Доктор Бесснер индамас Фанторани ўзига улфат қилиб танлади. Жаклина де Белфорт мук тушиб китоб ўқий бошлади. Розали Оттерборн эса, ўзини қўярга жой тополмай, салон ичида безовталаниб юра бошлади. Миссис Аллертон у билан суҳбатлашишга ва уни ўз давраларига тортишга уриниб кўрди, лекин Розали илтифотсизлик билан жавоб қилди унга.

Пуаро бу оқшомни миссис Оттерборннинг ёзувчилик бурчи ҳақидаги маърузасини эшитиб ўтказди. Кейин у ўз каютасига кета туриб, палубада Жаклина де Белфортни учратди. У пароход тутқичига таянганча сувга тикилиб турарди; у ўгирилиб қараган эди, юз ибораси Пуарони ҳайратга келтирди. Унинг чехрасида на виқор, на истехзо, на нохуш қатъий даъват бор эди — фақат аччиқ дард акс этарди унда.

— Хайрли кеч, мадемуазел.

— Хайрли кеч, мосье Пуаро. Мени бу ерда кўриб ҳайрон бўлгандирсиз?

— Ҳайрон бўлишдан кўра, кўпроқ хафа бўлдим, — очиқ жавоб қилди у.

— Мени деб хафа бўлдингизми?

— Ҳа, айнан сизни деб. Сиз жуда хатарли йўлга тушгансиз, мадемуазел. Бу пароходаги одамларнинг ҳаммаси саёҳатга чиққан, сиз ҳам; фақат сизнинг саёҳатингиз бошқача. Бу инсон руҳининг жўшқин дарёдаги саёҳати, у синалмаган сув ости қояларини, ўпқонларни, бир олам бахтсизликларни яширган ўзида.

— Нега энди буларни менга айтяпсиз?

— Негаки, бу ҳақиқат. Сиз жуда хавфли йўл танлагансиз ва орқангиздаги кўприкларни ёқиб юборгансиз. Энди, агар орқага қайтишни хоҳлаганингизда ҳам, буни амалга оширишингиз қийин бўлади.

— Сиз ҳақсиз, — деди қиз ўйчанлик билан.

Сўнг бошини орқага силтаб, тушқин кайфиятда давом этди:

— Илож қанча, инсонга ўз юлдузи орқасидан, у қаёққа етакласа, шу ёққа бориш насиб этган...

— Эҳтиёт бўлинг, мадемуазел, чалғиб қолманг — юлдузингиз сизни алдаши мумкин.

Жаклина кулиб юборди ва тўтиқушга ўхшаб чинқириб деди:

— Менинг юлдузим, сэр, — бадбахт юлдуз! У, албатта, учиб кетади.

### *Саккизинчи боб*

Аш-Шаабада сайёҳлар соҳилга тушиб, тангри Аммоннинг ибодатхонасини томоша қилишди. Кейин “Ал-Карнаку” яна суза кетди. Манзара анча кўркамлашди. Соҳилда ўт-ўлан, дов-дарахт пайдо бўлди. Атроф-муҳитдаги бу ўзгариш одамларга ўз таъсирини ўтказди. Сафар бошида ҳаммани оғушига олган руҳий тушқунлик гойиб бўлди. Тим Аллертон энди қовоқ солмас, Розалининг эса кўнгли кўтарилган эди. Линнет ҳам энди мамнун. Унинг олдида Пеннингтон келди.

— Сен билан икки-учта амалий масалани ҳал қилиб олишимиз керак. Биладан, никоҳ саёҳати бунақа ишларга бош қотирадиган пайт эмас, лекин ўзинг тушунасан...

— Тушунаман, албатта, Эндрю амаки, — Линнет дарҳол ишчан одамга айланди. — Эрга текканлигим кўп нарсаларни ўзгартиради — буни биладан.

— Ҳа, ҳамма гап шунда. Сен бир нечта ҳужжатга қўл қўйиб беришинг керак. Лекин бу унча шошилиш эмас, хоҳласанг, бошқа пайтга қолдиришимиз ҳам мумкин.

— Йўқ, нима ҳожати бор кейинга қолдиришинг?

Пеннингтон атрофга назар ташлади. Улар ойнабанд салоннинг бир бурчагида деярли ёлғиз ўзлари ўтирардилар. Кўпчилик сайёҳлар палубада сайр қилиб юришарди. Фақат мистер Фергюсон зал ўртасидаги кичкина стол ёнида ўтирар ва исқирт жинси шим кийган узун оёқларини узатиб, пиво симирарди. Пуаро олд томондаги дераза қаршисида туриб, кўз олдида намоён бўлаётган ажиб манзарани мароқланиб томоша қилар, кекса мисс Ван Скулер эса Миср ҳақидаги китобни ўқиш билан банд эди.

— Майли, жуда соз, — деди Пеннингтон ва чиқиб кетди.

Линнет билан Симон бир-бирларига қараб табассум қилишди; бу — сурункали бахтли табассум эди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, севгилим! — деди Симон.

— Ҳа, яхши бўлади. Қизиқ, энди мен кўрқмай қўйдим.

— Сен — менинг мўъжизамсан, — деб пичирлади Симон.

Пеннингтон бир даста ҳужжатлар билан кириб келди.

— Вой, худойим-е! — дея аччиғланди Линнет. — Шуларнинг ҳаммасига имзо чекишим керакми ҳали?

— Тушунаман, бу сен учун зерикарли иш, — деди Пеннингтон узр сўрагандай. — Лекин мен ишларингни тартибга келтириб қўйсам девдим. Энг аввало, Бешинчи авенюдаги уйни ижарага олиш ҳақида рухсатнома... Кейин, Уэстерн Лендз концессия (шартнома)си... — деб давом этди у ҳужжатларни бир-бир варақлаб хилларга ажратаркан.

Симон эснаб қўйди. Эшик очилиб мистер Фантора кириб келди. У ҳар томонга паришонхотир кўз ташлади, сўнг Пуаронинг ёнига келиб туриб, нигоҳини мовий дарёга ва сап-сарик қумлоқ соҳилга қаратди.

— Кўлингни мана бу ерга қўй, — деди Пеннингтон ниҳоят керакли ҳужжатни топиб, Линнетга қўл қўйиш лозим бўлган жойни кўрсатаркан.

Линнет ҳужжатни диққат билан ўқий бошлади. Саҳифани ўгирди, кейин ўқиган саҳифасини яна қайта бошдан-оёқ ўқиб чиқиб, шундан кейингина Пеннингтондан ручка олиб имзо чекди.

Пеннингтон бу қоғозни олиб, ўрнига навбатдаги ҳужжатни қўйди.

Фантора улар томонга йўл олди. Соҳилда нимадир уни қизиқтириб қолгандек, деразага энгашиди.

— Бунда гап юк ташиш ҳақида боради, — деди Пеннингтон, — ўқимасанг ҳам бўлади.

Лекин Линнет бу қоғозни ҳам ўқиб чиқди. Пеннингтон учинчи ҳужжатни олди. Линнет буни ҳам синчковлик билан ўқий бошлади.

— Бунда энг оддий масалалар ёзилган, — деди Эндрю. — Расмиятчилик, холос.

Симон оғзини катта очиб ҳомуза тортди.

— Жонгинам, шу бир даста қоғознинг ҳаммасини ўқиб чиқмоқчимисан? Уларни тушликкача ҳам ўқиб тугатаолмайсан-ку.

— Мен ҳеч нарсага ўқимасдан қўл қўймайман, — деди Линнет. — Отам мени шунга ўргатган. Ўқимасанг, хатога йўл қўйишинг мумкин, деган.

Пеннингтоннинг кулгиси сохта чиқди.

— Линнет, сен жуда ҳам ишбилармонсан.

— У ишнинг моҳиятини пухта тушунади. Мен бундай қилолмасдим, — деб кулди Симон, — Умримда биронта ҳам юридик ҳужжат-

ни ўқиб чиқмаганман. Мен ҳар қандай ҳужжатнинг ҳам имзо чекиш лозим бўлган ерига қўл қўйиб беравераман. Шуниси осон.

Пеннингтон унга тикилиб қараб, ўйланиб қолди.

— Панд еб қолишдан қўрқмайсанми, Дойл? — деб носамимий савол берди у ва лабини тишлади.

— Сафсата бу, — деди Симон, — атрофимдаги одамларнинг ҳаммаси ёлгончи эканлигига ишонмайман. Биласизми, мен ишонувчан йигитман. Мени ҳеч ким лақиллатмайди. Ҳеч ҳам панд беришмаган менга.

Шу чоққача жим турган Фантора бирдан Линнетга мурожаат қилиб, ҳаммани ҳайрон қолдирди.

— Сухбатингизга аралашганим учун мени кечирарсиз, деб умид қилман. Ижозатингиз билан, мадам, сизнинг ишчанлик салоҳиятингизга таҳсин айтмоқчиман. Мен юристман. Биласизми, бизда лаёқатли ишбилармон аёллар жуда кам; бунга кўп маротаба шоҳид бўлганман. Аммо, мана, сиз ҳужжатга ўқимасдан олдин имзо чекмаяпсиз — бу ишингиз таҳсинга лойиқ. Сизга қойил қолдим, мадам, — деб у таъзим қилди, сўнг яна Нил манзарасини томоша қила бошлади.

Бу фавқулоддаги луқма Пеннингтонни саросимага солиб қўйгандай бўлди.

Симон аччиғланишини ҳам, қулишини ҳам билмасди.

Фанторанинг қулоқлари қизиб кетди.

— Беринг навбатдагисини, — деди Линнет ёш йигит билан Пеннингтонга жилмайиб қараркан.

Лекин Пеннингтон бутунлай эсанкираб қолган эди.

— Кўя қол, бошқа сафар, — деди у ранжиб. — Агар ҳар битта қоғозни ўқиб чиқадиغان бўлсанг, бу ерда тушликкача қолиб кетасан. Кераги йўқ. Ахир сен атрофдаги манзараларни ҳам кўришинг керак. Ундан кейин, фақат ҳалиги иккита ҳужжат шошилишч эди. Қолганлари билан бошқа пайтда шуғуланармиз.

— Яхши. Бу ер жуда ҳам дим, — деди Линнет. — Юринглар, палубага чиқамиз.

Учовлари айланма эшикдан палубага чиқишди. Пуаро атрофига назар ташлади. У орқа ўгириб турган мистер Фанторага қараб ўйланиб қолди, кейин кўзи стулга суянганча хуштак чалиб ўтирган Фергюсонга тушди. Ва ниҳоят у мисс Ван Скулерга ҳам эътибор қаратди — бу кампир ўз гўшасида қаддини адл тутиб ўтираркан, Фергюсондан кўз узмасди.

Айланма эшик буралиб, Корнелия Робсон кирди ва физиллаганча мисс Ван Скулернинг олдига борди.

— Мунча ҳаяллаб қолдингиз? — Қари хоним уни қойий бошлади. — Қаёқларда юрибсиз?

— Мени кечиринг, эгачим Мэри. Жун рўмол сиз айтган ерда йўқ экан. Мен уни мутлақо бошқа жомадондан топдим.

Мистер Фергюсон хўрсиниб қўйди, оёқларини йиғди ва бутун башариятга юзланаётгандай деди:

— О, қанийди бу қари жодугарни бўғиб ўлдирсам! Роса ҳузур қилган бўлардим.

— Сиз бу тоифа одамларни хуш кўрмайсизми? — сўради Пуаро.

— “Хуш кўрмайман” ҳам гапми? Ахир, у шунча вақт яшаб, ҳеч бир фойда келтирмаган-ку. Ҳеч қачон қўлини совуқ сувга урмаган. Умрбод бировлар ҳисобига яшаган. У паразит, паразит бўлганда ҳам, энг палид, энг жирканч паразит. Бу кемада шундай одамлар борки, инсоният уларсиз хотиржамроқ яшаган бўларди.

— Ростданми?

— Бўлмасам-чи. Ана, хужжатларга қўл қўйган бояги қизни олинг. У Англиядаги энг бадавлат кишилардан эмиш, менга шундай дейишди. Лекин у ҳам ўз ҳаётида у ердаги чўпни бу ерга олмаган.

— Ким айтди сизга, уни Англиядаги энг бадавлат кишилардан бири деб?

Фергюсон сергакланиб, Пуарога қаради.

— Бир одам. Сиз у билан ҳатто гаплашишни ҳам хоҳламаган бўлардингиз. У заҳматкаш ва заҳматкаш бўлганидан уялмайди. У сизнинг олифта кийинган аслзодаларингиз тоифасидан эмас.

У Пуаронинг оппоқ кўйлаги ва капалакнусха галстугига нафрат билан қаради.

— Мен ишлайман, — деди Пуаро унинг бундай қарашига жавобан. — Мен ақлий меҳнат билан шуғулланаман ва уялмайман шундай қилганимдан.

— Қандай иш қилиб нон пули топасиз? Гаров ўйнайман, ҳеч қандай иш қилмайсиз. Сиз ўзингизни майда буржуа деб ҳисобласангиз керак.

— Йўқ, мен майда буржуа эмасман. Мен олий табақа кишисиман! — деди Пуаро фахр билан.

— Унда, кимсиз?

— Мен детективман, — деди Пуаро камтарлик билан, лекин худди, “мен қиролман” дегандек оҳангда.

— Ана, холос, — деди йигит боши қотиб ҳайрон бўлгандай. — Бундан чиқди, анави қушча, уни отиб қўйишларидан кўрқиб ваҳимага тушибди-да? Ҳа, жуда ҳам қадрларкан ўз жонини бу соҳибжамол!

— Мадам Дойлга ҳам, унинг эрига ҳам менинг ҳеч қандай боғлиқлигим йўқ, — гурур билан жавоб қилди Пуаро, — мен бу ерда дам оляпман.

— Қалай, ёқяптими сизга бундай дам олиш?

— Сизга-чи? Сиз ҳам бу ерда таътил кунларингизни ўтказаётгандирсиз?

— Таътил, денг? — Фергюсон нафрат аралаш пиқиллаб кулиб қўйди ва жумбоқли гап қотди: — Мен вазиятни ўрганияпман.

— Жуда қизиқ, — деди Пуаро ва палубага чиқиб кетди.

Бу ерда у одмигина қора кўйлак кийган, қорачадан келган, тимқора сочли аёл билан тўқнашиб кетди. Аёл чўчиб, Пуарога қаради. Афтидан, бу аёл Лотин Америкаси фуқароси эди. У денгизчи формасидаги баланд бўйли, важоҳатли бир йигит билан гаплашаётган эди. Кема механикларидан бўлса керак, деб ўйлади Пуаро. Икковлари ҳам негадир безовта ёки нимадандир чўчиётгандай кўринишди.

“Улар нима ҳақда гаплашишлари мумкин, нимадан чўчишдийкин?” — деб ўйлади Пуаро.

У кеманинг кўйруқ қисмидан ўтиб, палуба борти (қирғоғи) бўйлаб юра бошлади. Шу маҳал бир каютанинг эшиги ланг очилиб, чўгдек қип-қизил атлас кўйлак кийган миссис Аллертон Пуаронинг қўлига келиб тушди.

— Вой, кечиринг, — деб узр сўради у, — оҳ, жуда хижолатдаман, азизим мосье Пуаро. Кечиринг, афв этинг мени. Кема тебраняпти. Биласизми, ҳамма бало шунда. Ўзи, ёмон кўраман сувни. Оҳ, қачон тўхтаркан-а бу лаънати пароход! — У Пуаронинг енгига осилиб олди. — Яна тебраняпти, тиззаларим букилиб кетяпти. Доим ўзимни ёмон ҳис қиламан денгизда. Бунинг устига, ҳамиша ёлғизлик. О, ярамас қиз, на раҳм-шафқатни, на дардқашликни билади; бечора онасининг аҳволи-

ни тушунмайди сира. Мен бўлсам уни па-палаб ўстирдим, не-не яхшилиқлар қилдим. — Миссис Оттерборн пиқиллаб йиғлай бошлади. — Шу қизимни деб чўридек тер тўкиб ишлаб ётибман... тинкам қуриб сулайиб қолгунимча! Мен буюк адиба бўлишим мумкин эди, ҳа, бўлардим ҳам! Лекин ҳамма нарсадан воз кечдим шу қизимни деб... шу қизим туфайли! Лекин у бирор марта миннатдор бўлдими? Йўқ! Ҳаммага айтиб бераман, ҳозирнинг ўзида айтаман — билиб қўйишин, онасини назар-писанд қилмай қўйган қизимнинг қандайлигини, ҳа, ана шу тошбағир қиз мени бу ёққа судраб келди... Ҳали ўлиб қоламан бу ерда диққатпазликдан... Айтаман ҳаммага...

У олдинга ташланди.

Пуаро мулойимлик билан уни тўхтатиб қолди.

— Мен қизингизни топиб, олдингизга юбораман, мадам. Сиз каютангизга қиринг. Шундай қилганингиз яхши, ишонинг.

— Йўқ, мен ҳаммага, кемадаги ҳамма одамларга айтиб бераман.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, мадам, бу хавфли, денгиз тўлқинланяпти. Сув оқизи кетиши мумкин сизни.

Миссис Оттерборн унга ишонқирамай қаради.

— Ростдан ҳам мен хавф остидаманми?

— Ҳа, мадам.

Пуаронинг ҳийласи иш берди. Миссис Оттерборн чайқалиб, қоқилиб каютасига кириб кетди.

Пуаро мўйловини силаб, бир оз кутиб туриб қолди, кейин Розалини қидириб кетди. У палубада Тим ва унинг онаси билан суҳбатлашиб ўтирганди.

— Сизни онангиз чақиряпти, мадемаузел.

Ҳозиргина шўх ва беташвиш кулиб ўтирган қизнинг чехрасини бирдан ғам босди. У Пуарога шубҳа билан қараб қўйди ва шошганча жўнаб кетди.

— Бу қизни ҳеч тушуна олмадим, — деди миссис Аллертон. — У жуда тез ўзгаради. Бугун хушчақчақ бўлса, эртага бирдан кўрслик қила бошлайди.

— Унинг феъли чатоқ, бунинг устига, яхши тарбия кўрмаган, — деди Тим.

Она бош чайқади.

— Йўқ, гап бунда эмас. Менимча, у жуда бахтсиз қиз.

— Бўлса бордир, — деди Тим дағаллик билан, — лекин ҳамманинг табиатида ҳам бўлади бунақа ихтилоф.

Занг чалинди.

— Тушлик! — деб суюниб кетди миссис Аллертон. — Мен очимдан ўлаёздим.

Худди шу куни кечқурун Пуаро миссис Аллертоннинг мисс Ван Скулер билан суҳбатлашиб ўтирганини кўрди. Айни чоғда мисс Ван Скулерга кераги бўлмаган Корнелия эса, палубада доктор Бесснер билан сайр қилиб юрарди, доктор мисршунослик бобидаги ўз билимини унга минғирлаб баён қиларди. Корнелия унинг ҳикоясини диққат билан эшитарди. Тим билан Розали борт тутқичига суяниб туришарди.

### *Тўққизинчи боб*

Душанба куни эрталаб “Ал-Карнаку”да жонланиш, шодиёна овозлар эшитилди. Бандаргоҳдан бир неча ярд наридаги қоя устида қад кўтарган жуда ҳам баланд ибодатхонани эндигина балқиб чиқаётган



қуёш ёритиб турарди. Унинг олдида саф тортган тўртта маҳобатли тош ҳайкал одамларга бамайлихотир тикилиб турарди. Корнелия Робсон ҳайратланганидан энтика-энтика гапирарди.

— О, мосье Пуаро, қаранг, бу ҳайкаллар ақл бовар қилмайдиган даражада маҳобатли ва улугвор-а; уларга қараб туриб, ўзингни худди бир ҳашаротдек ҳис қила бошлайсан.

Шу ерда турган мистер Фантора:

— Ҳм, бағоят... таъсирли манзара... — деб гўлдираб қўйди.

— Ниҳоятда зўр иншоот, — деб қўшилишди Симон Дойл. У Пуарони чеккароққа бошлади. — Биласизми, мен ибодатхоналарни ҳам, шунингдек, ҳар турли диққатга лойиқ иншоотларни ҳам унча тушунмайман, лекин мана бу манзара мени ҳам ҳайрон қолдирди. Ўша қадимги фиръавнларнинг ҳаммаси ҳам удабурон йигитлар бўлган кўринади.

Бошқа сайёҳлар кема зинасидан соҳилга туша бошладилар.

Симон овозини пасайтириб деди:

— Бу ёққа келганимиздан жуда-жуда хурсандман. Бу ерда ҳамма нарса гўё ойдинлашди, сабабини билмайман-у, лекин ойдинлашди. Линнетнинг кўнгли бирдан тинчиб қолди. У Жеккини пароходда кўрганида, ўзини ёмон ҳис қилган эди, жуда ёмон, лекин кейин бирдан ўзгариш юз берди, энди, Жекки бу ерда борми, йўқми — унга барибир. Энди биз ўзимизни ундан олиб қочмасликка қарор қилдик. Жекки тентаклик қиляпти — бизнинг парвоимиз фалак. У бизни тузоққа илинтирмоқчи бўлувди, лекин ҳеч нарса қилолмади. Ҳали биз буни унга исботлаймиз.

— Ҳа, — деди Пуаро ўйчан кайфиятда. — Хуллас, ҳаммаси яхши.

— Ҳа, ҳа.

Палуба бўйлаб нафис оч-пушти кўйлак кийган Линнет келарди. У табассум қиларди. Пуарони у гўё пайқамади, фақат совуққина бош ирғади ва эрини қўлтиқлаб нари кетди.

Пуаро Линнетни танқид қилишга журъат этиб, унинг ихлосини қайтарган эди. У ҳеч қандай писандасиз таҳсину тасаннолар эшитишга одатланган. Пуаро эса, қонунга айланган умумжамоа меҳрига зид ҳаракат қилиб, гуноҳга ботган эди. Унинг олдида миссис Аллертон келди.

— Бугун миссис Дойл бутунлай бошқача, — деди у овозини пасайтириб. — Асвонда бўлганимизда доимо ғамгин, ташвишли кўринганди. Бугун бўлса, севинчдан гулдай очилиб кетибди. Ҳатто одам кўрқадиям, гўё у...

Пуаро жавоб беришга чоғланди, лекин шу пайт тилмоч келиб, ҳаммани бир ерга тўплади ва Абу Симбал ибодатхонасига бошлаб кетди.

Пуаро Эндрю Пеннингтон билан ёнма-ён бўлиб қолди.

— Мисрга биринчи марта келишингизми? — сўради Пуаро.

— Йўқ, илгари ҳам бўлганман Мисрда, лекин анча бўлди. Тўғри, ўшанда фақат Қоҳирада бўлгандим. Нилда ҳеч ҳам сузмаганман.

— Эшитишимча, сиз “Карманик”да сузиб келганмишсиз — буни менга мадам Дойл айтди.

Пеннингтон сергакланиб қаради унга.

— Ҳа, тўғри.

— Сиз Смит фамилияли эр-хотинни учратмадингизми? Улар менинг дўстларим, ўша пароходда сузишганди улар ҳам.

— Йўқ, эслолмаяпман. Пароход лиқ тўла эди, бунинг устига, об-ҳаво ҳам мудом бузуқ бўлди. Кўпчилик йўловчилар каюталаридан

чиқмай қўйишди. Ҳамма билан танишишга улгуролмайсан ҳам бу қисқа муддатли сафарда.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Сиз жуда хурсанд бўлгандирсиз бу ерда Линнет Доил билан унинг эрини тасодифан учратиб қолганингиздан? Унинг эрга текканини билмагансиз-ку-а?

— Билмагандим. Миссис Доил бу ҳақда менга хат ёзган экан, лекин у кечикиб борган. Хатни бу ёққа юборишибди. Мен уни Қоҳирада Линнет билан бехосдан учрашиб қолганимдан бир неча кун кейин олдим.

— Сиз Линнетни кўпдан бери танийсиз, шундай эмасми?

— Ҳа, мосье Пуаро, кўпдан бери. Мен Линнет Рижузэйни бўйи мана бундоққина, — у қўли билан кўрсатди, — ажойиб жажжи қизалоқ бўлган чоғидан биламан. Мен унинг отаси билан қалин дўст эдим. Мелуш Рижузэй машҳур одам эди. Боз устига, омади чопанлардан эди.

— Бундан чиқди, қизига катта давлат қолдирибди-да? Агар ножўя савол берган бўлсам, узр.

Эндрю Пеннингтон жилмайди:

— Йўқ, нега энди? Линнетнинг жуда бадавлат аёл эканлиги ҳаммага маълум.

— Яқинлашиб келаётган нарх-навонинг ошиши натижасида ҳаттоки энг ишончли акцияларнинг ҳам қиймати пасайиши мумкинлиги сизни хавотирга солмаяптими?

Пеннингтон ўйланиб қолди.

— Тўғри, ҳавотирланиш маълум даражада мавжуд. Ҳозир вазият ниҳоятда мураккаб.

— Лекин мадам Доил — ишнинг кўзини биладиган аёл.

— Ҳа, жуда тўғри айтдингиз. Линнет — оқила, омилкор қиз.

Улар ибодатхона бўсағасига келишди. Гид ибодатхонанинг қурилиш тарихини ва буюк Рамсеснинг ҳаётини ҳикоя қила бошлади.

Синьор Ричетти тилмочнинг изоҳига қулоқ солмай, буюк ҳайкаллар пойидаги занжилар ва сурияликлар тасвирланган барельефларни ўрганарди.

Ибодатхона ичи ҳаловатли ва сокин эди, сайёҳлар ҳам жимиб қолишди. Гид деворлардан бирида сақланиб қолган фреска сураатларни кўрсата бошлади, лекин ҳеч ким уни эшитмасди, чунки ҳамма ҳар қасқа тарқаб кетган эди. Доктор Бесснер Бедекер<sup>1</sup>нинг йўлкўрсаткич китобини баралла овоз билан ўқир ва ўқтин-ўқтин тўхтаб, ўқиганларини Корнелияга тушунтирарди. Мисс Корнелия уни худди муаллимнинг дарсини эшитаётган ўқувчи қиздай берилиб тингларди. Бироқ шу пайт бу ерда мисс Ван Скулек пайдо бўлиб қолди, уни вазмин табиат мисс Баурэс қўлтиқлаб олган эди.

— Бу ёққа келинг, Корнелия, — деган буйруқ бўлди ва ибодатхонани Бедекер китоби бўйича тадқиқ қилиш ниҳоясига етди.

Доктор Бесснер қалин шишали кўзойнаги оша Корнелиянинг орқасидан кузатаркан, аёлларга таъзим қилди.

— Корнелия — нодира қиз, — деди у Пуарога, — у замонавий гўзал қизларга сира-сира ўхшамайди. Йўқ, унинг қадди-қомати ҳам ниҳоятда фароғатли. Гапларингни асл зиёлидек диққат билан тинглайди. Унга сабоқ бериш — жоннинг ҳузури.

Ибодатхонанинг ички бўсағаси олдида бутунлай бошқа олам хилқати бўлган яна тўртта энг қадимий ҳайкал қад кўтарган эди. Линнет

<sup>1</sup> Бедекер Карл (1801—1859) — немис ношири. У турли мамлакатлар бўйлаб йўлкўрсаткичлар нашр қилган.

билан Симон шу ҳайкаллар қаршисида қўл ушлашиб туришарди. Линнет бу кўҳна тамаддун тагида янги тамаддун намояндаси сифатида ўзининг доно, синчков, қадимиятга лоқайд чеҳрасини баланд кўтариб турарди.

— Кетайлик бу ердан, — деди бирдан Симон, — ёқмаяпти менга бу йигитларнинг башараси, айниқса, анави чўнқайган шляпа кийганники.

— Бу, менимча, Аммон худоси бўлса керак, ёнидагичи Рамсес. Нега ёқмаяпти улар? Чеҳралари бинойидай ифодали.

— Ҳа, ифодали ўлгудай. Қўй шуларни, қандайдир мавҳумлик мавжуд уларда. Юр, тоза ҳавога чиқайлик.

Линнет кулиб қўйиб, рози бўлди.

Ибодатхонадан чиқишлари билан чақнаб турган қуёш уларнинг кўзини қамаштирди, оёқлари остидаги қум сариқ рангда ва илиқ эди. Кемага қайтилари келмади, экскурсия эса чарчатган эди. Улар бир қоя чўққисига чиқиб, офтобда исиниб ўтиришди.

“Қуёш қандай яхши, — деб ўйларди Линнет, — бағрим илиқ, кўнглим хотиржам, қандай яхши ўзим, фақат ўзим бўлганим... Линнет бўлганим...”

У кўзларини юмди — ё пинакка кетди, ё йўқ, лекин дарёда оқаётган сувдай, шовуллаб тўкилаётган қумдай табиий ва сокин хаёллари оҳангига тебраниб ўтирди.

Симоннинг кўзи очиқ эди, унинг кўзида ҳам хотиржамлик акс этарди.

“Ўша биринчи тунда нимадан қўрқиб кетган эди ўзи? Йўқ, у ҳеч нарсадан қўрқмайди, ҳеч нарсадан... Ҳаммаси яхши кетяпти...”

Кимдир чинқириб юборди, булар томонга одамлар бақиритиб, қўл силташиб югуриб келишарди.

Симон уларга ялт этиб қаради, лекин ҳеч нима тушунмади. Кейин ирғиб туриб, Линнетни бағрига босди. У айна вақтида улгурди. Тепадаги қоядан ажраган каттакон харсангтош ҳозиргина Линнет ўтирган ерга келиб тушиб, бўлак-бўлақларга ажралди. Агар Симон уни вақтида ўзига тортмаганида, Линнетдан асар ҳам қолмаган бўларди. Ранги докадек оқариб кетган Симон хотинини бағрига босиб турарди. Эркил Пуаро билан Тим Аллертон уларнинг олдига шошиб боришди.

— Э Худо! Мадам, мўъжиза қутқариб қолди сизни.

Тўртовлари бош кўтариб қоя тепасига қарашди. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Лекин унинг чўққисига чиқадиган торгина сўқмоқ йўл бор эди. Пуаронинг эсига тушди: улар кемадан соҳилга тушишаётганда, бу сўқмоқдан одамлар чиқиб кетаётган эди. У эр-хотинга қаради. Линнет ҳали ҳам ўзига келмаганди. Симон бўлса газабдан ёрилаётганди.

— Минг лаънат! — деди Симон гижиниб. Лекин қаршисида турган Тимни кўриб, ўзини қўлга олди.

— Тезроқ кемага қайтинг, мадам, — деб маслаҳат берди Пуаро, — сиз тинчлантирадиган дори ичинингиз керак.

Ҳаммалари — ҳануз газабини тия олмаган Симон, Линнетнинг кўнглини кўтаришга ва уни кўнглисиз хаёллардан фориг қилишга уринаётган Тим ҳамда гамга ботган индамас Пуаро соҳил ёқалаб боришарди. Улар кема зинаси олдига келишганда, Симон бирдан ҳанг-манг бўлиб таққа тўхтаб қолди. Зинадан енгил ҳаворанг кўйлак кийган Жаклина де Белфорт тушиб келаётган эди; бугун у жажжигина қизалоққа ўхшарди.

— Э Худо, — деб юборди Симон, — демак, бу бахтсиз ҳодиса экан.

Ундаги газаб ва нафрат алангаси бирдан сўнди. Чеҳраси ёришди, буни кўрган Жаклина ҳайрон бўлиб сўради:

— Хайрли кун, кечикиб қолибман, шекилли?

У ҳаммага ялписига бош эгиб таъзим қилди ва ибодатхона томонга кета бошлади. Симон Пуаронинг қўлини ушлади.

— Хайрият-е, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Мен ўйловдимки...

Пуаро бош иргаб қўйди.

Лекин ҳали ҳам унинг ташвиши аримаган эди. У соҳилда қолиб, гуруҳнинг бошқа аъзоларини диққат билан кузата бошлади.

Мисс Ван Скулер мисс Баурэснинг қўлига таянганча аста-аста юриб келарди. Улардан сал орқароқда шу ерли болалар билан гурунглашиб миссис Аллертон келаётган эди. Унинг ёнида миссис Оттерборн бор эди. Қолганлар ҳали кўринмасди.

Пуаро бошини астагина сарак-сарак қилганча пароходга чиқди.

### *Ўнинчи боб*

— Мадам, менга “feg” сўзининг маъносини тушунтириб берсангиз. Миссис Аллертон бош эгиб, жавобни ўйлай бошлади.

— Бу шотландияликлар сўзи. У одатда бирон фалокат арафасида юз берувчи махсус бахтли, бениҳоя шодлик ҳолатини ифодалайди. Биласизми, бу узоқ чўзилиши мумкин бўлмаган ниҳоятда бахтиёр ҳолат.

Пуаро хонимнинг изоҳини диққат билан эшитди.

— Тушунгандайман. Миннатдорман, мадам. Шуниси қизиқки, бу муқояса айнан кеча, мадам Дойл қандайдир мўъжиза туфайли бир ўлимдан қолганида хаёлингизга келибди.

Миссис Аллертон сесканиб кетди.

— Ҳа, унинг ҳалок бўлишига бир баҳя қолганди. Буни шу ерли болалар қилган деб ўйлайсизми? Ҳазил сифатида, а? Дунёдаги болаларнинг ҳаммаси шунақа шўхлик қилишади.

Пуаро елкасини қисиб қўйди.

— Бўлиши мумкин, мадам.

У суҳбат мавзуини ўзгартирди... Майорка ҳақида сўради, анча-мунча амалий саволлар берди, чунки келажда ўша ёққа бормоқчи эди.

Миссис Аллертон бу кичкина одамга жуда боғланиб қолган, уни кун сайин кўпроқ ёқтира бошлаган эди. У кутилмаганда Пуарога юрак ёзиб, Жоанна Соутвуд ҳақида сўзлаб бериши лозимлигини ҳис этди. Нега энди сўзламасин? Пуаро Жоанна билан таниш эмас, бундан кейин ҳам у билан ҳеч қачон учрашмаслиги аниқ. Ҳамиша юрагини эзиб турган бу оғир юкдан буткул фориг бўлса, яхшимасми?

Айни шу пайтда Розали билан Тим миссис Аллертон ҳақида сўзлашардилар. Тим онасидан ҳазилона зорланарди.

— Хонаки кўпакнинг мутеона кун кечириши — менинг ҳаётим, — деди у маҳзун оҳангда.

— Лекин сиз шундай беназир бойликка эгасизки, — деди Розали дабдурустдан, — унга минг-минглаб одамлар ҳавас қилса арзийди.

— У нима экан?

— Сизнинг ойижонингиз.

Тим ҳайрон қолди, кейин суюниб кетди.

— Ойижоним? Ҳа, сиз ҳақсиз, ойим гайриоддий аёл. Хурсандман буни пайқаганингиздан.

— Менимча, у ажойиб аёл. Шунақанги гўзал, матонатли ва вазмин табиатлики, гўё ҳеч қачон ҳеч кимдан аччиғланмайдиган кўринадиди, боз устига, жуда хушчақчақ, ҳамма нарсага қизиқади...

Тим ҳам бунга жавобан, Розалининг онаси ҳақида биронта илиқ сўз айтишга уриниб кўрди, лекин афсуски, миссис Оттерборн тўғри-

сида ҳеч нима дея олмади. Шу чоғ бирдан у ўз қалбида Розалига нисбатан назокат ва мушфиқлик ҳис этди.

“Ал-Карнаку”га қайтган Линнет ўз номига телеграмма келганидан ҳайрон бўлди. У хатжилдни очиб ўқий бошлади.

— Бу нима ўзи? Ҳеч тушунмадим: картошка, лавлаги... Бу нимани билдиради, Симон?

Симон хотинининг елкаси оша энгашиб қоғозга тикилди, шу пайт бу ерга синьор Ричетти кириб келди. У дарғазаб эди.

— Кечирасиз, бу менга келган, — деди у дағдаға қилиб ва телеграммани Линнетнинг қўлидан юлқиб олди. Ҳайрон бўлган Линнет эсанкираб қолди ва қўлида телеграмма хатжилдига кўз ташлади.

— О, Симон, яхши бўлмади! Телеграмма Ричеттига ёзилган экан, Рижузэйга эмас. Ундан кейин, энди мен Рижузэй ҳам эмасман! Бориб узр сўраш керак.

У археологни қидириб чиқиб кетди.

— Синьор Ричетти, Худо ҳаққи, кечиринг! Биласизми, менинг қизлик фамилиям Рижузэй, яқинда турмуш қурганман, ҳали кўникмаганман...

У жим қолди ва Ричеттига хижолат бўлгандай ёқимли жилмаяркан, унинг ҳам жилмайиб жавоб қилишини кутди.

Лекин Ричетти жилмайишни ўйламади ҳам. Ҳаттоки қиролича Виктория ўз аъёнига танбеҳ берган чоғида бунчали бадқаҳр бўлмагандир.

— Кўзни каттароқ очиш керак. Сиз ҳеч кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўйдингиз.

Линнет қизариб кетди, лабини тишлаб қолди. Ҳали ҳеч ким унинг узрига бундай қўрс жавоб қилмаган эди. У шартта бурилиб, қайтиб кетди.

— Қўй, парво қилма унга, жонгинам. Юр, фил суягидан ясалган тимсоҳни кўрамыз, у сенга ёқади.

Уларнинг орқасидан қараб қолган Пуаронинг қулоғига аянчли чуқур хўрсиниш эшитилди. У орқасига ўгирилиб, ёнида турган Жаклина де Белфортни кўрди. Қиз пароход тутқичига маҳкам ёпишиб олган эди. Унинг юзидаги ифода Пуарони ҳайратга солди. На шодлик, на нафрат акс этарди бу чеҳрада. Вужудида гўё жўшқин аланга гуриллаб ёнаётган эди-ю, бу аланганинг у сиртга отилиб чиқишига йўл қўймаётган эди.

— Энди уларнинг мен билан ишлари йўқ, — аста-секин деди қиз. — Улар мендан қочиб кетишди, энди қувиб етолмайман. Мен бу ерда борманми, йўқманми — барибир уларга. Энди уларни бошқа азоблай олмайман.

Жаклинанинг қўллари қалтиради.

— Мадемуазел...

У Пуаронинг сўзини бўлди.

— Эҳ, энди кеч... Кечикдингиз мени огоҳлантиришга... Сиз ҳақ экансиз. Келмаслигим керак эди бу ёққа. Бу пароходга ҳам чиқмаслигим лозим эди. Ушанда нима девдингиз? Рух саёҳати. Энди орқага қайта олмайман. Кўзлаган йўлимдан боравераман. Улар бахтли бўлмасликлари керак. Бўлмайдилар ҳам...

Жаклина бирдан жим бўлиб қолди ва шошганча нари кетди. Худди шу пайт кимдир Пуаронинг елкасига қўлини қўйди. У ўгирилиб қаршисида турган эски танишини кўрди ва ҳайрон қолди.

— Полковник Рэйс?

— Кутмабмидингиз?

Улар бундан бир йил бурун Лондонда танишган эдилар. Икковлари ҳам ғалати бир хонадонда ўтказилган ғалати зиёфатга таклиф этил-

ган эдилар; бу зиёфат пайтида уй соҳиби ўлдирилган эди. Рэйс ўзининг дабдурустдан пайдо бўлиши ва йўқ бўлиб қолиши сабаблари ҳамда муддати тўғрисида ҳеч кимни огоҳлантирмасди. Буни Пуаро биларди. Одатда, уни империянинг исён кўтарилиши хавфи туғилган энг олис истехкомларида учратиш мумкин эди.

— Ҳа, сиз ҳам шу ерда экансиз-да, — деди Пуаро ўйчан оҳангда.

— Тўғри, мен ҳам шу ерда “Ал-Карнаку” даман.

— Бу гапингиздан...

— Сиз билан бирга Шалолога кетяпман.

Улар ойнабанд салонга киришди, ҳозир бу ерда ҳеч ким йўқ эди. Пуаро полковникка виски, ўзига икки улуш ўта ширин ликёр буюрди.

— Демак, бизнинг пароходда кетаётган экансиз-да Шалолога? — деди Пуаро ликёрдан хўпларкан, — ҳолбуки, сиз у ерга ҳукумат кемасида анча тезроқ етиб олган бўлардингиз. Шундай эмасми?

Полковник маъқул, дегандек кўзини юмди.

— Сиз, мосъе Пуаро, ҳамиша аниқ нишонга урасиз, — деб у мулойимлик билан жавоб қилди.

— Бундан чиқди, сизни йўловчилар қизиқтирар экан-да?

— Йўловчилардан биттаси.

— Қайсиниси, билсам бўладими? — сўради Пуаро.

— Афсуски, ўзим ҳам билмайман, — маъюс тан олди полковник.

Пуаро қизиқсиниб кута бошлади.

Рэйс гапида давом этди:

— Сиздан ҳеч нимани яширмоқчи эмасман. Бу ерлар нотинч. Гоҳ ундай, гоҳ бундай. Бу ерда учта исёнкор, порох бочкасини портлатмоқчи бўлган учта муттаҳам бебошлик қилиб келган эди. Улардан биттаси энди ўлган, иккинчиси қамоқда. Менга учинчиси керак. Бу ярамас олти марта энг бешафқат қотилликка қўл урган. У устаси фаранг ёлланма қотиллардан бири, бунақаси бўлмаган. Ҳозир у мана шу пароходда. Мен буни қўлимга тушган шифрланган хатдан билдим. “X февралнинг 7-сидан 23-сигача “Ал-Карнаку”да бўлади”. Лекин X кимни билдиради — бу ҳақда ҳеч нима дея олмайман.

— Сизга унинг қандайдир белгилари маълумми?

— Йўқ. Билганим фақат шуки, унинг томирида француз, ирланд ва америкаликнинг қони оқаркан. Лекин бу жуда кам. Сизда бирон мулоҳаза борми?

— Мулоҳаза? Далиллар жуда кам, — деди Пуаро ўйчанлик билан. — Бу пароходда ҳозир мени бениҳоя ташвишга солаётган воқеалар содир бўляпти. Тасаввур қилинг: А деган шахс Бнинг дилини қаттиқ оғритган. Б ундан қасос олмоқчи. Унга таҳдид солмоқда.

— А ҳам, Б ҳам шу пароходдами?

— Топдингиз, — деб бош ирғади Пуаро.

— Ўша Б аёлдир?

— Худди шундай.

Рэйс сигарета чекди.

— Мен хавотир олмаган бўлардим. Дўқ, таҳдид қилган одамлар, одатда, амалга оширмайдилар таҳдидларини.

— Алалхусус, у аёл киши бўлса. Сиз шундай демоқчимидингиз? Ҳақсиз, албатта.

Лекин Пуаронинг кўриниши, барибир, ташвишли, нохуш эди.

— Яна бирон гап борми? — сўради Рэйс.

— Ҳа. Кеча А тасодифан бир ўлимдан қолди, агар фалокат юз берса, бахтсиз ходиса, деб эътироф этишлари мумкин эди буни.

— Бнинг ишими бу?

— Йўқ. Ҳамма гап шунда-да. Бнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ бунга.  
 — Унда, бахтсиз ҳодиса!  
 — Эҳтимол, лекин менга ёқмаяпти бу бахтсиз ҳодиса.  
 — Аниқ биласизми Бнинг бунга дахли йўқлигини?  
 — Мутлақо аниқ.  
 — Нима ҳам дердик. Бундай тасодифлар бўлиб туради. Дарвоқе, ким ўзи ўша А? Биронта қабиҳ алвасти бўлса керак-да?  
 — Аксинча. А — ғоятда латофатли, бадавлат ва соҳибжамол ёш хоним.

Рэйс жилмайиб қўйди.

— Худди романларда ёзилгандай.

— Эҳтимол. Лекин такрор айтаман, дўстим, юрагим безовта. Агар янглишмаётган бўлсам; ўзингиз биласиз, мен жуда камдан-кам ҳолларда янглишаман.

Рэйс мийиғида кулиб қўйди.

Зеро, бу баёнот айнан Пуаро табиатига хос эди.

— Мен кўрқяпман, дўстим, — деди у, — қаттиқ хавотирдаман. Бугун ўша хонимга, яъни мадам Дойлга, эри билан бирга Хар-тумга кетишни ва кемага қайтиб келмасликни маслаҳат бердим. Лекин у қулоқ солмади. Ишқилиб, Шалолога эсон-омон етиб олайлик-у, ҳеч қандай фалокат юз бермасин, деб Худога илтижо қилиб ётибман.

### *Ун биринчи боб*

Эртаси куни кечқурун Корнелия Робсон яна Абу Симбал ибодатхонасига борди. Ҳаво иссиқ ва сокин эди. “Ал-Карнаку”, сайёҳлар яна бир марта Абу Симбални, бу сафар энди сунъий ёритқичлар ёрдамида кўрсинлар, деб яна ибодатхона қаршисида тўхтаган эди. Тафовут жуда катта эди. Корнелия ўзини кузатиб келган Фергюсонга ҳайратланиб гапирарди.

— Вой, қасда қолди-я доктор Бесснер, у менга тушунтириб берарди!

— Ҳайронман, ўша қари мижғовнинг сизга улфат бўлишига қандай чидаяпсиз? — деди Фергюсон хафа бўлиб.

— Нималар деяпсиз, менга таниш бўлганлар ичида у энг оққўнгили!

— Ўзига бино қўйган қари аҳмоқ!

— Сиз бундай тарзда гапирмаслигингиз керак унинг тўғрисида.

Йигит бирдан қизнинг тирсагидан ушлади. Улар ибодатхона бўсағасида туришарди. Ой ёғду сочарди.

— Нега энди сиз нуқул хўппа семиз, қари, аҳмоқ одамлар билан бўлишга интиласиз? Нега анави жоҳила қари жодугарнинг таҳқирларига индамай чидайсиз?

— Сизга нима бўлди, мистер Фергюсон?

— Наҳотки, нафсоният деган нарса бўлмаса сизда? Наҳотки, тушунмасангиз — ахир сиз ҳам ўшанга ўхшаган одамсиз-ку! Йўқ, сиз яхшироқсиз! Бу пароходда энг гўзал аёл сизсиз! Буни асло унутманг, — деди у шиддат билан ва тескари томонга жўнаб кетди.

Мисс Ван Скулер доктор Бесснер билан суҳбатлашиб ўтирарди. Бу суҳбат докторнинг маълум ва машҳур беморлари ҳақида эди.

— Унча кечикиб келмадим, шекилли? — деди Корнелия худди гуноҳ қилиб қўйгандай.

Кекса хоним соатига қараб қўйиб деди:

— Унча шошилмадингиз ҳам келишга, тасаддуқ. Қаёққа қўйгандингиз духоба ёпинчигимни?

Корнелия ночор атрофга кўз югуртирди.

— Балки, у каютададир. Рухсат этинг, бориб қараб келай.

— У ерда йўқ. Кечлик таомдан кейин елкамда эди, мен бўлсам бу ердан ҳеч қаёққа чиққанам йўқ. Кейин уни кресло суянчигига осгандим.

Корнелия бутун салонни айланиб чиқди.

— Ҳеч ерда йўқ, эгачим Мэри.

— Бўлмаган гап, — деди мисс Ван Скулер жаҳл билан. — Яхшилаб қидиринг.

Одатда, одам ўз итига шундай буйруқ беради; Корнелия ҳам худди кўндивой итдек буйруққа итоат этди.

Кўшни столда ўтирган индамас мистер Фантора ҳам ўрнидан туриб, ёпинчиқни қидира бошлади. Лекин у ҳеч ердан топилмади.

Бугун кун жуда жазирама ва дим бўлди, шунга кўра, кўпчилик сайёҳлар соҳилдан барвақт қайтишиб, каюта-каюталарига тарқаб кетишди.

Бурчакдаги стол атрофида эр-хотин Дойллар, Пеннингтон ва Рэйс қартада бриж ўйинини ўйнашарди. Салонда улардан ташқари яна Пуаро ҳам бор эди, у столга энгашиб, бошини кафтларига тираганча оғир-оғир эснаб қўярди.

Мисс Бауэрс билан Корнелия кузатувида виқор билан ташқарига йўл олган мисс Ван Скулер Пуаро столи ёнида тўхтади. Пуаро эснашни тарк этиб, одоб юзасидан, ирғиб ўрнидан турди.

— Мен ҳозиргина билдим кимлигингизни, мосье Пуаро. Сиз ҳақингизда илгари дўстим Руфус ван Алдиндан эшитгандим. Қилган ишларингиздан биронтаси ҳақида албатта эшитиш ниятидаман.

Пуаронинг уйқусираган кўзларида кулгили учқунлар чақнаб кетди. У ўта назокат билан таъзим қилди. Мисс Ван Скулер лутфан бош ирғаб нари кетди.

Пуаро яна эснади. Жуда уйқуси келаётган эди, боши зилдай оғир, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб борарди. У бриж ўйнаётганларга ва мук тушиб китоб ўқиётган Фанторага қараб қўйди. Хонада бошқа ҳеч ким йўқ эди.

У айланма эшикдан палубага чиқди ва бу томонга шоша-пиша келаётган Жаклина де Белфортга урилиб кетишига сал қолди.

— Кечиринг, мадемуазел.

— Ухлаб қоляпсиз, шекилли, мосье Пуаро, — деди у.

— Ҳа, юриб туриб ухлаб қоляпман, — деди Пуаро, — кўзларим юмилиб кетяпти. Бугун кун жуда дим ва қандайдир тазйиқли бўлди.

— Ҳа, — деди Жаклина, гўё Пуаронинг сўзлари уни мулоҳаза юритишга ундагандай, — кун тазйиқли бўлди, бундай кунда нимадир албатта портлаши, тўлиб-тошиб чиқиши лозим!

Қиз бармоқларини маҳкам сиққанча кумлоқ соҳилга тикиларкан, паст овозда эҳтирос билан гапирарди...

Кейин у бирдан таскин топгандай бўлди.

— Хайрли тун, мосье Пуаро.

— Хайрли тун, мадемуазел.

У бу пайт Пуаронинг кўзига тик қаради. Пуаро эртаси куни Жаклинанинг ана шу қарашини эсларкан, бу қарашда даъват, ёрдам сўраб қилинган илтижо мавжудлигига деярли амин бўлганди. Кейинчалик у ана шу бир дақиқали учрашувни кўп маротаба эслади.

У ўз каютаси томон кетди, Жаклина салонга кирди.



Корнелия эгачисининг барча инжиқликлари ва мижғовликларини қаноатлантиргач, тўқийтган каштасини олиб, салонга қайтди. Унинг ҳеч ҳам уйқуси келмаётган эди, аксинча, ўзини ҳар доимгидан тетикроқ ҳис қилар ва хиёл ҳаяжонланаётган эди.

Бурчакдаги тўрт киши ҳануз бриж ўйнардди. Бошқа бурчакда индамас Фантора ҳали ҳам китоб ўқимоқда эди. Корнелия креслога ўтириб, кашта тўқишга киришди.

Кутилмаганда эшик очилиб, Жаклина де Белфорт кирди. У тўхтаб бошини орқага ташлади. Кейин қўнғироқ тугмасини босди-да, бутун хонани кесиб ўтиб, Корнелиянинг ёнига келиб ўтирди.

— Соҳилга тушдингизми? — сўради у.

— Ҳа. Ой нурида ибодатхона жуда ҳам файзли кўринаркан.

Жаклина бош ирғаб қўйди. Унинг нигоҳи тўғри бриж ўйнаётганлар столига қаратилган ва Линнет Дойлга қадалган эди.

Қўнғироқни эшитиб дастёр бола келди. Жаклина унга икки улуш жин арагини буюрди. Симон Дойл унинг буюртма бераётган овозини эшитиб, шахт ўтирилди. Унинг қаншарида безовталик ажини пайдо бўлди.

— Симон, юриш сендан, — деди унга хотини.

Жаклина аллақандай бир қўшиқ куйини оҳиста хиргойи қиларди. Унга жин олиб келишди, шунда у қадаҳни кўтариб баралла деди:

— Демак, жиноят учун! — У ичди ва яна буюртма берди.

Бу сафар ҳам Симон унга безовталаниб қараб қўйди. Энди унинг хаёли анча паришон эди. Шу боис ўйинда ташаббусни унинг шериги — Пеннингтон қўлга олди. Жаклина яна олдинига хиргойи қилиб, сўнг баралла овоз билан қўшиқ айта бошлади: “Қизнинг йигити бор эди, лекин ташлаб кетди у жононасини...”

— Узр, — деди Симон Пеннингтонга, — мен хато юриб қўйдим. Линнет ўрнидан турди.

— Уйкум келди. Бориб ёта қолай.

— Ҳа, вақт кеч бўлди, — деди Рэйс.

— Мен ҳам борай энди, — деди Пеннингтон. — Сен-чи, Симон?

— Мен ичмоқчиман. Ҳозир бораман.

Линнет унга бош ирғаб чиқиб кетди. Рэйс унинг кетидан жўнади. Пеннингтон ўз қадаҳини ичиб бўлиб, у ҳам кетганларга эргашди.

Корнелия тикаётган ишини йиғиштира бошлади.

— Кетманг, мисс Робсон, — дея илтимос қилди Жаклина. — Ўти-наман, кетманг. Оқшом энди бошланяпти. Мени ёлғиз қолдириб кетманг.

Корнелия яна ўтирди.

— Қизлар бир-бирларига ёрдам қилишлари керак, — деди Жаклина.

У бошини орқага ташлаб, хохолаб кулди. Бу қулоқни қоматга келтирадиган, аччиқ, мутлақо нохуш ва маҳзун кулги эди. Унга жин олиб келишди.

— Мен билан ичинг, — таклиф қилди Жаклина.

— Йўқ, кўп раҳмат, — деб жавоб қилди Корнелия.

Жаклина стулда тебраниб ўтириб қўшиқ куйларди:

— “Қизнинг йигити бор эди, лекин ташлаб кетди у жононасини”...

Фантора “Европа — ташқи алоқалар” журналинини варақларди. Симон Дойл столда ётган газетани олди.

— Алламаҳал бўлиб қолди. Кетишим керак, — деди Корнелия ўрнидан туришга чоғланиб, — ухлаш керак.

— Йўқ, ухлашга ҳали эрта, — деди Жаклина Корнелияни яна жойига ўтқазаркан. — Мен ман этаман ухлашни. Менга ўз тўғрингизда гапириб беринг.

— Вой, билмайман нима дейишни. Ниманиям гапирай, — хижолат бўлди Корнелия. — Мен ўз уйимизда онам билан яшадим. Ҳеч қаёққа саёҳатга бормаганман. Бу менинг биринчи саёҳатим. Роҳат қилипман. Кошкийди, у узокроқ чўзилса!

Жаклина яна кулди.

— Сиз жуда хушфёъл қизсиз. Э Худо, қанийди мен ҳам сизга ўхшасам.

— Вой, нималар деяпсиз? Ахир мен... ишончим комилки...

Корнелия бутунлай довдираб қолганди. Мисс де Белфорт жуда кўп ичиб қўйди. Бу Корнелия учун янгилик эмас эди. У ўз ҳаётида бунақа маст аёлларни кўп кўрган. Лекин ҳозирги бу мастликнинг нимасидир бошқача эди... Жаклина Корнелияга қараб туриб, унга мурожаат қилар, ва лекин айна пайтда, у билан эмас, унга эмас, бошқа ёққа гапирётгандай эди... Корнелияга шундай туюлди.

Жаклина бирдан Симонга ўтирилиб деди:

— Кўнғироқ қил, Симон. Мен яна ичмоқчиман.

— Ҳамма стюардлар кетди ухлагани. Соат ўн икки бўлди.

— Менинг ичгим келяпти, эшитяпсанми?

— Шундоқ ҳам кўп ичвординг, Жекки, — деди Симон.

Жаклина сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Сенга нима, жин урсин!

— Ҳеч нима, — деб Симон елкасини учириб қўйди.

Қиз унга бир дақиқагача тикилиб турди.

— Нима бўлди сенга Симон? Ё кўрқяпсанми?

Симон индамади. Яна қўлига газета олди.

— Вой, Худойим-е, — гуврана бошлади Корнелия, — кеч бўлиб кетди... Мен... — У ишларини шоша-пиша йиғиштираркан, бармоғига игна кирди.

— Кетманг, — деди Жаклина қатъий оҳангда. — Менга далда керак, ёнимда аёл киши бўлмаса бўлмайди ҳозир. — У кулиб юборди. — Симоннинг нимадан кўрқиб кетганини биласизми? Ўз ҳаётимни сизга сўзлаб беришимдан хавотирда у.

— О, ҳм, — Корнелия қалқиб кетди.

— Гап шундаки, — дона-дона қилиб гапира бошлади Жаклина, — биз, у билан мен бир пайтлар унаштирилган эдик.

— Вой, наҳотки? — деди Корнелия, уни қарама-қарши ҳиссиётлар қамраб олган эди. У хижолат бўлганидан ўзини қаёққа қўйишни билмас, айна пайтда, Жаклинанинг гапи уни жуда қизиқтириб қолган эди.

О, қандай бадбахт ва разил бўлиб кўринди унга ҳозир Симон Дойл!

— Анча кўнгилсиз воқеа, — деб гапида давом этди Жаклина мулойим истехзо билан. — У мени жуда ёмон аҳволга солиб қўйди. Тўғри-ми, Симон?

— Бор, ётиб ухла, Жекки, — деди Симон жаҳл билан, — сен мастсан.

— Эҳ, Симон, ўзинг кет, агар уялсанг.

Симон Дойл қизнинг кўзига тикилди. Унинг қўллари қалтирарди, шундай бўлса ҳам у қатъий тарзда деди:

— Йўқ, ҳали уйқум келгани йўқ.

Корнелия учинчи марта деди:

— Мен кетишим керак. Вақт алламаҳал бўлди...

— Йўқ, кетмайсиз, — деди Жаклина. У қўлини Корнелиянинг елкасига қўйиб, жойига ўтқазди. — Сиз қоласиз ва бу ерда бирон ходиса юз берса кўрасиз.

— Жекки, — деди Симон қатъий оҳангда, — жинни бўлма! Худо ҳақи, бориб ухла.

Жаклина бирдан қаддини ростлади-да, хирқироқ овозда бидирлай кетди:

— Сен жанжал бўлишидан қўрқяпсан! Тўғрими? Сиз, инглизлар, сипо табиат одамларсиз! Нима, сен менинг ҳам одобли, сипо бўлишимни истайсанми? А? Мен тупураман сенинг ўша одоб-ахлоқингга! Эсинг борида думингни тут бу ердан, бўлмаса қулофингни қизитадиган гап эшитасан мендан.

Жим Фантора журнални ёпди, аста бир эснаб қўйиб, соатига қаради, ўрнидан туриб, эшик томон юра бошлади.

Жаклина ўтирган жойидан бурилиб, Симонга қаради.

— Сен, малъун аблаҳ, — деди у бирдан, — ҳали мендан осонгина қутулмоқчиминг шу қилмишинг билан?

Симон бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин индамади.

У, Жаклина ҳамма айтадиган гапини айтиб бўлиб, кейин ҳовуридан тушади, деган умидда жим ўтирарди.

Жаклина бўғилиб, хириллаб гапиришда давом этди. Ўз ҳиссиётини одамлар гувоҳлигида ошқора изҳор қилган кишини умрида биринчи марта кўриб турган Корнелия учун бу можаро бениҳоя қизиқарли эди.

— Сени огоҳлантирдим, — деб чинқирди Жаклина. — Эсинг-дами? Сени бошқа аёл кучоғида кўрганамдан ўлик жасадингни кўрганам минг карра афзал! Ўлдираман сени, дегандим... Гапимга ишонмадинг-а? Янглишдинг! Мен пайт пойлагандим! Сен меникисан! Эшитяпсанми? Меники!..

Симон ҳамон жим эди. Жаклина қўлини тушириб, ниманидир тимирскилаб топди. Кейин Симонга юзланиб деди:

— Мен, сени ўлдираман дегандим, ўлдираман ҳам. — У қўлини сумкачасидан чиқарди — кафтида жажжигина ялтироқ нарса бор эди. — Мен сени худди итдай, худди саёқ итдай отиб ташлайман...

Симон букчайиб, йигиб олди. У ирғиб ўрнидан турди, лекин айна шу пайт Жаклина тепкини босди...

Симон эгилиб стулга ётиб қолди. Корнелия чинқирганча, эшик томон югурди. Жим Фантора палубада тутқичга суяниб турарди. Корнелия уни чақирди.

— Мистер Фантора! Мистер Фантора!

У югуриб келди. Корнелия пичирлаб гудранди:

— Мисс де Белфорт анави йигитни отиб қўйди. О! Ўлдирди уни!

Симон Дойл ҳамон стулда энгашиб ётарди...

Жаклина худди фалаж бўлгандек қотиб қолганди. У Симоннинг оёғидаги тобора кўпая бошлаган қип-қизил доққа даҳшат ва аянч билан тикиларкан, бутун вужуди дағ-дағ қалтирарди. Симон яраланган оёғига дастрўмол босган эди, у шу заҳоти қонга бўкди...

— Мен бунга хоҳламовдим, — деди Жаклина пиқиллаб. — Рост, хоҳламовдим бундай қилишни. — Қўлидаги пистолет ерга “дўқ” этиб тушди; шунда у пистолетни ботинкасининг тумшуғи билан тепиб юборди, пистолет сирғалиб бориб, банкетка (зиёфат столи) тагига кириб кетди.

Симон заиф овоз билан Фанторага мурожаат қилди:

— Бу ёққа кимдир келяпти... Худо ҳақи, шовқин кўтарманглар. Ҳаммаси жойида, деб айтинг...

Фантора, тушундим, дегандек бош ирғади. У эшикдан ташқарига мўра-лаб, у ерда қизиқсиниб қулоқ солиб турган хизматкор ҳабашни кўрди.

— Ҳаммаси жойида, — деди Фантора, — хотиржам; жаноблар вақтичоғлик қилишяпти.

Хизматкорнинг тим қора кўзларида шубҳа ва қўрқув акс этарди. У кўзни қамаштиргудек оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди ва нари кетди.

Фантора салонга қайтди.

— Хотиржам бўлинг, ҳеч ким ҳеч нарса эшитмади. Борди-ю, кимдир эшитган бўлса, шишанинг тиқини отилди, деб ўйлаши мумкин.

Жаклина бирдан жазавага тушиб, хўнграй бошлади.

— Э Худо, мен ўлишим керак... Ўзимни ўлдираман. Нима қилиб қўйдим! Нима жин урди мени!

Корнелия унинг олдига югуриб келди.

— Секин! Тинчланинг! Секин, жонгинам!

Симоннинг пешонасини тер босди, оғриқдан афти буришди.

— Олиб кетинглар уни бу ердан, — деб ёлборди у, — Худо ҳақи, олиб кетинглар! Мистер Фантора, сиз уни каютасига кузатиб қўйинг. Сиз, мисс Робсон, ҳамширани чақиринг, биласиз-ку, унинг қаерда туришини! — Симон ёрдам сўраётгандай, дам Фанторага, дам Корнелияга қарарди. — Жеккини ёлғиз қолдирманглар. Ҳамшира унинг ёнида бўлсин. Кейин доктор Бесснерни топиб, бу ерга бошлаб келинглар. Худо ҳақи, хотинимга билдирманглар.

Жим Фантора, маъкул, дегандек бош ирғади. У илтимосни бажаришга тайёр эди. Корнелия билан икковлари пиқиллаб йиғлаб турган Жаклинанинг икки қўлтигидан олишди, оёқ тираб туриб олганига қарамай, уни салондан етаклаб олиб чиқиб кетишди ва каютасига олиб боришди. Улар анча қийналишди, чунки Жаклина зор-зор йиғлаб, яна салонга қайтишга уринарди.

— Ўзимни сувга ташлайман... сувга чўкиб ўламан... Мен энди ортиқ яшай олмайман... О, Симон! Симон!

— Сиз тезроқ мисс Бауэрсни топиб келинг, — деди Фантора Корнелияга. — То келгунингизча, мен шу ерда бўлиб тураман.

Корнелия чиқиб кетди.

Жаклина эшик томон отилди, лекин Фантора уни ушлаб қолди.

— Вой, унинг оёғи... нима бўлдийкин, синдимикан? Унинг қони оқиб ётибди. Ахир, ўлиб қолади-ку кўп қон йўқотса. Мен олдига бораман... Симон, Симон, нима қилиб қўйдим? — унинг овози тобора авжга чиқарди.

— Жим бўлинг, тинчланинг! — деди Фантора сабрсизлик билан. — Унинг аҳволи оғир эмас.

Жаклина яна каютадан чиқиб кетишга уринди.

— Қўйворинг! Мен ўзимни сувга ташлайман! Қўйворинг! Мен ўлишим керак!

Фантора унинг елкасига қўлини қўйиб, зўрлаб тўшагига ўтқазди.

— Шу ерда қоласиз, ҳеч қаёққа чиқмайсиз. Шовқин ҳам солманг. Ўзингизни қўлга олинг. Ҳаммаси яхши бўлади, ишонинг.

Қиз бирдан жимиб қолди, бақаришни бас қилди. Эшик очилиб, гижимланган кимоно-халатда мисс Бауэрс кириб келди. Шунда Фантора худди елкасидан тоғ ағдарилгандай, ўзини енгил ҳис қилди. Мисс Бауэрс ҳар доимгидай мутлақо хотиржам эди.

— Хўш, — жиддий тарзда сўради мисс Бауэрс, — бу нима қилиқ? — Шундай деди-ю, ҳайрон ҳам бўлмай, суриштирмай ҳам, дарҳол ишга киришди. Фантора, турган гапки, ундан беҳад миннатдор бўлди ва Жаклинани унинг ихтиёрига қолдириб, доктор Бесснернинг каютасига йўл олди. У эшикни тақиллатди ва жавоб бўлишини кутмай, ичкарига кирди.

— Доктор Бесснер!

Доктор унга жавобан бурнини қаттиқ қоқди ва ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима гап? Ким бу?

Фантора чироқни ёқди. Доктор нуқул кўзини пирпиратар, ҳозирги туришида бойўғлига ўхшаб кетарди.

— Доктор, Дойлга ўқ отишди. Мисс де Белфорт отди. Дойл ҳозир салонда. Уни кўргани боролмайсизми?

Доктор дарҳол отлана бошлади. Оёғига хонаки туфли, эғнига халат кийиб, зарурий табобат дори-дармонлари солинган жомадончасини олди ва Фантора билан биргаликда салонга жўнади.

Симон деразани очишга улгурибди, у бошини дераза тоқчасига қўйганча, салқин ҳаводан нафас оларди. Ранги бўздек оқариб кетганди.

— Хў-ўш? Нима бўлди? — деди доктор унга яқин бориб.

Жиққа қон дастрўмол гиламда ётарди; қон доғи Симоннинг оёғи тағида ҳар тарафга ёйилаётган эди. Доктор ўзича тўнғиллаб немисча сўкинаркан, ярани кўздан кечирди.

— О, ярангиз менга ёқмаяпти... Суяк синган, қон жуда кўп кетган. Ҳерр Фантора, иккаламиз бу йигитни менинг каютамга кўтариб олиб боришимизга тўғри келади. Ана шунақа. У юролмайди. Кўтариб борамиз.

Икковлари Симонни кўтаришди, шу маҳал эшик олдида Корнелия пайдо бўлди. Доктор уни кўриб суюниб кетди ва қичқариб юборди:

— О, сизмисиз? Яхши. Биз билан юринг. Менга ёрдамнингиз керак. Сиз бу ишни манави ёш дўстимиздан кўра яхшироқ удалайсиз. Қаранг, ранги ўчиб кетибди.

Фантора бунга жавобан жилмайишга уриниб кўрди.

— Ё мисс Бауэрсни чақириб келайми? — деб таклиф қилди у.

Доктор Корнелияга қараб, ўйга толди. Сўнг:

— Йўқ, менга бу ёш хонимнинг ўзи кифоя, — деб жавоб қилди. — Ҳарҳолда, сиз ҳушингиздан кетиб қолмассиз ё чинқариб юбормассиз, а?

— Мен ҳамма айтганларингизни қиламан, — деб Корнелия розилик билдирди.

Жарроҳлик ташриҳи давом этган охириги ўн дақиқа мобайнида мистер Фантора ўзини жуда ёмон ҳис қилди — қонни кўриб кўнгли беҳузур бўлди, лекин Корнелия мутлақо хотиржам эди, у қўлидан келганча, докторга ёрдам қилиб турди.

— Мен баҳоли қудрат ҳаммасини қилдим, — деди ниҳоят доктор Бесснер, — Сиз ўзингизни қаҳрамонлардек тутдингиз, дўстим, — у Симоннинг елкасига қоқиб, кўнглини кўтариб қўйди, кейин унинг егини шимариб, қўлига шприц олди. — Ҳозир сизга уйқу дориси укол қиламан. Лекин хотинингизга нима деймиз?

— Уни безовта қилманглар эрталабгача, — деди Симон заиф овоз билан ва илова қилди: — Жеккига айб қўйманглар. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Уни ёмон таҳқирладим... бечора қиз... ўзи ҳам билмай қолди нима қилганини...

Доктор унга ачиниб, бош ирғади.

— Ҳа, ҳа... Тушунаман...

— Айб ўзимда, — деб такроқлади Симон. — Жеккини ёлғиз қолдирманглар, — у Корнелияга илтижо билан боқди. — Биласизми, у ўзини бир нарса қилиб қўйиши мумкин.

Доктор Бесснер укол қилди. Корнелия қатъий ишонч билан деди:

— Ҳаммаси яхши бўлади, мистер Дойл, мисс Бауэрс туни билан унинг ёнида қолади.

Симон унга нигоҳи билан миннатдорчилик билдирди. У тинчиб қолди, безовталаниши барҳам топди. Кўзларини юмди. Кейин бирдан сесканиб кетди.

— Фантора!

— Ҳа, Дойл.  
 — Пистолет... уни олиш керак, йўқса эрталаб ходимлар кўриб қолади.  
 — Тўғри айтасиз, — деб тинчитди уни Фантора. — Ҳозир бориб оламан.

У каютадан чиқиб, салон томон йўл олди. Шу пайт мисс Бауэрс Жаклинанинг каютасидан бошини чиқарди.

— Мисс де Белфортнинг аҳволи яхши, — деди ҳамшира. — Мен унга морфийдан укол қилдим.

— Лекин унинг ёнидан кетмасиз?

— Ҳа, албатта. Морфий баъзи одамларнинг асабини кўзгаши мумкин. Мен бутун тун унинг ёнида бўламан.

Фантора йўлида давом этди. Бир неча дақиқадан кейин у қайтиб келиб, докторнинг эшигини тақиллатди. Доктор эшикдан бош чиқарди.

— Бу ёққа келинг, — Фантора имлаб докторни палубага чақирди. — Пистолетни тополмадим.

— Нима?

— Пистолет йўқ. Жаклина уни ерга ташлаганди, кейин уни тепиб банкетка тагига киритиб юборганди. Пистолет у ерда йўқ.

Икковлари бир-бирига ханг-манг бўлиб қараб қолишди.

— Лекин ким олиши мумкин уни?

### *Ун иккинчи боб*

Эркюль Пуаронинг эшиги шошилишч тақиллаганда, у эндигина соқолини олиб бўлиб, устарани артаётган эди. Полковник Рэйс жавоб бўлишини кутмай каютага кирди. У эшикни зичлаб ёпди.

— Сезгирлигингиз сизни алдамабди, — дея дарҳол мақсадга ўтди у. — Содир бўлди ўша ўйлаганингиз.

Пуаро қалдини ростлаб дарҳол сўради:

— Нима бўлди?

— Бугун тунда Линнет Дойлни чаккасидан отиб ўлдиришган.

Пуаро сукутда. Алҳол унинг кўз олдида Асвон паркида учратгани қиз пайдо бўлди; у энтика-энтика, эҳтирос билан гапирган эди: “Кошкийди, мен бебаҳо жажжи пистолетимни унинг чаккасига тираб тепкини боссам”. Яна яқинда ҳам у шундай эҳтирос билан: “Бундай кунда, албатта, портлаш юз беради...” — деган эди. Айни чоғда унинг нигоҳидаги илтижо ҳам Пуаронинг кўз олдидан кетмаган эди. Нега ахир у ўшанда бу қизнинг ёнидан ўтиб кетди? Нега унинг илтижосига жавоб бермади? У кўр ва кар бўлиб қолибди, эсини йўқотиб қўйибди, ҳа, кеча унинг жуда ҳам уйқуси келганди...

— Бу ернинг маҳаллий маъмурлари мени билишади, — деди Рэйс. — Улар тергов билан шуғулланишни менга топширишди. Кема ярим соатдан кейин жўнаши керак, лекин уни тўхтатиб туриш мумкин, агар илтимос қилсам. Чунки қотил кемага соҳилдан чиққан бўлиши ҳам мумкин-ку.

Пуаро инкор маъносида бош чайқади.

— Ҳа, сиз ҳақсиз, — деб қўшилишди Рэйс. — Бунақа имконият бўлмаган. Қисқаси, сиз ишга киришинг. Бу иш сизники.

Пуаро бу орада шоша-пиша кийиниб бўлганди.

— Мен сизнинг ихтиёрингиздан, — деди у ниҳоят.

Улар биргаликда палубага чиқишди.

Линнет Дойлнинг каютаси эшиги олдида, кўрқиб кетганидан ранги докадек оқарган стюард турарди. У каюта эшигини очди. Доктор Бесс-

нер кириб келган Пуаро билан Рэйсни кўриб, бошини кўтарди ва томоқ қириб қўйди.

— Бизга нималарни билдиришингиз мумкин, доктор? — деб сўради Рэйс.

Бесснер қирилмаган иягини ишқалаганча ўйланиб қолди.

— Уни отишган, ҳа, жуда яқин масофадан отишган. Кўряпсизми, мана бу ерини, қулоғининг тепасини? Уқ шу ерга кирган. Жуда кичкина ўқ. Назаримда, йигирма икки калибрли бўлса керак. Пистолет чаккасига тиралган, кўряпсизми, кўкарган, териси ҳам шилинган.

Яна хотира тўлқини бостириб келди: Пуаронинг қулоғи остида Асвонда эшитгани ўша овоз, ўша сўзлар янгради.

— У уйқуда бўлган, — давом этди Бесснер, — ҳеч қандай олишув белгилари йўқ. Қотил қоронғида пусиб кириб, уни ухлаб ётган чоғида отган.

Пуаро яқинроқ борди. Линнет Дойл табиий ҳолда ёнбошида ётарди. Унинг қулоғи тепасида кичкинагина тешик бўлиб, унинг атрофини қуюлиб қолган қон ўраб олган эди.

Пуаро маҳзун бош чайқаб қўйди. Шунда бирдан унинг нафаси қайтиб кетди — шундоққина кўзи олдида оппоқ деворда қалтироқ қўл билан ёзилган қўнғирранг ёзув турарди: фақат битта каттакон Ж ҳарфи.

Пуаро бу ҳарфга узоқ тикилиб қолди, кейин мурда устига энгашиб, жуда эҳтиётлик билан унинг ўнг қўлини кўтарди. Бармоқлардан бирига қандайдир қўнғир ранг суртилган эди.

— Қандайдир исм, кимнингдир исми бу! — деб юборди Пуаро.

— Буни қандай тушуниш керак? — сўради Рэйс.

— Мендан сўраяпсизми, буни қандай тушуниш керак, деб? Буни билиш жуда осон, шундай эмасми? Мадам Дойл ўлиши олдидан, қотили ким эканлигини билдириш учун, бармоғини яраси қонига ботириб, қотил исмининг бош ҳарфини қон билан ёзган. О, бу ҳайратомуз оддий далил.

Бесснернинг сабри чидамай қатъий ишонч билан гапга аралашди.

— Нималар деяпсиз ўзи? Фирт бемаънилик бу, қуруқ сафсата. Бечора отилган заҳоти ўлган. Бармоғини яраси қонига бўяганмишу Ж ҳарфини деворга ёзганмиш... (Кўряпсиз-ку, ҳеч қандай яра ҳам, қон ҳам йўқ). Фу! Ўйлаб топган гапингизни қаранг-у! Сафсатабозлик бу!

— Тўғри, бачканалик, — қўшилишди Пуаро.

— Лекин қандайдир мақсад кўзланган-ку бундан, — деди Рэйс.

— Албатта. — Пуаро дарҳол жиддийлашди.

— Ж ҳарфи нимани билдириши мумкин? — сўради Рэйс.

— Ж — бу Жаклина де Белфорт, — деб жавоб қилди Пуаро ўйлаб ўтирмай. — Бундан бир ҳафта бурун у, дунёда бирдан-бир орзуим жажжи пистолетимни шу аёлнинг чаккасига тираш, деб айтганди менга.

— Эй Худойим-ей! — деб юборди Бесснер.

Ҳамма сукутга толди. Кейин Рэйс чуқур хўрсиниб қўйиб деди:

— Айнан шундай бўлган бутун воқеа.

Бесснер бу фикрни маъқуллаб бош ирғади:

— Ҳа, айнан шундай бўлган. Пистолетнинг калибри жуда кичкина бўлган. Эҳтимол, йигирма иккидир. Буни фақат ўқ чиқариб олинганда аниқ айтиш мумкин.

— У қачон ўлган? — сўради Рэйс.

Бесснер иягини силаганча ўйланиб қолди.

— Буни ҳозир дақиқасигача аниқ айтолмайман, — у бармоқларини шақиллатди. — Ҳозир соат саккиз. Ҳавонинг шу ўтган тундаги

ҳароратини ҳисобга оладиган бўлсак, ўлганига олти соат бўлган, лекин саккиз соатдан ортиқ эмас.

— Демак, қотиллик ярим кеча билан соат икки ораллигида содир бўлган.

— Жуда тўғри.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Рэйс атрофга қаради.

— Эри қани? У қўшни каютадами?

— Айни дамда, — деди доктор Бесснер, — у менинг каютада ухляпти.

Пуаро ва Рэйс ҳайрон қолишди. Бесснер бош ирғаб қўйиб деди:

— Ҳа, ҳа. Ҳали сизларга айтишмаган кўринади — кеча кечқурун мистер Дойлга ўқ отишган.

— Ўқ отишган? Ким?

— Жаклина де Белфорт.

— Унинг яраси оғирми? — энтикиб сўради Рэйс.

— Ҳа, суяги шикастланган ва синган. Мен бундай шароитда қўллаш мумкин бўлган барча чораларни кўрдим. Лекин уни иложи борича тезроқ рентгенда кўриш ва яхшилаб даволаш лозим. Буни, ўзингиз биласиз, пароходда амалга ошириб бўлмайди.

— Жаклина де Белфорт, — деб гудранди Пуаро. У яна девордаги қўнғир ҳарфга тикилди.

— Бу ерда қиладиган ишимиз қолмади, — деди хўрсиниб Рэйс.

Улар чекиш хонаси жойлашган палубага тушишди. Бу ерда уларни юз берган фалокатдан қаттиқ ранжиган ва ҳаяжонланган “Ал-Карнаку” дарғаси бетоқат бўлиб кутиб турарди. У бутун масъулиятни полковник Рэйсининг зиммасига юклаб, ўзи тезроқ четга чиқиб туриш ниятида эди.

— Фикри ожизимча, — деб гап бошлади дарға, — менинг бирдан-бир вазифам сизга ишонч билдириш. Агар сиз бу ишни ўз зиммангизга олишга рози бўлсангиз, ҳамма фармойишларингиз сўзсиз ба-жарилишини шахсан ўзим кузатиб бораман.

— Жуда соз! — деди Рэйс уни маъқуллаб. — Бўлмаса, бошладик: биринчи навбатда, менга мана шу хона керак бўлади. Бу ерда биз мосъе Пуаро билан дастлабки терговни олиб борамиз.

— Маъқул, сэр.

— Ҳозирча шу. Бориб ўз ишингиз билан шуғулланаверинг. Бирон нима керак бўлса, сизни ўзим топаман.

Дарға энгил тортиб чиқиб кетди.

— Ўтиринг, доктор Бесснер, — деди Рэйс, — кеча кечқурун нима бўлганини бизга бир бошдан сўзлаб беринг.

Икковлари докторнинг дўриллаган овоз билан қилган баёнотини сукут сақлаб эшитишди.

— Ҳаммаси равшан, — деди Рэйс ўйлаб ўтирмай. — Қизчанинг жазаваси тутган, бунинг устига, яна икки қадаҳ жин ичиб олиб, та-сирлатиб ога бошлаган — олдин эркакни, кейин Линнет Дойлни ҳам.

Доктор бош чайқади.

— Йўқ, менимча, бундай бўлиши мумкин эмас. У ўз исмининг биринчи ҳарфини деворга ёзмаган бўларди. Бу телбалик-ку, ахир.

— Нега энди? — эътироз билдирди Рэйс. — Фазаб ва рашк ўтида ёниб, эсини йўқотган бўлиши мумкин.

— Йўқ, — деб бош чайқади Пуаро. — Жаклинанинг ишига ўхшамайди бу. Ҳаётда қўпол иш.

— Ундай бўлса, бунинг изоҳи фақат битта. Ж ҳарфини кимдир атайлаб ёзган, мисс де Белфортдан шубҳаланишимиз учун.



— Тўғри, — Бесснер бош ирғаб, — лекин қотилнинг омади келмабди, сабабки, ёш фрейлина қотиллик қиладиган ҳолатда бўлмаган.

— Нима учун?

Бесснер Жаклинанинг асабийлашиб жазаваси тутгани ва бошқа воқеалар ҳақида мисс Бауэрсдан эшитганларини сўзлаб берди.

— Мисс Бауэрс кечаси билан унинг ёнида бўлган — бу аниқ.

— Агар ҳаммаси сиз айтгандай бўлган бўлса, бу ҳол ишимизни анча осонлаштиради, — деди Рэйс.

— Ўликни биринчи бўлиб ким кўрибди? — сўради Пуаро.

— Миссис Дойлнинг оқсочи — Луиза Бурже. У, одатига кўра, бекасини уйғотгани каютага кирган, унинг ўлиб ётганини кўрган, чўчиб кетиб каютадан отилиб чиққан-у, ҳушидан кетиб, стюарднинг кўлига йиқилган. Стюард дарғага хабар қилган, дарға менга айтди. Мен олдин докторни топдим, кейин сизнинг олдингизга бордим.

Пуаро бош ирғаб қўйди.

— Буни Дойлга айтиш керак, — деди Рэйс.

— Сиз уни ухляпти, дедингизми?

— Ҳа, — деди Бесснер, — у ҳали ҳам ухляпти менинг каютаман. Унга кучли уйқу дори укол қилганман.

Рэйс Пуарога ўгирилди.

— Менимча, — деди у, — докторни ортиқ ушлаб турмаслигимиз керак. Кўпдан-кўп раҳмат, доктор.

Бесснер ўрнидан турди.

— Бориб нонушта қиламан. Кейин каютаманга қайтиб бориб, Дойлнинг аҳволидан хабар оламан.

— Раҳмат.

Бесснер чиқиб кетди. Пуаро ва Рэйс бир-бирларига тикилиб қолдилар.

— Хўш, нима дейсиз, Пуаро? — деб гап бошлади Рэйс. — Бу ишни сиз бошқарасиз. Мен айтганларингизни бажаришга тайёрман. Буюринг.

Пуаро бош эгиб таъзим қилди.

Эшик очилиб, Фантора билан Корнелия киришди.

— Қандай даҳшат! — бидирлаб гапира кетди Корнелия. — Вой, шўрлик, шўрлик миссис Дойл! Шундай мафтункор жувон-а! Қандай бағри тош иблис журъат этдийкин бечорани азоблашга! Бу ёқда мистер Дойлни айтмайсизми! Ҳали у эшитса, жинни бўлиб қолади. Куни кеча жуда хавотирда эди хотинидан, унинг дилини оғритиб қўйишдан кўрққан эди шу можаро туфайли.

— Биз айнан шу ҳақда эшитмоқчи эдик сиздан, мисс Робсон, — деб унинг сўзини бўлди Рэйс. — Биз мукамалроқ маълумотга эга бўлишни хоҳлардик юз берган ҳодиса ҳақида.

— Ҳа, ҳа, тушунаман. Бриж ўйинидан кейин миссис Дойл ўз каютасига кетди. Лекин унинг каютасига кирган ё кирмаганини аниқ айтолмайман.

— Кирган, — деди Рэйс. — Ўзим кўрдим. Эшиги олдида унга хайрли тун тиладим.

— Соат неча эди? — сўради Пуаро.

— Э Худо, билмайман, — жавоб қилди Корнелия.

— Ўн бирдан йигирма дақиқа ўтган эди, — деди Рэйс.

— Яхши. Демак, соат ўн бирдан йигирма дақиқа ўтганда мадам Дойл соғ ва саломат бўлган. Ўша пайт салонда кимлар бор эди?

— Дойл бор эди, — деб гапга аралашди Фантора, — яна мисс де Белфорт, мен ва мисс Робсон ҳам.

— Тўғри, — деб тасдиқлади Корнелия. — Мистер Пеннингтон қадаҳини ичиб бўшатди-да, у ҳам ухлагани чиқиб кетди.

- У қачон кетди?
- Атиги икки-уч дақиқадан кейин.
- Демак, соат ўн бир ярим бўлмасдан?
- Ҳа, тўғри.
- Шундай қилиб, салонда сиз, мадемуазел Робсон, мадемуазел де Белфорт, мосье Дойл ва мосье Фантора қолгансизлар. Нима билан машгул эдингиз?
- Мистер Фантора журнал ўқиб ўтирди. Мен иш тикдим. Мисс де Белфорт, у... у...
- Фантора унга ёрдамлашди:
- У устма-уст ичиб ўтирди.
- Тўғри, — деб гапни илиб кетди Корнелия. — Мисс де Белфорт мен билан суҳбатлашди, уйим, оилам ҳақида сўради. Ўзи нуқул ҳар турли нарсалар тўғрисида гапирди, лекин, фаҳмлашимча, айтган гапларининг ҳаммаси мистер Дойлга қаратилгандай эди. Мистер Дойл жаҳли чиқиб ўтирди, лекин ҳеч нима демади. Назаримда, у мисс де Белфортнинг бугун дардини айтиб бўлгач, тинчиб қолишини кутаётган эди.
- Лекин у тинчимадими?
- Корнелия бош чайқаб қўйди.
- Мен кетмоқчи бўлдим, аммо у мени кетқизмади. Бу даҳшат эди. Ўзимни жуда ноқулай ҳис қила бошладим. Кейин мистер Фантора чиқиб кетди.
- Биласизми, мен ортиқча эдим у ерда, — деб гапира бошлади Фантора. — Мен сездирмай чиқиб кетмоқчи бўлдим. Мисс де Белфортнинг жанжал кўтаришга чоғланаётгани сезилиб турарди.
- Шунда мисс де Белфорт қўлига пистолет олди, — деб гапни давом эттирди Корнелия, — мистер Дойл пистолетни ундан тортиб олмоқчи бўлиб, ўрнидан туриб кетди, лекин мисс де Белфорт бу пайт ўқ узишга улгурди. Ўқ Дойлнинг оёғига теккан эди. Мисс де Белфорт бунга кўриб дод солиб йиғлай бошлади, мен жуда кўрқиб кетдим ва мистер Фанторани топгани ташқарига югуриб чиқдим. У мен билан салонга қайтиб кирди. Мистер Дойл шовқин кўтармасликни илтимос қилди биздан; ўқ овозини эшитган ходимлардан бири эшикдан мўралаган эди, мистер Фантора унга, ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳаммаси жойида, деб тушунтирди, кейин биз Жақлинани каютасига олиб бордик, мистер Фантора ёнинг ёнида қолди, то мен мисс Бауэрсни бошлаб келгунимча. — Корнелия гапдан тўхтаб, нафасини ростлади.
- Буларнинг ҳаммаси қай пайтда бўлган эди? — сўради Рэйс.
- Эй Худо, аниқ айтолмайман, — деди яна Корнелия, лекин Фантора дарҳол жавоб берди:
- Ун иккидан йигирма дақиқалар ўтган эди-ёв. Каютамга кириб борганимда соат ўн икки ярим бўлган эди.
- Ижозатингиз билан, бир масалани аниқлаб олсам, — деб гапга аралашди Пуаро. — Мадам Дойл кетганидан кейин тўртовингиздан бирондангиз салондан чиқдингизми?
- Йўқ.
- Мисс де Белфортнинг ҳамиша салонда бўлганига ишончингиз комилми?
- Бунга аниқ ишонаман, — деб тез жавоб берди Фантора. — Дойл ҳам, мисс де Белфорт ҳам, мен ҳам, мисс Робсон ҳам — ҳеч ким салондан чиқмади.
- Яхши. Шундай қилиб, биз мадемуазел де Белфортнинг, айтилик, тахминан соат ўн иккидан йигирма дақиқа ўтгунича мадам

Дойлни отишга имкони бўлмаганини аниқладик. Демак, сиз, мисс Робсон, мисс Бауэрсни чақиргани кетгансиз. Айтинг-чи, шу вақт оралиғида мадемуазел де Белфорт каютасида ёлғиз қолганмиди?

— Йўқ, унинг ёнида мистер Фантора бор эди.

— Жуда соз! Бундан чиқди, мадемуазел де Белфортнинг ҳеч ерда бўлмаганлигига ишончи далили бор. Энди биз мисс Бауэрсни сўроқ қиламиз, лекин унга одам юборишдан олдин сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим бир масала юзасидан. Айтган гапларингизга қараганда, мосье Дойл мисс де Белфортни ёлғиз қолдиришдан қўрққан... Нима дейсиз, у Жақлинанинг яна бир балони бошлаб қўйишидан қўрқмадимикан?

— Мен ҳам шундай фикрдаман, — деди Фантора.

— У мисс де Белфортнинг мадам Дойлга ҳамла қилиши мумкинлигидан хавотирланмадимикан?

— Йўқ, — деб Фантора бош чайқади. — Ўхшамайди. Менимча, у шахсан мисс де Белфортнинг ўзидан хавотирда эди... яъни у ўзини...

— ... ўлдирмоқчи бўлган, деб ўйлайсизми?

— Ҳа. Биласизми, қиз жуда ҳам беҳол ва абгор кўринди. У ўзини қаттиқ айбларди. “Энди яшаб нима қиламан?” дерди қайта-қайта.

— Сезишимча, — қимтиниб гапга аралашди Корнелия, — мистер Дойл уни бу ҳолда кўрганидан қаттиқ изтиробда эди. У салобат билан гапирди, ҳамма бўлган ишда фақат ўзини айблади; айтишича, у мисс де Белфортни жуда ҳам қаттиқ ранжитганмиш. Рост, у ниҳоятда мурувватли кўринди.

Эркул Пуаро ўйчан ҳолда бош чайқаб қўйди.

— Энди пистолет масаласида, — деб давом этди у. — Нима бўлди пистолет?

— Мисс де Белфорт уни қўлидан тушириб юборди, — деди Корнелия.

— Кейин-чи?

— Фантора, пистолетни олгани келиб, уни топа олмаганини гапириб берди.

— Аҳ-ҳа! — деди Пуаро. — Мана, ниҳоят асосий масалага етиб келдик. Энди, илтимос сизлардан, диққатингизни астойдил жалб қилинг. Марҳамат қилиб, менга бутун бўлган воқеани батафсил сўзлаб беринг.

— Мисс де Белфорт пистолетни қўлидан тушириб юборди. Кейин уни ботинкасининг тумшуғи билан тепди.

— Нафратланиб, — дея изоҳлади Корнелия. — У жуда ҳам ғазабга минганди.

— Сиз, пистолет банкетга тагига сирпаниб кириб кетди, дедингизми? Ўтинаман, диққатингизни жамланг. Мадемуазел де Белфорт салондан чиқиб кетмасидан олдин пистолетни олмаганмиди?

Фантора ва Корнелия баравар жавоб қилишди:

— Йўқ!

— Аниқ гапиринг! Менга сизнинг мутлақо аниқ жавобингиз керак, тушуняпсизми? Шундай қилиб, биз мадемуазел де Белфортнинг салонни тарқ этган пайтига етиб келдик. Бу пайт пистолет банкетга тагида бўлган. Баски, мадемуазел де Белфорт ҳеч ҳам ёлғиз қолмаган экан (зеро мосье Фантора, мадемуазел Робсон ҳамда мадемуазел Бауэрс галма-гал унинг ёнида бўлишган), унинг салонга қайтиб келиб, пистолетни олишига имкони бўлмаган. Сиз, мосье Фантора, соат нечада келувдингиз пистолетни олгани?

— Соат ўн икки яримлар бўлганди.

Қандай ўйлайсиз, сиз ва доктор Бесснер мистер Дойлни кўтариб,

салондан олиб чиқиб кетганингиздан то пистолетни олгани қайтиб келганингизча орадан қанча вақт ўтдийкин?

— Тахминан, беш дақиқа, балки сал кўпроқдир.

— Демак, ана шу беш дақиқа ичида кимдир банкетка тагида ётган пистолетни олган. Бу одам мадемуазел де Белфорт эмас. Унда, ким? Банкетка тагидан пистолетни олган одам мадам Дойлнинг қотили бўлиши эҳтимол. Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўша одам қотиллик юз бериши арафасидаги воқеаларнинг бир қисмини эшитган ё кўрган бўлиши мумкин.

— Бундай хулоса чиқаришингиз сабабини тушунмадим, — деб эътироз билдирди Фантора.

— Ахир ҳозир ўзингиз айтдингиз-ку, — дея жавоб қилди Пуаро, — пистолет банкетка тагида эди, у кўзга кўринмасди, деб. Бинобарин, уни тасодифан топиб олишлари мумкин эмас. Кимдир унинг қаерда ётганини аниқ билган ва қўлга киритган. Шундан маълумки, ўша одам салонда бўлаётган воқеаларни кузатиб турган.

Фантора ўз айтганида туриб олди.

— Салондан чиққанимда палубада ҳеч кимни кўрмадим, худди шу пайт ўқ овози эшитилган эди.

— Тўғри, лекин сиз кеманинг қуйруқ томонига очиладиган эшикдан чиққансиз.

— Ҳа, менинг каютам шу томонда.

— Шунга кўра, бошқа томондаги дераза ойнасидан кузатиб турган одамни сиз кўра олармидингиз?

— Йўқ, — деди Фантора.

— Ўқ овозини хизматкор хабашдан бошқа яна кимдир эшитганмиди?

— Йўқ, билишимча.

Фантора яна гапга тушиб кетди:

— Биласизми, ҳамма деразалар ёпиқ эди. Мисс Ван Скулер кечқурун салонга кириши билан елвизакдан шикоят қилиб, деразаларни ёптирган эди. Шунинг учун, ўқ овозини ҳеч ким эшитмаган бўлса керак, эшитган одам ҳам, шиша тиқини очилди, деб ўйлаган.

— Менга маълум бўлишича, — деди Рэйс, — иккинчи ўқ овозини — мадам Дойлни ўлдирган ўқ овозини ҳеч ким эшитмаган.

— Буни биз навбатдаги сўроқ пайтида аниқлаймиз, — деди Пуаро. — Бизни ҳозир яна мадемуазел де Белфорт қизиқтирмакда. Энди мадемуазел Бауэрснинг гапларини эшитишимиз керак. Лекин сизлар кетишдан олдин, — деб у Корнелия билан Фанторага юзланди, — менга ўз тўғрингизда маълумот берсангиз. Шунда сизларни иккинчи марта безовта қилиб ўтирмаймиз. Олдин сиз гапиринг, мосье — тўла исми шарифингиз?

— Жеймс Ликдэйл Фантора.

— Манзилингиз?

— Гладмор-Хауз, Маркет Доннингтон, Нортҳэмпшир.

— Касбингиз?

— Мен юристман.

— Нима мақсадда келгансиз бу мамлакатга?

Сукут. Оғир қарвон мистер Фантора биринчи марта тараддудланиб қолди. Ниҳоят гўлдираб деди:

— Э-э... Шунчаки, сайр-томоша.

— Иҳи! — деди Пуаро. — Сиз таътилдасиз, шундай эмасми?

— Э-э... Ҳа.

— Жуда соз, мосье Фантора. Менга қисқагина қилиб сўзлаб беринг: шу ўтган тунда, ҳозир биз гаплашганимиз воқеадан кейин нима қилдингиз, қаерда бўлдингиз?

- Шу заҳоти ухлагани ётдим.  
 — Соат нечада?  
 — Тунги соат ўн икки яримда.  
 — Каютангиз рақами — 22, у кеманинг ўнг томонида, салон ёнидаги биринчи каюта, шундайми?  
 — Ҳа.  
 — Сизга яна битта савол бераман. Каютангизга кирганингиздан кейин бирон-бир товуш эшитдингизми?  
 Фантора ўйланиб қолди.  
 — Мен тезда ухлаб кетдим. Лекин кўзим илинмасидан олдин қандайдир шалоपлаган товушни эшитгандай бўлдим. Шу, холос.  
 — Шалоплаган товуш денг? Яқиндан эшитилдими?  
 — Аниқ айтолмайман. Мени мудроқ босган эди.  
 — Бу қачон бўлган эди?  
 — Соат бирларда, шекилли. Тахминан.  
 — Миннатдорман, мосье Фантора. Сиз бўшсиз.  
 Пуаро Корнелияга ўгирилди.  
 — Хўш, мадемуазел Робсон, сизнинг тўла исми шарифингиз?  
 — Корнелия Рут. Манзилим — Ред-Хауз, Беллфилд, Коннектикут.  
 — Мисрга келишингиз сабаби?  
 — Эгачим Мэри, мисс Ван Скулер ўзи билан олиб келди мени.  
 — Илгари учратганмисиз мадам Дойлни?  
 — Йўқ, ҳеч қачон.  
 — Ўтган кечаси нима ишлар қилдингиз?  
 — Доктор Бесснерга ёрдам берганимдан кейин шу заҳоти ётиб ухладим.  
 — Каютангиз рақами?  
 — 43; у қуйруқ томонда; мисс де Белфорт каютаси билан ёнма-ён.  
 — Сиз бирон товуш эшитдингизми?  
 Корнелия бош чайқади.  
 — Йўқ, ҳеч нима эшитмадим.  
 — Шалоплаган товушни ҳамми?  
 — Йўқ. Уни эшитолмасдим, чунки менинг каютам кеманинг қирғоққа ўгирилган томонида.  
 — Миннатдорман сиздан, мадемуазел Робсон, — деди Пуаро.  
 Фантора ва Корнелия чиқиб кетишди.  
 — Менимча, ҳаммаси равшан, — деди Рэйс. — Бир-бири билан боғлиқ бўлмаган учта гувоҳ ёлғон сўзламаса керак. Жаклина де Белфорт пистолетни олгани келолмасди. Лекин уни кимдир олган ва салонда бўлаётган воқеани эшитган. Ўша кимдир деворга Ж ҳарфини ёзган.  
 Эшик тақиллаб, мисс Бауэрс кирди. У ўтирди, ҳар доимгидай сипо ва жиддий эди. Пуаронинг илтимосига кўра, исми, манзили ва касбини айтди, сўнг қўшиб қўйди:  
 — Мен икки йилдан бери мисс Ван Скулернинг хизматидаман.  
 — Мадемуазел Ван Скулернинг дарди оғирми?  
 — Йўқ, бундай дея олмайман, — жавоб қилди мисс Бауэрс, — унинг ёши анча ўтиб қолган, доим ўз соғлиғи ҳақида ўйлайди, шунинг учун, ёнида ҳамиша тиббиёт ҳамшираси бўлишини истайди. Унинг ҳеч қандай жиддий касали йўқ. Шунчаки, кўпчилик эътиборида, парваришида бўлишни ёқтиради, бунинг эвазига ҳақ тўлашдан қайтмайди.  
 Пуаро, тушунарли, дегандек бош ирғаб қўйди.

— Ўтган тунда, — деди у, — мадемуазел Робсон сизни чақириб олиб кетибди, тўғри тушунибманми?

— Тўғри, албатта.

— Марҳамат қилиб, нима бўлганини менга муфассал сўзлаб берсангиз.

— Мисс Робсон менга бўлган воқеани тушунтирди, мен у билан бирга бордим. Мисс де Белфорт жуда асабийлашган, деярли жазавли ҳолатда эди.

— У мадам Дойлга қарши қандайдир таҳдид сўзларини айтмадими?

— Йўқ, унақа гап чиқмади оғзидан. У шахсан ўзидан норози эди ва икки гапнинг бирида ўзини айбларди. У анчагина алкохол ичкилиги ичибди, шунинг азобини тортарди. Менимча, уни зинҳор ёлғиз қолдириб бўлмайди. Мен унга морфий укол қилдим ва каютасида қолдим.

— Мадемуазел Бауэрс, энди менга айтинг-чи: шу кечаси мадемуазел де Белфорт каютасидан ташқарига чиқдими?

— Йўқ, чиқмади.

— Сиз-чи?

— Мен эрталабгача унинг ёнида бўлдим.

— Сиз бунга қатъий ишонасизми?

— Мутлақо.

— Миннатдорман сиздан, мадемуазел Бауэрс.

Ҳамшира чиқиб кетди. Икки эркак бир-бирига қаради. Жаклина де Белфорт қотиллик қила олмаган.

Ким отдийкин Линнет Дойлни?

### *Ун учинчи боб*

Рэйс дерди:

— Кимдир пистолетни ўғирлаган, лекин бу Жаклина де Белфорт эмас. Ўша ўғри айбни шу қизга ағдармоқчи. Аммо у тиббиёт ҳамширасининг Жаклина де Белфортга морфий укол қилишини ва эрталабгача унинг ёнидан жилмаслигини билмаган. Энди эслаб кўрайлик: олдин ҳам бир марта Линнет Дойлнинг жонига қасд қилинган ва бунда Жаклина де Белфортнинг айби бўлмаганди. Хўш, унда қотил ким?

— Менимча, ўша жиноятда кимларнинг қўли бўлмаганлигини аниқлаш осонроқ. Булар — мосье Дойл, мадам Аллертон ва Тим Аллертон, мадемуазел Ван Скулер ҳамда мадемуазел Бауэрс. Улар ҳамшира менинг назаримда бўлишган.

— Ҳм, ҳм, — деб хўрсиниб қўйди Рэйс, — булардан ташқари ҳам жуда кўп одам бор. Келинг, биз жиноятнинг тахминий сабаблари тўғрисида ўйлаб кўрайлик.

— Бу масалада бизга мосье Дойл ёрдам кўрсатади, деган умиддаман. Бу орада бир нечта ҳодиса содир бўлди.

Эшик очилиб, Жаклина де Белфорт кирди. Унинг ранги қув ўчган, оёқда зўрға турарди.

— Мен эмас, — деди у жуда кўрқиб кетган болага ўхшаб. — Мен ўлдирмадим уни. О, ишонинг гапимга, илтимос! Ҳамма, ҳамма мени қотил деб ҳисобляпти, лекин бу тўғри эмас, тўғри эмас. Даҳшат! О, нега бундай бўлди-я! Утган кечаси мен Симонни отиб ўлдиришим мумкин эди; мен дарғазаб эдим. Лекин бу бошқа гап. — У стулга ўтириб, хўнграб йиғлаб юборди.

Пуаро қўлини унинг елкасига қўйди.

— Бўлди, қўйинг. Биз биламиз: мадам Дойлни сиз ўлдирмагансиз. Бу исботланди, ҳа, қизим, бу исботланди. Қотил сиз эмассиз.

Жекки бирдан қаддини ростлади, намиққан рўмолчасини чангаллади.

— Унда ким?

— Мана шу нарса, — деди Пуаро, — ҳозирча бизга маълум эмас. Бу масалада сиз ёрдам беролмайсизми бизга, қизим?

Жаклина бош чайқади.

— Билмайман... Мен буни тасаввур ҳам қилолмайман... Заррача ҳам. — У узоқ ва маъюс ўйланиб қолди. — Йўқ, — деди у ниҳоят, — Линнетни ўлдирмоқчи бўлган биронта ҳам одамни билмайман, — сўнг оҳиста қўйиб қўйди: — Ўзимдан бошқа.

— Шу маҳал Рэйснинг эсига бир нима тушди, шекилли, кечирим сўраб, шоша-пиша чиқиб кетди. Жаклина бошини эгиб ўтирарди. Бирдан у:

— Ўлим — бу ўта инсофсизлик, уччига чиққан виждонсизлик! Минг лаънат ўша қотилга! — деб юборди.

— Ҳа, — деди Пуаро ўйга толиб. — Бир тасаввур қилинг-а, айти шу пайт кимдир ўз режасини қойиллатиб амалга оширганидан севи-наётгандир.

— Керак эмас, гапирманг буни! — деб чинқириб юборди Жаклина. — Жуда кўрқинчли гап айтдингиз!

Пуаро елкасини қисиб қўйди.

— Мен ҳақиқатни айтдим.

— Линнетга мен ўлим тилаган эдим, — деди Жаклина деярли пичирлаб, — мана, у ўлибди... Энг даҳшатли томони шундаки, худди мен айтган қабилда ўлибди...

— Ҳа, мадемуазел, уни чаккасидан отиб ўлдиришган.

— Бундан чиқди, ўшанда, “Катаракт” меҳмонхонаси паркида мен тўғри айтган эканман-да! — дея чинқириб юборди Жекки. — Чиндан ҳам, кимдир суҳбатимизни эшитган.

— Ҳа! — мамнуният билан бош эгди Пуаро. — Ҳозир, сиз буни эслармикинсиз, деб ўйлаб турувдим. Ҳа, мадам Дойлнинг айнан сиз гапирган қабилда ўлдирилгани оддий тасодиф бўлиши мумкин эмас.

Жекки жунжикди.

— Ўша оқшом гапимизни эшитиб турган эркак ким бўлдийкин?

Пуаро бир оз жим қолди, кейин бирдан бошқача овозда сўради:

— Сизнингча, қотил эркак бўлганми, шунга ишонасизми?

Жекки Пуарога қошини чимириб қаради.

— Ҳа-да. Ҳар ҳолда... — Жаклина қовоғини уйди, кўзларини юмиб, эшлашга ҳаракат қилди. — Ўшанда мен уни эркак одам деб ўйловдим, — деди у салмоқланиб.

— Нима, энди ишонмаяпсизми унинг эркак эканлигига?

— Йўқ, албатта, ахир қандай ишонай? — Жекки яна салмоқланиб жавоб қилди. — Қандайдир шарпа “лип” этиб ўтиб кетган эди... Нима, сизнингча, у хотин кишимиди? Аммо менинг назаримда, бу пароходдаги аёлларнинг биронтаси ҳам Линнетга ўлим тилаши мумкин эмас.

Эшик очилиб, доктор Бесснер кирди.

— Мосье Пуаро, мистер Дойлнинг олдига кириб чиқа олмайсизми? У сизни кўрмоқчи.

Жаклина ирғиб ўрнидан турди ва докторнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Қалай у? Аҳволи яхшими?

— Сира ҳам яхшимас аҳволи, — деди доктор нохуш кайфиятда, — унинг суяги синган.

— Вой, ҳали у ўлиб қоладими? — сўради Жекки даҳшатга тушиб.

— Тавба, нега энди ўларкан? Биз уни қуруқликка олиб тушамиз. Уни рентген қилишади, яхшилаб даволашади.

— Оҳ! — Жаклина безовталаниб қўлларини қайирди ва стулга чўкди.

Пуаро доктор билан палубага чиқди, уларга Рэйс қўшилди. Ҳамма ёғига ёстиқлар тиралган Симон Дойл оёғи биланд кўтарилган ҳолда ётарди. Унинг юзи мудҳиш азоб ва жисмоний оғриқдан таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган эди.

— Марҳамат қилинглар, — деди у зўрға. — Доктор маълум қилди менга, айтди... Линнетни... Ҳеч ишона олмаяпман шундай бўлганига... Ҳолим йўқ менинг бунга ишонишга...

— Тушунамиз. Энг оғир бахтсизлик бу, — деди Рэйс.

Симон қийналиб бўлса ҳам, гапиришда давом этди.

— Айтмоқчиманки, Жеккида айб йўқ. Бунга ишончим комил. Тўғри, ҳамма далиллар унга қарши, лекин сизларни ишонтириб айтаманки, унда айб йўқ. Кеча у кўп ичиб юборди, асаби бузилди, шунинг учун менга ташланди... Лекин у пихини ёрган совуққон қотил бўлолмади асло...

— Ўзингизни қийнаманг, мосье Дойл, — деди Пуаро мулойим оҳангда. — Хотинингизнинг қотили ким бўлмасин, аниқ биламизки, у мадемуазел де Белфорт эмас.

Симон ишонқирамаган оҳангда сўради:

— Демак, Жекки шубҳа остида эмас?

— Албатта, лекин ҳамонки биз мадемуазел де Белфортни шубҳадан холи ҳисобларканмиз, — деб гапида давом этди Пуаро, — сиз айтолмайсизми: қотил ким бўлиши мумкин?

Симон “йўқ” дегандек бош чайқаб қўйди. Унинг кўзларида болаларга хос эсанкираш аломати пайдо бўлди.

— Бу ақл бовар қилмайдиган ваҳшийлик. Жеккидан бошқа ҳеч ким унга ўлим тиламаган.

— Ўйлаб кўринг, мосье Дойл. Балки, хотинингизнинг душманлари бўлгандир. Эҳтимол, кимнингдир дилида унга қарши азалдан сақлаб келган қасди бордир?

Симон яна ночор аҳволла бош чайқади.

— Ҳеч ақлга тўғри келмайдиган даҳшат бўлиб туюляпти буларнинг ҳаммаси. Линнетнинг қайлиғи бўлган — лорд. Менга турмушга чиқиб, унинг дилини оғритиб қўйди, лекин ўша олифта нусха Уинделшэмни қотил деб тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Қолаверса, у бу ердан минг миля нарида. Ё бўлмаса кекса Жорж Вудни олинг. У Линнетни ёмон кўрарди, чунки Линнет унинг уйини ўз дидига мослаб бошқатдан қурган экан. Лекин сэр Жорж Вуд Лондонда қолган.

— Илтимос, мосье Дойл, — деб Пуаро жуда жиддий тарзда гапира бошлади. — “Ал-Карнаку”даги саёҳатимизнинг биринчи куни мен хотинингиз билан суҳбатлашган эдим. Суҳбат менга қаттиқ таъсир этган эди. Мадам жуда маъюс ва ташвишли кўринганди ўшанда. Унинг айтишича, — диққат билан эшитинг гапимни, — атрофидаги одамларнинг ҳаммаси уни ёмон кўрармиш. Қаёққа қарамасин, кўзига нуқул душман кўринармиш. У жуда безовта эди, ҳамма нарсадан шубҳаланарди.

— Ҳа, у Жеккини пароходда кўриб қолиб, дили вайрон бўлганди. Менинг ҳам дилим... — деди Симон.

— Тўғри, — деб гапида давом этди Пуаро. — Лекин бу нарса хотинингиз айтган гапнинг сабабини очиб беролмайди. У менга, атро-



фимни душманлар ўраб олган, деб айтганида, турган гапки, лоф қилиб юборганди, бироқ ишончим комил, у мадемуазел де Белфортдан бошқаларни ҳам назарда тутган эди.

— Балки сиз ҳақдирсиз, — деди Симон. — Мен гап нимада эканлигини сезаётгандайман. Уни сайёҳлар рўйхатидаги бир фамилия чўчи-тиб юборганди.

— Сайёҳлар рўйхатидаги фамилия? Қанақа фамилия?

— Менга айтмаганди уни. Сираси, ўзим ҳам бунга унча қизиқмадим. Чунки бутун фикру хаёлим Жаклинада эди; Линнет эса, тахмин қилишимча, нуқул қандайдир ишбилармон одамлар ва уларни хонавайрон қилаётган янада омадироқ корчалонлар ҳақида, яна, бир пайтлар отаси томонидан сафолатга тушган одамларга рўпара келишни ёқтирмаслиги ҳақида гапирарди. Мен Линнет оиласи тарихини мукамал ўрганмаганман, лекин билишимча, унинг онаси миллионернинг қизи бўлган. Отаси оддий бир бой одам экан. Бироқ уйланганидан кейин биржада ўйнашга ё шунга ўхшаш қимор ўйинларига ружу қўйган. Турган гапки, бунақа ишларда кимдир бойиб кетади, кимдир хонавайрон бўлади. Назаримда, бу пароходда Линнетнинг отасига рақобатчи бўлган ва бунинг оқибатида синган қандайдир одамнинг фарзанди бор-ов. Линнетнинг бир гапи эсимда: “Сенга таниш бўлмаган одамларнинг сендан нафратланиши қандай даҳшат!”

— Ҳа-а, — деди Пуаро ўйга толиб, — бу гап хотинингизнинг ўша оқшомдаги кайфиятини изоҳлайди. Мероснинг нафақат қувонч, балки оғир изтироб ҳам олиб келишини у умрида биринчи марта ҳис қилган ўшанда. Хотинингиз ўша фамилияни сизга айтмаганига аниқ ишонасизми, мосье Дойл?

— Очиғи, мен бунга эътибор бермадим, — деб жавоб қилди Симон ранжиган оҳангда. — Мен унга, бизнинг замонимизда ҳеч ким ота-онасини эсламай қўйган, ҳаёт жуда мураккаб, деган мазмунда бир нима дедим.

— Ижозатингиз билан, сизларга ўз тахминимни айтсам, — деди доктор такаллуф билан. — Пароходимизда бир одам бор, у мадам Дойлга адоват билан қарайди.

— Сиз Фергюсонни айтяпсизми? — сўради Пуаро.

— Ҳа. У бир неча марта мадам Дойл ҳақида хусумат билан гапирди.

— Қанийди, кимлигини аниқлай олсак! — деди Симон ҳаяжонланиб.

— Полковник Рэйс ва мен барча йўловчиларни сўроқ қилиб чиқамиз, — деди Пуаро. — Барча йўловчиларнинг гапларини эшитмасдан бурун бирон хулосага кела олмаймиз. Биринчи навбатда мадамнинг оқсочини сўроқ қилишимиз лозим. Сўроқни шу ерда, мосье Дойл иштирокида ўтказишимиз мумкин. Бу ишимизни анча енгиллаштиради. Мадамда қимматбаҳо буюмлар бормиди?

— Бир шода марварид, — деди Симон, — Линнетнинг гапига қараганда, у элик минг атрофида тураркан. Э Худо, наҳотки шу лаънаги марваридни деб...

— Ўғирлик тахминий далиллардан бири, холос, — деди Пуаро. — Лекин бу далил ҳозирча сохта кўриняпти бизга. Яна кўрамиз ҳали. Қани, оқсочни чақиришсин.

Луиза Бурже — Пуаро бир марта учратган ўша лотин америкасилик аёл экан. У йиғлаган ва юрак олдириб қўйган кўринарди. Бироқ, чеҳрасидан муғомбирлиги, дамдузлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Бу ҳолат Пуарони шу он сергаклантирди.

— Исмингиз Луиза Буржеми?

— Ҳа.

- Мадам Дойлни тириклигида охирги марта қачон кўрдингиз?
- Ўтган кечаси, мосье. Аниқ вақтини айтолмайман. Мен унинг ечинишига ёрдамлашгани киргандим.
- Соат неча эди?
- Ўн бирлар эди, чамаси. Аниқ билмайман. Мен мадамни ечинтириб, ўрнига ётқиздим, кейин чиқиб кетдим.
- Бу қанча вақт давом этди?
- Ўн дақиқача. Мадам жуда чарчаган эди. Кетишим олдидан, у чироқни ўчиришимни илтимос қилди.
- Каютадан чиққанингиздан кейин нима қилдингиз?
- Ўз каютамга тушиб кетдим, мосье, у пастки палубада.
- Балки, бизнинг ишимизга кўмаклашувчи бирон-бир ҳолатни кўргандирсиз ёки эшитгандирсиз?
- Нимани кўришим ёки эшитишим керак эди, мосье?
- Буни сизга биз эмас, сиз бизга айтишингиз керак, мадемуазел, — деди Пуаро.

Оқсоч унга қиё қараб қўйди.

— Ахир мен, мосье, пастда эдим-ку. Нимани ҳам кўрардим ё эшитардим? Каютам бошқа палубада бўлса... қандай қилиб эшитишим ё кўришим мумкин? Тўғри, агар мен уйқусизликдан қийналган бўлсам-у, бирдан кўнглим юқори палубага чиқишни тусаб қолса, эҳтимол, ўшанда мадамнинг каютасидан чиқиб келаётган касофат қотилни кўриб қолган бўлармидим, лекин нима қилайки...

У Симонга ўгирилиб, қўлларини чўзганча илтижо қилди:

— Мосье, ўтинаман, ёрдам қилинг, мени не кўйга солишаётганини ўзингиз кўряпсиз! Мен нима қилишим мумкин?

— Синглим, — деди Симон хижолат тортиб. — Тентак бўлманг. Сиз ҳеч кимни кўрмагансиз, ҳеч нима эшитмагансиз ҳам, бу ҳаммага аён. Ҳаммаси жойида. Ҳеч ким сизни хафа қилмоқчи эмас. Ўзим сизни ҳимоямга оламан. Сизда ҳеч қандай айб йўқ.

— Мосье жуда гамхўрлар, — деди Луиза ва қимтинибгина кўзини ерга қадади.

— Шундай қилиб, — деди бетоқат бўлган Рэйс, — сиз ҳеч нима кўрмагансиз, эшитмагансиз, шундайми?

— Ҳа, худди шундай, мосье.

— Сиз бу кемада бекангизга ёмонлик қилиш ниятида бўлган бирон одамни биласизми?

Луиза кутилмаганда бошини ирғатди ва ҳаяжонланиб гапира бошлади:

— Ҳа, биламан. Бу саволингизга “ҳа” деб аниқ жавоб беришим мумкин.

— Сиз мадемуазел де Белфортни назарда тутяпсизми? — сўради Пуаро.

— Албатта, ўшани. Лекин мен бошқа одам ҳақида гапирмоқчиман. Бу пароходда мадамни ёмон кўрадиган яна битта киши бор. Айтишича, мадам унинг дилини қаттиқ огритган экан.

— Э Худо! — деб чинқириб юборди Симон. — Нималар деяпти ўзи бу хотин?

Луиза яна-да ҳаяжонланиб, жон-жаҳд билан қўлларини ўйнатганча гапини давом эттирди.

— Ҳа, ҳа, ҳа, рост айтяпман. Гап мадамнинг мендан олдинги собиқ оқсочи ҳақида боряпти. Бу пароходдаги механиклардан биттаси ўшанга уйланмоқчи бўлган экан. Мендан олдинги оқсоч (унинг исми Мэри эди) ҳам у билан турмуш қуришга рози бўлган. Лекин мадам Дойл

қуёв ҳақида суриштириб, унинг фамилияси Флитвуд эканлигини, қизил танли аёлга уйланганлигини аниқлаган, тушуняпсизми? Гарчи механикнинг ўша хотини уни ташлаб, ўз юртига кетиб қолган бўлса ҳам, у, барибир, уйланган ҳисобланади-да. Мадам буларнинг ҳаммасини Мэрига айтган. Мэри бундан жуда қаттиқ эзилган, лекин Флитвуд билан бошқа кўришишни хоҳламаган. Флитвуд бўлса, ўша Линнет Рижуэй энди мадам Дойл бўлганини билиб қолиб, жиғибийрони чиқиб кетибди ва, қанийди уни ўлдирсам, дебди. Унинг айтишича, мадам уни бахтидан жудо қилганмиш.

Луиза Пуарога виқор билан қараб қўйди.

— Ҳоятда қизиқ ҳол, — деди Рэйс.

Пуаро Симон томонга ўгирилди.

— Хабарингиз бормиди бундан?

— Мутлақо беҳабарман, — жавоб қилди Симон самимият билан. — Бундай одамнинг борлигини Линнет ҳам билмаган бўлиши керак. Тахминимча, Линнет бу воқеани аллақачон унутиб юборган. — У оқсоч томонга шахт ўгирилди. — Сиз бу ҳақда хотинимга айтганмидингиз?

— Йўқ, мосье, айтмагандим.

— Бекангизнинг марварид шодаси ҳақида нима биласиз? — сўради Пуаро.

— Марварид шодаси? — Луизанинг кўзлари катта очилди. — Кеча кечқурун у бекамнинг бўйнида эди.

— Бекангиз уйқуга ётганидан кейин сиз у марваридни кўрдингизми?

— Ҳа, мосье.

— Уни қасққа қўйган эди?

— Каравот бошидаги столча устига.

— Сиз уни охирги марта ўша ерда кўрдингизми?

— Ҳа, мосье.

— Бугун эрталаб уни кўрдингизми?

Оқсочнинг чехраси бирдан ўзгариб кетди.

— Э Худо! Қарамабман ҳам. Тўшакка яқин бориб, мадамга кўзим туши-ю, чинқириб юбориб, палубага отилиб чиқдим ва ҳушимдан кетдим.

Пуаро бош ирғаб қўйиб деди:

— Сиз кўрмагансиз, лекин менинг кўзларим кўриш учун яратилган. Бугун эрталаб каравот бошидаги столча устида марварид йўқ эди.

### *Ун тўртинчи боб*

Стюард нонушта чекиш хонасида тортилганини хабар қилди. Пуаро билан Рэйс ўша ерга бориб, бир столга ўтиришди.

— Шундай қилиб, — деди Рэйс ўзига қаҳва қуяркан, — бизда иккита аниқ кўрсатма бор. Марварид шодасининг ғойиб бўлгани ҳамда анави одам — Флитвуд. Марварид масаласида, осонгина, ўгирланган, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин, мадам Дойл уйғониб кетиб ўғрини кўрган, деб фараз қилсак-чи?

— Биласизми, марварид масаласида менда бир мулоҳаза вужудга келди. Агар ўйлаган ўйим тўғри чиқса, марварид йўқолмаслиги керак. Айтинг-чи, оқсоч қиз ҳақида қандай фикрдасиз?

— Менга, — деб аста-секин гапира бошлади Рэйс, — у қиз айтганларидан кўра кўпроқ нарсани биладигандек бўлиб туюлди.

— Аҳ-ҳа, демак сизда ҳам вужудга келибди бундай таассурот. У мадам Дойл қўлида жуда оз вақт хизмат қилган. Эҳтимол, у қиммат-

баҳо буюмларни ўғирлаш билан шуғулланувчи қандайдир бир тўда аъзосидир. Афсуски, биз ушбу дамда унинг тўғрисида бирон маълумот олиш имконига эга эмасмиз. Эҳ, ўша марварид... Шунга қарамай, менинг фаразим тўғри чиқиши керак! Ким бўлдийкин ўша тентак? — деб Пуаро ўз мулоҳазаларини яқунлади. — Нима қилсак экан анави Флитвудни?

— Келинг, уни бу ерга чақирайлик. — Рэйс қўнғироқ қилиб, Флитвудни чақириб келишларини сўради. — Яна бошқа бирон тахминингиз борми?

— Бор, албатта, дўстим, анча-мунча. Масалан, америкалик васий.  
— Пеннингтонми?

— Ҳа, Пеннингтон. Мен жуда аломат бир воқеанинг шоҳиди бўлдим.

У салонда Линнет Дойл билан Пеннингтон ўртасида бўлган ҳамма гапни Рэйсга сўзлаб берди:

— Биласизми, мадам ҳар битта ҳужжатга қўл қўйишдан олдин уни синчиклаб ўқиб чиқди — бу ниҳоятда муҳим ҳолат. Оқибатда, Пеннингтоннинг иш билан шуғулланишга хоҳиши ўлди. Мадамнинг эри эса, бу пайт жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир гапни айтди.

— Нима деди?

— У “Мен ҳеч қачон ҳужжатларни ўқимайман, кўрсатган ерларга қўл қўйиб беравераман”, деди. Кўряписизми, бунинг тагида нима гап борлигини? Пеннингтон ўша заҳоти қўнглига тугди бу гапни. Мен буни унинг кўзидан пайқадим. Дойлнинг гапини эшитганимда, кўзларида аниқ бир маъно намоён бўлганди. Сиз, дўстим, ўзингизни жуда-жуда бадавлат бир одамнинг қизига васий этиб тайинланган, деб тасаввур қилиб кўринг. Сиз у қизнинг пулларини биржа савдосига қўйгансиз. Тушунаман, бу детектив романга ўхшаб кетади, ҳолбуки, бундай ишлар тўғрисида сиз газеталарда ўқиб турсангиз керак. Бунақа ишлар бўлиб туради, дўстим, бўлиб туради.

— Мен буни инкор этолмайман, — деди Рэйс.

— Тасаввур қилинг: ҳали вақтингиз бор, сиз биржада ютиб чиқиш умидидасиз. Сиз васийлик қилаётган қиз ҳали балоғат ёшига етмаган, демак, ишингизни ўнглаб олиш учун вақтингиз бор. Лекин қутилмаганда, қиз эрга тегади! Ва бир лаҳза ичида ҳамма пуллар сизнинг қўлингиздан чиқиб, васийингизда бўлган қиз қўлига ўтади. Фалокат! Энди бирдан-бир умидингиз — қизнинг никоҳ саёҳатида эканлиги. Ҳозир унинг ҳужжатлар билан иши йўқ. Шояд сиз учун зарур бўлган ҳужжатга ўқимасдан имзо чекиб берса... Бироқ Линнет Дойл унақа аёллардан эмас эди. У никоҳ саёҳатида ҳам ишчан, тадбиркор эди. Лекин қутилмаганда қулоғингизга мадамнинг эри айтган мулоҳаза чалинади, ана шунда, бутунлай умидсизликка тушган миянгида янги халоскор фикр пайдо бўлади. Агар Линнет Дойл ўлса, унинг бутун бойлиги эрининг ихтиёрига ўтади, уни илинтириш оппа-осон. Сиздек омилкор одам қўлида бир қўндивой бола бўлиб қолади. Азизим полковник, бу фикрлар Пеннингтоннинг миясида тугилганини мен ўз кўзим билан кўрдим — гапимга ишонаверинг. “Эҳ, қанийди Линнет билан эмас, Симон билан иш олиб борсам...” — деб ўйлаган эди Пеннингтон.

— Бўлиши мумкин, — деди полковник, — лекин сизда далил йўқ.

— Ҳа, ҳеч қандай далил йўқ...

— Яна, ёш йигит Фергюсон ҳам бор, — деди Рэйс.

— У одамлар тўғрисида қаҳру ғазаб билан гапиряпти. Лекин мен унинг айтган гапидан хулоса чиқармоқчи эмасман. Ким билсин, балки у кекса Рижуэй томонидан хонавайрон қилинган одамнинг ўғлидир. Эҳтимол, у эски жароҳатларга туз сепувчилардан биридир.

— Ундан ташқари, яна менинг йигитим ҳам бор, — деди Рэйс.

— Ҳа, ўзингиз айтгандай, “сизнинг йигитингиз” ҳам бор.

— У профессионал қотил, — деб таърифлади Рэйс. — Бу бизга маълум. Лекин иккинчи томондан, ҳеч тасаввур қилолмайдиман Линнет Доилни ўлдириш унга нега керак бўлганини. Бутунлай бошқа-бошқа муҳит кишилари улар.

— Балки, — Линнет бу одамни фош қилувчи бирон сирни тасодифан кўриб қолгандир?

— Бўлиши мумкин, лекин ишониш қийин.

Эшик тақиллади.

Важоҳатли бесўнақай Флитвуд дам Рэйсга, дам Пуарога шубҳаланиб қаради.

— Мени қўрқитмоқчимидинглар?

Пуаро уни таниди: бир марта унинг Луиза Бурже билан гаплашиб турганини кўрган эди.

— Ҳа. — жавоб қилди Рэйс. — Кеча пароходда қотиллик содир бўлганини билсангиз керак, албатта?

Флитвуд тасдиқ маъносида бош ирғаб қўйди.

— Бизга шу нарса маълумки, кеча отиб ўлдирилган аёлни сиз ёмон кўрар экансиз.

Флитвуднинг кўзларида ваҳима учқунлари чақнади.

— Ким айтди сизга?

— Чунки миссис Доил сизнинг бир қиз билан бўлган муносабатингизга қаршилиқ кўрсатган экан.

— Биламан бунини сизга ким айтганини — анави гийбатчи француз қиз айтган. Сизга жавобим шу: у қиз ёлғон айтган, гирт ёлғончи у.

— Қизиқ, сиз унинг нима деганини билмай туриб, мунча куйиб-пишиб рад этиясиз айтган гапини?

Зарба мўлжалга тегди. Флитвуд қизариб кетди ва сўлагини ютди.

— Нега бўлмаса бировларнинг ишига тумшук тикади ўша мадам?

— Айтмоқчисизки, миссис Доил сизларнинг ўзаро муносабатингизга аралашган, шундайми? Лекин сиз билсангиз керак — қонун ўша қўш хотинли одамни жазога тортади.

— Менинг ишим бутунлай бошқача эди. Мен маҳаллий қизга уйлангандим. Бу никоҳ ўрнига ўтмайди. Қолаверса, у мени ташлаб, ўз қишлоғига кетиб қолган. Уни олти йилдан бери кўрмайман.

— Шунга қарамй, сиз — уйланган ҳисобланасиз.

Флитвуд индамади.

— Миссис Доил, — деб гапида давом этди Рэйс, — (у пайтда ҳали у мисс Рижуй эди) хотинингиз борлигидан хабар топган — тўғрими?

— Ҳа, билиб қолибди, лаънати! Ким айтибди унга, бировларнинг ишига тумшук тикқин, деб! Мен Мэри билан яхши яшаб кетармидим. Унинг ҳамма айтганларини қилган бўлардим. Агар бекаси тумшук тикмаганида, Мэри хотиним борлигини билмасди ҳам. Ҳа, жин урсин мени, ўша мадамни ўлгудек ёмон кўриб қолгандим; кейин унинг бошдан-оёқ дуру гавҳарларга безаниб, кемамизга виқор билан мамнун кайфиятда чиқиб келганини кўрганимда, яна юз чандон ёмон кўриб қолдим уни — ахир у менинг ҳаётимга раҳна солган эди-да. Лекин ўзи ўша қилмишини аллақачон унутиб юборган бўлса керак. Агар сиз мени қотил деб ҳисоблаётган бўлсангиз, янглишасиз! Мадамни мен отмаганман. Унга қўлимнинг учини ҳам теккизмаганман. Қасам ичишим мумкин.

У жим қолиб, оғир-оғир нафас ола бошлади, қора терга чўмди.

— Кеча кечаси соат ўн икки билан икки ўртасида қаерда эдингиз?

— Ўрнимда ухлаб ётган эдим, бунини ҳамсоям тасдиқлаши мумкин.

— Текшириб кўрамиз, — деди Рэйс бош ирғаб, — Кетишингиз мумкин.

— Хўш? — деди Пуаро Флитвуд кетиб, эшик ёпилганидан кейин. Рэйс елкасини қисиб қўйди.

— Унинг гапида мантиқ бор. Тўғри, у асабийлашди, бу табиий ҳол. Айтган далилини текшириб кўриш керак, гарчи бу бизга ҳеч нимани ойдинлаштирмаса ҳам. Ҳамсояси ухлаб ётганида Флитвуд сездирмай чиқиб кетган ва ҳеч кимга кўринмай қайтиб келган бўлиши мумкин. Суриштириб кўриш керак, биронта одам кўрмадимикин уни.

Эгнига кулранг нафис шоҳи қўйлак кийган миссис Аллертон чекиш хонасига шошиб кириб келди. У хафа кўринарди.

— Қандай даҳшат, — деди у креслога ўтираркан. — Ҳеч ишонгинг келмайди. Шоду хуррам ҳаёт кечириши учун ҳамма нарсаси бўлган шундай латофатли жувон ўлиб ётса-я. Мен бунга ишона олмайман.

— Тушунаман сизни, мадам, — деди Пуаро хайрихоҳлик билдириб.

— Сизнинг шу пароходда бўлганингиз қандай яхши, — деб самимият билан гапида давом этди миссис Аллертон, — сиз топасиз айбдорни. Мен анави шўрпешона галати қизда айб йўқлигини эшитиб хурсанд бўлдим.

— Сиз мадемуазел де Белфортни айтяпсизми? Ким айтди сизга, унда айб йўқ, деб?

— Корнелия Робсон, — деди миссис Аллертон хиёлгина жилмайиб. — У боши билан шўнғиб кетибди бу мудҳиш воқеага. Назаримда, биринчи марта кўраётган бўлса керак бундай қиёмат можарони, кейин бутун умр эслаб юради буни.

Миссис Аллертон Пуарога ўгирилиб жим бўлиб қолди.

— Узр, кўп гапириб юбордим. Сиз мендан бирон нимани сўрамоқчимидингиз?

— Агар қарши бўлмасангиз. Мадам, сиз ухлагани қачон ётдингиз?

— Роппа-роса соат ўн яримда.

— Дарров ухлаб кетдингизми?

— Ҳа, жуда ҳам уйқум келганди.

— Эслаб кўринг, бутун тун мобайнида ҳеч нима эшитмадингизми?

Миссис Аллертон диққатини жамлаб ўйга толди.

— Назаримда, бир нима шалопагандай бўлди, яна, кимдир югуриб ўтди — ё у ёққа, ё бу ёққа. Бу тушимда бўлдими ё ўнгимда — яхши эслолмайман. Кимдир сувга тушиб кетди, деб ўйладим, уйғониб кетиб, қулоқ сола бошладим, лекин ҳаммаёқ тинч эди.

— Билмайсизми, соат неча бўлган эди ўшанда?

— Йўқ, айтолмайман. Аниқ билмагандан кейин тахминан айтмаган яхши.

— Бизга айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

— Йўқ, шекилли.

— Сиз илгари учрашганмидингиз мадам Дойл билан?

— Йўқ. Тим таниш эди у билан. Мен унинг тўғрисида қариндошим Жоанна Саутвуддан эшитган эдим, лекин ўзим у билан биринчи марта Асвонда танишдим.

— Ижозат берсангиз, мадам, сизга яна битта саволим бор.

Миссис Аллертон ожизона жилмайиб деди:

— О, мен ўша махсус саволни интизор бўлиб кутяпман.

— Унда эшитинг. Сиз ёки қариндошларингиздан биронтаси мадам Дойлнинг отаси Мелуш Рижуэйнинг молиявий таъсирида ҳеч қандай моддий зарар кўрмаганми?

Миссис Аллертон таажжубда қолди.

— Э, йўқ! Бизнинг оилавий сармоямиз табиий тарзда камайди... Биласизми, ҳозир ҳамма ерда аввалгига қараганда камроқ фоиз тўлайдиган бўлишган. Бизнинг қашшоқлашувимизга четдан ҳеч қандай жиддий таъсир бўлмаган. Эримдан бизга арзимаган пул мерос қолганди, ҳаммаси тўла-тўкис сақланмоқда.

— Миннатдорман, мадам. Илтимос, бизга ўғлингизни айтиб юборсангиз.

Миссис Аллертон қайтиб борганида, Тим ундан сўради:

— Тергов тугадими? Энди навбат менга келгандир? Нималарни сўрашди?

— Ўтган кечаси бирон нима эшитдингизми, деб сўрашди, холос. — деди миссис Аллертон. — Лекин мен, афсуски, ҳеч қандай ёрдам беролмадим уларга. Нега бундай бўлди, ҳайронман. Ҳолбуки, Линнетнинг каютаси меникидан атиги бир каюта нарида эди. Ўқ овозини эшитишим керак эди. Борақол, Тим, сени кутишяпти.

Пуаро миссис Аллертонга берган саволларини такрорлади. Тим жавоб берди:

— Мен барвақт ётдим, соат ўн яримда бўлса керак. Бир оз ўқидим, кейин чироқни ўчирдим.

— Шундай кейин ҳеч нима эшитмадингизми?

— Йўқ. Кўзим кетган экан... кейинроқ қандайдир шовқин, югур-югур бошланди, кимдир Фанторани чақирди.

— У мадемуазел Робсон бўлган — салондан чиқиб чақирган.

— Ҳа, бўлса бордир. Кейин ҳар хил овозлар эшитилди, кимдир палубадан чопиб ўтди. Сўнг шалоплаган товуш эшитилди. Яна, кекса Бесснер кимгадир: “Эҳтиёт бўлинг, шошилманг!” — деб бақирди.

— Сиз шалоплаган товуш эшитдингизми?

— Ҳа, менга шундай туюлди.

— Унинг ўқ овози эмаслигига аниқ ишонасизми?

— Эҳтимол, ўқ овозини ҳам эшитгандирман. Назаримда, кимдир шампан виноси очгандай бўлди. Балки, у ўқ овози бўлгандиру менга шалоплаш бўлиб эшитилгандир; биласиз-ку, бу ассоциация — шиша тиқини отилиб чиққанида қадаҳларга вино шилдираб қуйилади... Уйку аралаш, одамлар салонда вақтичоғлик қилишаётгандай, майхўрлик ухлашимга ҳалал бераётгандай туюлди менга.

— Кейин-чи? Яна бирон нима эшитдингизми?

Тим ўйланиб қолди.

— Кейин Фантора каютасида анчагача ғимирлаб юрди, ҳеч тинчимасди.

— Кейин-чи?

— Кейин ухлаб қолдим.

— Бошқа ҳеч нима эшитмадингизми?

— Ҳеч нима.

— Миннатдорман сиздан, мосье Аллертон.

Тим туриб чиқиб кетди.

*Давоми бор*

## **АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!**

Журналимизнинг 2008 йилнинг навбатдаги сонларида қуйидаги асарлар билан танишасиз:

М.К.ГАНДИ (Ҳиндистон). **Менинг ҳаётим.**  
Жеймс ЖОЙС (Ирландия) **Улисс саргузаштлари.**  
Фарҳод ЖИЛОН (Хитой) **Маҳмуд Кошғарий.** *Роман.*  
Сидни ШЕЛДОН (Англия) **Ажал тегирмони.** *Роман.*  
Луис БОРХЕС (Аргентина). **Ҳикоялар.**  
Самуил АЛЁШИН (Россия). **Йўқ, ўлмайман мен буткул.** *Драма.*  
Илғор ФАҲМИЙ (Озарбайжон). **Актриса.** *Қисса.*  
Болеслав ПРУС (Польша). **Фиръавн.** *Роман.*  
ПРЕМЧАНД (Ҳиндистон). **Севги инъоми.** *Роман.*  
Харуки МУРАКАМА (Япония). **Шамол кўшиғини тингла.** *Роман.*

Булардан ташқари, Фарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»** журналига обуна йил бўйи давом этади.

**Индекс:**

**Якка тартибда – 828.**

**Ташкилотлар учун – 829.**